

Ma'rifat

1999

3

68-ЙИЛ ЧИҚИШИ

Адабий-ижтимоий
журнал

Бош муҳаррир
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати

Омон Мухтор,
Бахтиёр Карим,
Ихтиёр Ризо,
Юсуф Файзулло,
Мурод Мансур,
Икром Отамурод,
Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон,
Асад Дилмурод

Жамоатчилик кенгаши

Нуриддин Зайниев,
Холмуҳаммад Нуруллаев,
Адҳам Каримов,
Раҳима Ҳакимова,
Аҳмад Турсун,
Қуронбой Матризаев,
Наби Жалолиддин,
Илҳом Восиев,
Бахтиёр Асадов

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ
ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЖАМҒАРМАСИ


* * *


*Сен менинг бобомсан — Хотира,
Сен менинг момомсан — Қадр.
Бир узун йўллар-а... Хотира...
Бир узун йўллар-а... Қадр...*

*Ғалвирак дунёнинг доғлари
Пупанак боғлайди рахтма-рахт.
Хотира — канглумнинг тоғлари,
Қадр — канглум суянган дарахт.*

*Вужудимда оқар улпанглаб
Умиддан то армонга қадар.
Хотира — мен-да, бир чулпангман,
Мен-да, бир новдангманг — Қадр...*

Икром Отамурод





Бу куннинг гами

Баҳодир Абдурахимов

САҒЪАТ ВА БУ КУННИНГ МАЪНАВИЙ

Жамиятнинг маънавий ҳаётида ижтимоий онг шаклларида бири ҳисобланган санъатнинг аҳамияти беқийсдир. Санъат жамият тараққиётига муттасил равишда таъсирини утказди. Чунки санъат кенг маънода инсоншуносликдир. Ҳар қандай санъат асарининг марказида инсон туради. Инсоннинг ботиний — руҳий олами, унинг табиатга, жамиятга муносабати ва умуман фаолияти санъатнинг предметини ташкил этади.

Маълумки, инсон тарбияси, унинг маънавий юксала бориши мураккаб ва куп қиррали жараёндр. Ана шу жараёнда бошқа жуда куп омиллар қаторида санъат алоҳида урин тутади.

Санъат узининг турли-туман қуринишлари билан бадиий-эстетик қадриятларнинг асосини ташкил этади. «Қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли булган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи лозим».¹ Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга булиб, бундан бадиий-эстетик қадриятлар ҳам мустасно эмас.

Жамиятнинг маданий даражаси, маънавий муҳитнинг кучли ва барқарорлиги жамият аъзоларининг бадиий-эстетик онги нечоғлик ривожланганига ҳам боғлиқ. Уз навбатида шахснинг эстетик онги у мансуб халқнинг, миллатнинг гузаллик ҳақидаги тасаввурлари, эстетик диди, эстетик тарбия анъаналари негизида шаклланади. Шу жиҳатдан эстетик тарбия бобида миллий маданият, миллий санъат узгача аҳамият касб этади. Миллий санъат руҳида тарбияланган шахсда миллий эстетик онг таркиб топини натижасида унда миллий узи-узини англаш, миллий ифтихор, миллатпарварлик ва ватанпарварлик каби туйғулар камол топади.

Кишидаги эстетик диднинг шаклланишига ҳам, нарса ва ҳодисаларни эстетик баҳолаш қобилиятининг усишига ҳам унинг тугма қобилиятлари (санъатнинг у ёки бу тури буйича лаёқат, истеъдод) билан бир қаторда ижтимоий муҳитда тарбияланган эстетик онг замин ҳозирлайди.

Маълумки, эстетик онгни шакллантириш эстетик тарбия орқали амалга оширилади. Эстетик тарбиянинг, бошқача айтганда, гузаллик туйғусини тарбиялашнинг асосий воситаси санъатдир.

Санъат ижтимоий борлиқни акс эттирувчи ижтимоий онг шакли, уз навбатида моддий базисга фаол таъсир қиладиган устқурмадир. У ижтимоий борлиқни узига хос усулда акс эттирар экан, демак оламини билишнинг ҳам узига хос воситасидир.

¹ Туланов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т.; «Ўзбекистон», 1998. 12—13 б.

Санъат бадий образларда ифодаланган ва дунёни билишга қаратилган тафаккурдир.

Билиш объектив борлиқни илмий-мантиқий ва бадий-образли узлаштириш шаклида кечади. Фаннинг объекти билан санъат объекти бир. Аммо, фан ва санъат учун дунёнинг моҳиятини очиб усули ҳар хил. Биричиси тушунчалар билан иш курса, иккинчиси бадий образлар билан иш куради, мақсад эса воқелиқни акс эттиришдир.

Юқорида таъкидланганидек, санъат предмети инсон, унинг табиатга, жамиятга булган муносабати, унинг ижтимоий-сиёсий фаолиятдан иборат. Ҳар бир санъат асари доимо маънавий фаолият натижаси, инсон томонидан борлиқнинг маълум бир томонларини билиш, одамнинг борлиққа руҳий муносабатини, унинг фикрлари ва ҳисларини ифодалашдан иборат. Санъатнинг жамият ҳаётида тутган урни унинг дониший (билиш), ғоявий-тарбиявий ва эстетик вазифалари билан белгиланади.

Фан инсон онгига ва унинг манфаатларига боғлиқ булмаган оламни у қандай мавжуд бўлса, уша тарзда олиб урланади. Санъатда кишиларнинг манфаатлари уз аксини топганлиги сабабли борлиқ шу манфаат кузгуси орқали инъикос этилади. Санъат инсоннинг ҳиссига ва ақлига таъсир қилишни, унга маълум билим беришни, ҳодисаларга маълум нуқтаи назардан баҳо беришни мақсад қилиб қўяди. Санъат асарларида борлиқ бадий образларда акс эттирилади. Образ бевосита ҳиссий қабул қилинади.

Санъат ижтимоий ҳаёт билан, унинг ривожланиш йуллари, тарихи ва муайян вақтдаги аҳволи билан ҳам бизни таништиради. Бошқа кишиларнинг фикр-туйғулари, уларнинг ҳаётидаги курашлар, уларнинг ҳаёти тарихи, шахслар ва жамият олдида турадиган муаммоларни ҳал қилишнинг имкониятлари, шахснинг бошқа кишилар билан муносабатлари — буларнинг ҳаммаси санъат асарларида озми-кўпми ифодасини топади.

Санъат ғоявий вазифани ҳам бажаради. Бадий образ борлиқни инъикос эттирибгина қолмайди, балки у маълум нуқтаи назардан тасвирланган, баҳоланган борлиқнинг образидир.

Санъаткор воқелиқда гузаллик ёки хунуқлик сифатларини, фожелик ёки комизмни куради ва буларни узининг эстетик идеалига мос келадиган ёки мос келмайдиган тарзда баҳолайди, қўллаб-қувватлайди ёки инкор этади.

Бадий асар узида худди шундай баҳони мужассам этгани учун ҳам санъаткор уз эстетик идеалига мослаб ҳаёт ҳақиқатини очади, шу сабабдан санъат асарлари кишиларнинг онгига, ҳиссига маълум ғоявий йўналишда таъсир қилади.

Санъат инсоннинг борлиққа эстетик муносабатининг энг ғойий нуқтаси экан, санъатнинг дониший ва ғоявий вазифалари унинг борлиққа эстетик муносабатидан ажралган ҳолда юзага чиқмайди. Санъаткор маҳорати воқелиқдаги мазмунни қандай шаклга сола билишида намоён бўлади. Зотан, мазмуннинг ифодаси булган шакл гузал бўлмоғи керак.

Демак, санъатнинг вазифаларидан яна бири — унинг эстетик вазифасидир.

Эстетик вазифа санъаткор дунёқараши билан чамбарчас боғланган унинг таркибий қисми булган бадий қарашларни, эстетик дидни, эстетик ҳис ва эстетик қобилиятнигина эмас, инсоннинг борлиққа муносабатини ҳар томонлама тарбиялашдир. Санъат ҳаёт дарслиги бўлмоғи лозим. Санъатнинг дониший ва ғоявий вазифалари шу бош мақсадга бўйсунди ва унинг ёрдамида намоён бўлади.

Санъат вазифаларини бадий образ орқали амалга оширади. «Санъат образлар воситасида фикрлансиз» деган машҳур иборанинг заминида санъатга хос икки жиҳат ёрқин қуринади. Яъни: а) санъат асари образлилик асосига қурилади, санъатнинг бош фазилати образ яратишдир; б) санъатда ҳам «фикрлаш» — донишийлик мавжуд. Шунга кура, санъат асари кишида ҳиссиёт, туйғу билан бир қаторда фикр ҳам уйғонади. Санъат асари бизнинг онгимизга ва юрагимизга таъсир курсатиб, уларда уз изини қолдиради. Биз бир вақтнинг узида ҳам англаймиз, ҳам ҳис этамиз, таъсирланамиз. Бизда пайдо бўлаётган ижобий ёки салбий ҳиссиётлар айни вақтда бизда мавжуд эстетик баҳо мезонидан дарак беради. Биламизки, ҳар бир санъат тури уз «тили»га, уз ифода воситасига эга. Агар мусиқанинг «тили» товуши, оҳанги булса, тасвирий санъатнинг «тили» — бўёқ, ҳайкалтарошлик «тили» — топш, ганч, ёғоч ва ҳоказо. Санъат

турлари «тили»нинг ранг-баранглиги уларни «тушуниш», идрок этишда ҳам хилма-хилликни талаб қилади.

Бадий образ — кашфиётдир. Кашфиёт эса воқеликдаги ҳали бизга маълум бўлмаган томонларни очиндир.

Санъат инсон маънавий дунёсига таъсир қила олиши унинг объектив борлиқни инъикос эттиришнинг алоҳида шаклига эга эканлиги, унда воқелик санъаткорнинг эстетик идеали нуқтаи назаридан бевосита ҳиссий идрок этадиган шаклда умумлаштирилиши билан боғлиқдир.

Бадий образнинг биринчи белгиси унинг яққалиги, аниқлиги ва яққоллигидир. Бадий образнинг хусусиятларидан яна бири — у воқеликда тайёр ҳолда учрамайди, балки шу объектив борлиқдаги мазмун билан санъаткор ижодий фантазиясининг бирикиши жараёнида яратилади.

Образ бизнинг кўз унгимизда фақат узига хос характер белгилари, ҳаёт йўли, шахсий фикрлари, одатлари бўлган яққалик сифатида намоён бўлади. Шу билан бир вақтда худди шу яққаликда ифодасини тонади.

Образ яратиш санъаткор томонидан воқеликни умумлаштириш ва бадий тўқима орқали амалга оширилади. Ижодий фантазия эстетик идеални бадий образда мужассам этишнинг зарурий шартидир.

Эстетик идеал мукамал гузаллик ҳақидаги тасаввурдир. «Санъатда инъикос этилган ижтимоий идеал «эстетик идеал» деб аталади.¹

Ҳаёт ҳодисаларини бадий образларда умумлаштирадиган санъаткор бу ҳодисаларни жун қайд этмайди, балки уларга манфий ёки мусбат муносабатда бўлиб, уларни баҳолайди. Воқелик санъаткор унинг эстетик идеали нуқтаи назаридан гузаллик ёки хунуқлик деб баҳоланади. Бу баҳо санъатнинг ижтимоий-сиёсий нуқтаи назари, дунёқараши билан боғлиқдир. Санъаткор узининг эстетик баҳосида воқеликдаги объектив эстетик хусусиятларни акс эттиради ёки бўлмаса узининг эстетик идеалини образли ифодалайди, Айтайлик, Пиримқул Қодиров ва Равил Ботировлар «Сенинг изларинг» филмида Зулайҳо ва Искандарни ҳаёт ҳодисалари орқали тасвирлар экан, улар томошабинларнинг ҳам ўз қаҳрамонлари каби дунёқарашига, фетл-атворга, ахлоққа эга бўлишларини истайди, орзу қилади, шунга ундайди. Демак, ўз эстетик идеалини баён этади. Шундай экан, бадий образ билишнинг натижасигина эмас, билишнинг санъаткор томонидан гоъвий ҳиссий баҳоси ҳамдир.

Эстетик идеал асарнинг образли қурилмасида турли усуллар билан ифодаланади. Бу усуллардан бири идеални ижобий қаҳрамон образида мужассамлаштиришдир. Шу сабабли ҳам ижобий образ эстетик идеални элтувчи дейишади. Аммо воқеликдаги фақат ижобий ҳодисалар — гузалликкина эмас, шу билан бирга, хунуқлик ҳам санъат объекти бўла олади ва ҳар қандай инкор этиш эстетик идеал манфаатига хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам биз қуйида асосан бадий адабиёт, театр, мусиқа, тасвирий санъат воситасида эстетик тарбиялаш масалаларига тўхталамиз.

Санъат ва ижтимоий онгнинг бошқа шаклларидаги идеаллар алоқадорлиги образда эстетик идеални мужассам этишга имкон беради, бу идеалнинг реал аҳамиятга эга бўлишини таъминлайди. Масалан, сиёсатда борлиқ ҳодисалари сиёсий идеал орқали, ахлоқда — ахлоқий идеал орқали баҳоланади. Санъатда эса сиёсий идеал ҳам, ахлоқий идеал ҳам эстетик идеалга вобаста намоён бўлади. Демак, санъат предмети ахлоқ предметидан кўра кенгроқ, уни ўз ичига олади, Санъат асарининг ажойиб хусусиятларидан бири инсоннинг маънавий дунёсига таъсир қила олишидир. Бу хусусият санъатдаги эстетик ва ахлоқий идеалларнинг бирлигига асосланган.

«Санъат санъат учун» тарафдорлари бадий образ мазмунида ахлоқий идеялар бўлиши мумкин эмас, чунки санъатдаги асосий нарса «соф гузаллик», чиройлилик деб ҳисоблайдилар. Инсон гузаллигини ахлоқдан ташқарида олиб қараш тўғри эмас. Чунки, ахлоқий ноқислик ҳеч қачон гузаллик бўлолмайди.

Қадим замонларда пайдо бўлган Широқнинг жасорати ҳақидаги афсонани бизнинг давримизгача етказган омил Широқнинг ватанпарварлиги. Ватанпарварлик эса, ҳамма замонларда ҳам ахлоқий гузаллик сифатида улуғланган.

Қизиги шундаки, ҳаётда тўб ижтимоий ўзгаришлар рўй берган шароитда кўпинча

¹. Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т.: 1980, 136 б.

гоясизликни тарғиб этиш майллари пайдо булиши кузатилади. Хусусан, октябр тунтаришидан кейин юзага чиққан «санъат санъат учун» оқими бунга мисол була олади. Шунингдек, 80-йилларнинг охири ва мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида айрим ижодкорлар, адабиётшунослар ва санъатшуносларнинг бадиий ижодий маҳсули гоё учун эмас, бирор мафкурага хизмат қилиш учун эмас, балки руҳнинг озиги булиш учун яратилиши лозим, деганга ухшаш нуқтаи назарларни баён қилишлари ҳам уша ақиданинг бошқа бир тарзда намоён булиши эди.

Вахоланки аслида, муайян нуқтаи назардан, тамойилдан, гоёдан маҳрум бирор-бир санъат асари булиши мумкин эмас. «Сир эмас, баъзан беозоргина булиб туюлган музика, оддийгина мултфилм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодалангани», дейди Президентимиз Ислом Каримов «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобда.»¹

Демак, ижодда кенг маънодаги эстетик идеалдан холилик ҳақида гап булиши мумкин эмас экан. Аксинча, яратилаётган асарларимизда халқимиз маънавиятига мос миллий гоё ёрқинроқ акс эттирилиши лозим. Айниқса, бир томондан, мустабид шуро замонларининг мафкуравий таъсиридан қутулиш, миллий тикланиш жараёни кетаётган, иккинчи томондан, истиқлолимизни қуролмайдиган кучларнинг таҳдидлари мавжуд булган бир шароитда кишиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим воситаси булган санъат асарларига барқарор миллий гоёнинг сингдирилиши муҳимдир.

Чунки, Президентимиз таъкидлаганидек «Гоёга қарши фақат гоё, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олиниш мумкин».²

Биз ҳозир миллий тикланиш даврини бошимиздан кечирмоқдамиз. Бу жараёнининг муваффақиятли кечиши ва пиروардида кузланган мақсадга эришиш учун нафақат илмий-техникавий жиҳатдан, балки маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам, гузаллик туйғусининг баркамоллиги жиҳатдан ҳам узимизни тутиб олган булишимиз керак. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий — маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир».³

Мустақил мамлакатимизда маънавиятни юксалтиришга қаратилган тадбирлар қаторида халқимизнинг бадиий-эстетик онгини устиришга алоҳида аҳамият берувчи Президентимиз фармонларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини таъкидлаб ўтиш керак. Жумладан, мамлакатимизда Бадиий академиянинг ташкил этилиши, янги Расомлик ва дизайн институтининг очилиши, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасини, «Ўзбек рақс» миллий рақс ижодий бирлашмасини, «Ўзбектеатр» бирлашмаси ва «Ўзбекмузей» жамғармаларини тузиш ҳақидаги Президент фармонлари, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қушиқ-танловини мунтазам ўтказиш ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси қарорлари мамлакатимизда қушиқчилик, театр ва рақс санъатининг равнақи-га кенг йул очиб берди. Мазкур тадбирлар халқимизнинг бой ва гузал санъатини кенг миқёсда тарғиб этишга, кишиларимизни, айниқса ёш авлодни кўп асрлик мумтоз санъат намуналари билан бир қаторда замонавий санъат турлари билан ошно қилишга имконият яратди.

Бу айни пайтда истиқлолга эришган мамлакатимизда ижод эркинлигини таъминлашга, ижодий жараёндаги қолиплардан, андозалардан, коммунистик ақидапарастлик занжирларидан халос булишга, социалистик реализм методининг якка ҳокимлигидан қутулишга, санъат асарларини халқ учун, халқона анъаналар асосида яратишга қулайликлар туғдирди. Қонун устивор булган, демократик тамойиллар ҳукм сураётган давлатимизда цензура бекор қилинган. Адабиёт ва санъат асарлари бадиий баркамоллиги, гоёвий йўналиши, теран мазмун-моҳияти билан инсонпарварлик, дустлик, биродарлик, ватанпарварлик, эзгулик ва гузалликка шайдолик сингари юксак инсоний фазилатларни шакллантиришга хизмат қилиши керак.

¹ Хуррият. 1998 йил, 10 июнь.

² Хуррият. 1998 йил, 10 июнь.

³ И. А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий — ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т.: 1995, 46 б.



Орзудаги муҳаббат ҳақида қўшиқ...

*Дилимда яшардинг, муҳаббат,
Мен буни билардим, билардим.
Маргилонни яхши билмасам ҳам
Отабек мисоли юрардим.*

*Ишонар эдим, мен, бир куни
Маргилон боришим-севишим...
Ушанда... сувгами чиқар... деб,
Мен қанча кутганим, Кумушим...*

*Хаёлан гоҳ кулиб, гоҳ сулиб,
Маргилон томонга тортар жон.
Юлдузлар пойида ўлтириб
Эртақлар айтганда Андижон.*

*...Улғайдим, ҳаёт не билдим, мен,
Умидлар ёр бўлди йўлимда.
Маргилон қайда деб изладим,
Севгилим-Кумушим кўнглумда.*

*Сўнг бир кун... ўкириб йиғладим,
Маргилон йулидан қайтаркан.
Шамоллар рўмолча тутдилар
Кўнглумга таскинлар айтаркан.*

*Маргилон, Маргилон, топиб бер,
Топиб бер, севгилим — Кумушим...
...Мен билан Маргилон йўғ экан,
Наҳотки, Зайнабни севишим?!.*

*Йўқ, йўқ, кўксимда бир олам —
Мен ўша диёрдан келмасман.
Эй ҳаёт, қўй мени, қийнама,
Севгимни ўзгага бермасман.*

*Мен билган Маргилон кўксимда,
Кўксимда мен билган Кумушим...
Зайнабим бўлса ҳам ёнимда,
Қўймасман мен уни севишим...*

*Кумушим, мен билан Кумушим!
Кумушим, мен билан Кумушим!*

Соғинч

*...Ярим тунда қийнайди мени,
Андижонга юр, дея юрак.
Зим-зиё тун қайга борамиз,
Тушун, тонгни кутишим керак?!*

*«...Ярим тунда чиқиб кетаман,
Андижонга буриб йўлимни.
Тонг чоғида кириб бораман.*



Минҳожиддин
Мирзо

ЮЛДУЗЛАР
ЭНЦИКЛОДИ
КЎКДА
МУЎЛТИРАТ



Шаббодалар ўпар қўлимни:
— Унутмабсан Онажонингни.
— Соғиндингми Андижонингни?!
— Ахир, мен...
— Ахир, мен... Бобур эмасман...»
...Очдим кўзим, мижжаларим ёш,
Яна нени кутишим керак?!
Юрагимда меҳмон экан-ку
Анда жони қолган бир юрак...

Сехрли кеча

Ой тўлиб боқади кўқдан дунёга,
Юлдузлар ўйнайди гирёна бўлиб.
Тушди у чўмилмоқ бўлиб дарёга,
Тўлқинлар ўйнади қучоғи тўлиб.
Қамишлар титради, аста шитирлаб,
Соҳилда кўринди йигит, мунис қиз.
Юлдузлар энтиқди кўқда мўлтираб,
Ой нари кетмоқчи бўлдию сассиз...
Эртақлар чин бўлди, ширин, сирли тун,
Пок эди бегубор икки ёш ўйи,
Уларни чўчитиб юбормаслик-чун,
Ой қайтиб чиқмади сувдан тун бўйи...

Майсалар шивирлаб исмингни айтди...

Майсалар шивирлаб исмингни айтди,
Қизгалдоқ «келди» деб чалди кўнгироқ.
О, менинг бахтларим ўзимга қайтди,
Армонлар тарк этди, чекинди фиरोқ.
Киприкка югуриб чиққан томчилар,
Йироқдан бўйингни кўргани ҳамон,
Юрақдан суюнчи олгани шошди,
Севганинг келди деб, қайтди, деб, омон.
Сен келдинг, юрагим сарпойчан бола
Мисоли қоқилиб чопди қошингга.
Офтоб-чи, ўғлига топгандай келин,
Атлас рўмолини солди бошингга.
Кўзларим, кўзларим етим юлдуздай,
Осмон деб отдилар ўзин кўзингга.
Юрагим ё ҳаёт, ё мамот, дея,
Умидвор турарди айтар сўзингга.
Сен-чи, сен адашган қалдирғоч мисол,
Наво деб билмадинг умрим куйини.
Мангуга тарк этдинг, кулмади иқбол,
Чарх уриб айлангач кўнглум уйини...

Андижон бу — сизсиз, онажон

Дарахт тўкар япроқларини
Йўқ, тўкмайди, шамол тортқилар.
Билмам, шу кез маънос дарахтнинг
Танасида недир зирқиар?!
Ғариб мисол яланғоч шохлар
Эслаб ҳар тонг япроқларини,
Шамолларга инсоф тилайди,
Яширолмаи титроқларини.

Ҳасрат билан кўкка кўз тикар,
Алвидо дер хазон барглари.
Ҳар кузақда қайта бошланар,
Унутилган унинг дардлари.

Шамол эса, тузғир хазонлар,
Тақдир-қуюн, қилар чирпирак.
Шу ўйларни битаркан, ногоҳ,
Санчиб-санчиб оғриди юрак.

Азим дарахт япроғи ҳарчанд
Интилса-да, қайтолмас унга.
Онам — дарахт, мен-чи баргмасман,
Нима бўлди, дўстларим менга?!

Тугамас-ку, ахир, юмушлар,
Дўст бўлдими, менга баҳона?!
Ахир, имкон ҳар вақт топилар,
Фарзандман, деб юрибман яна...

Гарчи қуюн, турса-да довул,
Гарчи йўлим тўсса буронлар,
Агар йўлга отланар бўлсам,
Ҳатто тинар, ёғаётган қорлар.

Сиз ҳар тонгда кутасиз мени,
Ҳар субҳидам кутар Андижон.
Соғинмасдан қандай яшадим,
Андижон бу — сизсиз, Онажон?!

Соғинч билан, довов ортида
Эслаб мендек «япроқ»ларини.
«Болажоним соғмикин?» дея,
Сездирмайди титроқларини.

Отланаман, кўзда ёш билан,
Келдим... келдим, йўқ энди фироқ...
Онам сочим силаб эркалар,
Тиззасида ям-яшил япроқ...



...ИШОНДАН
НИШОН
БЎЛДИ
БЎТТИ

Ишонмасман

*Ёрга айтар дил сўзимни саболарга ишонмасман,
Юракдан дўст аталган дилраболарга ишонмасман.*

*Маниким, ул маликам суврати жон ичра битгондур,
Они, жонимдан айру жонфидоларга ишонмасман.*

*Гар ул хуршид, дастим етмагай чўзгон билан кўкка
Ва лек, жон ичра жонимни самоларга ишонмасман.*

*Кўриб баҳра, қаю жон сажда қилмиш ул кўёшимга,
Манингдек жонфидо йўқ, муддаоларга ишонмасман.*

*Садафдир кўкрагим, дурдона янглиг ул ниҳон анда,
Онинг кўйида юрган минг гадоларга ишонмасман.*

*Сигиндим ўтқа, излаб васлини Оллоҳга юзландим,
Бари ҳамду санаю илтижоларга ишонмасман.*

*Аё, Қурбон, ушал дилдор мадҳ-сози қулогингда,
Бўлак таърифи ёрдин куй-наволарга ишонмасман.*

Чаман қилғил

*Кел, эй кўнглум, Ватан бағрини ҳиммат-ла чаман қилғил,
Дилингда элга хизмат қилмоғинг ҳар дамда шаън қилғил.*

*Муҳаббат чашмасидин нўш қилурга истагинг бўлса,
Нигоҳинг тўқ қилу баднафс хуморингга кишан қилғил.*

*Шу тупроқ танга жон берган, шу эл бурро забон берган,
Шудир бошингга тож, тую ҳашамда анжуман қилғил.*

*Қилар эрсанг мұяссар бұлмоқ орзу ұз муродингга,
Дилинг поклигидан арш-аъло сари йўл-расан қилғил.*

*Қилиб жисмингни қалқон, кипригинг наштарларини саф,
Ватанга қасд қилар ким, кўксига найза-тикан қилғил.*

*Аё, Қурбон элу халқингга наъфинг тегмаган чоги,
Қаро ерни қабр қилу осмонни кафан қилғил.*

Висол куни

*Ойми ул, юлдузми, билмам, қаҳқашон бўлди бугун.
Кўзларим равшан кўриб, ёқти жаҳон бўлди бугун.*

*Лолани кўрдим, ажиб, товус мисол минг товланар,
Дўстларим, умримда илк ишқдан нишон бўлди бугун.*

*Мен нетай, ақлим йўқотдим, бир париваш учратиб,
Найлайн, умримда мушкул имтиҳон бўлди бугун.*

*Айрилиб қолмоқдин энди кўрқаман, кўп кўрқаман,
Бир боқиб, жонимни олди, меҳрибон бўлди бугун.*

*Ҳолим энди не кечар, эрк-ихтиёрим андадир,
Ғамларим, ҳижрону ташвиш бир жаҳон бўлди бугун.*

*Оҳларим бир учқуни офтобга тушса куйдирар,
Тан нечук анга чидаш бергай, гумон бўлди бугун.*

*Навниҳол, сенга савол бул, ошкор эт не дилда бор,
Дунё Қурбон олдида сиру ниҳон бўлди бугун.*

Дутор

*Томчи кўз ёшдан яралгандирмусен, дутор, ё,
Бунчалик мунг сенга бахш этган ўшал ду тор ё?*

*Андалибдек нола қилдинг, то саҳар уйғотмадинг,
Олганиданму сени кўксига гулрухсор ё?*

*Айлаган банд қалбими оҳанг била тор сеҳрими,
Айт, менга ёр севгисин қилмоқдами изҳор ё?*

*Хушнавот эрдинг мудом, нечун бу чоқ дилхунсен,
Етдимикин ғайридин ёр кунгуга озор ё?*

*Водариг, бермай жавоб, сайрашни бас қилдинг нечун,
Жуфт қулоғингдин бураб, мақр ўргатар дилдор ё?*

*Сен ишонма, лаҳзалик бахтдир бу, ёрда ҳийла кўп,
Дам кунгулни хушлатар, дам ўзга айлар зор ё?*

*Бўйнингга сиртмоқ солиб бул дам илар деворга,
Бўйла жабру зулмига ёлғиз ўзинг иқрор ё?*

*Сабру тоқат ҳам садоқатингга Қурбон лол эрур,
Булганингдан ўзга қўлда, яхшимикин дор ё?*

Эсга тушар

*Ҳар саҳар уйгонганим, ул илк висол эсга тушар,
Кўзларим очмай ҳамона қирмиз рўмол эсга тушар.*

*Тонг билан жисмим ёниб, бағримда қон қайнар менинг,
Боиси, ёронларим, офтобжамол эсга тушар.*

*Кун бўйи шул ёрнинг ишқи билан масту аласт,
Тунлари юлдуз санаб, қоши ҳилол эсга тушар.*

*Куйдириб ҳижрону зор, хаста илондек чўлганиб,
Икки севган дил нечун бўлди увол, эсга тушар.*

*Йўқ ҳаётнинг лаззати, дилдан муҳаббат ҳасрати,
Лолазорнинг завқи йўқ, чашми зилол эсга тушар.*

*Дўстларим кўнгул берар, не-не жононлар дил берар,
Не қилай, бари абас, товус мисол эсга тушар.*

*Энди Қурбон, бир умр дардингни елга айтасен,
Йўқ-ку дилнинг малҳами, соҳибжамол эсга тушар.*



Султон Жаббор

*СОҒИНЧДАН
ДИЛ
ЎРТАНИБ*

Келар

*Умид билан яшайман, албат, қора қош келар,
Ғам булут тарқалиб, бошимга қуёш келар.*

*Соғинчдан дил ўртаниб, чекай ҳажрида нола,
Меҳри ийиб ҳол сўраб, бағри бўлсин тош, келар.*

*Малҳам қўяр дардимга, кўкка бошим етар, ё.
Нозланиб куйдиргани ҳам шўху бевош келар.*

*Ҳаёт асли муаммо, кимга юки қора тоғ,
Кимнинг бахтин кулдириб, ёри ҳам ювош келар.*

*Ёрнинг меҳру қаҳрини чекмаган ошиқ эмас,
Келса басдир, кўзимга хурсандликдан ёш келар.*

Дўстона кўл чўз

*Чиқишмайсан гоҳида ўзинг ўзинг билан,
Бир-бирига мос тушмас сўзинг сўзинг билан.*

*Кўриб ҳар хил ранг, шакл, уй-хаёлинг чалғир,
Баҳолашда яқдилмас кўзинг кўзинг билан.*

*Хайриятки бахтига кўзгу каби дўст бор,
Қандоқ юз кўришарди юзинг юзинг билан.*

*Ким кўрсатса мурувват ўзи бебаҳра қолмас,
Оқласанг, бас, сен ичган тузинг тузинг билан.*

*Меҳр билан дўстона кўл чузишга шошил,
Умр ўтказма режа тузинг-тузинг билан.*

Дил ғарибдир

*Бу чаманнинг сендан ортиқ барноси йўқ,
Барноси йўқ умрларнинг маъноси йўқ.*

*Яратганнинг санъатига минг тасанно,
Ундан улуг, меҳрибону доноси йўқ.*

*Ҳуснинг хаста юрагимнинг қуёшидир,
Хазон этма, нурдан ўзга давоси йўқ.*

*Тарафкаш йўқ ҳусн бозорида сенга,
Харидорлар аро мендан гадоси йўқ.*

*Сенга ўзим юксак баҳо қўйиб лолман,
Бу жаҳоннинг ишқдан огир савдоси йўқ.*

*Кўнгулнинг кўрки акс этар гул жамолингда,
Сен қоғоз гул эмас, буйи, сафоси йўқ.*

*Умид билан яшар Султон, гадоси ҳам,
Дил ғарибдир гар ўз куйи-навоси йўқ.*



Жура Фозил

БУХОРО ЭЛЧИСИ

ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА

1747 йилда Бухоро хони Абулфайзхон Муҳаммад Ҳақим оталиқнинг ўғли Муҳаммад Раҳим томонидан улдирилди. Абулфайзхоннинг ўғли Абдулмумин хон этиб қўтарилди. 1748 йилда у ҳам қатл этилиб, урнига укаси Абдулла (Убайдуллохон III) тахтга чиқди. Лекин Бухоронинг инон-ихтиёри улуг амир Муҳаммад Раҳим қўлида эди.

Орадан кўп ўтмай Убайдуллохон III ҳам Муҳаммад Раҳим томонидан улдирилди ва шу билан Бухорода аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги тугади. 1753 йилга келиб Муҳаммад Раҳимхон Бухоронинг қонуний ҳукмдори бўлиб олди, манғит амирлари сулоласига асос солинди. Хонлик амирлик деб юритила бошланди.

Хонлар, амирлар тож-тахт учун қанча қон тўқмасинлар, ҳаёт ўз измида давом этар, турли мамлакатлар билан савдо, элчилик алоқалари ривожланиб борарди. Савдо қарвонларининг Чину Рум, Ҳиндистону Хуросон, Россия ва Сибирь томон кети узилмасди. Бу пайтга келиб Россия империяси тахтида Елизавета Петровна¹ утирарди. У ақлли ва хушкўнгил, лекин шу билан бирга пала-партиш, чўрткесар аёл эди. У Европанинг янги нафасини ўз ватанининг кўҳна қадриятлари билан бирлаштира олганди.

Елизавета ҳукмронлиги даври Россия иқтисодий ҳаётининг ривожланиш палласига тўғри келди. Рус заводлари армия ва флотни қурол-яроғ билан тулиғича таъминлай бошлади. Саноат корхоналари ва ҳунармандларга ҳукумат яхши ёрдам курсатарди. Ишчиларга яхши хизматлари учун офицерлик унвонлари берилар, оғир саноатни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари учун ҳунарманд-муҳимлар олий насл-насабга эга булардилар. Рус нефтини Европага сотиш бошланганди. Узоқ Шимолда аслзолаларнинг иссиқхоналарида жануб тансиқ неъматлари етиштирилди.

Башанг кийинишни хуш қуралиган Елизавета Россияда ишлаб чиқарилган аёллар кийим-кечаги ва безаклари Европаникдан аълороқ бўлишини истарди.

Россия ва Бухоро ўртасида савдо алоқалари авжида, бозорларда олис, совуқ улқадан келтирилган сувсар ва тулки териси, кумуш ва қалай буюмлар харидоргир, ўз навбатида бухоролик савдогарларни қўшлаб рус шаҳарларида учратиш мумкин эди. Рус боёнлари баҳмал, туркман гиламлари, лаъл, ёқут, шоҳи-атлас, қуруқ мевалар, зарғарлик буюмларини бажонидил харид қилинар, савдогарлар уларга турли Шарқ мамлакатларидан олинган асл моллар ҳам етказиб берардилар.

¹ Елизавета Петровна — Петр I нинг қизи. Кичик сшдаги Иван VI Антоновични тахтдан ағдариб, сарой тунтариши натижасида 1741 йилда ҳокимиятгни эгаллаган. Украин казакларидан бўлиб, сунтра граф унвони берилган. А. Г. Разумовский билан 1744 йилда никоҳдан утган. Елизавета подшоҳлиги даврида М. В. Ломоносов томонидан Москва дорифунуни ташкил этилган.

Бухоро савдогарлари ёшликдан бир неча тилни, яроғ ишлатишни, неча ойлаб чулма-чул, саҳрома-саҳро юриш машаққатларига бардош беришни билишарди. Улар танги, уз сузининг устидан чиқадиган одамлар булиб, андаккина шарқона қувликлари ҳам йўқ эмас эди.

Бой савдогар Мақсудбий хонадонида туғилиб, тарбия олган Эрназар ҳам бадавлат, кўп юрларни курган обру-этиборли тижоратчилардан эди. Эрназар Мақсуд 35 ёшлардаги, кенг елкали, бугдойранг, қоп-қора соқол-муйлови узига ярашган, хушхулк, ғоят ақлли, кўп юртларга сафар қилиб, Бухоронинг ноёб атласу кимхоблари, зару зеварлари, ажойиб мевалари, ҳар қандай аёл ақлини шоширувчи тақинчоқлари савдосини йўлга қўйиб мол-давлатини бисёр қила олган тadbиркор одам эди.

Эрназар Мақсуд муҳожирлик юришларида рус тилини яхши урганиб олган, боён ва амалдорлар, подшоҳ сарой аъёнлари, вилоятлар ва улкаларнинг губернаторлари билан дуст тутинганди. Улар бу дилкаш, ваъдасига доим вафо қилувчи, қўли очик савдогарни ҳурмат қилар, яхши қурардилар. Бухоронинг янги ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон бежиз уни ҳузурига чақириб, Москвага элчи булиб боришни таклиф қилмаган эди...

* * *

Бухорода бодом гуллади. Деҳқонлар ташвиши бошланди. Савдогарлар сафар тардудига тушдилар, бозорлар қизитандан-қизиди. Подшоҳ амри вожиб — Муҳаммад Раҳимхоннинг таклифини рад қила олмаган Эрназар Мақсуд Москва сафарига тайёрлана бошлади. У укалари ва хизматкорларига 40 туя асл моллардан ҳозирлашни буюрди. Узи саман йўрғасини миниб, Ромитандаги мулкига жўнади.

Бу мулк Зарафшон дарёсига яқин жойда булиб, сув йўллари жуда қулай, ерлар унумдор эди. Эллик танобчаси узумзор ва урикзор, қолгани экиладиган майдонлар, Ҳасан корфармонинг¹ ҳалоллиги, тadbиркорлиги туфайли мулк ҳар йили яхшигина фойда берар, боғбонлар ҳам, ижарага ер олиб ишловчилару хизматкорлар ҳам мамнун эдилар. Эрназарбек улар билан ҳисоб-китобда гирромлик қилмас, яхши ишлаганларга доимо мурувват курсатар, туй-маъракасига қарашар, совға-саломини аямас эди.

Боғ жуда сулим, чор атрофини ади чинни тераклар қуршаб турар, турфа гуллар, олма, урик, беҳи, анор, анжир, бодом ва ёнғоқлар раста-раста қилиб экилган, ариқларда сувлар шарқираб оқар, ҳаво иссиқ кунларда улкан толлар соясидаги салқин сарҳовуз ҳавоси жонга ором бахш этарди. Ҳаво беҳад қизиган ёз ойларида Эрназарбек оиласи билан шу чорбоғда дам оларди. Болалар боғда жуда қувнашар, энг хилват гунада сақланаётган охулар уларнинг эркатойлари эди.

Эрназар Мақсуд салқин сарҳовузда ёнбошлаб, ҳисоб-китоб ишларини бажарар, баъзи-баъзида Бухоронинг казо-казолари билан кунгулхушлик қилар, ҳамма яқдиллик билан боғни, бекнинг лидини мақтарди.

...Эрназарбек боғига етиб келганида кун чопғоҳ булиб қолганди. У отдан туниб, жиловни хизматкорга тутқазган ҳам эдики, қўлида гулқайчи — Ҳасан корфармо пешвоз чиқди.

— Ассалому алайкум, қадамингизга ҳасанот! — деди у тавозе билан.

— Ваалайкум ассалом, хушвақт булингиз! — жўлмайди бек қўлидаги совға-саломни узатар экан. — Хуш, Ромитанда не янгиликлар?

— Янгиликлар хуб: уша, Қорақуз атаган оҳунгиз болалабдур. Мана, пойқадамингизга бодом гуллабдур, — деди Ҳасан корфармо ҳужайинини қийғос гуллаган дарахтлар томон бошлаб.

Улар боғнинг туридаги сурига утириб юзларига фотиҳа тортидилар. Бек бир муддат суқланиб бодом гулларига тикилди, муаттар ҳиддан ҳузурланди. Сунг энди уйғонаётган бошқа дов-дарахтларга нигоҳ ташлади. Ҳут қуёшининг илиқ нурларига тўла боғ илоҳий манзара кашф этганди.

— Э-эх, — деди бек чуқур тин олиб, — агар тижорат ишларим булмаганида бир умр шул ерда яшар эдим.

— Кошки эди, бизни шул бахтга муяссар этсангиз, — деди Ҳасан корфармо.

— Йўқ, бу мен учун бир армон, холос. Яқинда яна Масков сари жўнайдурман. Маслаҳатлашгани келдим.

Ҳасан корфармо илдам урнидан турди. Хизматкорлар дастурхон олиб келишганди. Дастурхонга иссиқ нон, катта қашқари косада қаймоқ, қорамайиз, ниста-бодом қўйилди. Корфармо чой қўйиб узатди.

Бек чойдан бир ҳўплаб, суз қотди:

¹ Корфармо — иш юритувчи

— Урганча углингиз Ҳалимжон неча ёшга кирди?

— Худо хоҳласа шу йил савр ойинда 23 га кирадур, бек, — деди Ҳасан корфармо жиддий бир гап борлигини сезиб.

Эрназарбек гапни чузиб утирмади:

— Шу Ҳалимжонни ихтиёримга берсангиз, Масков сафаринда ҳамроҳ этсам. Менга ишончли одамлар керак. Углингиз сафар баҳона юрт курадур, кузи шишадур, ҳам турт-беш танга ишлайдур.

— Угил-ку, угил, сиздан жонимизни-да аямағаймиз! — деди Ҳасан корфармо хужайиннинг илтифотидан хурсанд бўлиб.

Эрназарбек ишга билам иссиқ топ, қаймоқ еди, қорамайиздан тогинди ва ненидир эслагандай шундай деди:

— Карвон учун уч қоп бодом, уч қоп майиз ҳозирлангиз. Уруслар, айниқса урус аёллари бул неъматларни бағоят хуш курадурлар. Московда бозори жуда чаққон.

Дастурхонга фотиҳа уқилди. Бек суридан туниб деди: — Энди мени Қорақуз ҳузурига бошлангиз. Янги меҳмонни курайлик-чи.

Қорақуз қароргоҳи боғ адоғидаги хилват гушада эди. Боласини эмизатган жонивор савла-чопонли кишиларни куриб безовталанди, қулоқларини диккайтириб, сурмасо кузларини олазарақ қилди, ҳавони ҳиллади. Бироз фурсат утгач, уз хужаларини таниб, хотиржамланди, жигаргүшасининг юмшоққина танини ялай бошлади. Лекин бечоранинг кузлари ҳамон жовдирарди. Янги туғилган оҳуча чиройли, мунчоқдекки-на эди.

Эрназарбек оҳучанинг кузларига тикилди. Кузлар етилиб шиппан олудек, четларига усталик билан сурма тортилган эди гуе. Бу кузлар ҳам хуркиб боқардилар.

Бек негадир гамгин тортди. Оҳучанинг кузлари. Ё худо, кузлар ҳам шу қадар гамгин буладурми?

Эрназарбек ёмон туш куриб уйғонгандек бирлан сесканди, оҳуларнинг гамгин кузларидан нигоҳини олиб қочиб, Ҳасан корфармога юзланди:

— Энди бу жониворларни тузукроқ боқингиз. Оҳуча тезроқ катта булсин...

Бекнинг кайфияти бузилганди, турт мучаси соғ булса-да, юраги симиллаб оғриётгандек туюларди. У шунчалар юрт кезган, дуненинг кун мамлакатларини кўрган савдогар булагуриб, ҳар доим узоқ сафар олдидан қандайдир гамгин ҳислар оғушида қолар, Бухоро, онаизори, хотини, бири-биридан ширин фарзандлари билан булажак айрилиқни эслаб қийналарди. Дарёю денгизлар, даштү саҳролар она карвонни манзилга элтиб, мурод ҳосил қилиш, сўнггида она юртга эсон-омон қайтиш осон иш эмасди.

Савдогарлик касбининг паст-баландини яхши билган онаси углига ортиқча хархаша қилмас, сафар олдидан унга оқ фотиҳа бериб, кунглини кутарар эди.

Бу гал ҳам шундай булди. Ромитандан қайтган Эрназарбек онасининг ҳузурига кириб, Масков сафарига ҳозирлик кураётганини, икки ҳафтадан сўнг йўлга чиқишини айтди. Онаси уни узундан узун дуо қилиб, узига омад, ишига ривож тилади.

Орадан рошпа-роса икки ҳафта утгач, Эрназарбек фарвони эрта тонда Ҳазрати Имом дарвозасидан чиқиб, Бухорони тарк этди. Савдогарлар от-туяларда, яхши қуролланган соқчилар эса отлиқ эдилар. Эрназарбек ўзи билан уч хизматкори ва Ҳасан корфармонинг угли Ҳалимжонни бирга олиб кетаётганди.

Карвон бир неча ҳафта оғир йул босиб, Урганч чули, Устюрт саҳроси, Ҳазар денгизини ортда қолдириб, Ҳожитархон шаҳрига етиб келди. Бож-хирож расм-русумлари бажо келтирилгач, карвонсаройга жойлашиб, дам олдилар, сув, озиқ-овқат захираларини тулдирдилар, ҳаммомга кириб узларини тартибга келтирдилар.

Карвон Ҳожитархонда уч кун турди. Эрназарбек бир неча рус дусларининг хонадонига совға-салом билан кириб чиқди.

Сўнгра Волга дарёси, Нижний шаҳри орқали савр ойининг урталарида Московга етиб келдилар.

Москов уларни ҳар галгидай гавжум, олағовур, от-арава, извон-файтонлар, ёғоч йулкалар, топ ётқизилган шовқин-суронли майдонлар, маст-аласт қийқириқларга тула майхоналар, қувноқ апулалар билан кутиб олди.

Эрназарбек шериклари, хизматкорлари билан Бухоро қурасига жойлашди. Ювиниб, тараниб, оҳорли кийимларини кийгач, узининг ҳар галги шипнам, яхши жиҳозланган хонасини эгаллади. Хизматкор келтирган квасни ҳузур қилиб симириди ва қилажак ишлари режасини туза бошлади. Молни сотиш, саранжомлаш, янги мол харид қилиш учун кун вақт керак ва бу борада шопилишнинг ҳожати йуқ. Энг аввало подшоҳ Елизавета Петровна қабулига кириш, сўнгра меҳмонга бориши лозим булган хонадонлар ҳақида уйлаш даркор.

Ҳазрати олиялари — Елизавета Петровна

Орадан бир ҳафта утгач, Эрназар Мақсуд дустри Дмитрий Иванович ва бошқа нуфузли аъёнлар, сахийлик билан берилган қимматбаҳо совғалар ердамида Россия ҳукмдори Елизавета Петровна қабулига киришга муваффақ бўлди.

Елизавета Петровна Бухоро элчиларини Кремлнинг Грановитая палатасида қабул қилди.

Олтин, мрамар-у барқутларга бурканган кенг ва гоят серҳашам боргоҳ сарой аъёнлари, мулозиму соқчилар, турли мамлакатларнинг элчилари билан гавжум.

Олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар билан безатилган тахтда узун қора барқут куйлак кийган, 42—43 ёшлар чамасидаги оқ, лўппи юзли, тулагина аёл — подшоҳ Елизавета Петровна утирибди. Унинг баланд турмакданган сочини ёқут кузли турноғич безаган. Нигоҳидан қатъиятли, чўрткесар одам экани билинади. Тахтнинг унг ва чап томонларида саройнинг энг нуфузли аъёнлари саф тортиб туришибди.

Элчилик маҳкамаси бошлиғи ҳар бир сузга алоҳида ургу бериб эълон қилди:

— Бухоро амири Муҳаммад Раҳимхон ҳазратлари элчиси Эрназар Мақсуд жаноблари!

Эрназарбек бир неча қалам олдинга юриб, подшоҳга таъзим қилди-да, хоннинг ишонч ёрлигини тонширди.

Грановитая палата сув куйгандек жим бўлиб қолди. Элчилик маҳкамаси бошлиғи Бухоро элчилари олиб келган совғаларни номма-ном айтиб, намойиш эта бошлади:

— Ҳазрати олиялари Елизавета Петровнага зарбоф куйлак ва камзул, зар ковуш, тўққиз жура барқут, тўққиз жура шоҳи, ун турт мисқол лаъл, бир жуфт туркман гилами, хитойи чиннвор... — Муҳаммад Раҳимхоннинг пешкаши амирона ва мул эди. Табиийки, Елизавета ҳам Бухоро ҳукмдорини қуруқ куймасди, чунки подшоҳлар уртасидаги пешкаш ва совға-саломлар ўша пайтларда савдо-сотиқнинг ўзига хос бир тури эди.

Елизавета совғаларни мамнуният билан қабул қилиб, миннатдорчилик изҳор этгач, элчига мурожаат этди:

— Муҳаммад Раҳимхон ҳазратларининг соғлиқлари яхшими? Эштитишимча Бухорода арзончилик, осойишталик ҳукмрон эмиш. Мамлакат тинч, обод булса, фуқаронинг ҳам, ҳукмдорнинг ҳам бахти.

— Ўзтиборингиз учун ташаккур, ҳазрати олиялари. Улуғ амиримиз Муҳаммад Раҳимхон ҳазратларининг соғлиқлари жуда яхши. Сизга купдан-куп салом топширишимни сурадилар. Ҳақиқатан ҳам ҳозир бозорларимиз сероб, савдогарларимиз хориж сафарларини қанда қилмайдилар. Хунарманд ва косибларнинг аҳволи ҳам бирмунча яхшиланди.

— Эронийлар энди Бухорога тажовуз қилишмаяпти шекилли? — суради Елизавета.

— Йўқ, ҳозир тинчмиз, худога шукур, — деди Бухоро элчиси.

Елизавета ҳар бир мамлакат элчисини қабул қилишдан олдин аъёнлари, айгоқчилари орқали ўша давлат ва унинг элчиси ҳақида куп нарсаларнинг билиб олишга ҳаракат қиларди. Шувалов унга Эрназар Мақсуднинг насл-насаби, бойлиги, шу кунгача Москвада кимларнинг уйида меҳмон булганди-ю, нима еб, нима ичганигача айтиб берганди.

Елизавета элчига синчков назар ташлади. Симобий салласи қорамағиз юзига ярашиб турган, тугмали қора мовут чакмон, баланд пошна этиги бежирим, чиройли. «Ҳа, ҳақиқатан ҳам аслзода, яхши йигитга ухшайди» ўйлади подшоҳ. У суҳбат мавзуини кескин ўзгартириб, элчига мулозамат қилди:

— Яхши жойлашиб олдингизми, сиздан хабар олиб туришибдими?

— Ташаккур, элчилик маҳкамаси бизни бир дақиқа ҳам ўзтибордан четда қолдиргани йўқ, — деди Эрназарбек.

Муҳаммад Раҳимхоннинг шоҳона совға-саломлариданми, ёинки Россия тож-тахти валиаҳд шаҳзодаси умиди энди ҳақиқатга айланаётганиданми, ҳар қалай Елизавета Петровнанинг кайфи чоғ эди. У тахтнинг унг ва чап томонларида саф тортиб турган аъёнларига назар ташлаб олгач, шундай деди:

— Жаноб Эрназарбек, Москва гузаллари суҳбати сизни чарчатиб қуймадими? Негадир бу жин ургурлар сизни мақтаб тилларидан бол томади-я. Нима бало, Бухоро йигитлари шунчалар уқтамми?

Одатда, подшоҳлар ва элчилар уртасида бундай очиқ-ойдин суҳбат камдан-кам бўлади. Шу боисдан, Эрназарбек қандай жавоб қайтаришни ўйлаб бир муддат жим

қолди, подшоҳга тикилди. Елизаветанинг қулиб турган кузлари унинг хайрихоҳлигини билдирарди. Бундан дадилланган Эрназарбек жилмайиб жавоб берди:

— Нафақат Москва гузаллари, балки барча москваликлар суҳбати биз учун кунгилли. Бухоро йигитларига келсак, улар ҳеч бир юрт йигитларидан кам эмас, ҳазрати олиялари!

Элчининг жавоби подшоҳга ҳам, аъёнларга ҳам манзур бўлди шекилли, боргоҳда шивир-шивир бошланди, айримлар бош иргиб қуйинди.

— Маъқул, — деди Елизавета ҳамон кузлари қулиб, — хун, бухоролик уқтам йигитнинг, Муҳаммад Раҳимхон элчисининг бизга қандай арзи бор экан? — бу ҳазил-мутойиба тугаб, суҳбат яна расмий тус олганини билдирарди.

Эрназарбек фикрларини бир ерга жамлаб, суз бошлади:

— Ҳазрат, отангиз буюк Пётр I замонларида Ҳожитархон орқали Ҳаж сафаридан қайтаётган савдогарларимиз бир номақбул иш қилинган ва Бухоро фуқароларининг Россия орқали Маккатуллоҳга боришлари таъқиқланган эди.

Эрназар Мақсуд шу сузларни айтиб, узидан аввал элчи булган Хонқули тупчибошини эслади...

* * *

1714 йил, сунбула. Чошгоҳ. Кузак қуеши гавжум бозору расталар, тимлар, тоқ-у гумбазлар узра нур сочади, нилий қошинлар ёғдусидан товланаётган Бухороини шарифни яхшироқ томонга қилиш учун тобора баландлайди. Қайроқтош ётқизилган кучаларни тўлдирган одамлар қаёққадир шошалар, ҳаммоллар, аравакашлар тинмай бақириб-чақирадилар, баққоллар молларини мақтаб, харидор излайдилар.

Гала-ювур Регистон узра юксалган хон саройи — Арк жуда сокин, сержилва тирамоҳ пурвиқор иморатлараро узини йўқотиб қўйгандай туюлади.

Бухоронинг ёш ҳукмдори, аштархонийлар сулоласидан булган Абулфайзхон шифти ниҳоят баланд, ганчори, салқингина хонада парестиқларга ёнбошлайди. Этнида енгил зарбоф ятак, бошида симобий салла, қошлари чимирилган, қора, куркам соқоли узига ярашган. У онда-сонда нақшинкор эшикка куз ташлаб қўяди.

Остонада эшик оғаси пайдо бўлди. У хонга таъзим бажо келтиргач, шундай деди:

— Амри муборакингизга мувофиқ Хонқули тупчибоши ҳазратлари келдилар, киришга изн сурайдилар.

Хон маъқуллагандек бош қимирлатгач, урнидан туриб серҳашам курсига бориб утирди.

Эшик оғаси яна таъзим қилганча чиқиб кетди. Хонага қизғиш соқолли, барваста, 35—36 ёшлар чамасилаги зарбоф тун устидан туқали камар тақиб олган, оқиш юзи иссиқдан анча бугриққан киши кириб хонга таъзим қилди. Хон унинг саломига алиқ олди-да, рўпарасилаги курсига ишора қилди.

— Хун, тупчибоши жаноблари, тану жонингиз сиҳатми? Лашкарнинг кайфияти қандоқ?

— Ташаккур, аъло ҳазрат! Меҳрибонлигингиздан сарафрозман. Лашкарнинг кайфияти жойида, ҳарбу-зарб сирларини яхши урганмоқда. Тупчиларимиз тайергарлиги давом этаётир. Янги милтиқлардан отишни манқ қилдирадурмиз, — деди анча равон туркий тилда тупчибоши.

— Боракалю, Хонқули жаноблари! Биз сизни вазири ҳарб кутариб, янглишмагон эрканмиз. Мана, энди сарой одами бўлиб қолдингиз, энди хизмат важҳидан бизга истаклар борми? — деди хон ҳамсуҳбатига синчков бир назар ташлагач.

Хонқули тупчибоши — асли рус зобити Пётр Родиков — хунёр тортди. У гоят ақлли, вазиятни тезда англаб олиб, шунга монанд иш қурадиган анчайин жасоратли киши эди. Хоннинг муҳим иш учун чақиртирганини дарҳол фаҳмласа ҳам суҳбат маромини узгартирмаслик учун деди:

— Хизмат важҳидан дезрли камчилик йўқ, фақат лашкарнинг қалъа ташқарисинда, чулда утказатургон хомаки жанглари вақтини бироз узайтирсамми, деб уйламоқдаман. Чунки янги қуруллар...

Хоннинг чехраси ёришди.

— Бу хусусда ихтиёр узингизда. Мен лашкар эҳтиёлларини билиб, айрим имтиёзлар бермоқчи эрдим. Замон нотинч, лашкар туқ булгани маъқул. Маълумингизким, бу йил бож-хирож, ҳосил ёмон булмади. Шу важҳдан хазиначига лашкар сарф-харажатига ажратилатургон пулни бир ярим ҳисса оширишга фармон берадурман, — деди у салмоқлаб.

Абулфайзхон ёшлигидан урушлар, фитналар, суиқасд-у исёнлар орасила усган,

отаси Субхонқулихоннинг Хива хони Анушахон билан жанглр олиб боргани, шаҳар кун маротаба босқинлардан жафо чекканини яхши билар, ҳатто акаси, Балх ҳокими Сиддиқ Муҳаммад падари бузрукворига қарши қўшин горггани уни даҳшатга соларди. Шу боисдан, барча исён-у босқинларга қарши қалқон турадиган лашкарга айрича эътибор қилар, қўшин бош қумондонининг урис зобитидан тайинланиши ҳам бежиз эмасди. Лекин ҳозир у тулчибошини бугунлай бошқа мақсадда чақиртирган эди, мақсадга кўчди:

— Ҳожитархондаги¹ одамимиздан хабар келди. Ҳаж сафариндан қайтатурган фуқароларимиздан икки савдогар бандаргоҳда кишанбанд этилиб, Урусия пойтахтидаги зиндонга жунатилибдурлар. Уларга Рум² мамлакати фойдасига ҳуфялик қилиш айби қуйилибдур. Қаҳри қаттиқ Оқ подшо — Пиётур уларни осиб улдирувга ҳукм этибдур. Бу икки ҳожи гуноҳқорми, гуноҳсизми, буниси бизга қоронғу, бунни аниқламоққа фурсатимиз ҳам йўқ. Агар пошилинич талбир белгиламасак, ҳар икки муслим қони тукилур ва бу Бухороий шарифнинг мусулмон дунёсидаги обрӯ-эътиборига пуғур етказадур. Биз қандай булмасун, уз фуқароларимизни ҳимоя қилишимиз даркор. Сиз пошилинич сафарга ҳозирлик кўринг. Урусия пойтахтига менинг элчим бўлиб борурсиз. Пиётурдан ҳар иккала бандининг гуноҳларини сураб оласиз. Мен оқ подшога нома битдим, уни урус тилига утиринг. Узингизга яхши ҳамроҳлар ташлапг. Совғасаломни мулроқ олинг. Урус боёнлари Бухоро тунларини хуш кўрадурлар. Пиётур ҳарбу зарб одами. Унга олтин сопила бир шамшир, яхши аргумоқ пешкаш қилинг. Подшонинг аҳду аёли, сарой аъёнларига алоҳида-алоҳида тортиқлар беринг. Токи илтимосимиз ерда қолмасун. Икки кундан сунг савдогарлар қарвони йўлга тушадир. Уз одамларингиз билан ушаларга қўшилсангиз, яхши булгуси.

— Бандиларнинг жазосини енгиллатиш учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Петербургдаги, саройдаги таниш-билишларни ишга соламан. Ҳақиқатан ҳам рус амалдорларининг қулфи-диллини очадиган энг яхши калит — қимматбаҳо совға. Улар айниқса, моможурғоти тиллосига жуда ўч, — деди Хонқули тулчибоши.

— Ҳазиначи ҳамма талаб-истакларингизни бажо келтирадур, — деди Абулфайзхон. — Худо ёр булсин!

Хонқули таъзим қилиб, хонани тарк этди. У гарданидаги вазифа гоят оғирлигини, золим ва уҳар Пётр маҳбуслар учун афвнома сураш — аждаҳо комига бош суқуш билан баробар эканини яхши биларди. «Начора, — хурсинди у, — ҳамонки номинг Хонқули ва сенга ишонилар экан, бу ишни бажаришинг керак». Табиатан жасур, иродали бу одам зиммасига юкланган ишни бажармасдан қўймасди.

Хонқули совға-салом, озиқ-овқатларни от, туяларга юклаб, мулозимлари ва соқчилари билан савдогарлар қарвонига қўшилди.

Илиқ куз тонгларининг бирида Бухорони тарк этган қарвон Амударёдан кечиб, Хива ва Урганчи ортда қолдириб, Устюрт саҳроси қумликларидан узоқ йўл босиб, Ҳазар бўйига чиқди. Хонқули ва унинг шериклари юкларини кемага ортиб, денгиз орқали Ҳожитархон бандаргоҳига етиб келдилар. Қарвонсаройда бир печа кун ҳордиқ чиқариб яна озиқ-овқат, сув ғамлаб, энди Волга дарёси орқали Москва сари, Москвада бир неча кун булгач эса Петербург томон йўл олдилар.

Россиянинг бепоён кенгликларидида кузнинг жонга тегувчи шилта намгарчилиги, лойгарчиликлари бошланган, қарвон йўлда жуда қийналар, кеча-кундуз куз очирмас совуқ ёмғирлар иссиқ улка фарзандлари булмиш савдогарларнинг тинқасини қуритганди. Улкан қора булутга монанд қалин ўрмонлар ваҳимали шовуллар, йўл ёқаларидаги яккам-дуккам ғариб қишлоқчалар кўнгилга адалсиз бир андуҳ соларди. Савдогарлар, Хонқулининг соқчи ва мулозимлари жуда зеркиб кетдилар. Ҳамманинг бирдан-бир истаги пойтахтга тезроқ етиб олиб, кўнгил хуморини ёзинг эди. Об-ҳаво нақадар расво, йўлда учраётган қишлоқчалар қанчалар ғариб булмасин, рус подшоси билан булажак учрашув қандай кечаркин, деган уй миясини қанчалик кемирмасин, Хонқули — Пётр Радиковнинг юрагидаги ғам шериклариникидан фарқ қиларди, қандайдир ойдин андуҳ эди. Узи бир неча йилдан буён кўрмаган Ватани дийдори уни тулқинлаттирар, йўл ёқасидаги ёмғир ювган оқ қайинлар ҳул сочларини тараётган қизларга ухшаб кетар, йўлларга сочилган заъфарон хазонлар уз новдаларидан ажралиб, оёқ остида хор булганликларидан норизо гичирлардилар.

¹ Ҳожитархон — Астрахань.

² Рум — Туркия

Изгирин кунларнинг бирида карвон кучалари кенг, ҳул ва асосан кулранг тусдаги Санкт-Петербургда етиб келдилар.

Хонқули шериклари билан подшоҳ саройига яқинроқ уйлardan бирига кунди. Ювиниб, тарангач, йул чарчоғига ҳам қарамай, тезда элчилик маҳкамасига жунади.

У шошиларди. Маҳбуслар учун улим ҳукми ижро этилган булиши ҳам, исталган дақиқада ижро этилиши ҳам мумкин. Ахир, биров Хонқули келишини кутиб туринглр, демайди-ку.

Саройга етиб келганида подшоҳ девони мулозимлари уни чоғроққина хонага бошлаб кирдилар... Орадан бир неча дақиқа утгач, Хонқулини Пётр ҳузурига таклиф этдилар.

У кенг, ёруғ хонага қадам қуяр экан, бениҳоя ҳаяжонланарди. Чунки Пётр I номи юракларда ҳам ҳурмат, ҳам қўрқув уйғотарди. Унинг қаҳри каттиқлиги тилларда дoston булган эди. Шундай одам Россияга қарши жосуслик қилганларни афв этармикан?

— Бухоро хони Абулфайзхон ҳазратларининг элчиси Пётр Радиков жаноблари! — мулозимнинг уз номини дoна-дoна қилиб айтганини эшитгач, у фикрларини бир ерга жамлаб, аёнлар қуршовидаги подшоҳга рубару булди ва таъзим қилди. Сунгра хоннинг ишонч ёрлиги ва мактубини тошширди.

Пётр I ёрлиқ ва мактубни тезда куздан кечириб чиқди. Мактуб-Рус подшосининг барча унвону мартабалари бирма-бир саналиб, унинг давлат арбоби, саркарда сифатидаги ишларига юксак баҳо берилиб, икки давлат уртасидаги дўстлик ришталари боғланишига ишонч билдириб, осий бандаларни афв этиш суралганди.

Сарой мулозими Бухоро хонининг Рус подшосига юборган совғаларини бирма-бир санай бошлади:

— Зарбоф тун, асл пўлатдан ишланган, сопи олтин шамшир, бир жуфт қорабайир зотли от, аҳли аёллари учун асл матолардан ун либос, иккита олтин узук...

Совғалар руйхати узун, сарой амалдорлари ҳам ундан қуруқ қолмагандилар.

Жосусларни афв этиш туғрисидаги илтимоснома Пётрнинг қаҳрини келтирган булса-да, сиртига чиқармади. Пётр I асли рус офицери булган Хонқули тўпчибошининг элчилик тарихидан хабардор эди, шунинг учун мийиғида кулди. «Бу шарқликлар кунгил овлашни жойига қўядилар. Элчини танлашни уринлатганлари-чи...»

— Хун, элчи жаноблари, Бухорода қандоқ янгиликлар бор? Дустимиз Абулфайзхоннинг соғлиқлари яхшими? — деди подшоҳ.

— Бухоройи шарифда янгиликлар куп, ҳазрати олийлари. Хон ҳазратлари бардам бақувват. Сизга купдан-куп салом етказишимни сурадилар, — деди элчи.

— Саломат бўлсинлар. Хонлик сарҳадларида тинчлик барқарорланганими? Абулфайзхоннинг оталари Субхонқулихон Хива хони билан узоқ вақт жанг қилганларидан хабарим бор...

— Худого шукур, ҳозир хонликда осойишталик қарор тонди. Хон ҳазратлари допо сиёсат юргизмоқдалар, — деди Хонқули. У номи дилларда даҳшат уйғотадиган Пётр билан суҳбат қовуша қолганидан хурсанд эди.

— Қалъа ҳар қанча мустаҳкам булмасин, уни ичкаридан олиш осон кечади. Агар шаҳзодаларингиз биродарқўншликни бас қилсалар, осойишталик қарор тошади. Темур империяси тарихини эсланг. Шаҳзодалар узаро ёқа буғинмаганларида, шундай буюк давлат парчаланиб кетмасди, — подшоҳ салмоқлаб гапирар, атрофидаги аёнлар унинг айтганларини маъқуллаб турардилар. Шу топда Темур империяси тарихидан сўзлаётган Пётр орадан турт йил утиб, исен кутарган угли-шаҳзода Алексейни узи қатл эттиришини хаёлига келтирганмикан?!

Хонқули подшоҳнинг сўзларини диққат билан тинглр, ҳаракатлари, юз ифодасини кузатар ва у қандай хулосага келар экан, дея ҳаяжонланарди. Элчилик маҳкамаси амалдорлари, граф Апраксиннинг тахминларича жавоб ижобий булиши керак эди. Лекин подшоҳнинг уچار ва чўрткесарлиги, душманларига ниҳоят шафқатсизлиги ҳақида куп эшитган элчи юрагини шубҳалар тўхтовсиз кемириб турарди. Чунки, у топшириқни бажарса Абулфайзхон саройида нуфузи наада ортади, йўқса... Ана шуларнинг ҳаммаси Пётрнинг бир оғиз сўзига боғлиқ булиб турибди.

Жуда куп мамлакатларнинг элчилари билан кун сайин музокаралар олиб боралиган подшоҳ бу борада катта тажриба тўплаган, рақибини доғда қолдиришнинг йўллари яхши биларди. Шу боисдан, гапни узоқдан бошлаган Пётр элчинини обдон сўроққа тутиб, ҳузурлангач, мақсадга кучди:

— Абулфайзхон уз номаларида Туркия фойдасига жосуслик қилган икки фуқаро хунидан кечишимни сўрабдилар...

— Ҳа, ҳазрати олийлари, мен шу ваколат билан ҳузурингизга бош уриб келдим... Биз шу икки осий банда жазосини енгилатишингизни сураймиз, — деди элчи. — Лозим кўрсангиз, уларни ўзимиз жазолашимиз ҳам мумкин.

— Элчи жаноблари, улар Россияга қарши нақадар оғир жиноят қилганликларини биласиз-ку! Биз уларга уз худудимиз орқали Ҳажга бориб-келишлари учун хавф-хатарсиз йул очиб берсагу бу курнамаклар тузликқа тупуришса?! Уларни кечиришга ҳақлиманми мен?! Ватанимнинг ҳар бир душмани менинг шахсий душманимдир! — подшоҳнинг овози баландлади, Хонқули ҳамма иш чаппасига кетмасайди, дея ташвишлана бошлади. У гапиришга оғиз жуфтлаган ҳам элики, подшоҳ суҳбатга яқун ясади:

— Майли, ҳамонки, Абулфайзхон Бухоро номидан шахсан илтимос қилган эканлар, биз Сенатда маслаҳатланиб, бир қарорга келармиз. Нагижасини сизга элчилик маҳкамасида маълум қилишади.

Элчи Петрга миннатдорчилик билдириб, эгилиб таъзим қилди-да, хонадан чиқди.

Уч кундан сунг бандиларни осиб уддириш тугрисидаги ҳукм Сибирь каторгасига алмантирилганини маълум қилишди, элчига эса Санкт-Питер-Бурх қалъасида сақланган маҳбуслар билан учрашиш ижозати тегди.

Уша оқшом Хонқули ижарага олган уйининг энг катта хонасида сарой аъёнлари, элчилик маҳкамаси амалдорлари ва Петербургдаги энг яқин дустлари учун зиёфат уюштирди. Дастурхонга Шарқнинг анвойи неъматлари — қора майизу хандон писта, ширин анорлар, шакар қовунлар, неча йиллар хумларда куч туллаган қаҳрабо янглиғ майлару аччиқ чоғирлар тортилди. Шу билан бирга, Шимол улқасининг тансиқ неъматлари ҳам эсдан чиқарилмади.

Шимол ва Шарқ дустлиги шарафига кутарилган бир неча қадаҳдан сунг қизгин суҳбат бошланди. Хонқули ҳар сузини уйлаб гапирар, шерикларига ҳам шуни тайинлаганди. Чунки у меҳмонлар орасида подшоҳ махфий девони ходими булиши муқаррарлигини, зиёфат тафсилоти Петрга албатта етказилишини яхши фаҳмларди. Шу боисдан, қадаҳ сузида асосан подшоҳнинг саркардалик ва дипломатик маҳоратларини мақтади, афв учун такрор-такрор миннатдорчилик билдирди.

Эртасига у извошга тушиб, авф этилган бандилар билан учрашиш учун Санкт-Питер-Бурх қалъаси томон равона бўлди.

Қалъа Заячыс оролида жойлашган булиб, Жанубий-шарқ томондан серсув Нева, Шимол томонидаги Нева ирмоғи ва баланд тупроққурғонлар билан уралланди. Уз навбатида тупроққурғонлар ҳам сув тўла хандақлар билан ҳимояланиб, тепасига замбараклар урнатилганди.

Хонқули оппоқ елканли кемалар сузиб юрган Нева буйида туриб, қалъанинг баланд деворларини, даҳшат солиб турган замбаракхоналарини томонга қилди. У ҳарбий одам эмасми, қалъанинг ҳимоя воситаларига алоҳида эътибор берди, уларни Бухоро арки билан ҳаёлан таққослади.

Сунгра ҳамроҳлари билан қалъанинг Шарқий томонидаги куприкдан утиб, шаҳзода Иоанн Алексеевич шарафига номланган дарвозага йўналди. Қисқа расмиятчилик тутагач, комендант ҳамроҳлигида қалъа ҳибсхонаси томон жундилар.

Икки еқдан сув билан уралган бу ҳибсхона йўлақларидан рутубат иси келар, темир панжарали яккам-дуккам туйнуқлар орқали Нева тўлқинлари саси эшитиларди.

...Соқчилар соч-соқоллари ушиб, ориқлаб, бир аҳволга тушиб қолган икки маҳбусни ҳибсхона бошлигининг чоғроққина хонасига олиб кирдилар. Бандилар кишанларини шилдираганча хона уртасида гангиб қолдилар. Айниқса, шарқона кийимдаги урусбашара кишининг уларга тикилиб туриши бечораларни тамом довдиратиб қўйди.

Бир неча ойдан бери зах хужраларда кун сайин, соат сайин улимни кутиб ётиш уларни ҳолдан тойдирган, эглари устихонларига ёпишиб қолган, ҳатто неча ёшдаликларини ҳам билиш қийин эди. Шундай булса-да, Хонқулининг тийрак нигоҳи анча нарсани илғаб олди: Узун буйли, елкалари сал букчайган, соқоли мумдай қора, катта-катта қора кўзларида қўрқув аломатлари қоғиб қолгани ҳали қирқ ёшнинг нари-берисида қуринарди. Урта буй, бақбақалари осилиб, юз териси саргайган, кўзлари ичичига боғиб, соқолига оқ оралагани эллик ёшлар атрофида булса керак. «Лекин ана шуниси кўп хароб булибди, кўзларида хунук бир ёлқин бор, юзи саргайган-у, ёноқлари қизил. Сибирга етгунча жон таслим қилиши ҳам ҳеч гапмас», — уйлади Хонқули, кейин маҳбусларга муурожаат қилди:

— Ассалому алайкум, мен ҳамюртларингиз Хонқули тупчибоши буламан. Аҳволларингиз қалай?

Гангиб турган маҳбуслар она тилларида калом эшитгач, бараварига ўкириб юбордилар.

— Ваал... ваалайкум салом...

Йигининг зуридан улар гаширолмасдилар, йирик ёмғир томчиларидек куз ёшлари салқи ёноқларидан сизиб тушиб, пахмоқ соқол-муйловларига осилиб қолар, бу аянгли манзарани кузатиш жуда оғир эди.

Маҳбуслар шу тахлит бир муддат обидийда қилгач, сал узларига келдилар ва Хонқулининг саволларига жавоб қайтара бошладилар.

Ёшроғининг исми Шамсиддин хожи, урта яшариники Юсуф хожи экан. Улар заргарлик буюмлари, турли матолар билан савдогарлик қилишаркан. Юсуф хожининг Боғитурконда каттагина ер-мулки бор экан.

— Ҳожитархондан баҳри Ҳазар орқали юртимизга қайтмоқчи бўлиб турғонимизда бизни кишанбанд этиб, бу ерга олиб келтурдилар. Биз не гуноҳ қилгонимизни ҳам билмайдурмиз, — дейишди улар.

Маҳбусларни тинглаб утирган Хонқули ҳибсхона бошлиғига, милтиқли соқчиларга бирма-бир назар солди ва шундай деди:

— Абулфайзон ҳазратларининг шахсан илтимосларига кура улуг рус подшоси Пётр I ҳазрати олийлари гуноҳларингизни афв этдилар: осув ҳукми Сибирь каторгаси билан алмаштирилди.

Тантанавор оҳангда сузлаётган Хонқули афв хабаридан сунг маҳбусларнинг қувончдан эслари оғиб қолса керак, деб уйлаганди. Йук, ундай бўлмади, хабар яшашга қандайдир умид уйғотган бўлсада, тутқунлар уни маънос бош этиб қаршиладилар, ҳеч қандай шукроналик сузлари ҳам бўлмади. Сирасини айтганда, улар туғри қилдилар. Ахир, дорга тортилганларида бир зумда ҳамма укубатлардан халос булардилар, энди эса минг азоб билан секин-аста маҳв этиладилар. Бу — йиртқич уз улжасини чалажон қилиб, ямлаб-ютишни кейинга қолдиргандай бир гап эди.

Хонқули кўрсиз, гоят хафақон хонада беҳад сиқилаётганини ҳис этди, бу ердан тез кетгиси келди. У маҳбуслардан оилаларига етказиш учун қисқа-қисқа мактублар ёздириб олди-да, ҳамроҳлари билан хонадан чиқиб кетди.

У сон-саноксиз йулак, йулкалар, пиллапоялар ва осма куприклар орқали ўтиб борар, битта-яримта ёмғир томчилар, қора-кўкимтир булутлар шундоққина қалъа кунгуралари тепасида осилиб турарди.

Неванинг югурик тулкилари соҳилдаги харсангтошларга бош уриб, шалошлар, дарё ургасида катта-кичик оққунлардек бўлиб елканли кемалар сузиб борарди. Хонқули дарёдан эсанг шамолга кўксини тутиб, кемаларни бир муддат кузатди. Шу топда исталган кемага чиқиб олиб, узоқ-узоқларга кетгиси келарди...

* * *

Эрназар Мақсуд Елизаветага мурожаат қилиб, сузини давом эттирди:

— Айбдорлар жазосини олди, орадан кўп йиллар ўтиб кетди, лекин уша таъқиқ ҳамон давом этапти. Бу фуқароларимизнинг Ҳаж сафари қилишларида катта тусиқ бўляпти. Ҳазрати олиялари, шу таъқиқни бекор қилсангиз, Бухорои шариф мусулмонларининг жуда кўп дуоларини олган бўлур эдингиз.

Елизавета ёнида турган бояри билан ничирлашиб олгач, шундай деди:

— Яхши. Биз бу масалани Сенатда муҳокама қилиб, Сизга жавобини айтамыз. Уйлайманки, илтимосингиз ижобий ҳал этилади. Яна нима истак?..

— ...Бор, бу ҳам уша илтимоснинг давоми. Ҳамонки, Ҳожитархон орқали Ҳаж йули очилар экан, шу шаҳарда мусулмонлар учун бир масжид қуришга рухсат этсангиз. Ҳожитархондан қўшлаб қарвонларимиз утади, тижорат аҳли учун намоз ўқишга аниқ бир жой бўлса хўп савоб иш-да.

— Биринчи илтимосингиз Сенатда ижобий ҳал бўлса, бунисини ҳам қабул этдик, деб ҳисоблайверинг, — деди Елизавета.

Ҳақиқатан ҳам подшоҳнинг кайфияти бугун жуда яхши, қўшлаб одамларни хурсанд қилгиси бор эди, чамаси. Эрназарбек узи бажариши лозим бўлган иш ниҳоятда қийин ва нозик эканини яхши билар, шу боисдан бу учрашувга пухта ҳозирланганди. Ишнинг бу қадар осон кучганидан у беҳад хурсанд бўлди, лекин сиртига чиқармади. У ҳис-ҳаяжонини дарҳол жиловлай оладиган киши эди. Елизаветага миннатдорчилик билдириб, сиполик билан таъзим қилди.

— Эртага Бухоро элчилари шарафига қабул маросими уюштирамиз. Улуг амир Муҳаммад Раҳим ва Сизларга атаганларимиз бор, — деди Елизавета ва элчилик маҳкамаси бошлиғига юзланди, — шундайми?

— Шундай, ҳазрати олиялари! — жавоб берди маҳкама бошлиғи таъзим этиб.

— Энди элчи жаноблари, бизнинг илтимосларга қулоқ тутсинлар, — деди Елиза-

вета Эрназарбекнинг эътиборини узига қаратиб. — Сиз Ҳиндистон ва Хуросонга тез-тез сафар қилар экансиз. Мен бу юртлардан келтириладиган асл молларни хушлайман. Айниқса, аёлларбоп нарсалар кун булармиш у юртларда. Мени нималар қизиқтиришини элчилик маҳкамаси берадиган руйхатдан билиб оласиз.

Елизавета суҳбат тамом, дегандай ошпоқ, юмшоқ қулини узатди. Эрназарбек эгилиб, бармоқларига қимматбаҳо узуклар тақилган, атир ҳиди анқиб турган қулга назокат билан лаб теккизди. Елизавета мийиғида кулиб қўйди. Доимо уч-туртта жазман орасида юрадиган бу аёл эркакнинг ҳақиқий бусаси нима эканини яхши билади, шу боис сал оғрингандай бўлди.

Эрназар Мақсуд таъзим билан узоқлашди.

* * *

Бухоро элчилари шарафига уюштирилган қабул маросимидан сунг Эрназарбек яна тижорат ишларига шўнғиб кетди. Бухородан олиб келинган асл моллар сотилиб, урнига харидоргир нарсалар олинди. Карвон аҳли, бекнинг гумашталари Москва бозорлари, қарвонсаройларида елиб-югуриб мол айирбошладилар. Бу молларга наинки Бухоро, балки Хуросон, Ҳиндистон бозорларида ҳам талаб катта эди.

Москвада илиқ ёз ёмғирлари бошланди. Эрназар Мақсуд савдо ишларини тугаллаб, Бухорога жунаб кетиш учун элчилик маҳкамасидан изн суради. Маҳқамада элчиларни тантана билан кузатишга тайёргарлик қўра бошладилар. Эрназарбек фурсатдан фойдаланиб, дўст-биродарлари билан бирма-бир хайрлашди.

* * *

Сарой аъёнлари, ташқи ишлар коллегияси, элчилик маҳкамаси амалдорлари Москва сарҳадида Бухоро элчиларини иззат-икром, дабдаба билан кузатиб қолдилар. Елизавета Петровна Бухоро амири Муҳаммад Раҳимхонга шўхона совғалар жунатаётганди. Оренбург генерал-губенатори И. Рейнедорфга Эрназар Мақсуд Елизавета Петровнанинг махсус топширигини бажаратгани, унга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш ва иззат-икром курсатиш тўғрисида шошилинчнома юбортирди.

Эрназар Мақсуднинг карвони Оренбург шаҳрига етиб келганда губернатор И. Рейнедорф бошлиқ амалдор уларни шўхона иззат-икром билан кутиб олдилар. Бухоро элчилари шарафига тушлардан ўқ узилиб, зиёфатлар уюштирилди. Губернатор И. Рейнедорф Эрназар Мақсудни меҳмонга таклиф этди, оила аъзолари билан таништирди. Элчи губернатор ва унинг хотинига қимматбаҳо совғалар топширди.

* * *

Эрназарбек Бухорога қайтиб келгач, Муҳаммад Раҳимхонга Москва сафари, подшоҳ Елизавета Петровна билан суҳбат тафсилотлари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Совға-саломларни топширди, тижорат ишларига шўнғиди. У серғайрат одам бўлганидан бир дақиқа ҳам бекор утиролмас, карвонлари турли хорижий мамлакатлар оралиғида тўхтовсиз қатнариди. Савдогарларнинг турмуш тарзи шуни тақозо этарди.

Сиёсатчилар ҳам доимо ҳаракатда эдилар. Муҳаммад Раҳимхон қанча қон тукиб ҳокимиятни қулга киритган бўлса-да, 1758 йилга келиб унинг ҳам сиёсат осмонидаги қуёши сунди, невараси Фозил Тура амир деб эълон қилинди. Кун утмай, Фозил Тура Қаршига кучириб юборилди ва Абулғози исмли киши амириликка қўтарилди. Лекин Бухоро амирилигининг инон-ихтиёри Муҳаммад Раҳимхоннинг амакиси Дониёлбий қулида эди.

Орадан кун утмай Россияда ҳам ҳокимият узгарди. Подшоҳ Елизавета Петровна оғир касаллик оқибатида 1761 йил 25 декабрда вафот этгач, Россия тахтига валиаҳд шаҳзода Карл Пётр Ульрих — Пётр III утирди.

Буюк Пётр Ининг набираси бўлмиш Пётр III бобосига тортмаганди. У ароқхур, сарой кунгулхушликларидан қули бушамас, сиёсатда ниҳоятда калтабин эди. У прусс тартиб-қоидаларини хуш кўрар, рус урф-одатларини менсимасди.

1762 йил қишида Эрназар Мақсуд Пётр IIIга мактуб йўллади. У уз мактубида марҳума Елизавета Петровна подшолик учун буюртирган барча нарсаларни Бухоро, Хуросон ва Ҳиндистонда топганини маълум қилди. Лекин унинг мактуби жавобсиз қолди. Эрназар Мақсуд анча маблағ, вақт сарфлаб, топган нарсасига ачинди, дили хун бўлди.

Пётр III томонидан рус армиясида Пруссия тартиб-қоидаларининг жорий этилиши гвардиячи полкларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Подшога қарши мухолифатчилар вужудга келди. Аслзодалар ҳам подшоҳдан норизо эдилар. Мухолифатчиларга Пётр IIIнинг хотини — тарихга Екатерина II номи билан кирган, қизликдаги

номи Софья Фредерика Августа Цербтская булган, Елизавета Петровна томонидан Екатерина Алексеевна деб аталган аёл бошчилилик қиларди. У гвардиячи полклар ҳамда уйнашларига таяниб, эри Пётр IIIни ҳокимиятдан маҳрум этди ва 1762 йил 28 июнда Россия тахтини эгаллади. Пётр IIIнинг подшолиги бор-йўғи ярим йил давом этди. Орадан кун утмай, Екатеринанинг курсатмаси билан Пётр III улдирилди.

Бу уришда воқеалар ривожидан узиб, шунга айтиш керакки, сарой тунтариши натижасида ҳокимият тепасига келган Екатерина II 23 йил мобайнида Россия тахтини эгаллаб турди. У аслзодалар манфаатини тип-тирноғи билан ҳимоя қилгани, жуда меҳнатсевар, қобилиятлиги, сиёсатда узоқни кура олиши, айер, аини пайтда сийлиги туфайли шунча йил давру-даврон сурди.

Екатерина II билан суҳбат

Кейинги йилларда соғлиғига анча путур етганига қарамай, Эрназар Мақсуд Бухоро ҳукмдори Дониелбийнинг 1774 йилдаги махсус фармони билан яна амирликнинг Россиядаги элчиси бўлишга розилик берди.

1774 йил кузининг бошларида Бухоро элчиси 64 кишилик карвонга бош булиб, 40 тонна юк билан Ҳожитархон шаҳрига етиб келди. Бу пайтда Россия уз тарихининг энг мураккаб даврларидан бирини бошидан кечирмоқда, унинг бепоён кенгликлари узини Екатерина II нинг собиқ эри Пётр III деб эълон қилган Емельян Пугачев бошчилигидаги деҳқонлар қўзғолони алангаси оғушида эди. Енгишлар давом этар, ҳар ер-ҳар ерда қурилган дорлар киши юрагига даҳшат соларди. Гарчанд Емельян Пугачев фитначилар томонидан банд этилиб, подшолик ихтиёрига топширилган булса ҳамки, деҳқонлар уруши давом этар, ҳукумат қўшинлари қўзғолонни бостиришга ҳаракат қилар, лекин халқнинг норозилиги кучайиб борарди. Мол-мулкидан ажралиб, дорга осилган, бошлари кесилган аслзодалар, офицерлар ҳақидаги даҳшатли ҳикоялар бутун Россияни ларзага солган, Ҳожитархон уруш гирдобидан анча олисда булса ҳам, унинг ваҳимаси бу ерда-да, сезилиб турарди. Бу шароитда катта карвон билан Россияга келиш учун ўта довюрақлик ва ботирлик талаб қилинар, Эрназар Мақсуд айнан ана шундай жасур одам эди. У карвон билан Ҳожитархонда қолиб, энг ишончли одамлари орқали Екатеринага қимматбаҳо совғалар ва сархил олма, анор юборди. Ишончли кишилар ёнғин ва ваҳималар оғушидаги шаҳар ва қишлоқлардан утиб, элчининг совға-саломини Петербурга, Екатерина саройига етказдилар.

Эрназар Мақсуд эса Ҳожитархон генерал-губернатори хонадонидан меҳмон булиб, у орқали Бухорога минг пудга яқин қўрғошин, пулат ва мис жунатди. Бу уша пайтда амирлик мулофааси, унинг қуролли кучлари учун жуда зарур ашё эди.

1774 йил 30 октябрда Екатерина II махсус чопар билан Аштархон губернаторига хат йуллаб, Бухоро элчиси ва унинг карвонидан бож олмай, иззат-икром курсатиб, соқчилар билан Петербургга юборишни суради.

1775 йил апрель ойининг бошида Эрназар Мақсуд Петербургга етиб келди. У ташқи ишлар коллегияси раҳбари граф Никита Иванович Панин ва унинг муовини И. Остерман билан учрашди. Улар ўзбек дипломати билан суҳбатдан сунг, унинг шахсига юксак баҳо бердилар.

Эрназар Мақсуд бу суҳбатда савдогарлар карвонларининг қозоқ даштларидан утиш пайтидаги хавфсизлиги масаласини кутарди. Н. Панин ва И. Остерман бу масалани император кенгаши муҳокамасига киритишга ваъда бердилар ва кун утмай, ваъдаларига вафо қилдилар.

1775 йил 5 апрель куни Россия ҳукмдори Екатерина II Бухоро элчиси Эрназар Мақсудни Қишқи сарой хос хоналардан бирида қабул қилди. Булутли, хафақон кун булсада хонада қўш чарақлаб тургандек, олтин ҳал билан ишлов берилган шифт ва деворлар ана шундай ажойиб манзара кашф этганди.

46 яшар Екатерина денгиз тулқини рангидаги узун барқут куйлақда, буйнида нафис марварид шодаси, бошига оқиб калта ясама соч кийган, юзи узунчоқ, ияги бироз буртган, оғзи кичкинагина, қомати хийла тулишган аёл эди. У виқор ва назо-кат билан элчи истиқболга пешвоз чиқди, опшоқ, момикдек қўлини узатди. Элчи қадрини туширмаган тарзда Екатеринага таъзим бажо этиб, унинг қўлини ушди.

Россия ҳукмдори уни турли ноз-неъматлар, егулик-ичгуликлар тула пастак стол енидаги оромқуройга тақдир қилди.

Хонада уларнинг икковидан булак ҳеч ким йўқ, бу — суҳбат дустона, аини пайтда махфий бўлишидан далолат берарди. Жуда камдан-кам элчилар бундай марҳаматга сазовор булардилар.

Оромкурсиларга урнашиб олишгач, Екатерина бека сифатида мулозамат қилиб, сўз бошлади:

— Янглишмасам, Шарқда «Аввал таом, бадаз калом» дейдилар. Бизда эса «Ёқимли машғулотларни фойдалиси билан қушиб олиб борса ҳам булади» дея эътироф этишади. Агар рози булсангиз, сўхбат ва нонуштани бирлаштирсак?

— Ҳазрати олиялари, Сизга қандай маъқул бўлса, шундай қиламиз, мен сиздек дунёга машҳур давлат арбоби билан шахсан учрашиб, сўхбатлашаётганимдан сарафрозман, — дея илтифот қилди Эрназарбек.

Екатерина II кези келганда оддий ҳам, камтар ҳам була оларди. Ҳозир ҳам шундай қилди.

— Бу стол атрофида давлат арбоби ва элчи эмас, икки дўст утирибди, деб ҳисоблайверинг. Ахир, биз бир-биримизни йигирма йилдан бери биламиз-ку! Мен Сизни марҳума Елизавета Петровна саройига элчи булиб келган пайтингиздан эслаб қолганман.

— Миннатдорман, сиз менга катта илтифот курсатяпсиз, — деди Эрназарбек.

— Меваларингиз ҳақиқатдан жаннатнинг меваси экан, — деди Екатерина. — Қани, нонуштага марҳамат!

У сўхбат тагинини қўлида ушлаб турар, кези келганда зарур йўналишга буриб юборарди. Екатерина Шарқу Фарбдаги воқеа ва янгиликлардан хабардорлиги, кўп ўқигани ва кўпни кўргани учун дилкаш сўхбатдош эди.

Деразадан чехраси тунд осмон кўриниб турар, якка-дуikka ёмғир томчилари ойнага шитирлаб урилар, рутубат ҳиди келар, бу — баҳор сувларига тулиб оқаётган Неванинг нафаси эди.

Деразага бир муддат сўзсиз тикилиб турган Екатерина шундай деди:

— Жаноби Эрназарбек, тўғриси айтинг, бу тунд осмон, шилта намгарчилик жонингизга тегмадими? Мен узим шунча йилдан бери бу рутубатга сира кўниқолмайман. Сиз, ҳароратли улка фарзанди бунга кўниқишингиз янада қийинроқ бўлса керак?

Ҳақиқатан ҳам бу шилта обу ҳаво баъзан унинг жонига тегиб кетар, «қуёшни кўрадиган кун борми бу ерда дея хуноб буларди. Лекин элчи узи меҳмон булиб турган мамлакат табиатидан нолиса, буни ҳар хил талқин этишлари мумкин. Шу боисдан, у саволга шундай жавоб қилди:

— Баъзан ортиқча ҳарорат ҳам жонга тегди, шунинг учун Россиянинг салқин, майин барқутдек ҳавоси жонга ором бахш этади. Жазирама авжига чиққан маҳалларда мен рус ўрмонларини кўмсаб қоламан.

«Ҳақиқий дипломат!» деди ўзича Екатерина II ва сўхбатни давом эттирди: — Мен эсам қуёшли кунларни шу қадар интизорлик билан кутаманки...

— Қуёш ҳам, ёмғир ҳам мавриди билан бўлгани яхши. Нимаики кўп бўлса, у беқадр бўлғусидир.

Екатеринанинг уйноқи кўзлари қувлик билан ялтираб кетди.

— Чиройли аёллар кўп булсалар, улар ҳам беқадр буладиларми?

Екатерина нозик савол берганди.

Ҳеч бир аёл узини хунук санамайди. Жумладан, Екатерина ҳам. Ҳозир Эрназарбек «Ҳа, беқадр булади» деса, бу Екатеринага ҳам тегиб кетиши мумкин.

— Ҳазрати олиялари, — деди Эрназарбек, — менга ҳам қоидадан бир мартагина чекинишга рухсат этсангиз?.. Гап аёллар ҳақида, боз устига чиройли аёллар хусусида кетаётган бўлса, улар ҳеч қачон беқадр бўлмайдилар. Чунки ҳар гулнинг узи ҳиди бор!

— Офарин, салламно, бек! Мен уйлаганимдан-да зиёда жавоб қилдингиз. Сиздек элчи менинг мамлакатимда хизмат қилганида жуда бахтиёр булардим, — деди Екатерина завқ-шавқ билан. — Лекин айтинг-чи, бир эрнинг тўрт хотини бўлса, уларнинг қадри баб-баравар, деб буладими?

«Э, ҳа ҳазрати олиялари гапни қаёққа буряптилар, десам... Бир аёлнинг тўрт уйнаши булганда-чи? Унда нима булади? Йўқ, тўрт эмас, олгита уйнаш. Григорий Александрович Потёмкин, айтишларича, Екатеринанинг олтинчи жазмани эмиш» — хаёлидан утказди Эрназарбек ва шундай деди:

— Ҳазрати олиялари, биз мусулмонлардаги кўп хотинлиликни назарда тутяпсизми?

— Ҳа, — деди Екатерина.

— Бу хусусда шариятда шундай тавсир берилади: мусулмон фарзанди ҳар тўрт хотинига, улардан булган фарзандларига баб-баравар одил була олгандагина бундай никоҳ мақбулдир.

— Қаранг, нақадар одилона изоҳ, — деди Екатерина. — Биласизми, Ислому менга юксак мантиги, кечиримлилиги билан жуда ёқди. Ундаги чуқур фалсафани мен

ҳам ақлан, ҳам қалбан ҳис этаман. Биргина ана шу куп хотинлиликни олиб курунг. Бу, ахир, ўз қавмларининг келажagini, улар буюк ва қудратли халқ бўлишини уйлаб қилинган. Чунки ўз-ўзидан купайган халқ қудратли бўлиб боравради. Купчилик орасидан куп иқтидорли одамлар этишиб чиқали. Бизнинг динимиз ҳам куп хотинлиликка руҳсат берганда борми, эҳ-ҳе... Мен Россиянинг бум-буш, ҳувиллаб қолган қишлоқларини куриб даҳшатга тушаман, лекин қўлимдан бирор ёрдам бериш келмайди. Бу — Россия узоқ йиллар олиб борган урушлар асорати. Навқирон йигитлар қирилиб, нуқул қариялар, аёллар қолган. Шу аёллар орасида эрга теголмай, она бўлолмай юрганлар сон-саноксиз. Ана шулар ўз жуфтларини топса, бу миллат келажаги, соғломлиги учун ноёб хазина-ку! — Екатерина жушиб гапирар, баъзан суҳбатдошига зимдан назар ташлаб қуярди. Ҳазил-мутоибадан бошланган суҳбат жиддий тус олмоқда эди.

Эрназар Мақсуд Екатеринанинг мулоҳазаларини диққат билан тинглар, уларнинг маъзини чақарди. Чунки, бу аёл кўққисдан нозик савол бериб қўйиши мумкинлигини у тезда англаб олганди. Россия ҳукмдорининг Ислом дини ҳақидаги фикрлари уринли ва улар элчиға маъқул эди.

Екатерина сузида давом этди:

— Истаймизми, йўқми, куп хотинлилик — бу давлат аҳамиятига молик масала. Лекин буни Россиядек мамлакатда жорий этаман, деган диндорнинг ҳам, ҳукмдорнинг ҳам буйни синиши аниқ. Агар шу фикрларни мен император кенгашида айтсам, подшоҳни эрсираганга чиқаришлари ҳеч гап эмас. Бу улуг мамлакатни қалбан тушуниш мумкин, лекин ақлан тушуниб бўлмайди.

Екатерина бир муддат жим қолди, сунгра меҳмонни дастурхондаги ноз-неъматлардан олинишга ундади-да, тиллодек товланиб турган нокларни мақтай бошлади:

— Мана бу нокдан татиб курунг, буларни менга Эрондан махсус олиб келишади.

Эрназарбек илтифот учун миннатдорчилик билдириб, хушбўй ҳид таратиб турган бир дона нокни қўлига олди, унга суқланиб боқди-да, шундай деди:

— Бирор-бир санъат асари табиатнинг ана шу неъматидек мукамал ва бежирим бўлолмаса керак.

— Табиатдан буюкроқ рассом ҳам, наққош ҳам йўқ, — деди Екатерина. Суҳбат тизгини ҳамон унинг қўлида, у мавзуни тез-тез узгартиригандан элчи асосий муддаони айтолмай қолмасам гурга эди, дея ташвишга туша бошлаган эди. Зукко Екатерина буни сезмай қолмади ва суҳбатдоши кунглидагини айтиши учун имконият яратди.

— Хуш, элчи жаноблари, энди Бухоро янгиликларидан гапиринг, амирингиз Дониёлбий соғлиқларидан гапиринг. Бизга қандай арзларингиз бор, шулардан сузланг.

— Бўхоро юксалаётир, биз бундан беҳад сарафрозмиз. Улуг амиримиз Дониёлбий фуқаро ташвиши, юрт ташвишида. Бизнинг арзларимиз сизнинг марҳаматингизга боғлиқ.

— Торгинмай айтаверинг, элчи жаноблари. Сиз учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиламан. Мен, ахир, сиздан қанчалар қарздорман.

— Россиядек улуг мамлакат подшоҳи биздек фақирлардан қарздор бўлиши сира мумкин эмас, ҳазрати олиялари.

— Бу телба дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Айтинг, Россия Бухоро учун нима қилсин?

— Ҳамонки, шунчалар илтифот қилаётган экансиз, юртимиз мудофаасини мустаҳкамлашга ёрдам беринг. Жафокаш халқимиз босқинлару истилолардан жуда безиб қолган, — деди элчи.

Екатерина суҳбатдошига диққат билан тикилди.

— Мудофаага нима билан ёрдам беришим керак?

— Бухоро қўшини қурол-аслаҳаларини янгилаш учун пулат, мис, қурғошпин ва шунга ухшаш маъданлар зарур. Замбаракларсиз қўшин ҳеч нимага ярамаслигини сиз олий бош қўмондон сифатида яхши биласиз.

Россия ҳукмдори бир зум уйланиб қолди. Стратегик аҳамиятга эга маъданларни сотиш — бу осон ҳал буладиган иш эмас. Шу боисдан Екатерина мавҳумроқ жавоб қилди:

— Яхши, мен ҳарбий коллегия раҳбарлари билан маслаҳатлашиб кураман. Сунгра сизга жавобини стказамиз.

— Ҳазрати олиялари, бу масала Бухоро учун ҳам, мен учун ҳам ҳаёт-мамот масаласи, уни орқага сурмай, шахсан ҳал этишингизни илтимос қиламан. Бу иш орқага сурилса, ундан қанча куп одамлар хабардор бўлса, амалга ошириши шунчалик қийинлашади, — деди, У агар ҳозир қатъият курсатмаса, иш пачава бўлишини дарҳол англаб етганди.

Екатерина уйланиб қолди. «Ҳа» деса, ташқи ишлар коллегияси раҳбари Никита Панин, ҳарбий коллегия вице-президенти Григорий Потёмкин тихирлик қилишлари мумкин. «Йуқ» деса, нимаси биландир таниш-нотаниш, дуст-душманни узига ром этувчи элчиси орқали Бухоро амирини хафа қилиб қўйиши мумкин. Екатерина суҳбат давомида сездики, кўркам соқолига яккам-дуккам оқ ораланган, чехрасидан аллақандай хотиржамлик, узига ишонч ва улғворлик уфуриб турган элчининг илтимосини рад этолмайди. Эрназар Мақсуднинг қандайдир кузга куринмас сеҳр ва жозибаси уни мафтун этганди. Тўғри, у унча-мунчада фикридан қайтадиган одам эмасди. Ҳар қандай йўл билан, хоҳ макр-ҳийла-ю, ноз-каранма булсин, хоҳ совға-салом билан булсин, уз сузини утказмай қўймасди. Лекин бутун Екатерина бутунлай бошқача ҳолатда эди. Эрта тонгдан кайфияти чоғ, элчи билан дустона суҳбат кураман, шоҳона совғалар бераман, дея аҳд қилган, узини шунга тайёрлаганди. Бунга сабаб фақатгина Эрназар Мақсуднинг қимматбахо совға-саломлари эмасди. Бутун дунёга донг таратган бу аёлни фақатгина совға билан мойил қилиш мумкин эмасди. У жуда кун совға олган, совға берган, шу боисдан, бунақа ишларда устаси фаранг эди. Россия тахтини эгаллаб турган бу аёлни утқир ақл, кучли мантиқ, билим ва фаросат билангина қойил қилиш мумкин эди.

Суҳбат давомида Эрназар Мақсуд утқир ақл-заковат соҳиби, уз юртининг ватанпарвари эканини юракдан ҳис этди ва унинг илтимосини бажаришга маънавий асосим бор, деган қарорга келди.

«Мен императорманми ёки... нега кимларнингдир олдида қизариб-бузаришим, уз ҳаракатларим учун ҳисоб беришим керак? Даркор булса, император кенгашида ҳаммасини исботлаб бераман, вассалом!»

Екатерина элчининг илтимосини кунглида қабул қилди, лекин узининг азалий одатича буни дарҳол сиртига чиқармади ва суҳбатдошига шундай деди:

— Оббо сиз-ей, — деди овозида аллақандай меҳрибонлик билан, қани энди мениннг ҳамма аъёнларим ҳам Ватанлари учун сизчалик қайғурсалар эди! Бунги, ватанпарварлигингиз, куюнчақлигингиз ҳаққи-ҳурмати, Сизга карвонингиз кутара олгунча маъдан бераман. Келишдикми?

— Келишдик! — деди элчи чехраси ёришиб.

У жуда хурсанд бўлиб кетган, дуч келган одамни қучиб-упгиси келарди. Екатерина уни бир зум жилмайиб кузатиб турди-да, сўнг яна сўз қотди:

— Петербургга келишингиздан олдин Оренбург ва Астрахан вилоятлари генерал-губернаторлари менга сиз ҳақингизда тавсияномалар йўллаб, Бухоро ва Хивада қуллиқда булган рус фуқароларини озод қилиб, Ватанига жунатишдаги хизматларингизга юксак баҳо берган эдилар. Сизнинг бу хизматингиз икки мамлакат уртасидаги дустлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди. Бир-биримизга булган ишонч-ни оширади. Боя сиздан қанчалар қарзларим бор, деганда шуни назарда тутгандим. Тиланг тилагингизни, кунглингиз нима истайди, нима қилсам сизни хурсанд этаман?

— Ҳазрати олиялари, сизнинг лутфу караминиз менга ҳар қандай мукофотдан зиёда!

— Майли, шундай бўлақолсин, ишонаман. Лекин мени совға бериб бахтидан бенасиб этманг-да. Билиб қўйинг, мениннг подшоҳ сифатидаги энг заиф томоним шуки, совға улашини яхши кураман. Эшитишимча, сизнинг улуг амирингиз Темур ҳам тортиқ қилишни хуш кураман. Бухорода 200 дан ортиқ мадраса бор. Шуларнинг қаторига яна битта, сизнинг номингиз билан аталадиган мадраса қўшилса, нима қишти? Сизга мадраса қурилишига етадиган миқдорда пул бераман, фақат битта шарт билан, бу мадрасада бўлажак элчиларни уқиттирасиз. Авлодлар сиз билан мени эслаб, раҳмат айтиб юради. Ахир, бунга нима етсин! — деди Екатерина.

— Ҳазрати олиялари, Екатерина Алексеевна! Мен бунчалар илтифотга лойиқ иш қилганимча йуқ ҳали.

— Дустлик ҳақидаги рисолада «Совға олиш ва совға бериш» деган банд ҳам бор, Эрназарбек. Россия фуқаролари учун қилган яхшиликларингиз шунчалик кўпки, уларни совға билан улчаб булмайди. Ахир, қуллиқдан оиласига қайтган биргина одам ҳам қанчалар кишининг хурсандлигига сабаб бўлади-ку, шундай эмасми? Дарвоқе, мен ҳали узингизни шаҳсан тақдирлаганим йуқ-ку. Мадраса — Бухорои шарифга совға. Сизга эса баҳри Ҳазардаги елканли кемани тақдим этаман, токи савдо ишингизга ривож берсин. Яна сизга шундай ёрлик бераманки, 5 йилгача ун минг сўмгача булган молингиздан Россия ҳудудида бож олмайдилар.

Екатерина ҳаш-манг булган элчига жилмайиб қараб турарди.

— Ташаккур, ҳазрати олиялари, — деди Эрназарбек. — Менга булган юксак ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан.

Совғалар ҳақиқатдан ҳам шоҳона эди. Лекин Эрназар Мақсуд совғаларнинг қимматбаҳолигидан беҳал хурсанд булди, дейиш қийин. Чунки унинг мол-давлати ҳалдан зиёд, узига, авлод-аждодига ҳам етиб ортади. Уни Екатеринанинг иззат-икром, хайри-хоҳлиги шод этган, айниқса, маъдан харид қилиш масаласи ижобий ҳал этилганидан мамнун эди. У сафарининг муваффақиятига ишонган булса-да, бунчалар марҳамат кутмаганди.

Суҳбат аста-секин яқун топиб хайрлашишар экан, Екатерина шундай деди:

— Бухоро ҳукмдори Дониелбий ҳазратларига совғаларимиз алоҳида булади. Қабул маросимида учрашгунча, элчи жаноблари!

Эрназарбек Катеринага таъзим этиб, хонадан чиқди.

«Бухоройи шариф» кемаси

Эрназар Мақсудши Бухоронинг энг бадавлат ва пешқадам савдогарлари сафига олиб чиққан хусусияти — бу унинг ишга қаттиқ берилиши, бошлаган юмушини охирига етказмай қуймаслигида эди.

Екатерина II ҳузуридан руҳланиб чиққан бек уз қуналғасига келиб, шериклари ва хизматкорларини йиғди-да, Петербургдаги юмушларни тезроқ тугаллаш, йул ҳозирлигини куриш юзасидан курсатмалар берди. Узи эса Екатерина ваъда қилган маъданни тезроқ қулга киритиш пайида булди. Ширинкомага урганиб қолган рус амалдорлари ва туралари билан бу ишни бажариш осон эмасди. Лекин Эрназар Мақсуд уларнинг тилини яхши биларди.

Тез орада у 15 минг пуд темир, 5 минг пудат, 3 минг пуд мис харид қилишга муваффақ булди. Бу жуда хавфли юк, уни махфий тарзда Бухорога етказиш лозим. Карвонни Ҳожитархонгача рус соқчилари қуриқлаб борадилар, ҳамма ёпиқ сарҳаду боғхоналардан Екатеринанинг махсус руҳсатномаси олиб утади. Ҳазардан кечиб утилгач, уларни соҳилда кутиб ётган амир соқчилари уз химояларига оладилар. Йулнинг ана шу қисмида — қозоқ даштларида соқчилар ҳар қанча қуроолланган ва жанг курган булмасин, карвонни катта хавф-хатар кутади. Дашт шароитини яхши билган қароқчилар карвонларга қўққисдан ҳужум қилиб, соқчиларни қириб ташлаб, молларни талайдилар. Бухорою Хуросонлик не-не бадавлат савдогарлар ана шу даштларда улим топганлар, этлари қузғунларга см булган.

Шуларни уйлаган Эрназарбекнинг бадани жунжикиб кетар, қандай булмасин, карвонни манзилга бехатар етказиш режаларини тузарди. Йук, табиатан жасур бу одам улимдан эмас, балки Бухоро учун жуда зарур юк энди қулга киритилганда ундан айрилиб қолишдан қўрқарди. Савдогарлар сулоласи вакили Эрназарбек жангари эмасди, карвондаги қарбий мақсадларга мулжалланган юк билан у бировлар қонини тукишни уйламас, аксинча, узи жонидан ортиқ курган Бухорони сон-саноксиз босқин-у талашлардан халос этиш тўғрисида қайғурарди.

Унинг елиб-югуриши туфайли карвон белгиланган муддатда Санкт-Петербурдан жунаб кетди. Неча-неча қуёшли кунлар, серёмғир тушлар ортда қолиб, Москвага етиб келдилар.

Карвон Москвада дам олаётган бир вақтда Екатерина II Ҳожитархон генерал-губернаторига пошшолик муҳри босилган мактуб юбориб, бандаргоҳдаги елканли кемалардан бирини савдо ишига мослаб жиҳозлантириб, Рус подшоши тортиғи сифатида Бухоро элчиси Эрназар Мақсудга топшириш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштиришни буюрди.

Орадан бир оз фурсат утгач, карвон Ҳожитархон шаҳрига кириб келди.

Екатерина II топшириғига асосан Ҳожитархон генерал-губернатори элчиларни барча расм-русумларни урнига қуйган ҳолда кутиб олди. Эрназарбекнинг қадрдон дус-ти булган губернатор ҳар гал подшолик буйруғи булса-булмаса, унга илтифот курсатарди. Лекин бу сафар император фатвоси ҳам сабабли тантана жуда маромига етказилди.

Карвонсаройга жойлашгач, Эрназар Мақсуд хизматкори Ҳалимжон ва бир неча нуфузли шериклари — Бухоронинг казо-казо савдогарлари ҳамроҳлигида губернатор таклифига биноан Ҳожитархон бандаргоҳи томон йул олди.

...Бандаргоҳ жуда гавжум, денгиздан енгилгина шабада эсар, саноксиз кемалар тўлқинлар узра енгил чайқалиб турардилар.

— Хув ана у кема, — деди губернатор елканлари туширилган чоғроққина кемага

ишора қилиб. — Россия императрицаси Екатерина II ҳазрати олияларининг амри муборакларига биноан Сизга тортиқ этилади ва шу кундан эътиборан мулкингизга айланади. Ундан истаган тартибингизда фойдаланишингиз мумкин. Мана бу васиқа номингизга расмийлаштирилган.

Губернатор Эрназарбекнинг қулига имзо ва муҳрлар билан мустаҳкамланган зарҳал қоғоз тутқазди.

Эрназарбек миннатдорчилик билдириб, ҳужжатни қулига олди. Шериклари, губернатор ҳамроҳлари ва бошқа амалдорлар бекни бу ажойиб совға билан муборакбод этдилар. Бу совға савдо аҳли учун жуда қимматли, керакли ва азиз эди.

— Энди дўстлар, — деди губернатор тантанавор оҳангда, — ҳаммамиз кемага жунаймиз, дарға янги хужайин ва унинг ҳамроҳларини меҳмонга таклиф этипти. Айтишларича кок¹ балиқ шурва пишираётганмиш, Қаранг, жаноблар, кема қанчалик олис бўлмасин, шурва ҳиди димоқни қитиқлаяпти.

Ҳамма кулиб юборди. Енгил кайфият билан қайиқларга чиқиб, кема томон сузиб кетдилар.

Орадан кўп утмай, Эрназарбек уз мулки бўлмиш кема саҳнига илк бор қадам босди.

— Хуш келибсиз, Эрназар Мақсуд жаноблари! Қадамингизга ҳасанот, — деди дарға.

— Хушвақт бўлингиз! Илтифотингиз учун таппаккур! — деди Эрназарбек мамнун жилмайиб.

Кема командаси бир сафга тизилиб, губернатор ва элчини қутладилар.

Эрназарбек тулқинларда енгил чайқалиб турган кемаси саҳнида хур-хур эсаётган шамолга кўкрак тутиб, бир муддат атрофга назар ташлади. Осмон ложувард, у ер-бу ерида оппоқ булутлар сузиб юрибди. Денгиз оҳиста чайқалади, чағалайлар кум-кўк сувга туш уриб, «чаҳ-чаҳ»лашди.

Меҳмонлар кеманинг барча устки ва пастки хоналарини кўздан кечирдилар. Дарға кеманинг юк кутариш қобиляти, тезлиги, чидамлилиги ҳақида гапириб берди. Эрназар Мақсуд дарға ва айрим денгизчиларга уз номидан эсдалик совғалари топширди. Сунгра меҳмонлар ва мезбонлар кают-компанияда ясагилик дастурхон атрофига тўландилар.

Дид билан безатилган оппоқ дастурхонда денгиз ва қуруқликда булаган жуда кўп ноз-неъматлар қўйилганди. Айниқса, камёб балиқ турларидан ҳар хил тансиқ таомлар пиширилганди. Энг аввал дастурхонга ҳали бандаргоҳда губернатор таърифни келтирган балиқ шурва тортилди. Дарға биллур қадаҳларга қип-қизил ёқутдай товляниб турган ичимликдан қўйди.

— Биз, денгизчилар, уткир ҳиссиёту саргузаптларни қанчалик хуш курсак, уткир ичимликларга ҳам шунчалик учмиш. Таомилга кўра энг азиз меҳмонларни ром билан сийлашга одатланганмиш. Қани, марҳамат, жаноблар!

Губернатор Россия империяси ва Бухоро амирлиги уртасидаги дўстлик, савдо-тижорат ишларининг ривожига, кеманинг янги хужайини шарафига қадаҳ суз таклиф этди. Биллур қадаҳлар жаранглади. Эрназарбек қадаҳни лабига текизиб қўйди. Дастурхон атрофида қизгин, дустона суҳбат бошланди. Савдогарлар нарх-наво, денгизчилар об-ҳаво, амалдорлар сиёсат ҳақида гапирардилар. Қадаҳларга яна ичимликлар қўйилгач, губернатор Бухоронинг муҳтарам элчиси Эрназар Мақсуд жаноблари суз айтсин, дея таклиф киритди.

— Азиз дўстлар, муҳтарам жаноблар! Энг аввало, Сиздек меҳмондўст одамлар даврасида эканлигимдан бениҳоя инод ва сарафрозман. Мен ва дўстларим икки давлат уртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ишига камтарин ҳисса қўшаётганимиздан бахтиёрлик ҳиссини тўяман. Боз устига, жаҳондаги энг йирик давлат арбобларидан бири, Буюк Россия ҳукмдори Екатерина II ҳазрати олияларининг марҳаматларига сазовор бўлганим мени мамнун этади. Бу марҳамат шахсан ўзимга эмас, балки улў амиримиз Дониселбий ҳазрати олийларига, Бухоро халқига билдирилган юксак ишонч ва ҳурмат деб биламан. Мен ва дўстларим икки буюк халқ уртасида хокисор кўприк бўлишда давом этамиш. Дўстлигимиз абадийлиги ва бузилмаслиги учун қадаҳ кутаришларингизни сурайман! — деди элчи.

Зиёфат қуюқ-сууюқ овқатлар, мева шарбатлар, ширинликлар тортиш билан давом этди.

Ичкиликбозликка азалдан хуши йўқ Эрназарбек ҳамон қадаҳларга лабини теккизиб қўярди, холос. Хурсандчилик қизигандан-қизиб борар, бек эса ўзининг гоят махфий юки турғисида қайгуриб, безовталанарди. У ҳақиқий дипломат бўлганидан тап-

¹ Кок — кема ошпази.

вишини бировга сездирмасди. «Соқчилар ҳар қанча кучли ва ҳушёр булишмасин, эҳтиёт шарт. Ахир, бекорга айтишмаганки, омад юз утирса, атала тишни синдирар, деб» уйларди бек. Ҳожитархонга келганларидан буён карвон атрофида уралашиб юрган шубҳали одамлар унинг диққатини узига тортган, юрагида гумон уйғотганди. Айниқса, уларини Ҳожитархонда касал бўлиб, карвондан қолиб кетган хивалик савдогарлар деб танишгирган, бирга олиб кетишни илтимос қилган муллонамо кишилар тугрисида уйлаб юраги баттар гашланди.

Улар йиғлаб-сиқтаб, оҳ-воҳ қилиб, карвонга қушиб олишни илтимос қилдилар. Эрназарбек жуда ноқулай аҳволда қолди. У уттиз йилдан ошиқроқ вақт карвон билан чулу сахро кезиб, бу йулларда айрим инсонлар пулу мол, дея бир-бирларига қилган қабихликларни куп курган, бир-икки хоин ёки жосус туфайли қирилиб кетган карвонлар, дарбадар бўлиб қолган савдогарлар ҳақида эшитган, узи ҳам бир неча марта биқинидан пичоқ сийишига оз қолганди. Эрназарбек шу икки бегонани карвонга олиб, узини ҳам, юкини ҳам катта хавф-хатарга қуяётганини яхши биларди. Лекин у мусулмончилиқни, одамлилик ва виждон талабларини ҳар нарсадан, ҳатто уз молу жонидан-да устун қўя оладиган, имони бутун одам бўлганидан бегона юртда оч-юпун юрган икки савдогардан марҳаматини аямади. Фақат узининг энг яқин одамларидан бири, карвон хавфсизлигини таъминлашга масъул мулло Нуриддинга улардан кўз-қулоқ бўлиб юришни тайинланади, холос. Шуларни уйлаб утирган бек бу ердан тез кетгиси, юкларидан хабар олгиси келарди. Кают-компанияда эса пайдар-пай ичилган қадаҳлардан сўнг, сархун вазият вужудга келган, суҳбат авжида, меҳмонлар тетик ва хотиржам эдилар. Зиёфат якунланиши арафасида қадаҳ суз навбати даргага етди. У кеманинг янги хужайини учун ичишни таклиф этди ва негадир гамгин тортиб, шундай деди:

— Кемамиз шу кунгача Россия байроғи остида сузди. У «Чаққон» деб аталади. Исми жисмига монанд, тезювар, чаққон кема. Энди Эрназарбек жаноблари, у сизнинг мулкингиз, қандай ном билан аташ хоҳиш-иродангизга боғлиқ. Подшоҳ амри — вожиб!

Дарга 48—50 ёшлар чамасидаги, сарғиш соқоли узига ярашган, қўзлари кум-кўк, кенг элкали, паҳлавон келбат одам эди. У уз кемасига жуда урганиб қолгани ва юракдан гапираётганини Эрназарбек дарҳол ҳис этди.

— Азиз дустим, кеманинг номи ҳақиқатан ҳам чиройли экан. Лекин бундан-да чиройли бир ном тилим учиде турмаганида, эҳтимол, кема аввалгидек аталаверарди. Тилим учиде турган ном мен учун гоёт қадрли ва ўйлайманки, сиз ҳам уни маъқуллайсиз.

Даврада «Қани айтинг-чи, қандай ном экан?» деган хитоблар янгради.

— «Бухоройи шариф» деб атамоқчиман кемани. Чунки бу буюк юрт не-не алломаю олимларга, шоирларга, саркардаларга олтин бешик бўлган, — деди Эрназарбек ҳар бир сузига алоҳида урғу бериб.

— О-о-о, браво! Салламно! Офарин! — хитоблари янгради. Дарганинг мовий қўзларида ёш йилтиради.

— Ҳамонки кемамиз шу қадар буюк шаҳар номини олар экан, мен шодман, энди хотиржам қирғоққа тушиб кетишим мумкин, — деди у овози титраб.

— Йўқ, азизим, қирғоққа тушмайсиз, кемага узингиз бошлиқ команда хизмат қилади. Мен сиз билан қисқа вақт ҳамсуҳбат бўлган эсам-да, шундай қарорга келдим. Мана, губернатор жаноблари ҳам фикримни қувватлаптилар, — деди Эрназарбек ва қушиб қўйди: — Сиз Бухоронинг донғини оламга ёйган молларни ташийсиз, бизнинг иқтисодий қўдратимизни мустаҳкамлайсиз ва табиийки, узингиз ҳам қуруқ қолмайсиз.

Яна пукакларни пақиллатиб, шампанское шишаларини очдилар, узун қадаҳларга вижирлаб турган ичимликдан қўйилди:

— Яшасин «Бухоройи шариф!» Виват, «Бухоройи шариф!» — меҳмонлар, мезбонлар қушилишиб ҳамду сано айтардилар.

Зиёфат тугаб, хайрлашишар экан, Эрназарбек даргани огоҳлантирди:

— Уч кундан сўнг, юкларни ортиб булгач, йулга чиқамиз.

— Сиздек олижаноб одам билан уч кун эмас, уч дақиқадан сўнг йулга чиқишга ҳам тайёрман, — деди дарга.

Уч кунда ичиде Ҳожитархондаги ишлар тугалланиб, озиқ-овқат, сув заҳиралари тулдирилди. Юклар «Бухоройи шариф» кемасига ортилди. Хобхонадан қуеш бош кутарган эрта тонгда, майда тулқинлар бағрини хун қилди, ёқимли, муътадил ёз шамоли эса бошлади. Кутарилган елканлар расида қизлар кўксидек тўлишдилар.

Губернатор бошлиқ Ҳожитархон казо-казолари бухороликларни кузатиш учун бан-даргоҳга келдилар. Эрназарбек ва дуслари амалдорлар, савдогар ва боёнлар билан хайр-хушлашиб, кемага чиқдилар. «Бухороий шариф» лангарни кутарди.

Эрназарбек дарға курсатган шинам ва озода хонага хизматкори билан жойлашди.

Уззукун ҳаво очик, енгил шамол эсар, денгиз тинч эди. «Бухороий шариф» майда, югурик тулқинларга туш урганича олға интилар, уйни соғинган йуловчиларни манзилга тобора яқинлаштирарди. Элчилару савдогарлар булмаларда, кема саҳнида гуруҳ-гуруҳ бўлиб суҳбатлашишар, овқат маҳали ошпазнинг қули ширинлигини мақташар, Эрназарбек дарға билан шатранж уйнар, бу машгулотдан зерикди дегунча, денгизнинг кенг ва улугворлигига маҳлиё бўлиб, хаёл сурарди.

— Агар шамол шундай эсиб турса, манзилга тезда стамиз, — дерди дарға хужайинининг кунглини кутариб.

Кечга томон кук юзини улкан қора булутлар қоплади ва улар тобора қуюқлаша борди, шамол кучайгандан-кучайиб, довулга айланди. Кема урқач-урқач тулқинлар устида писта пучоғидек уйнай бошлади. Денгизчилар елканларга осилдилар. Йуловчилар Худодан мадад сураб, калима келтира бошладилар. Дарға қисқа-қисқа буйруқлар берар, кема саҳнидаги юкларни пастки қисмга туширишга бошчилик қилар, узи жуда хотиржам эди.

Қош қорайгач, довул яна кучайди, шамол юракларга даҳшат солиб увиллар, баҳайбат тулқинлар кемага зарб билан урилиб, уни шу заҳотиёқ парча-парча қилиб юборгудек эди. Эрназарбекнинг шерикларидан айримлари оҳ-воҳ қилиб кунгиллари беҳузур булар, биров тиловат қилса, кимдир мудрарди. Ҳолдан тойган денгизчилар кемадаги сувни йуқотиш пайида эдилар.

Эрназарбек беланчакдек чайқалаётган булмасида утирар, беҳаловат булса-да, узини тетик тутишга интиларди. Хизматкорининг ранги оқариб, гезарган лаблари унсиз пичирлар, бунақа цуртаналарга неча маротаба дуч келган Эрназарбек бу саҳройи йигитчага раҳми келарди. Чалажон хивалик икки савдогар ҳам қарвонга қушилганларидан минг пушаймон эдилар, чамаси. Дам осмонга кутарилиб, дам тулқинлар қаърига фарқ булаётган кемада фақат дарға ва Эрназарбек безовталикларини сиртларига чиқармасдилар, холос. Эрназарбек айниқса, маъданлар туғрисида жуда қайғурар, бу қиёмат-қойим тезроқ тугашини, оёқлари остида ерни туйишни жуда-жуда истарди.

Довул эса тинай демас, кема гичирлар, қарсиллар, елканлари бурда-бурда бўлиб кетган, тулқинлар уни бир хас мисол турт томонга итқитиб, ҳазиллашгандай яна қайтиб олиб олишарди.

Ярим кечада кийим-боши шалаббо, ҳолдан тойган, кузлари қизариб, овози буғилиб қолган дарға Эрназарбекнинг булмасига кириб келди.

— Кемадаги барча ортиқча нарсаларни денгизга иргитдик. Энди бир қисм юклардан халос булмасак, чуқиб кетишимиз ҳеч гап эмас, — деди у кузларини хужайиндан олиб қочиб.

— Бу кемада мен ва шерикларим ортиқча булишимиз мумкин. Бизни денгизга иргитиб юборсангиз ҳам майли, лекин менинг бир пуд ҳам ортиқча юким йук, — деди у дарғага қаттиқ гашириб.

Дарға уни тушунди.

— Начора, — деди у, — менинг бурчим сизни огоҳлантириш эди. Бу ёғи худога ҳавола. Пешонамизга нима ёзилган булса, шуни кўраверамиз.

Дарға чиқиб кетди. У эшикни ёлган ҳамон кема шундай қаттиқ силкиндики, Эрназарбек «энди ҳаммаси тамом, балиқларга ем булдик» деб уйлаб калима утира бошлади. Йук, кема бу гал ҳам даҳшатли зарбага дош берди ва тулқин елкасида кутарилиб, яна пастга шунгиди. Эрназарбек бошини деворга уриб олиб, ҳушини йуқотаёзди, боши айланиб, кузи тинди, кунгли беҳузур булди.

...Довул қачон пасайди, қачон уйқуга кетди Эрназарбек буни билмасди. Эрта тонгда кузини очганда, ҳаммаёқ жимжит, кема бир ерда тухтаб қолгандек, унда бирор тирик жондан асар йуқдай эди. Эрназарбек секин урнидан қузғолди, рупарасидаги уринда тошдай қотиб ётган Ҳалимжонга кузи тушди. «Бола бечоранинг буладигани булди» уйлади у ва хизматкорини безовта қилмаслик учун оҳиста юриб, кема саҳнига кутарилди.

Кема ўғри уриб кетган ҳовлига ухшар, денгизчилар уни тартибга келтириш учун елиб-югурардилар. Чарқоқдан оёғида зурга турган дарға лабдаласи чиқиб кетган елкашларни ямаб, алмаштириб, узилган арқонларни улатар, овози чиқмай қолгандан имо-инпоралар ёрдамида иш буюрарди.

Осмон тип-тиниқ, уфқда каттакон қирмизи олмадек булиб қуёш юз очмоқда, денгиз Ҷрибо қизлардек сукут сақлайди, кечагина шу чексизликда қиёмат қўгани, у одамларни кема-кемаси билан ютиб юборишга жазм қилганига ишониш қийин эди. Йўловчилар тирик қолганларига шукроналик қилиб, бир-бирларини қўтлай бошлади-лар.

Эрназарбек карвонни чексиз саҳродан утказиб, Бухорога етказиш туғрисида уйлар, йўлнинг сўнги, машаққатли қисми қолганди.

...Кечга томон кема бандаргоҳда лангар ташлади. Карвонни кутиб ётган Бухоро амирлиги соқчилари сардори Қудратилло Эрназарбекка пешвоз чиқди.

— Қадамларига ҳасанот, бек! Сизнинг соғ-саломат қайтишингизни Оллоҳдан тилаб ётибмиз, — деди у тавозе билан.

— Ташаккур! Оллоҳ-таоло ҳофиз, яхши одамларнинг дуои бирла, мана қадамимиз қуруқликка етди. Йўқ эрса, баҳри Ҳазар наҳангларига ем бўлмак қисматимиз эрди, — деди Эрназарбек ҳамюрти билан куришаркан.

— Алҳазар, алҳазар! — дейишди кутиб олувчилар бир овоздан.

Эрназарбек уларга соғинч билан нигоҳ ташлаб, шундай деди:

— Оҳ Сизлардан Бухоройи шарифнинг тафти келадур!..

— Биз бирла бир пиёла чой ичиб, нону намак булсалар, бошимиз осмонга етар эрди, — деди соқчибоши.

— Чой бўлса, қочмас, сиз бирлан ҳали сафар давомида қўп нону намак бўлгаймиз. Ҳозир энг аввало, юкни кемадан тушириб, туяларга орғиб, унинг хавфсизлигини таъминлашимиз даркор. Бу юкнинг ҳар бир мисқоли учун сизу мен бошимиз бирлан жавоб берадурмиз, — деди Эрназарбек ташвишли оҳангда.

— Хотирингиз жам бўлсин, сизни-да, юкларни-да Бухорога омон-эсон етказгаймиз, иншоолло! — деди Қудратилло ишонч билан. — Ахир, биз саҳрони энди куриб турғонимиз йўқ-ку! Соч-соқолимиз баҳри Ҳазару Бухоро орасинда оқарду!

Қудратиллонинг андак оғринганини сезган Эрназарбек гап оҳангини узгартирди.

— Сиз бу саҳронинг султони эканингиздан бохабарман. Машойихлар айтмишларким, «узини сақлаганни — Худо ҳам асрайдур...»

Саҳродаги соялар

Туни билан йўл босган карвон қуёш тикка келиб, аёвсиз қиздира бошлаганда бир қудуқ тепасига етиб келди. Карвон аҳли қониб сув ичди, ювиниб-таранди, от-туялар суғорилиб, ҳар ер-ҳар ерда ошпоқ чодирлар тикилди. Қумғон, қозонлар тағига ут ёқилди, чодирлар узра кўкимтир тутун кўкка урлай бошлади. Карвон жазирама иссиқ-да, чодирларда жон сақлаб, тунлари йўл босарди.

Эрназарбек балиқ сиртига монанд барҳанда тикланган чодир ёнида туриб, саксовул, явшану каврак, ҳазоруспан қоплаган кенгликларга тикиларди. Баҳри Ҳазар тулқинларидай урқач-урқач қум барханлари уфққа бориб тақалади, осмон тип-тиниқ, борлиқ олов селига гарқ бўлган, бир қарашда гўзал манзара. Лекин кун сайин шу кенгликларга тикилавериш кишида дилгир кайфият уйғотади, қўз толиқиб, иссиқ гармселдан кунгил беҳузур бўлади.

Эрназарбекнинг нигоҳлари уфққа қалалган, лекин қўз унгида бутунлай узгача манзара намоён эди: Ромитандаги сулим боғ, қўм-қўк сув тула салқин сарҳовуз, тоғлар қалин соя ташлаб турибди, ариқчада оқаетган сувнинг шўх шарқираши қўлоққа чалинади... Мана, бир неча кундирки, чексиз қўм уммони аро сувнинг шилдир-шилдир товуши уни таъқиб ётарди. «Эҳ, қани энди, бу сўнгсиз йўлнинг таноби тортилса-ю, Ромитанга бориб, сулим чорбоғ қўйнида бир ором олсам, Зарафшон сувидан туйиб симирсам. Лекин Хивагача ҳали яна бир ҳафталик йўл бор...» — соғинч билан хаёл сурарди Эрназарбек.

У чодирга кириб юмшоқ лула болишга енбошлади. Ҳалимжон дастурхон ёзди, чой дамлаб келди. Бек унга Қудратиллони чақириб келишни буюрди. Орадан қўп утмай, Қудратилло келди ва изн сураб чодирга кирди. «Нима хизмат?» дея қўл қовуштирди. Кенг елкали семиз, гўштдор юзи қиш-қизил, кўркам қора соқоли бу киши ҳали хийла ёш ва уқтам куринарди. Эрназарбек бир неча сафарда у билан бирга бўлган, жасурлиги, чўрткесар ва туғрисузлиги учун ҳурмат қиларди.

— Утирсинлар, қани, дастурхонга марҳамат! — деди бек унга илтифот қилиб.

— Ташаккур! — соқчибоши кўрпачага омонатгина чўккалади.

Ҳалимжон унга чой қўйиб узатди.

Эрназарбек бир муддат жим қолди. Ҳалимжон чойнакни олиб, чодирдан чиқиб кетди.

— Ҳамонки, Хивага яқинлаштургон эрканмиз, эҳтиёт чораларини кучайтирмоқ лозимдур. Карвонимизда узларини «хивалик савдогар» дея таништирган икки киши бор. Улар «Ҳожитархонда бетоб булиб, карвонимиздан қолиб кетдик, бизларни-да олиб кетинг» дея тавалло қилганлари учун сафимизга қуниб эрдим. Мусулмончиликда, «йўқ» деелмадим. Лекин улар ҳақиқатан ҳам тужжорми, ённки Хива хонининг жосусларими, билолмай қийналадурман. Сиз шулардан бохабар булсангиз. Ишончли одамим мулла Нуридиннинг айтишича, уларнинг оёқ олишлари бежо эмиш, — деди Эрназарбек.

— Эҳтиёт чоралари курилгон. Тург навкарим карвондан бир неча топ олдинда ҳаракат қиладурлар, хавф-хатар туғилгонда дарҳол хабар берадурлар. Сиз айтқон одамлардан узимнинг-да шубҳам бор эрди, қуз-қулоқ булиб турибмиз. Ташвиш чекманг, бек, яхши булса опини, ёмон булса бошини ер! — деди Қудратилло.

Қудратиллонинг узига ишонч билан айтган гапларидан сунг бекнинг кунгли андак ёришгандай булди.

— Айтганингиз келсун, агар юргимизга эсон-омон етиб олсак, сиз ва ҳамма навкарларингизга бир сидрадан саруно қиладурман, — деди у.

— Қуллуқ, бек қуллуқ! Ҳазрати Баҳоваддин балоғардоннинг руҳи поклари мадалкор булғай, юргимизга албатта эсон-омон етадурмиз, — деди Қудратилло нурдай юзи ёришиб.

— Ҳа, ҳар бир муслим ул зоти бобарокатта сигинаркан, ҳеч хорлик-зорлик курмағай. Биз ҳам сафарга чиққанимиздан буён ҳазратнинг номи муборақларини тилимиздан қуймайдурмиз ва Оллоҳга шукрим, шу кунгача барча мушқуларимиз осон булиб келди, — дея унинг фикрини қувватлади бек.

Эрназарбек ва Қудратилло у еқ-бу еқдан чақчақланиб, бирга тушлик қилдилар. Сунгра Қудратилло хайрлашиб чиқиб кетди. Бек ором олиш учун курпачага чўзилди. Кузларини юмди. Негадир хаёллари айқаш-уйқаш, кунгли ғаш эди. Бунинг сабабини у беҳад толиқиб, уйни, бола-чақани қаттиқ соғинганликка йўйди.

У ёнбошидан бу ёнбошига ағанай-ағанай, ахийри кузи илинди. Кузи илинди-ю, туш кура бошлади.

...Кенг дала, негадир ер ҳам, кук ҳам ва ҳатто уфқ ҳам оқ, ошпоқ. Ана шу оқ шуъла қўнида боласини эргангирганча она оҳу — Қорақуз югуриб боряпти. Уларни каттакон қора ит ваҳшат ила ириллаганча таъқиб этайтир.

Мана, оҳу боласи чарчаб, ортда қола бошлади. Онаси ҳам безовталаниб, олазарак булганича қадамини секинлатди. Кейин, оҳуча бутунлай ҳолдан тойиб, тухтади. Қора ит шиддат билан унга яқинлашиб келар, иложсизликдан Қорақузнинг қора кузларидан дув-дув ёш оқарди.

Эрназарбек чидаб туролмади, гавдаси билан оҳучани тусди, чунки сал ҳаяласа, ит уни бурда-бурда қилиб ташларди. «Кел, оҳужон, сенга қалқон булай мен!» деди Эрназарбек ва оҳучани бағрига босди. Қора ит югуришдан тухтаб, тишларини қайраганча улар томонга кела бошлади. «Қурқма, оҳужон, мен сени итга ем қилиб қуймағайман!» деди Эрназарбек ва қотиб қолди: қўнида оҳуча эмас, кенжа угли Шерназарбек бигиллаб йиғлар, «дада, далажон, мени қутқаринг!» дея зорланарди. Сал нарироқла, ҳозиргина Қорақуз зор қақшаган ерда сочлари ёйилган хотини Офтобхон турар, «бегим, углимизни бой берманг, углимизни!» дея уввос соларди.

Эрназарбек ваҳшат билан ҳайқариб юборди-ю, итга ташланиб, уни аямай тепкилай бошлади. Хуморидан чиққунча, қора терга ботгунча тепкилади...

...У қузини очганда кийим-боши жиққа ҳул, аъзойи-бадани дағ-дағ титрарди.

— У-ф-ф, хайрият туш экан, — деди у лоҳасланиб ёстикдан бош қўтарар экан. — Мени қора босибдур.

Бекнинг кунгли багтар гашланди. «Менга нима буляпти узи? Шунча йил карвон йулларида юриб, бундай аҳволга тушмаган эдим. Нега бунча сершубҳа булиб қолдим? Қудратиллони ҳам шубҳаю гумонлар билан хит қилдим. Бу тушнинг таъбири не булди экан? Кенжатоё Шерназарбек бетоб булибдими ё? Ишқилиб, яхшиликка кунинсун...»

Эрназарбек дилгир бир кайфиятда чодирдан чиқди. Мағриб томонга оғиб бо-раётган қуёшга тикилди. «Намоз вақти булибдур-ку!» деди-ю нигоҳи билан Ҳалимжонни излади. Ҳалимжон ҳам шуни кутиб тургандек, дарҳол енида пайдо булди ва тавозе билан унга офтоба узатди. Бек таҳорат олиш учун бархан ортига утиб кетди.

Намоз уқиб булгач, бироз енгил тортди, лекин бу кайфият узоққа чузилмади. Кечга томон кунли яна гапланиб, қулоқлари остида аллақандай товущни, нидоми эшитилгандек буларди: «Хушёр бул, бек, сени гафлат босмоқдадур, гафлат, гафлат!..» «Қандоқ қилиб гафлат босадур? Ҳар доим карвондан куз-қулоқ булиб турибман, ҳаммадан оз ухлайдурман, соқчилар сергак, узим улардан-да сергакроқман-ку!» «Оз ухласанг-да, уйқу — бу бир муддатлик улим. Сен улик пайтингда душман хушёр буладур ва у шайтондан-да илдамроқ иш кўрадур, бек!» «Оллоҳга сизинишдан узга чорам борми менинг? Уз паноҳингда асрагайсан гофил бандаларингни!..», Оллоҳим!

Эрназарбек шу тахлит узи билан узи олишар экан, карвоннинг йулга чиқиб вақти булиб қолганди. Бек шу хусусда курсатма бериш учун чодирдан чиқмоқчи булиб турган ҳам эдики, ясовулбони Қудратилло ҳовлиқиб келиб қолди.

— Каромат қилгон эркансиз, каромат! Ҳаммаси сиз айтқондек булиб чиқди! — деди у ҳаяжон билан.

— Нима каромат қилибман? Нима мен айтқондек булди? — юраги орқасига тортиб, сўради бек.

— Ушна, сиз айтқон хивалик савдогарлар ҳақиқатан ҳам жосус эрканлар. Ул нобакорлар қудуқни заҳарлаб, бир соқчимизни яралаб, шерикларига хабар бериш учун қочатургон пайтларингда ҳибс этдик. Фақир куринсалар-да, ҳар иккиси-да хирседк кучли эркан, қул-оёқларини базур кишанбанд этдик.

— Ҳа-а, — деди Эрназарбек бирдан бутун аъзойи бадани бушаниб, қандайдир лоқайд оҳангда, — ҳазрати Навоий айтмишлар, «Заҳар солмоқ эмиш касби илоннинг...» Мен кемадан тушган пайтимиздаёқ ул нобакорлар бизга бирор душманлик қилишларини англагон эрдим.

Бек бу сузларни хотиржам, бешарқ оҳангда айтган булса-да, қалби, бутун вужуди газабдан ларзада эди.

— Сиз келиб-келиб худди шу хиёнат кунинда мени огоҳ этганингизни қаранг-а. Илми ғайбдан хабарингиз борга ухшайдур, — деди Қудратилло қойил булиб.

— Йўқ, илми ғайбдан беҳабарман. Фақат меҳрибон Оллоҳ таоло узига астойдил ихлос қўйган, тоат-ибодатни қанда қилмаган бандаларини хавф-хатардан огоҳ этадур. Сиз келмасингиздан бир муддат олдин қулогимга «Хушёр бул, бек, сени гафлат босмоқдадур» деган нило эшитилди.

— Ё қудратингдан, — ёқасини ушлади Қудратилло. — Сиз валисиз, сизга сизинмоқ жоиздур.

— Сизинмоқнинг ҳожати йўқ, энди иккимиз карвон йулини узгартириш тутрисида уйлаб кўрмоғимиз даркор. Ул икки нобакор Хива хони жосуслари эканига сира шубҳам йўқ. Бас, шундай эркан, бизни Хива ва Урганч остоналарига катта хавф-хатар кутади. Хон биз не-не машаққат билан қулга киритган маъданларни узиники қилиш учун ҳеч қандай қабоҳатдан қайтмайду. Шу боис Хива ва Урганччи четлаб утиб, Бухоро сари йул соламыз. Бу бизга катта қийинчиликлар туғдирадур. Лекин узга чорамиз йўқ, — деди Эрназарбек.

— Маъқул, лекин жосусларни узингиз бир суроқ қилиб кўрмайсизми?

— Вақтини топиб суроқ ҳам қиладурман. Лекин ҳозир бу икки хиёнаткорнинг афтига боқсам, кўнглим айнийдир. Сиз уларни қаттиқ қуриқлангиз, жосусларнинг қумликларда изғиб юрган шериклари булиши мумкин. Ҳақиқий суроқни эса арқда, обхонада керакли кишилар қиладурлар. Ана ушанда бу нонкурларнинг тили бурро буладур.

Орадан куп утмай, карвоннинг энг нуфузли кишилари, йулбошловчи, ясовулбони Эрназарбекнинг чодирига машваратга йиғилдилар. Озиқ-овқат, сув захиралари, от-туя емишлари ҳисоб-китоб қилинди. Хива ва Урганччи четлаб утиб кетиладиган йуллар белгилаб олинди ва туялар қўнғироғи жаранг-журунги остида йулга тушдилар.

Неча-неча кунлар ва туялар мобайнида карвон ширин сувли қудуқ излаб, саҳрода сарсон-саргардон булди, неча маротаба сувсизликдан ҳалокат ёқасига келиб қолдилар. Ҳар гал Эрназарбекнинг совуққонлиги, кучли иродаси, саҳро йулларини яхши билгани ва карвонда имони бутун одамлар куп булгани учун фалокатга чап бердилар.

Ниҳоят, салқин тонгларнинг бирида улар Ҳужауббонга етиб келдилар. Ҳамма от-туялардан тушиб, қудуқ томон йуналди, Эрназарбек эса сап-сарик олтиндек товланиб ётган қум тепасининг энг баланд ерига кутарилди-да, қулини соябон қилиб, Машрик томон тикилди.

Урқач-урқач қум барханлари дам сариқ, дам қирмизи товланар, кўш ётоғидан бош кутариш таралдудида, шафақ қонталаш тус олган эди.

Бек уфққа янада қаттиқроқ тикилиб қаради ва шу заҳоти томоғига ачиқ бир нарса тикилиб, ёноқларидан икки томчи ёш сизиб тушди. Уфқда, қуёшнинг илк нурлари аро Минораи Калон элас-элас кўзга таппалиб турарди. «Эй Худо, бизни яна Бухоройи шариф тупроғига соғ-омон етказганинг учун минг бора шукур! Бизни ҳар қадамда қўлаб-қувватлаган Ҳазрати Баҳоуддин балогардоннинг руҳи шоклари шод булғай!» — бекнинг лаблари унсиз пичирлар, кўз ёшлари қуйилиб келарди.

Бухоро уз шарафи ва унинг осойишталигини уйлаб, дарё-ю денгизлар, чулу саҳролардан утиб, керакли юкларни етказиб келган уғлонларини бозору карвонсаройлар шовқини, нилый тоқу гумбазлар салобати ва сокин пасткучалар мудроғи билан кутиб олди.

Эрназарбек подполикка тегишли юкларни топширди, сўнгра Екатерина Панин совғаларини Дониёлбийга пенканг қилди, Россияда подшоҳ ва унинг амалдорлари билан олиб борилган музокаралар тафсилотини сузлаб берди.

— Сиз олиб келган маъданлар Бухоро лашкари қудратига қудрат қўшғай. Бу хизмагингизни асло унутмағаймиз. Боракалло, бек! — деди амир Дониёлбий Эрназарбек билан хайрлашар экан. — Сизни улуг ишлар кугадур...

Сўнги манзил ёки бахт остонаси

Ҳаёт бир маромда давом этар, сиёсат осмонида эски юлдузлар сўниб, янгилари порлар, урушлар, тожу тахт талашинлар халқларни бир-бирдан йироқлаштира, элчилар, сон-саноқсиз савдо карвонлари яна миллат ва элатларни бирлаштиришга хизмат қиларди. «Бухоройи шариф» кемаси Ҳазар сувларида сузиб, савдо аҳли оғирини енгил қилар, Бухорода Эрназарбек элчи мадрасаси қурилиши тез суръатлар билан олиб бориларди.

1780 йил дав эюйда амир Дониёлбий фармони билан Эрназар Мақсуд Бухоро амирлигининг ҳам Россиялаги, ҳам Турк султонлигидаги элчиси этиб тайинланди. Бу жуда қалтис, ақл-заковат, иқтидор талаб этадиган вазифа эди. Россия ва усмоний турклар султонлиги узаро уруш ҳолатида, бир вақтнинг узидики икки душман мамлакатда элчилик қилиш осон эмасди. Лекин Бухоро ватанпарвари Эрназарбек Мақсуд бу ишни бажаришга қарор қилди. У энг биринчи навбатда амир Дониёлбийнинг Турк султони Абдулҳамид I га мактубини топшириши лозим эди. Шу мақсадда у 1780 йил ҳамал ойида яна олис Нева соҳилларига етиб келди.

1780 йил 17 март куни Эрназарбекни Россия империяси ташқи ишлар раҳбари граф Никита Иванович Панин қабул қилди.

Эрназар Мақсуд Панин ҳамроҳлигида бир неча хоналардан утиб, Екатерина II ҳузурига кирганда, у камин ёнидаги оромкурсида китоб ўқиб утирарди. Элчига кузи тушгач, юзи ёришиб, жилмайганича урнидан турди.

— О-о, элчи жаноблари хуш келдингиз! — Екатерина пазокат билан ун қўлини олдинга узатди.

Эрназар Мақсуд таъзим қилиб, подшоҳнинг қўлини ушди:

— Кунингиз хайрли булсин, ҳазрати олиялари! Сизни соғ-саломат, гул-гул очилган ҳолда кураётганимдан беҳад шодман!

— Мен ҳам, янглишмасам, сизни кўрмаганимга юз йилча булди-ёв, — деди Екатерина қўшларини шўх учуриб.

— Мен ҳар доим сиз билан учрашишга интиламан. Лекин начора, Худонинг иродаси булмаса, яхши кунларга етиш мушкул, — деди Эрназарбек.

Екатерина элчини утиришга таклиф этар экан, Панинга юзланиб деди:

— Никита Иванович, азизим, бизни елгиз қолдирсанг... Мен бу Осие баҳолири билан қаймоқлашиб, қаримаслик сирларини урганиб олмоқчиман. Олгинишга яқинлашиб қоляти-ю, соқолидаги битта-яримта оқ толани ҳисобга олмаганда, ҳамон қирчиллама йигитдек.

Панин Екатеринага таъзим қилиб, хонани тарк этди. Екатерина сузида давом этди:

— Хуш, азизим, қаримаслик сирларини менга ҳам айтасизми, ёинки, Оренбург жононларига ваъда қилинган мўъжизакор сувдан олиб келиб берасизми?..

Эрназарбек сузамол, шунинг баробарида гапда отасини ҳам аямайдиган одам эди. Екатеринанинг ҳазилига шундай жавоб қилди:

— Ҳазрати олиялари, бу аёллар гийбатими ёки контрразведка маълумотими?

«О, Эрназар Мақсуд, сен билан ҳазиллашинг жуда хавфли».

Орадаги бироз жимликдан сўнг Екатерина аввалги хушчақчақ ҳолатига қайтиб,

Дониелбий сихат-саломатлигини суриштирди, Бухородаги янгиликлар билан қизикди. Элчининг узидан олдин етиб келган совга-саломлари учун миннатдорчилик билдирди.

— Биласизми, Эрназарбек, Шарқ мени тобора мафтун этиб бормоқда. Яқинда Буюк Бобурнинг ҳақиқатан ҳам буюк эканига яна бир марта имон келтирдим, — деди у.

— Бунга нима сабаб бўлди? — суради қизиқсиниб Эрназарбек.

— «Бобурнома» ва сиз юборган асл қовунлар сабаб бўлди. Бобур уз асарини қойиллатиб ёзиш билан бирга, Бухоро қовунларини ҳам жуда туғри мақтаган экан. Мен бу қовунлардан татиб кургач, шу пайтгача биз еб юрган қовун аталмиш нимарса ошқовоқдан бошқа нарса эмаслигини англадим.

Эрназарбек қовун ҳақидаги мақтовга эътибор қилмай, подшоҳга жавоб қайтарди:

— «Бобурнома» ҳақиқатан ҳам мирзо Бобур биз учун қолдириб кетган едгорликларидан бири. У киши гоят гузал ва латиф ғазаллар ҳам битганлар.

— Бобур асарининг фойдали томони шундаки, мен у билан таржимонлар ёрдамида танишиб чиққач, қатор Шарқ мамлакатлари тарихи, жуғрофияси, табиати, подшоҳлари ва машҳур кишилари тўғрисида бир қадар тугал маълумотларга эга бўлдим, — деди Екатерина.

Эрназарбек Катеринанинг узи ҳам бадиий ижод билан шуғулланишини билар, унинг «О, давр», «Елғончи» каби комедияларини, болалар учун ёзилган «Шаҳзода Хлор ҳақида эртақ» ва бошқа асарларини уқиганди. Шу боисдан, илтифот қилди:

— Турли мамлакатларнинг адабиети ва маданияти бир-бирига таъсир утказиб, бир-бири орқали бойиб борса нақадар яхши. Сиз «Бобурнома»ни уқиб, баҳраманд булган экансиз, мен эсам сизнинг қаламингизга мансуб «Россия тарихига оид хотиралар» асарини уқиб мамлакатингиз тарихи, подшолик фаолиятингиз хусусида ноёб маълумотлар олдим.

Улар яна анча суҳбатлашдилар. Лекин Екатерина ҳамон Эрназарбекнинг Истанбул сафари ҳақида сўз очмасди. Россия сиеватчилари узларининг эски душманлари булган Турк султонлиги ва Урта Осиё хонликларининг яқинлашувини сира-сира истамасдилар. Жумладан, Екатерина ҳам бунга тиш-тирноғи билан қарши эди. Лекин у, бу ҳақдаги мулоҳазаларини суҳбат охирида баён этишни истарди. Эрназарбек эса суҳбатни шу мавзуга буришга ҳаракат қилар, чунки Россия орқали Туркияга утиш учун рухсат олиш унинг асосий мақсади эди.

Ниҳоят, сиёсий суҳбатлар устаси Екатерина II уни истар-истамас қутлаган бўлди:

— Сизни усмоний Турк султонлигига элчи бўлиб бораётганингиз билан табриклайман. Лекин сизга муглақо ҳавасим келмайди. Негадир бу Турк султонлари элчилар асабини синаб кўриш учун турли синовларга рубару қилишни хуш кўрадилар. Сизни бу кургуликлардан Худо асрасин. Мен ҳақингизга дуо қиламан ва мушқулингизни енгиллатиш учун нимайки лозим булса, ҳаммасини адо этаман.

— Ҳазрати олиялари, табригингиз ва ғамхурлигингиз учун ташаккур! Узингиз яхши биласиз, ишимизда баъзан таваккал қилинмаса бўлмайди. Бундан ташқари, барча султону амалдорларни юмпатадиган ва берк қопқаларни очадиган чораларни кўриб қўйганмиз, — миннатдорчилик билдирди элчи.

— Илоё, айтганингиз келсин. Турклар билан уруш ҳолатида эканимиз сизга аён. Йул олис ва ҳар хил тасодифларга тўла. Шу боисдан, Сизни соқчиларим Ясси шаҳригача кузатиб борилади. Бундан ташқари, қўлингизга ёрлик ёзиб бераман, шу ёрликни кўрсатиб, ҳар бир бекатда от-уловингизни янгилаб олиш ҳуқуқига эга буласиз. Яссидан у ёғига Худо ёр булсин! — деди Россия ҳукмдори.

— Марҳаматингиздан бошим осмонга етди, ҳазрати олиялари! Миннатдорман. — Эрназар Мақсуд суҳбат охираётганини сезиб, уридан турди.

— Хайр демайман, куришгунча! Соғ булинг, дустим! — деди Екатерина ва семиз, ошпоқ қўлини узатди. Эрназар Мақсуд подшоҳнинг қўлици секин упиб, хонадан чиқди.

* * *

Бухоро элчисининг от-аравалари, подшолик извошидан иборат карвони яна йулга тушди. Карвонни Екатерина томонидан ажратилган соқчилар — совут кийган отлик кавалергардлар кузатиб борардилар.

Баҳорнинг шаррос ёмғирларию яшин-чақинлари аро Малороссия, Молдавия буйлаб минглаб чақирим йўллар машаққат ила босиб утилди, қора денгизнинг урқач-урқач

тулқиплари ортда қолди. Босфорни қошлаган қуюқ туманлар тарқаб, карвон 1780 савр оғи урталарида Истамбул шаҳрига етиб келди.

Баҳор қуёшининг нурлари танга ҳузур бахш этар, денгиздан илиқ шамол эсар, соҳилдаги гулга қумилган боғлар атрини енгил шаббода олис-олисларга олиб кетарди. Шаҳарнинг бир-бирига туташ тор кучалари ниҳоятда гавжум, бозору расталар, қаҳвахоналар ғалағовури бир зум ҳам тинмасди.

...Бир томони Босфор узра юксалиб, бир томони денгизга туташган боғлар қўйнида Турк султони қароргоҳи — Бахт остонаси жойлашган. Бир-биридан ҳашаматли саройлар, бугун дунёга машҳур Лолалар боғи, масжид, ҳаммом, зарбхона, зиндон, беморхона ва ҳарам... Буларнинг ҳаммаси 1774 йилда султон Мустафо III тусатдан вафот этгач, укаси қулига утди ва у Абдулҳамид I номи билан Усмоний Турк империяси тахтига утирди.

Мустафо III ҳукмронлиги даврида «урнимни эгалламасин» дея туғилган укаси Абдулҳамидни муттасил зиндонда сақлади. Тахт вориси умрининг уттиз саккиз йилини бандиликда, дақиқа сайин улимани кутиш билан утказди. Исталган дақиқада уни бугиб улдиришлари, заҳарлашлари ёнки бугизга ханжар санчишлари мумкин эди. Чуқур зиндонда тириклайин қумилган бу одам оқ-қуёш борлигини билса-да уларнинг нурини қурмасди. 49 ёшида, ҳатто узининг тириклигига ҳам ишонмай, гоят эҳтиёткорлик билан тахтга утирган Абдулҳамид Iнинг афт-анғори жуда даҳшатли эди.

Эрназар Мақсуд султон ва унинг амалдорлари ҳақида Истамбулдаги нуфузли ошоналари орқали маълумотлар тушлади. Сунгра раис афанди (ташқи инлар вазири) ва буюк вазир Муаззинзода билан учрашиб, Бухоро ҳукмдори Дониелбийнинг мактубини шахсан Абдулҳамид Iга топшириш лозимлигини айтди.

Турк амалдорлар порахурликда рус тураларидан қолишмасдилар.

Эрназар Мақсуд уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида қимматбаҳо совғалар бергач, тунд амалдорларнинг чехралари анча ёришди ва улар тез орада Бухоро элчисини султонга рубару қилдилар.

Босфор узра дам қуёш чарақлар, дам туман қуюқлашар ва бир вақт қарабсизки, баҳор ёмғири шивалаб утарди. Ёмғир ювган ям-яшил дарахтлар, гул-кукатлар яна чирой очиб, денгиздан эсан майин еллар таъсирида тебраниб, ажойиб мусиқа оҳангидан маст булардилар гуё. Бахт остонаси саройи — Султон Абдулҳамид Iнинг қароргоҳи янада сирли, маҳобатли тус оларди.

Девон олдида фавворали майдон булиб, атрофи сарв дарахтлари билан ураб олинганди. Девондаги усти ёниқ қоронги йулак орқали элчиларни султон боргоҳига олиб боришарди, боргоҳ муъжазгина, қоронги, деворларда тоқчалар ва курсилардан булак ҳеч қанақа жиҳоз йўқ эди.

Эрназар Мақсуд ва шериклари ана шу диққинафас хонада анчадан бери кутиб утирардилар. Ниҳоят, эшик оғаси тантанали суратда эълон қилди:

— Етти иқлимнинг буюк султони Абулҳамид I Бухоро элчиси Эрназар Мақсуд эфендини гурмак истаюрлар!

Эрназарбек қоронги хонага қадам қўйди-ю, сесканиб кетди: тахтда одам деса одамга, мурда деса мурдага ухшамайдиган бир кимса утирарди. Абдулҳамид I катта оқ салла ураган, енгил, жимжимадор тун кийганди. Унинг чан ва ун қул томонида сарой аёнлари саф тортиб туришарди. Эрназарбек султонга таъзим бажо келтириб, шундай деди:

— Оллоҳ етти иқлимнинг буюк султони Абдулҳамид I ҳазратларининг мартабаларини бундан-да зиёда этгай! Сизга Бухоройи шариф ҳукмдори улуғ амир Дониелбий ҳазратларининг дуои саломларини, ишонч ёрлиқларини ва шахсий мактубларини топширишга рухсат этгайсиз.

Ҳиссиз, совуқ кузларини бир нуқтага қадаб турган султон билинар-билинемас бош қимирлатди. Элчи ишонч ёрлиғи ва мактубни султонга топширди. Абдулҳамид бу қоғозларга ҳатто куз куз қирини ҳам ташламай, ёнида турган буюк вазир Муаззинзодага топширди.

Шундан сунг султонга Бухоро амирининг қимматбаҳо совғалари пешкаш қилинди ва элчининг султон билан учрашувига яқун ясалди.

Эрназарбек мулла Нуриддин ва бошқа шериклари билан султон қароргоҳини тарк этар экан, кайфияти ниҳоятда бузуқ, чехраси тунд эди. Дусти мулла Нуриддин унинг кўнглини кутаришга ҳаракат қиларди:

— Сира уқсинмангиз, биродари азиз. Маълумингизким, сиёсат — гузал ва лекин бағоят беқарор жононага ухшайдур. Бас, шундай эркан, ғам чекишга не ҳожат?

— Мулла Нуриддин, мен сира гам чекмасман. Фақат султоннинг афт-ангорини куриб, кунглим андак беҳузур булди. Эҳтимолки, шаккоклик қилаётгандурман, лекин бундай одамнинг юрагида бирор-бир эзгу ният япай олишига шубҳам бор, — деди Эрназарбек.

Бухоро элчилари қароргоҳи Истамбул бандаргоҳи куришиб турадиган соҳил яқи пила, ҳар кун келиб-кетаётган ошпоқ елкашли кемалар киши юрагига юрт соғинчини соларди.

Қароргоҳга етиб келган элчилар уз юмушлари билан машғул булдилар. Эрназарбек эса денгиз томондан бир маромдаги гувиллашга қулоқ тутар, урқач-урқач тулқинлардан кўз узмасди.

...Мана, ошпоқ кабутар янглиғ кема елканларини шамол тулдириб, соҳилдан тобора узоқлашиб борарди. «Ҳа, — ҳаёл суради Эрназарбек, — бу кема кимнидир қадрдон уйдан узоқлаштирса, кимнидир туғилган юртига яқинлаштирадир. Айрилиқлар ва учрашувлар... Учрашувлар ва айрилиқлар... булар ботинан боғлиқ».

У узини тегик тутишга ҳар қанча интиلمасин, султон саройидаги учрашув юрагидаги мувоzanатни бузиб юборганди. Элчи қанчадан-қанча ҳукмдорлар саройига кириб, бунчалар такаббурилик, совуқ муомалани курмаганди. «Ҳе, аттанг, ҳатто Доһийелбийнинг сихат—саломатлигини сурашга ҳам ярамади-я...»

Ҳар қандай шароитда ҳам ҳис-туйғуларини жиловлай оладиган, табиатан вазмин ва мулоҳазали Эрназарбек бугун негадир узига келолмасди.

Мулла Нуриддин ва Ҳалимжон билан пешин намозини уқиб булғач, бирдан узини ёмон ҳис қила бошлади. Боши гир-гир айланиб, нафаси бугзига тикилди, оёқ-қулидан дармон куриб, қора терга ботди, бир зумда кийим-боши жикқа ҳул булди.

...Уни деразаси денгиз томонга очиладиган хонага олиб кириб, тушакка етқиздилар. Ҳалимжон иссиқ чой дамлаб келди. Мулла Нуриддин дустининг пешонасини ушлаб куриб, одатдагидек уни юнатди:

— Толиқибдурсиз, дусти азиз, тезда утиб кетади. Мен ҳозир уз қулим билан сиз учун бир кобули шурва ижод этадурман. Шундоқ тановул этасизу курмагандай булиб кетасиз.

Эрназарбек туни билан иситмада ёниб, алаҳлаб чиқди. У овқатга қул урмас, нуқул чой сурар, «юрагим ёнадур, юрагим...» дерди.

Тошга яқин кўзи илиниб, бироз ухлади. Мулла Нуриддин ва Ҳалимжон унинг ёнидан бир қалам ҳам жилмасдилар.

Бек кун ёйилганда уйғониб, дустлари ёрламида бет-қулини ювди. Сунгра бир печа қошиқ шурва ичди ва яна узини ёстиққа ташлади. У бироз енгил тортгандек куринса-да, ранги саргайган чиройли, қуй кўзлари ич-ичига ботганди.

Чонгоҳда Истамбулнинг энг яхши табибини олиб келдилар. Каттакон оқ салла ураган, соч-соқоли ошпоқ бу нуруний қария жуда хушчақчақ экан. У беморнинг атрофидан айланиб-ургилиб, кунглини кутарди. Тилини, кузини куриб, томир уришини текширди. Сунгра турли-туман шишачалар, ҳабдориларни бемор ёнига қуйиб, мулла Нуриддинга уларни қандай ичиришни тушунтирди. У Эрназарбек билан жуда хушчақчақ гаплашар, «чух гузал, чух гузал» деб кўярди. Мулла Нуриддинга эса уғринча, гуноҳкорона нигоҳ ташларди.

У бемор билан хайрланиб, хонадан чиққач, мулла Нуриддиннинг саволларига қисқа-қисқа, мужмал жавоб қайтарди ва қули билан осмонга ишора қилди. Табиб «мен ҳам бир осий бандаман, Худо эмасман» демоқчи буларди чамаси.

Чол кетгандан сунг бекнинг аҳволи бироз яхшиланди, мулла Нуриддин билан чақчақлашиб утирди. Дориларни ичишдан қатъиян бош тортди.

— Мен бемор эмасдурман, мулла Нуриддин. Қани энди муъжиза юз берса-ю, Мулиён ариғи сувидан қора қумғонда қайнатилғон бир пиёла чой булса, — деди синиқ жилмайиб.

Мулла Нуриддин дусти енгил тортганидан хурсанд булиб кетди.

— Худо бизни Мулиён сувига-да стказадур, иншоолло! Фақат бу ердаги юмушларни тезда туталиб йўлга чиқсак эди, — деди овозида соғинч оҳанги билан.

Эрназар Мақсуд кўзларини юмиб ҳаёлга чўмди. Бизни кимдир эмас, соғинч улдирадур, соғинч. Соғинч... Нимадур узи у? Юрагим ёнадур, бу соғинч. Мулиён сувини ичгим келадур, бу ҳам соғинч. Офтобхонни, Шерназарбекни кургим келадур — соғинчдан, албатта.

Бек кўзларини очиб, тепазида турган мулла Нуриддинга бир мудлат тикилиб турди-да, илгижо қилди:

— Менга бир косагина Мулиён сувидан берингиз! Бир қултумгина!

Унинг пешонасида реза-реза тер томчилари ялтирар, қул-оёқлари муздай эди. Мулла Нуриддин кунгли бузилиб, дустининг томирини ушлаб кўрди. Томир уриши деярли сезилмасди. У дустидан дориларни ичишни яна илтимос қилди. Бек бошини сарак-сарак қилди:

— Дору Худо иродасидан зур эмасдур. Бу дунёда нимаики содир булар экан, бариси Оллоҳ — таолонинг иродасидандур. Тан эмас, руҳ абадийдур. Бухорои шариф руҳи абадийдур... Эй шаҳри азиз, мен бутун умр сенинг соғинчинг билан узоқ элларни кездим. Яна сендан олисда, зор-у ҳақирдурман...

Мулла Нуриддиннинг кунгли бузилди:

— Ундай демангиз дўстим, сиз сира зору ҳақир эмассиз, уз биродарларингиз даврасидадурсиз ва тез орада тузалиб кетасиз.

Эрназарбек кузларини бир нуқтага тикканича жим қолди. У жим булса-да, қалбида бурон турганди. «Тақдирнинг ҳазилини қаранг, мен Бахт остонасида ётибман-у, узим бебахтдурман. Бу не кўргулик? Бахт остонаси... Ҳа, бу ер Бахт остонаси. Лекин мен учун эмас. Менинг Бахтим остонаси — Бухорои шариф! Энди узимнинг бахт остонамга етолмасман. Ҳатто Екатерина ҳам, у қанчалик айёр, уз манфаатини уйлаган подшо булмасин, бу ёққа келишимни истамаганди. Демак, аёл қалби хавф-хатарни биз, эркакларга нисбатан тезроқ ҳис эта оларкан-да... Йўқ, бу, менимча, тақдири азал, пешонамга ёзилгани...»

Кечга томон Эрназарбекнинг аҳволи яна оғирлашиб, елкаси билан нафас ола бошлади. Ранги янада сарғайиб кетганди. У дам ухлаб қолар, дам уйғониб сув сурарди. Мулла Нуриддин, Ҳалимжон ва бошқа бухороликлар у чекаётган азобларни қандай енгиллатишни билмай қийналардилар. Лекин элчининг аҳволи ҳар қанча оғир булмасин, ақли-ҳуши жойида эди.

Тонгга яқин у мулла Нуриддинни ишора билан ёнига чақириб, дустининг унги қулини куксига босди ва илтимос қилди:

— Дўстим, мен мол-дунё гамини емайдурман. Аксарият фарзандларимдан кунглим тўқ. Фақат норасида Шерназарбек тақдиридан хавотирламан. Агарда менга бирор қор-қол булса, унга меҳрибонлик кўрсатаман, деб ваъда бера оласизми?

— Ваъда бераман. Ун қарра, юз қарра ваъда берадурман. Лекин Сиз ҳали тузала-сиз ва биз Ватанга бирга жунайдуемиз, — мулла Нуриддин юзини четга бурди, икки томчи еш унинг ёноқларидан сизиб тушди. Бу Эрназарбекнинг назаридан четда қолмади.

— Йиғламангиз, буни тақдири азал, дейдилар. Фақат мендан рози бўлингиз ва сунги дуои саломимни барча хеш-ақрабо, ёру биродарларга етказингиз. Бир нарсадан бахтиёрдурман. Мен Бухорои шарифга хизмат қилдим, гарчаид бу буюк масканнинг бир гарди эсам-да...

Боғда қушлар сайроғи авжига чиқди. Денгиздан эсган шамол гўлқўқатлар, дарахтлар новдасидаги билдурдайин шабнам томчиларини тукиб, чечаклар буйини атрофга таратди. Эндигина кутарилаётган қуёшнинг илк нурлари денгиз тулқинларини қирми-зи ранга бўяди.

— Мени ташқарига олиб чиқингиз, тоза ҳаводан бир тўйиб нафас олайин, — илтимос қилди Эрназарбек.

Уни авайлаб ташқарига олиб чиқиб, оромкурсига утиргиздилар.

У оғир-оғир нафас олар, атрофга тўймай боқар, кузлари жовдирарди.

— Ҳалимжон, — деди у оғир тин олиб, — Ромитандаги чорбоғимизда тут пишиб қолгандур-а?..

— Ҳа, ҳа, пишиб қолгандур, — деди Ҳалимжон.

Бекнинг чеҳраси ёришиб, кузлари ойдинлашди ва қалима келтира бошлади:

— Ла илаҳа иллоллоҳу Муҳаммадур расулulloҳ...

Бемор бирдан жим қолди. Уни қурнаб турган бухороликлар бараварига йиғлаб юбордилар. Йиғидан елкалари силкинаётган мулла Нуриддин узини куч билан қўлга олиб, дустининг энгагини боғлади.

— Дўстларим, — деди у куз ёшларини тиёлмай, — сизларни юнатмайман, юпатолмайдурман. Биз учун энди Эрназарбекнинг ўрнини ҳеч ким босолмаса керак... Шундай кишилар буладики, уларнинг ўрнини ҳеч ким босолмайдур. Эрназар Мақсуд ана шундай бебаҳо одам эрди...

Эрназар Мақсуд вафотидан хабар топган рус разведкаси резиденти шундай деди: «Бухоро савдогари, қарвонбоши, мулла ва элчи. У уз миллатига шон-шараф келтирди».



Ойгул
Суюндикова

ЎМИД
ДУНЁСИДА
ШУФИЛИ
ХАЙРАТ

Майсаларнинг тушига кирдим,
Ранглар ҳиди руҳимда оқди.
Ўзни нурлар бағрига урдим.
Яшилланиб, тозариб боқди —
Табиатнинг энг эрка нури.

Юлдузларнинг унсиз навоси
Тулин ойли тунларга тўлди.
Узун-узун кунлар ҳаваси
Қучогимда ёз бўлиб кулди —
Шамолларнинг қайноқ шивирини.

Тинч самога, уфқларга кенг
Қанотини ёзган беҳудуд
Уйларимнинг умри билан тенг
Тиллоланди қадди тик умид —
Саратоннинг ўтли кўз қири.

Кўкда ногоҳ чақмоқ, гулдирак,
Уч кеча-ю кундуз беуйқу
Булутларга бурқанди фалак,
Илкис-илкис қуйилди туйғу —
Саратоннинг иссиқ ёмғири.

Ҳаётимнинг тўлқинларида
Овозлари тиниқ ғамлар ҳам,
Дардларимнинг ажинларида
Изи қолган ёруғ дамлар ҳам —
Саратонги ёмғирнинг сири.

Ўтиб кетган баҳорларим эслай бошласам,
Булутлардай тарқалмоқда оғирлашган уй.
Сўнг ўзгарган феълларимни туслай бошласам,
Кўкламнинг илк ёмғирлари чалмоқда шўх куй.

Жуда олис замонлардан қайтиб келгандай
Туюламан ўз-ўзимга, қуйиламан ўз-ўзимга.
Минг йилларим яна қўшиқ айтиб келгандай
Туюлади ўз-ўзимга, қуйилади ўз-ўзимга.

Кечаси ҳам давом этар оромларимда
Кундузларнинг ташвишлари — қабрда тинар.
Ўлимни ҳеч ёдга олмас каломларимда
Уйгонган ер ила кўкнинг орзуси унар.

Майин ҳаво оғушида қуёш ботмоқда,
Толлар учин қучиб синар уфқ нурлари.
Турналарнинг парвозида шиддат оқмоқда,
Кундузларнинг бошин силар оқшом сирлари.

Осмон маъюс кўзларим-ла тунда тўқнашди,
Юрагимга яширинган ой кўзимда сузди.
Киприкдаги юлдузларим хаёлан тошди,
Рухим енгил ва илоҳий излардан сизди.

Сочларимнинг оқлигида оққан умрнинг
Толасидан, гамидан ҳам топгум ифода.
Ифодалар рангларида дунё қадар кенг
Туннинг тубсиз дардларидир — тонг тутган бода.

* * *

Умид-юрагимнинг яшил баргидир,
Уни совуқ елдан асра, тақдирим.
Умид — армонларнинг ўлмас сабридир,
Уни билиб-билмай синдирма, сирим.

Умид — сочларимда тугаб борар тун.
Тонг бўлиб оқарса йиглама, шабнам.
Умид — мени кутиб чарчамаган кун,
Ўлсам, мендан умид қолади, болам!

* * *

Туннинг гамгин пардаларига
Уралган пок, хур дамларим-ла,
Елғизликнинг дараларида,
Овозсиз қалб наъраларида,
Айландим вақт яраларига...

Дийдиради теграмда шамол,
Нега йўлда адашди хаёл,
Олов тилли бераҳм савол
Ёмғир бўлиб оқди жисмимда,
Мен унутиб кўйган исмдай...

Ранглар қайга йўқолди бирдан,
Воқиф бўлдим қай нохуш сирдан,
Жудо бўлдим қандай сеҳрдан,,
Узоқлади осмон деган сўз,
Кипригимда уйғонмас юлдуз...

Гуё тушиб кетгандим жарга,
Ўхшаб кетдим узилган торга,
Шунда азал қонимда бордай
Жарликлардан учиб чиқдим, мен
Торим — тонгни қучиб чиқдим, мен...

Тонг — боламдай покдомон эди,
Тонг — онамдай меҳрибон эди,
Тонг — ҳаётдай ширин жон эди,
Эриди тун пардалари жим,
Тонг юзида кўрдим табассум.

* * *

Куёш шоҳид, зулмат чекинди қалбдан,
Умид дунёсида туғилди ҳайрат.
Гуллар табассуми узилмас лабдан,
Қушлар қанотида учмоқда сабот.

Энг ёруғ кун шоҳид, эртага баҳор,
Деразамни очар бокира насим.
Еру кўк бағридан ювилар губор,
Ғамларим севинчга бўлмоқда таслим.

Юлдузли тун шоҳид, ойнинг нурлари
Ёзги салқин нафас билан бог кезди.
Кўз илгамас олис фалак сирлари
Чексиз хаёлотнинг қонида сизди.

Тонг шоҳид, куздан ҳам маъсума ҳис йўқ,
Умр — япроқларга битик хотира.
Тупроқдан азизроқ, муқаддас ис йўқ,
Ҳаёт енгилмайди улимга сира.

Биринчи қор шоҳид, борлиқда виқор,
Табиат қучоғи — осуда оҳанг.
Рухим, шу покликнинг ҳавосин сипқор,
Кўзларимда дунё — яп-янги оқ ранг.

Шамсия



ХАЁЛДАЙ ХУР ЯШАСИН ЖИСМИНИҲ

Қароғим даштида майса-кипригим
Саҳарлар шудрингга чўмилаверар.
Кўзимни чирт юмиб оламан. Борлиқ
Хаёлнинг сочига кўмилаверар...

Кўзларим ортида битта дунё бор,
Кўзларим ортида ловуллаган печ...
Ай, севги элидан келган шаҳсувор,
Нечун ҳаётимга кириб келдинг кеч?..

Мен минг йил хўрладим ўзимни-ўзим,
Мен минг йил ўзимдан тиландим шафқат.
Бугун шафқатларим келди сен билан,
Кечиккан фақат...

Кечиккан кунларни кечириб бўлмас,
Кечиккан кунларни бўлмайди айблаб.
Кечиккан кунларнинг кўзлари кулмас,
Кечиккан кунларнинг шодлиги қайда?..

* * *

Ботаётган ой каби маҳзун,
Маҳзунликда кетиб бораман.
Ҳижрон тунларини ёритган
Бағри куюк бир бечораман.

Ишқингизнинг тийра шомига
Сочдим кўзим юлдузларини.
Юрагимдан юлиб ташладим
Севгимизнинг илдишларини.

Кетарканман, уфқ томон ботиб,
Эвриламан армонларимдан:
Йўқми менга аталган гуллар,
Юрагингиз чаманларида?..

... Мен ҳар баҳор гуллайвераман,
Ғуссалардан яшариб, яшнаб.
Узим бир бор гул узолмаган
Кўнглунгизга хазонлар тушаб.

Кетдим, яхши қолинг! Алвидо,
Энди кўришмаймиз, хайр-хўш!
Сиз — умримда энг мунгли нидо,
Сиз — ўнгимда кечган гўзал туш!

Ишқингизнинг тийра шомига
Сочдим кўзим юлдузларини.
Билмам, қай Шамс ёритар энди
Умрингизнинг кундузларини?..

Ботаётган ой каби маҳзун,
Маҳзунликда кетаяпман, мен.

* * *

Умрим шаббодадир — енгил ва майин,
Дунёнинг юзини бир силаб ўтар.
Бир табассум тутиб улгурар тайин,
Кўнглуни элақдай бир элаб ўтар.

Умрим бир бодадир — жарангли қадаҳ,
Тукилса, тупроқлар шимади уни.
Кўзим — очиқ китоб, ёниқ, беадоғ,
Ёпилса, хазонлар кумади уни...

* * *

Маили, мен кетарман бош олиб,
Кулдириб кўнглума ётларни.

Кетаман, ўтларда ёндириб
Юракка ёзилган хатларни.

Кетаман, бир куни кун утиб,
Сарвдай қадларинг букилар.
Кетаман, мен кетган йўлларда
Ҳасратинг хазондай тўкилар.

Қадримдай ўтади жонингдан
Озорлар, озорлар, озорлар.
Келасан, мунгайиб ётади
Дилдаги қаровсиз мозорлар.

Лабингдан тўкилар дардларинг,
Пичирлаб, пичирлаб, пичирлаб.
Менга гап ўргатар хотирот:
«Кечирма, кечирма, кечирма!..»

Лабингдан тўкилар дардларинг,
Шивирлаб, шивирлаб, шивирлаб.
Мен эса кўзларинг осмони
Ёғдирган ёмғирда ивирман.
Ивирман бегуноҳ майсадай...

* * *

Кўзда куйиб борар менинг кўзёшим,
Кўзни уйиб борар менинг кўзёшим,
Кўзни суйиб борар менинг кўзёшим,
Хазон япроқларда буюклик кўрдим.

Гулласа, ўз азобидан гуллаган,
Йигласа, мунг овозида йиглаган,
Ҳеч ким кашф этмаган, ҳеч ким билмаган
Ҳазин сўқмоқларда буюклик кўрдим.

Ҳар на кўргулиги, ҳар на хори бор,
Мангу сукутида мангу зори бор,
Ҳар кима қилмас вовайло-ори бор,
Мискин тупроқларда буюклик кўрдим...

* * *

Мен ўзимни тинглагайман жим,
Ич-ичимда сенинг овозинг.
Айт, сенинг ҳам томирларингда
Тараларму исмиминг сози?
Мен жимгина сураман хаёл,
Лабларимда сирғалар исминг.
Йўқ, айтмайман, тўкилиб кетма,
Хаёлдай ҳур яшасин жисминг!
Мен ишимдан қайтаман ёлғиз,
Мен уйимда ёлғиз яшайман.
Мен сенсизман деёлмайман, йўқ,
Негадир сенлига ўхшайман...
Мен кўзгуга боқаман, аммо
Кўзларимда сенинг сувратинг.
Бу қандайин мўъжиза, Оллоҳ,
Бу қандайин ишқнинг қудрати?!.



Ўткир Ҳошимов

ҚАТТАҒОН

Икки пардали фожиа

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

МЯСНИКОВ — марказдан келган терговчи, 35 ёшларда.
ПАНЖИ ЖУМАНОВ — собиқ совхоз директори, 40 ёшларда.
ҲАНИФА — унинг хотини, 35 ёшларда.
БЕРДИЕВ — маҳаллий терговчи, 25 ёшларда.
ВАЛЕНТИН ЖУМАНОВ — Панжининг акаси, 55 ёшларда.
ОМОНОВ — пахта қабул қилиш пункти мудири, 35 ёшларда.
ЛУЛИ ХОТИН — 40 ёшларда.
БИРИНЧИ СОҚЧИ — 25 ёшларда.
ИККИНЧИ СОҚЧИ — 25 ёшларда.

Воқеа 80-йилларнинг урталарида бўлиб ўтади.

Биринчи парда

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Оддий ҳовли. Бир томонда пахта девор, эшик. Пастак уй билан айвон. Айвон ёнида ошхона. Яна бир томонда чала қолган қурилиш. Томи, деразалари йўқ. Ҳовли ўртасида, узум токи остида ёғоч сўри. Узум токи қуриб қолган. Унда пахта териладиган этак осилиб ётибди. Сўри тагида чойгум. Ёғоч устунга қўловгич, сочиқ илиб қўйилган.

Бердиев киради. Фуқаро кийимида. Бўйида бўйинбоғ. Бошида шляпа. Қўлида папка.

БЕРДИЕВ. Янга! Ҳов янга! (*Ҳовлига уч-тўрт қадам кириб, у ёқ-бу ёққа алангайди*). Янга! (*Эшик томонга қараб*). Кираверинг. Михаил Васильевич! (*Қўлини кўксига кўйиб*). Марҳамат!

Мясников киради. У ҳам фуқаро кийимида. Бошида шляпа. Бўйинбоғи Бердиевники билан бир хил. Кўзида кўзойнак. (*Қора кўзойнак*). Ҳовлига разм солади.

БЕРДИЕВ. (*Уй томонга қараб чақиради*). Янга! Ҳой, ким бор? (*Мясников унга, уйга кириб чиқ, деб имо қилади. Бердиев пилдираб уйга кириб чиқади*). Ҳеч ким йўқ. Кичкина бола ухлаб ётибди!

МЯСНИКОВ. (*Фаши келиб*). Қаёққа даф бўлган булар?

БЕРДИЕВ. Ҳайронман, қаёққа йўқолган? (*Бақариб*) Ҳасан! Ҳой Ҳусан!

Мясников сўри олдида келади. Бердиев ҳам пилдираб сўри олдида келади. Мясников энгашиб, сўрининг тагига қарайди. Бердиев ҳам сўри тагига мўралайди. Мясников узум зангини ушлаб кўради.

Бердиев ҳам унинг ҳаракатини такрорлайди.

БЕРДИЕВ. (*Тушунтирган бўлиб*). Бу — узум. Михаил Васильевич, узум! Энди... ер шўр-да, Михаил Васильевич, узумлар шунақа бўлиб қолган.

Мясников индамай нари кетади. Чала қурилган уйнинг деразасиз бўшлигидан ичкари мўра-лайди. Бердиев ҳам мўралайди.

МЯСНИКОВ. *(Орқароққа чекиниб)*. Эҳ-ҳе! Бутун бошли қаср-ку бу!

БЕРДИЕВ. *(Иккиланиброқ)*. Жудаям унчалик эмас, Михаил Васильевич. Хом гишт. То-миям ёпилмаган...

МЯСНИКОВ. *(Қатъий қилиб)*. Қаср деб ёз!

БЕРДИЕВ. Хўп бўлади! *(Дафтарига ёзади)*.

МЯСНИКОВ. Пули кўпайса, дарров қурилиш бошлайди, булар!

БЕРДИЕВ. Худди шундай! Иморат қуради!

МЯСНИКОВ. Кейин тўй қилади.

БЕРДИЕВ. Тўй қилади!

МЯСНИКОВ. Бола кўпайтиради!

БЕРДИЕВ. Худди шундай, Михаил Васильевич!

МЯСНИКОВ. Чурвақалар ейман-ичаман, деб хархаша қилади.

БЕРДИЕВ. Қилади, Михаил Васильевич! Хархаша қилади.

МЯСНИКОВ. Кейин-чи? Кейин нима бўлади?

БЕРДИЕВ. *(Довдираб)*. Виноват, Михаил Васильевич!

МЯСНИКОВ. *(Истеҳзо билан)*. Уй қуришга пул керакми?

БЕРДИЕВ. *(Ҳозиржавоблик билан)*. Керак!

МЯСНИКОВ. Минг кишини чақириб тўй қилишга пул керакми?

БЕРДИЕВ. Керак!

МЯСНИКОВ. Хотини каламушга ўхшаб ҳар йили болалайдими?

БЕРДИЕВ. Шундай, Михаил Васильевич! Болалайди!

МЯСНИКОВ. Шунча болани боқишга пул керакми? *(Пауза)*. Қаердан олади, шунча пул-ни? *(Бердиев талмовсирайди)*. Кўшиб ёзади! Пора олади! Ўғирлик қилади! Мана, сизга оддий арифметика!

БЕРДИЕВ. *(Ялтоқланиб)*. Тушундим, Михаил Васильевич! Масаланинг ўзагидан оласиз-да!

МЯСНИКОВ. Буларнинг туалети қаёқда. Бердиев?

БЕРДИЕВ. *(Бир зум довдираб қолади. Кейин, ҳовли бурчагини кўрсатиб)*. Бу ёқда, бу ёқда! *(Қўлини кўксига қўшиб)*. Марҳамат! *(Уни ҳожатхонагача кузатиб боради. Пилдираб қайтиб келади. Қўловични текшириб кўради: сув йўқ)*. Э, ўла! *(Ердаги чойгумни олиб, ошхонага югуради. Мясниковнинг ҳожатхонадан чиқишини кутиб туради. Мясников чиқиши билан елкасида сочиқ, қўлида чойгум билан зипиллаб боради)*. Марҳамат! *(Энгашиб сув қуюди. Мясников қўлини ювиб, обдон силкитади. Бердиев сочиқ тутқазлади)*. Марҳамат!

МЯСНИКОВ. *(Социқнинг у ёқ-бу ёғини ўгиради. Тозалигига қаноат ҳосил қилгач, қўлини артади)*. Кириб чиқинг!

БЕРДИЕВ. *(Кўзини пирпиратиб)*. Виноват!

МЯСНИКОВ. Сизам кириш, деяпман.

БЕРДИЕВ. *(Тушунмай)*. Виноват, Михаил Васильевич!

МЯСНИКОВ. *(Энсаси қотиб)*. Туалетга кириб-чиқинг деяпман!

БЕРДИЕВ. *(Қўлини кўксига қўйиб)*. Хўп бўлади! *(Ҳожатхонага югуради. Мясников шошилмай сигарет чекади. Бердиев қайтиб чиқади)*.

МЯСНИКОВ. Нима кўрдингиз?

БЕРДИЕВ. *(Довдираб)*. Михаил Васильевич...

МЯСНИКОВ. *(Бош чайқаб)*. Ай-яй-яй, Бердиев! Ким сизни чекист дейди! Шунини унутмангки, сиз ёш, истеҳдодли терговчи сифатида давлат аҳамиятига молик ишга жалб этилгансиз! Яна кириш!

БЕРДИЕВ. Хўп бўлади! Текшираимиз! *(Югуриб яна ҳожатхонага кириб кетади. Қайтиб чиқади. Илжайиб)*. Туалетда қоғоз йўқ экан.

МЯСНИКОВ. Тагин?

БЕРДИЕВ. *(Бир зум эсанкираб туради-да, яна ҳожатхонага югуради)*. Текшираимиз! *(Қайтиб чиқади)*. Тушундим, Михаил Васильевич, унитаз йўқ.

МЯСНИКОВ. *(Киноя билан)*. Шунақа денг? Нега йўқ?

БЕРДИЕВ. Чунки канализация йўқ.

МЯСНИКОВ. *(Кулиб)*. Молодец, Бердиев, дурустсиз! Канализация йўқ. Демак, хоҳлаган нарсани яширса бўлади!

БЕРДИЕВ. Тўппа-тўғри! Текшираимиз! *(Ҳожатхона томон югуради)*.

МЯСНИКОВ. Тўхтан! Текширишнинг ҳожати йўқ! Керак бўлганда текширасиз. *(Осилиб ётган этакка имо қилиб)*. Манави портянка нега бу ерда осилиб ёттиди?

БЕРДИЕВ. Виноват, Михаил Васильевич! *(Этакни олиб томоша қилади)*. Бу пайтава эмас, этак. Фартук. Пахтани шунга теради. Манавиндай қилиб белга боглаб олади-да, териб кетаверади.

МЯСНИКОВ. *(Эслаб)*. Ҳа, кўзим тушганди. *(Ўйланиб)*. «Бошсиз чавандоз» фильмида кўргандим. Негр қуллар пахтани саватга терган. Сизларда нега фартукка теради?

БЕРДИЕВ. Виноват! Текшираимиз!

МЯСНИКОВ. Нега машина турганда, қўлда теради?

БЕРДИЕВ. Текшираимиз!

МЯСНИКОВ. Нега далада хотинлар билан болалар ишлайди? Эркаклар қаёқда?

БЕРДИЕВ. Буниям...

МЯСНИКОВ. Текширишнинг ҳожати йўқ. Сабабини сиз билмасангиз, мана, мен билан! Эркаклар Сибирга бориб чайқовчилик қилади, узум сотади, тарвуз сотади, пиёз сотади!

Ҳанифа кўринади. Қўлида кичкина тугун, оддий кийинган. Толиққан. Аммо кўркам аёл.

БЕРДИЕВ. *(Гап чалгиганидан енгил тортиб)*. Ана, келди! *(Ҳанифага, зарда билан)*. Қаёқларда юрасиз-а, янга?! Қаёқларда юрасиз! Қачондан бери кутиб ўтирибмиз!

ҲАНИФА. Келинлар, меҳмонлар.

БЕРДИЕВ. Бир соатдан ошди!

ҲАНИФА. Яхшимисизлар? Кечирасизлар... Ҳозир. *(Сўридаги кўрпачани тўғрилаб, уйга киради. Патисда нон олиб чиқади)*.

МЯСНИКОВ. Айтинг, Бердиев, биз меҳмонга келганимиз йўқ.

БЕРДИЕВ. Биз меҳмондорчиликка келган эмасмиз, янга, вақтимиз зиқ.

ҲАНИФА. Ҳозир. Бир пиёла чой... *(Ошхонага киради)*.

Эшикдан Лўли хотин жавраб киради. Қўлида қийшиқ таёқ. Елкасида хуржун.

ЛўЛИ. Қаёқдасан, келин бача? Мана, ман келдим! Ман санга бир гап айтай, сан ҳайрон қол! *(Сўрига ўтириб, ўзидан ўзи дуога қўл очади)*. Илоҳи овми-и-ин, ман келдим бало келмасун! Арвоҳлар ёр бўлсун, пирлар мададкор бўлсун! *(Бердиев ҳам беихтиёр сўрига келиб ўтиради, дуога қўл очади)*. Баҳоваддин балоғардон пирим, Занги бува пиримнинг ўзи қўлласун!

МЯНИКОВ. *(Бердиевга)*. Ким бу алвасти?

БЕРДИЕВ. *(Фотиҳани чала ташлаб унинг олдига зипиллаб боради)*. Лўли бу, Михаил Васильевич, лўли!

ЛўЛИ. *(Ҳамон дуо ўқишда давом этади)*. Илоё шу хонадонга қасд қилганлар паст бўлсун! Ер билан яқсон бўлсун! Илоё...

Мясников Бердиевга Лўлини ҳайдаб юбор, деб имо қилади.

БЕРДИЕВ. *(Лўлига)*. Бўлди-да энди, қисқа қилинг!

ЛўЛИ. *(Давом этиб)*. Шу хонадонда қўша-қўша тўйлар бўлсун! Ямонларнинг нияти ўзига йўлдош бўлсун! Кун кўрсин, рўшнолик кўрмасун!

БЕРДИЕВ. Э, бўлди, деяпман! Сени ким чақирди ўзи?

ЛўЛИ. Овмин Оллоҳу акбар! *(Бердиевга)* Ҳай, манга қара, бача! Сан ким ўзе? Нега дуоне белига тепасан? Сан дуоданам улугме? Мани келин бача чақиргон. Ман фол очғони келго-он!

МЯСНИКОВ. Нима деб алжиряпти?

БЕРДИЕВ. Мени чақирришган, дейди. Фол очаман, дейдими-ей. *(Лўлига)*. Бўпти, йўлингдан қолма!

ЛўЛИ. Ман кета-а-ай? Қаёққа кетаман? Сан кет!

БЕРДИЕВ. Йўқол, дейман! *(Лўлининг тўрвасига чанг солади)*.

МЯСНИКОВ. Фол очарканми? *(Бармоғини илгак қилиб, Лўлига «бери кел», деб имо қилади. Кафтини очади)*.

БЕРДИЕВ. *(Ҳайратланиб)*. Михаил Васильевич...

ЛўЛИ. *(Ҳассасини дуқиллатиб Мясниковнинг олдига боради)*. Очайме? Фол очайме? *(Унинг кўзига узоқ тикилиб)*. Сани кўзинг хунук. *(Қўлига қараб)*. Қўлингдан қон ҳиди келопте!

МЯСНИКОВ. *(Бердиевга)*. Нима дейди?

БЕРДИЕВ. *(Мясниковга)*. Ёмон гап айтаяпти, Михаил Васильевич. *(Лўлига ёпишади)*. Қани, туёгингни шиқиллат!

ЛўЛИ. Тегма манго! Тегма дейман! Саниям қўлингдан қон ҳиди келопти!

Ошхонадан чойнак-пиёла кўтариб, Ҳанифа чиқади.

БЕРДИЕВ. Жўнаб қол!

ҲАНИФА. Вой! Вой ўлмасам! *(Бердиевга)*. Нега ҳайдайсиз бечорани?

БЕРДИЕВ. Йўқол! *(Лўлининг тўрвасини улоқтиради)*.

ЛўЛИ. Тегма тўрвамга, тегма! *(Ҳанифага)*. Уйингда амал бо-о-ор, келин бача, уйингда амал бо-о-ор! Сан буларни нега киргаздинг уйингга! Булар ямон одам! Нияте ямо-о-он!

ҲАНИФА. Хафа бўлманг, опажон, кейин келарсиз. *(Лўлининг хуржунига бояги нонлардан бирини солади)*.

МЯСНИКОВ. *(Бердиевга)*. Текширинг.

БЕРДИЕВ. *(Тушунмай)*. Виноват!

МЯСНИКОВ. Нонни текшир, дейман, галварс!

Бердиев хуржундан нонни чиқариб бурдалайди.

ЛўЛИ. Насибамни бўлма, нон кўр қилгур, насибамни бўлма!

БЕРДИЕВ. *(Мясниковнинг олдига пилдираб боради)*. Ҳеч нима йўқ, Михаил Васильевич! *(Яна юзуриб Лўлининг олдига келади. Уни ташқарига судрайди)*.

ЛўЛИ. Нонни хор қилдингме, илоё хор бўл. Икки кўзинг сўқир бўлсун!

ҲАНИФА. Тегманг бечорага! Нима гуноҳ қилди? *(Бояги нон бурдаларини хуржунга солади)*.

ЛўЛИ. *(Бердиевга)*. Мани мўйловдор эрим бор. Шунга айтай, сани нима қилишни ўзи биладе! Э, ҳезалак!

БЕРДИЕВ. *(Лўлини ҳайдаб чиқариб, қайтиб киради. Ҳанифага)*. Э, менга қаранг, янга? Қанақа одамсиз ўзи? Утирибмиз, ўтирибмиз... *(Мясниковга имо қилиб)*. Бу киши катта одам бўлса. Сиздан бошқа ташвишимиз йўқми? Уйингизда ҳеч зог йўқ! Ҳасан-Ҳусанлар қаёқда?

ҲАНИФА. *(Маъюс)*. Мактабдан келиб пахтага чиққандир-да.

БЕРДИЕВ. Ўзингиз-чи? Ёш болани ёлғиз қолдириб қаёқда юрибсиз?

ҲАНИФА. Қизимни кўргани бордим. *(Укиниб)*. Сариги яна қайталабди.

МЯСНИКОВ. *(Тушунмай, Бердиевга қарайди)*. Нима деяпти?

БЕРДИЕВ. Қизи иккинчи марта желтуха бўлганмиш.

ҲАНИФА. Касалхона тўлиб кетган... Йўлакда ётибди. Аҳволи огир... *(Баттар ўкиниб)*.

Дадаси у ёқда бўлса, болалар ёш бўлса... Бошимни қаёққа урай, укам?!

МЯСНИКОВ. *(Бердиевга)* Нима дейди?

БЕРДИЕВ. Қизининг аҳволи огирмиш.

МЯСНИКОВ. (*Эсаси қотиб*). Нима, сиз врачмисиз?

БЕРДИЕВ. (*Ҳанифага, зарда билан*). Нима, мен сизга дўхтирманми? Биласиз-ку!

ҲАНИФА. Биламан... (*Бердиевга, хўрсиниб*). Панжи акангизни кўрасизми ҳеч? (*Бердиев кўрқиб, олазарак бўлади*). Тан-жони соғми? (*Мясников гоҳ Бердиевга, гоҳ Ҳанифага шубҳаланиб қарайди. Ҳанифа ўқиниб*). Касалманд бўлмасаям гўрайди. Нафаси қисади. Устига-устак қанд касали бор. Тез-тез чой ичмаса ҳушидан кетиб қоларди. (*Пауза. Ялиниб*). Жон укам, умрингиздан барака топинг. Яхши жойлардан ато қилсин! Озгина қуруқ чой берсам акангизга киши билмас киргизасизми?

МЯСНИКОВ. (*Тушунмайди. Тоқати-тоқ бўлиб*). Нима деяпти бу хотин?

БЕРДИЕВ. Эрига заварка бериб юбормоқчи.

МЯСНИКОВ. Ким обориши керак? (*Дағдага билан*). Сизми?

БЕРДИЕВ. (*Капалаги учиб*). Михаил Васильевич...

МЯСНИКОВ. Нима, сиз воситачимисиз?

БЕРДИЕВ. (*Ҳанифага*). Мен сизга ҳаммолманми, янга? (*Дағдага билан*). Ҳаммолманми?

ҲАНИФА. (*Изтироб билан*). Бир бечорага чой оборган одам ҳаммол бўладими, укам?

МЯСНИКОВ. Нима деяпти?

БЕРДИЕВ. Эри асматик эмиш. Яна сахар касали бор дейдимийей...

ҲАНИФА. (*Бир қадар осойишта оҳанда*). Менга таржимон керакмас!

МЯСНИКОВ. Манави бошқа гап! Биламиз, гражданка Жуманова. Сиз оддий колхозчи эмас, педагогсиз. Ёшларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялайсиз...

ҲАНИФА. Эримнинг диабетни бор. Қаттиқ чанқаса, комага тушиб қолиши мумкин.

МЯСНИКОВ. Начора, қамоқ-санаторий эмас.

БЕРДИЕВ. Тўппа-тўғри!

ҲАНИФА. (*Изтиробда*). Олдига борсам киргизмаса. Передача олмаса...

МЯСНИКОВ. Қоида шундай, гражданка Жуманова. Тергов тугамагунча свидание берилмайди, передача қабул қилинмайди.

БЕРДИЕВ. Тўппа-тўғри! Менам шуни тушунтирдим, Михаил Васильевич. Биз қонун ҳимоячиларимиз, дедим. (*Ҳанифага дағдага билан*). Айтдимми сизга! Айтдимми шуни? (*Мясниковга имо қилиб*). Ишонмасангиз ўзларидан сўранг. Михаил Васильевич тергов группасининг бошлиғи бўладилар!

ҲАНИФА. (*Бердиевга қарамай, Мясниковга*). Группа бошлиғи бўлсангиз айтинг: эримни нега қамадинглар?

БЕРДИЕВ. Қизиқ гапларни гапирасиз, янга! Гуноҳи борки, қамалган-да!

ҲАНИФА. (*Мясниковга*). Эримнинг гуноҳи нима?

МЯСНИКОВ. (*Босиқлик билан*). Менга қаранг, гражданка Жуманова. Келинг, хотиржам гаплашайлик. (*Пауза*). Аввало бир нарсани келишиб олсак. Биз сизни сўроқ қилмоқчи эмасмиз. Тергов қилсак, тегишли жойга олиб борардик. Дўстона суҳбатлашгани келдик. (*Бердиевга*). Тўғрими, Бердиев?

БЕРДИЕВ. Худди шундай! (*Ҳанифага*). Михаил Васильевич сизга ёрдам бермоқчилар. Бу киши — яхши одам!

МЯСНИКОВ. Гап бундай, гражданка Жуманова. Илтимос, диққат билан қулоқ солинг. (*Пауза*). Хафа бўлманг-у, олдиндан огоҳлантириб қўйишга тўғри келади. Ёлгон показание берсангиз, сизни ҳам ҳибсга олишга мажбур бўламиз.

БЕРДИЕВ. (*Бидирлаб*). Эшитдингизми янга? Сизам жавобгар бўласиз! (*Ҳанифа индамай бош иргайди*).

МЯСНИКОВ. Қанча очиқ гаплашсак, шунча яхши. (*Пауза*). Эрингизнинг соғ-саломат чиқиб келишини хоҳлайсизми?

ҲАНИФА. Эримдан бошқа суянчигим йўқ. Тепамда Худо турибди. Эрим бегуноҳ.

МЯСНИКОВ. Шошилманг, гражданка Жуманова.

ҲАНИФА. Эримда гуноҳ йўқ!

БЕРДИЕВ. (*Зарда билан*). Охиригача эшитинг-да, янга! Бу одам сизга ёрдам бермоқчи десам...

МЯСНИКОВ. (*Ўйлиниб*). Қизингиз қайси больницада ётибди?

ҲАНИФА. (*Кўнглида умид уйғониб*). Интернатда. (*Пауза*). Интернатни касалхонага айлантиришган.

МЯСНИКОВ. Ёзиб олинг, Бердиев! (*Бердиев ёзди. Ҳанифага*). Фамилияси?

ҲАНИФА. Жуманова. Жуманова Азиза. (*Бердиев шоша-пиша ёзди*).

МЯСНИКОВ. Ёши?

ҲАНИФА. Ўн еттида.

МЯСНИКОВ. (*Бердиевга*). Бердиев! Жуманова Азиза назоратга олинсин.

БЕРДИЕВ. Хўп бўлади! Текшираемиз!

МЯСНИКОВ. Текшириш эмас, бажариш керак! Эртагаёқ алоҳида палатага олинсин!

БЕРДИЕВ. Хўп бўлади! (*Ёзишда давом этади*).

МЯСНИКОВ. Керакли дорилар билан таъминлансин.

БЕРДИЕВ. Хўп бўлади!

МЯСНИКОВ. (*Ўйлиниб*). Ҳаммамиз ҳам бола деб юрибмиз-да. (*Пауза*). Болалар — бизнинг келажагимиз...

ҲАНИФА. (*Маъюсланиб*). Болаларни ўйласанглар, отасини нега қамайсизлар?

МЯСНИКОВ. Начора, қонун барчага баробар.

БЕРДИЕВ. Битта боласи бўладими, ўнтами...
МЯСНИКОВ. (*Уйланиб*). Эрингиз бунчалик бетоблигини билмаган эканман. Майли, шариитини яхшилаймиз. Мен сўзимнинг устидан чиқадиغان одамман.

БЕРДИЕВ. Худди шундай, янга! Бу киши бир сўзли одам!

МЯСНИКОВ. (*Босиқлик билан*). Биласизми, гражданка Жуманова... эрингизнинг қисмати сизга боғлиқ.

ҲАНИФА. (*Дафъатан тушунмай*). Нима?

МЯСНИКОВ. Жумановнинг қисмати сизга боғлиқ бўлиб қолди.

ҲАНИФА. Менга?

МЯСНИКОВ. (*Ишонч билан*). Сизга, гражданка Жуманова! Терговга қанча сидқидилдан ёрдам берсангиз, эрингиз шунча тез озодликка чиқади!

ҲАНИФА. (*Умидвор бўлиб*). Дадасининг тақдири менга боғлиқ бўлса, ҳар қанча хизматга розиман.

БЕРДИЕВ. (*Гапга аралашиб, Мясниковга*). Айтгандим-ку, Михаил Васильевич! Жумановнинг хотини ақли аёл, дегандим-ку...

МЯСНИКОВ. (*Бердиевга эйтибор бермай, Ҳанифага*). Узр-ку, яна бир марта эслатишга мажбурман. Агар ёлгон показание берсангиз...

ҲАНИФА. Эримда гуноҳ йўқ!

БЕРДИЕВ. (*Қўлини пахса қилиб*). Қанақа одамсиз-а? Қанақа одамсиз? Олдин гапга қулоқ солсангиз-чи, бундоқ!

МЯСНИКОВ. (*Ҳанифага*). Тўғри айтасиз. Эрингизда гуноҳ йўқ. Соддалик қилган. Бу ишларга тасодифан аралашиб қолган. (*Пауза*). Бултур пахта пункти мудир Омонов айёрлик қилиб, эрингизни етмиш тонна пахта приписка қилишга кўндирган.

ҲАНИФА. А?

МЯСНИКОВ. Омонов улушнинг каттасини ўзи олиб, Жумановга атиги ўттиз минг берган.

ҲАНИФА. (*Ҳайратдан чўчиб тушади*). Нима?

МЯСНИКОВ. Омонов показаниесига ҳаммасини ёзиб берган.

ҲАНИФА. А-а-а! (*Гоҳ Мясниковга, гоҳ Бердиевга мўлтираб қарайди*). Ё, тавба, ё Худо! Ҳали бу туҳмат ҳам бормиди?!

БЕРДИЕВ. (*Зарфа билан*). Гапнинг бердисини эшитинг, олдин!

МЯСНИКОВ. Эрингиз ўша пулни уйга олиб келган.

ҲАНИФА. (*Тўсатдан кескин ўзгариб*). Нима-а-а? Уйга олиб келган?

МЯСНИКОВ. Марҳамат қилиб эслаб кўрсангиз, гражданка Жуманова, ўша ўттиз минг қани?

ҲАНИФА. Ўттиз минг? Қанақа ўттиз минг? (*Аламдан йиглаб юборади*). Қанақа ўттиз минг?

БЕРДИЕВ. Шовқин солманг-э! Қанақа хотинсиз ўзи? (*Дадага билан*). Сизга пул керакми, эрми? Панжи ака арзимайдими ўша ўттиз мингга?

ҲАНИФА. (*Аламдан қақшаб*). Қанақа ўттиз минг, шумқадам! Туҳмат қилмай, туҳмат балосига йўлиққур, қанақа ўттиз минг?

БЕРДИЕВ. (*Дўқ уриб*) Ҳой, яхшилик ёқмаган банда!

ҲАНИФА. (*Бердиевга*). Қанақа ўттиз минг дейман, ер ютқур?! Манавинақа сўхтаси совуқларни бир марта бошлаб келдинг индамадим! Икки марта бошлаб келдинг, индамадим! Ўн марта бошлаб келдинг, индамадим! (*Йиглаб*). Уйимни қоқ ер, қаро шифт қилдиларинг, бувимдан қолган билагузуккача опкетдиларинг, индамадим! Энди бу туҳмат ҳам бормиди, худобехабар! Титкиламаган жойинг қолмади-ку! Текширмаганинг битта ҳалажой қолди. Бор! Кавлаб кўр ўшаниям!

БЕРДИЕВ. (*Бақириб*). Кавлаймиз! Керак бўлса кавлаймиз!

ҲАНИФА. Булар-ку аллақайси гўрдан келган. Сен-чи? Сен шу қишлоқнинг сувини ичиб катта бўлгансан-ку! Уз ҳешларингга туҳмат қилгани уялмайсанми, юзсиз! Панжи аканг кимлигини билардинг-ку, виждонсиз! Булар-ку, қилгиликни қилиб юртига жўнаб кетади. Сен қандоқ бош кўтариб юрасан, бу юртда, имонсиз!

БЕРДИЕВ. Э, шаллақилик қилма-э! Мен хизмат бурчимни бажараяпман!

ҲАНИФА. Хизмат? Хизматинг шуми сени? Эртага манавилар бегуноҳ онангни қамоққа тик, деса, оқ сут берган онангни қўлигаям кишан соласанми, номерд! (*Бирдан гизабга миниб*). Беш минг берсанг акамни чиқариб юбораман, деган ким эди? Сигиримни сотдим! Гилямимни сотдим! (*Яна йиглаб юборади*). Биттаю-битта қизимга атаб не ҳасратда йиққан бисотимни сотдим...

БЕРДИЕВ. (*Кўрқиб*). Янга!

ҲАНИФА. Қулогимгача қарзга ботдим! Қани чиқарганинг? Қани эримни чиқарганинг, номерд!

БЕРДИЕВ. (*Кўрқиб*). Янга! Унақа гапларни гапирманг, янга!

МЯСНИКОВ. (*Тоқати тоқ бўлиб*). Жуманова! Одам тилида гапиринг!

ҲАНИФА. Нима-а-а? Нима дединг? Ҳали сен ўзингни одамман деб юрибсанми? Сенинг тилинг одам тили бўлдию, меники ҳайвон тилими? Мен сенинг уйингга борганим йўқ! Сен менинг уйимга бостириб келдинг! Керак бўлса сен менинг тилимда гаплаш!

МЯСНИКОВ. Шовқин солманг, Жуманова! Омонов 30 минг берганини эрингизнинг ўзи бўйнига олган!

ҲАНИФА. Нима-а-а? Нима дединг! Бўйнига олга-а-ан? (*Ўтириб тиззасига уради, фарёд солади*). Бу қандоқ зулм! Бу қандоқ бўҳтон! Ҳеч вақо йўқ, бу хонадонда! Эрим болаларига ҳаром егизган эмас! Эримда гуноҳ йўқ! Йўқ! (*Дод солади*). Туҳматга қолиб кетдим-ку! (*Эшик олдида боради*). Ҳой, одамлар, бормисизлар?! Ҳой, кўшниллар, қаёқдасан? Нега индамайсан?

(*Ҳеч кимдан садо бўлмагач, сўри олдига қайтиб келади*). Нимани ўртага қўйиб онт ичай? (*Дастурхондан нонни олиб юзига босади*). Нон урсин! Нон урсин! Нон урсин! (*Қақшаб йиғлайди*). Қўлидан нон тушиб кетади). Нонга ишонмасанг, Қуръонга ишонмасанг, Худога ишонмасанг?! (*Сапчиб ўрнидан туради*). Мясниковга хезланиб боради). Ол тўппончангни! Отиб ташла! Болаларимнинг отасига тухмат қилгандан кўра ўлганим яхши! Отиб ташла! От дейман! От! (*Кутилмаганда Мясниковнинг ёқасига чанг солади*). Топасан уша ўттиз мингни! Эркак бўлсанг топасан! (*Ичкарида бола йиғлай бошлайди: бир ёшлардаги бола йиғиси*).

БЕРДИЕВ. (*Орага тушиб*). Янга! Янга дейман!

МЯСНИКОВ. (*Юлқиниб*). Қўйворр! Бугуноқ эрингни олдига обориб тиқиб қўяман! Қанжиқ! (*Бердиев иккаласи уни итқитиб юборишади*).

Ичкарида бола баттар йиғлайди.

Эшикдан Валентин отилиб киради. Оддий кийимда. Бошида дўппи.

ВАЛЕНТИН. Ҳов! (*Илдам яқин келиб*). Менга қара, ҳов! Нега хотин кишини ҳақорат қиласан?!

Ичкарида бола бўғилиб йиғлайди.

ҲАНИФА. (*Уқсиб йиғлаб*). Қандоқ кунларга қолдим, акажон! Жонимдан тўйиб кетдим-ку! Бу тухматларга қандоқ чидайман, ака! (*Йиғлаб ичкарига киради*).

ВАЛЕНТИН. (*Мясниковга чақчайиб*). Менга қара, ўв! Нега хотин кишини ҳақорат қиласан?

МЯСНИКОВ. (*Валентинга*). Сен кимсан? (*Дағдага билан*). Кимсан ўзинг?

БЕРДИЕВ. (*Бидиллаб*). Ким билан гаплашаётганингизни биласизми, Вали тоға?! Бу киши...

ВАЛЕНТИН. Нарӣ тур!

МЯСНИКОВ (*Бердиевга*). Ким бу босмачи? (*Валентинга*). Фамилиянг?

БЕРДИЕВ. (*Бидиллаб*). Мен танийман, Михаил Васильевич! Яхши танийман! Оти Вали тоға!

МЯСНИКОВ. (*Бердиевга*). Дафтарингни ол, саводсиз! (*Валентинга*). Ким сенга ҳуқуқ берди, хизмат бурчини ўтаётган...

ВАЛЕНТИН. (*Унинг гапини кесиб*). Ким сенга ҳуқуқ берди аёл кишини «қанжиқ» дейишга!

МЯСНИКОВ. (*Бердиевга*). Ёзиб ол! (*Валентинга*). Сендан сўраяпман: фамилиянг?

БЕРДИЕВ. Мен биламан, дедим-ку, Михаил Васильевич! Фамилияси Жуманов! (*Дафтарчасига шоша-пиша ёзади*). ПМКда ишлайди! «КамАЗ» ҳайдайди... (*Ёзишда давом этади*).

МЯСНИКОВ. Жиноятчи Жумановга ким бўласан?

БЕРДИЕВ. (*Бидиллаб*). Акаси! Панжи Жумановнинг акаси бўлади!

МЯСНИКОВ. Шунақами? Жиноятчи Жумановнинг акаси бу! (*Валентинга*). Сендан сўраяпман! Ўз озинг билан айт. Жумановнинг кими бўласан?

ВАЛЕНТИН. Акасиман. (*Бақириб*). Эшитдингми, акаси бўламан!

МЯСНИКОВ. (*Бердиевга*). Ёздингми? Ҳаммасини ёздингми?

БЕРДИЕВ. Худди шундай, Михаил Васильевич!

ВАЛЕНТИН. (*Бердиевга*). Ҳўв, шоқол! Дафтарингга қараб қўй!

БЕРДИЕВ. (*Бидиллаб*). Эшитдингиз-а, Михаил Васильевич! Ҳақорат қилганини эшитдингиз-а? Гувоҳ бўласиз!

ВАЛЕНТИН. Ҳўв, бўрига эргашиб юрган шоқол!

БЕРДИЕВ. (*Тантана билан*). Ана! Сизниям ҳақорат қилди! (*Чийиллаб*). Михаил Васильевич! Қачонгача ҳақорат қилади, хизмат вазифасини ўтаётган...

ВАЛЕНТИН. Ҳўв, хизмат вазифасини ўтаётган шоқол! Дафтарингга қара! Отимни нотўғри ёздинг. Фамилиям Жуманов. Исми Вали Жуманович эмас, Валентин Александрович, саводсиз!

Бердиев оғзи очилганча серрайиб қолади.

МЯСНИКОВ. (*Дудуқланиб*). Н-н-нима? Қ-қ-қанақасига?

ВАЛЕНТИН. Шунақасига! (*Кичик пауза*). Эшитиб қўй! Бу дунёда битта укам деб юрибман. Панжи учун дунёнинг нариги бурчагига бораман! Ўлгунимча олишаман! (*Кичик пауза*). Бўлдими? Терговинг битдими? Қани, туёгингни шиқиллат! Йўқол менинг уймдан!

МЯСНИКОВ. (*Энди ўзига келиб*). Сен... Сен... (*титраб*) сен кимга дағдага қилаяпсан?

БЕРДИЕВ. (*Бидиллаб*). Ким билан гаплашаётганингизни...

ВАЛЕНТИН. Йўқол дейман!

МЯСНИКОВ. Билиб қўй! Ҳар битта сўзинг учун жавоб берасан. Мана шу тилларингни суғуриб оламан! Икки қулоғинг билан эшитиб ол! Геворкян группасига чекланмаган ҳуқуқ берилган! Чек-лан-ма-ган!

ВАЛЕНТИН. Геворкяннинггаям, группанггаям қўйдим!

МЯСНИКОВ. Авлод-ажлодинг билан турмада чиритмасам, одаммасман! (*Бердиев билан бошлашиб чиқиб кетади*. Валентин ёлғиз қолади. Уйдан Ҳанифа йиғлаб чиқади).

ҲАНИФА. Қандоқ кунларга қолдик, акажон!

ВАЛЕНТИН. (*Унинг бошини силаб*). Хафа бўлма, келин! Мен сенларни бу итларга хўрлатиб қўймайман! Керак бўлса, энг каттасигача бораман!

Саҳна қоронғулашади. Кечаси. Сўрида Ҳанифа бешик кучоқлаб ўтирибди. Саҳна ичкарисда Жуманов кўринади. Соқоли ўсган. Толиққан. Аста-секин келиб, бешик ёнига ўтиради. Бешикни ушлайди. Хаёлий суҳбат.

ҲАНИФА. Бу сизми, Панжи ака?

ЖУМАНОВ. Менман, Ҳанифа, менман.

ҲАНИФА. Сизга нима бўлди, нега бедорсиз? Нималарни уйлаяпсиз?

ЖУМАНОВ. Сени ўйлаяпман, Ҳанифа. Болаларни ўйлаяпман. *(Кичик пауза)* Инсон бола-сининг табиати қизиқ бўларкан. Бошинга қаро кунлар тушганида нурли дамларингни ўйлаб, таскин топаркансан. Тангрига илтижо қилишдан ўзга чоранг қолмас экан.

ҲАНИФА. Бу — яхши, дадаси. Одам яхши умидлар билан яшаши керак.

ЖУМАНОВ. Эсингдами, Ҳанифа, биринчи учрашувимиз эсингдами?

ҲАНИФА. Тўйимиз... Тўйимиз эсингиздами?

ЖУМАНОВ. Ҳаммаси эсимда. Ҳанифа. *(Пауза)*. Ҳанифа! Осуда кунларидан айрилган одам кўп нарсани ўйлар экан. Биз — эркаклар ҳар доим ҳам яқин одамимизга дилимизни очавермаймиз. Гуё ҳали олдинда абадий йиллар бор-у, раҳмат айтишга ҳам, суйишга ҳам улгуради-гандек *(Кичик пауза)*. Ҳанифа! Раҳмат сенга, жоним! Дунёда борлигинг учун раҳмат! Менга ҳамдард бўлганинг учун, болаларнинг бошини силаётганинг учун раҳмат, жоним! Эшитаяпсанми, Ҳанифа!

ҲАНИФА. *(Ҳаяжонда)*. Эшитаяпман, дадаси, эшитаяпман. Сиз гапиринг. Тухтамасдан гапиринг! Мен сизни эшитгим келяпти! *(Ўқиниб йўғлайди. Жуманов энтикиб йўталлади. Ҳанифа, хавотирланиб)*. Улар сизни ёмон қийнаётими?

ЖУМАНОВ. Қийноқлар нима бўпти. Бир бошга бир ўлим...

ҲАНИФА. Унақа деманг! Сиз бизга кераксиз. *(Пауза, иккиланиб)*. Балки ўшаларнинг айтганига кўнсангизмикин?

ЖУМАНОВ. Нималар деяпсан, Ҳанифа? Ўзимга ўхшаган бегуноҳларнинг қўлига кишан солдирайми? Ундай қилсам ким деган одам бўламан. Одамларнинг юзига қандай қарайман, Ҳанифа!

ҲАНИФА. *(Йўғлаб)*. Қийналиб кетдим! Анавилар келавериб жонимдан тўйдириб юборди!

ЖУМАНОВ. Биламан, Ҳанифа, сенга қийин. Жудаям қийин.

ҲАНИФА. Бегона юртлардан келганлар-ку майли. Айниқса, анави Бердиев деган терговчи...

ЖУМАНОВ. Начора, хоин ўз орангдан чиқади, деганлари рост экан.

ҲАНИФА. Одамлар ҳам...

ЖУМАНОВ. Нима «одамлар»?

ҲАНИФА. Одамларгаям ҳайронман. Бошимизга қаро кун тушдию ҳаммаси юз ўгириб кетди. Муллакамдан бошқа ҳеч ким қолмади. Ахир сиз уларга яхшилик қилган эдингиз-ку!

ЖУМАНОВ. Менам шунга ҳайронман, онаси. Юртимизни вабо босди! Қамоқхоналар бегуноҳларга тўлиб кетган. *(Пауза)*. Одамлар нега бунча лоқайд?

ҲАНИФА. Анавиларнинг нияти нима ўзи?

ЖУМАНОВ. Нияти? Нияти — халқни пароканда қилиш. Қулга айлантириш. *(Секин-секин парда ортига ута бошлайди.)*

ҲАНИФА. Бу азоблар қачон тугайди? Қачон?!

ЖУМАНОВ. *(Қоронғулик орасидан)*. Билмадим. Ҳанифа, билмадим.

ҲАНИФА. Панжи ака! Панжи ака! *(Бешикни кучоқлайди)*.

ПАРДА

Иккинчи парда

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Ўртача катталиқдаги хона. Тўрда ғалатонли стол, стул. Стол устида папкалар, қоғозлар, телефон. Лимонад шишаси. Иккита стакан. Столдан нарида суянчиқсиз курси. Стол ортида Мясников ўтирибди.

МЯСНИКОВ. *(Эшик томонга)* Бердиев! *(Пауза)*. Бердиев! *(Жаҳл билан)*. Берди-и-ев!!!

БЕРДИЕВ. *(Пилдираб киради. Қўлида қора дипломат)*. Ассалому алайкум, Михаил Васильевич!

МЯСНИКОВ. *(Дағдага билан)*. Бу ерда тартиб борми-йўқми?! Қаёқда юрибсан?

БЕРДИЕВ. *(Кўрқиб, гоз туради)*. Виноват, Михаил Васильевич!

МЯСНИКОВ. «Виноват», «виноват»... Қаёқдайдинг?

БЕРДИЕВ. «Ленин» совхозидаги «операция» яқунланди. Михаил Васильевич! *(Пилдираб стол олдига келади)*. Топширигингиз тўлиқ бажарилди! Манавини кўринг! *(Мунофиқларча ҳиринглаб)*. Кўриб қўйинг. Михаил Васильевич. *(Дипломатни столга қўйиб очади. Даста-даста пул олиб, столга ташлайди. Сўнг, узуклар, билагузуклар, соатларни столга қўяди)*.

МЯСНИКОВ. *(Шубҳаланиб)*. Описга тушмаганми?

БЕРДИЕВ. Михаил Васильевич. *(Ялтоқланиб)*. Нима, ҳалним ишонмайсизми, менга? Булар... одамлардан олинган. *(Ҳиринглаб)*. Нима, давлат миннатдор бўлармиди?

МЯСНИКОВ. *(Илжайиб)*. Боқса одам бўласан, Бердиев! *(Бармоғи билан ясама нўпуса қилиб)*. Қувсан, ўлгудек қувсан! *(Стол устидаги пул ва тақинчоқларни чаққонлик билан сидириб, тортмага солади. Тортгани ёнади. Стол тагидан бурама шишали ароқ олади. Иккита стаканга қўяди)*. Сал бўлмаса каллангни олмоқчи эдим. Қани, ол. Юртингда адолат қарор топиши учун! Геворкянга рапорт ёзаман. Ватан олдидаги ҳалол хизматларинг учун унвонингни оширамиз!

Бердиев ароқни чўқиштиради. Аммо ичмай, мўлтираб гураверади.

МЯСНИКОВ. Ҳа?

БЕРДИЕВ. *(Ялиниб)*. Михаил Васильевич...

МЯСНИКОВ. Нима дейсан?

БЕРДИЕВ. Михаил Васильевич...

МЯСНИКОВ. *(Энди эслагандек бўлиб. Кулиб).* Э-ҳа! Куруқ қолсанг ўласан-а? *(Ғаладонни очиб, бир даста пул олиб, столга ташлайди).* Ма!

БЕРДИЕВ. *(Чаққонлик билан пулни киссасига яширади. Таъзим қилиб).* Раҳмат, Михаил Васильевич! Минг раҳмат! *(Стаканни кўтариб, тантанавор оҳангда).* Мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлсин! Дунё тургунча туринг! *(У ароқ ичаётганида Мясников тилла тақинчоқлардан бирини билинтирмай, дипломатга солиб кўяди, ўзи ҳам ичиб, ароқ, шишасини стол тагига тикади. Лимонад шишаси жойида қолади).*

МЯСНИКОВ. Бўлдими? Қани, бор, энди йўлингдан қолма! Анави Жумановга бир қултум сув ҳам, нон ҳам бермайсан! *(Стол устида турган дипломатни унинг кўлига тутқазди).*

БЕРДИЕВ. *(Дипломатни олиб, тисарилганча, эшикка томон зипилайди. Таъзим қилиб).* Хўп бўлади. Бахарамиз!

МЯСНИКОВ. Тўхта!

БЕРДИЕВ. *(Эсанкираб).* Лаббай?

МЯСНИКОВ. Бери кел! Дипломатда нима бор?

БЕРДИЕВ. *(Баттар эсанкираб).* Дипломатда? *(Дипломатни столга кўяди).* Ўзингиз кўрдингиз-ку. Мана! *(Дипломатни очади, довдираб).* Вой! Вой тавба!

МЯСНИКОВ. *(Дипломатдан тилла билагузук олади. Ғазабланиб)* Нима бу? Мана бу нима дейман?

БЕРДИЕВ. *(Йиғламсираб).* Кўрмай қопман. Ўлай агар, кўрмай қопман!

МЯСНИКОВ. Кўрмай қопсан?! Ҳали мени алдайдиган бўлдингми?!

БЕРДИЕВ. *(Тиз чўкиб).* Тавба қилдим! Кўрмай қопман.

МЯСНИКОВ. *(Ғазаб билан бостириб келади).* Мен, сен аблаҳни, биласанми, нима қиламан? Припискачилар билан тил бириктирган экан, менга суиқасд уюштирмоқчи бўлди, деб битта рапорт ёзсам, қия бўлиб кетасан! Тамом-вассалом, Цап-царап!

БЕРДИЕВ. Тавба қилдим. *(Йиғлаб).* Кечиринг, отахон, ёшлик қилдим. Кўрмай қолдим. Бурчагида қолиб кетган экан.

МЯСНИКОВ. *(Тақинчоқни тортмага солиб).* Тур ўрнингдан. Кўзингни сийдигини арт! *(Дипломатни улоқтиради. Бердиев илиб олади).* Гуноҳингни иш билан ювасан! Жумановнинг хотининиям, акасиниям бир баҳона топиб, шу ерга олиб келасан!

БЕРДИЕВ. *(Тисарилиб чиқа бошлайди).* Хўп бўлади. Раҳмат! *(Чиқади).*

МЯСНИКОВ. *(Телефон тугмасини босади).* Айбланувчи Жуманов олиб кирилсин!

Автоматли соқчи Жумановни олиб киради.

Жумановнинг кўли орқасида, кўйлаги йиртилган, қон юки. Шийининг бир почаси шимарилган. Туфлисида ип йўк. Бошланг. Юзи қонаган. Соқоли тиканакдек ўсган. Лаби шишиб кетган. Қирган замони столдаги лимонад ва стаканга термулади. Кўзи ярқ этиб, очилиб кетади. Мясников уни кўрмагандек кўлига туфлаб-туфлаб шоширмай «дело» варақлайди.

МЯСНИКОВ. *(Масхаралаб).* Ай-яй-яй. Жуманов! Бу қанақа юриш?! Соқоллар олинмаган. Кийимлар гижимланган. *(Кичик пауза. Киноя билан).* Ахир сиз интеллигентний одамсиз. Иқтисод фанлари кандидати! Терговга келяпсиз. У ёқ-бу ёқни тартибга солволмайсизми? *(Пауза. Қатъият билан).* Ўтирилсин!

(Жуманов курсига ўтиради. Стаканга тикилиб ҳансиради. Кўзларида умид билан термулади. Мясников бепарво қоғоз варақлайди. Жумановга қарамай). Шикоят йўқми? Соғлиқ жойидами? *(«Делони столга ташлаб, секин юриб Жумановнинг тепасига келади. Унинг юзига тикилиб, энди пайқаган бўлиб).* Ие, юзингизга нима қилди? Камерадоллар хафа қилдими? Яхшимас, Жуманов, яхшимас! Айб ўзингизда! Камерадолларингиз зўр йигитлар. Ушаларнинг айтганини қилиб кўяқолсангиз-ку... *(Соқчига кўлини еч, деб имо қилади. Соқчи кишанни ечади. Мясников унга, чиқиб кет деб имо қилади. Соқчи чиқади).*

Жуманов беихтиёр билагини силайди.

МЯСНИКОВ. Кишан сиздими? Тушунаман, Жуманов, тушунаман. Кишан билагузук эмас. *(Пауза).* Иссиқни қаранг! Октябрь охираб қолди-ку ҳалиям чидаб бўлмайдилар! Уф! *(Лимонад кўйиб ичади).* О, совуқлигини қаранг. Жоннинг роҳати-я! *(Жуманов беихтиёр лабини ялаб, энтикиб нафас олади).* Бу юртлардаям ёмғир ёғадими, Жуманов? *(Яна лимонад кўяди).* Кўпдан бери диабетмисиз? *(Жуманов индамайди).* Менинг қайнонам ҳам диабетик эди. Шу касал билан ўлди. Бочка-бочка сув ичиб тўймасди шўрлик! Сиздаям шундай бўлиб турадими, Жуманов? *(Стаканни стол қиррасига суриб кўяди. Энсаси қотиб).* Ичинг!

Жуманов илдам юриб яқин боради. Сувга кўл чўзганида Мясников стаканни столнинг нариги қиррасига суриб кўяди.

МЯСНИКОВ. *(Масхаралаб).* Сизга нормадаги сувни беришмаяптими? *(Жуманов индамай тураверади).* Ҳамхоналар икки кундан бери сув ичирмайди денг? *(Сувни Жуманов томонга суриб, зарда билан).* Марҳамат!

Жуманов сувга тикилган кўйи ютоқиб нафас олади. Аммо стаканга кўл чўзмайди.

МЯСНИКОВ. *(Жаҳл чиқиб).* Нима, ўзим ичириб кўйишим керакми? *(Жуманов шахд билан сувни юлқиб олади. Кўли титраб ичади. Стаканни кўймай, шишадаги қолган сувга термулади).* Бўлдими? Ўтиринг жойингизга!

Жуманов стаканни кўймай, шишадаги сувга яна анча термулади. Кейин стаканни столга кўйиб оҳиста чекинганча жойига бориб ўтиради.

МЯСНИКОВ. *(Оҳангини кескин узгартириб).* «Дим-дим» ўйнашди бас қиламизми энди? *(Яна «делони» варақлайди. Жуманов бир нуқтага тикилиб ўтираверади. Пауза).* Бу азовларнинг нима кераги бор сизга, а? Биламиз, сиз эсли-хушли одамсиз. У аблаҳлар сизни пора берди, пора олди, деб ётган бўлсаю, сиз уларни нега аяйсиз? Терговга қанча ёрдам берсангиз, ўзингизга шунча яхши-ку! Жамиятни анавинақанги ҳаромхўрлардан тозалашга кўмаклашасиз.

Бола-чақангизнинг олдига тезроқ қайтасиз. (Пауза. Овозини ўзгартириб, жаҳл билан). Ҳеч бўлмаса оилангизни ўйламайсизми? (Кичик пауза). Ўтган ҳафта уйингизга боргандим. (Жуманов унга савол назари билан қарайди). Хотинингиз билан... Оти нима эди? («Дело»дан топган бўлиб). Ҳа, Ҳанифа! Ҳанифа Жуманова билан... Нима десам экан... Дўстона суҳбатлашдик. (Пауза). Хотинингиз менга ёқди. Чиройли. Ақлли. (Кулиб). Шундай гўзал аёл сизнинг нимангизга учдийкин? (Жуманов титраб кетади, аммо индамайди). Майли гап бундамас. Қизингиз... («Дело»ни тагин варақлаб). Оти нимаиди?

ЖУМАНОВ. (Урндан туриб кетади. Хавотирланиб). Қизимга нима бўпти? Нима қипти Азизага?

МЯСНИКОВ. Умуман... Ёмон эмас... Фақат... жигари касалроқ эканми? (Жуманов изтироб билан инграйди. Мясников уни юпатган бўлиб). Ташвиш қилманг, Жуманов. Ўтиринг. Ердам берамиз. Касалхонага жойлаймиз. (Пауза) Хотинингиз эрим билан свидание беринг деб ҳеч қўймади. Начора, қонунга хилоф бўлса ҳам, рози бўлдим. (Телефонга) Учинчи! Жуманова олиб кирилсин! (Жуманов бир қадар енгиллик ҳис этиб шимининг почасини туширади, бармоқлари билан сочини текислаган бўлади, Мясников унинг ҳаракатларини таҳқиромуз кузатади). Билиб қўйинг, Жуманов! Бу яхшиликни сиз эмас, хотинингиз учун қилияпман.

Соқчи Ҳанифани олиб киради.

Ҳанифа саросимала тўхтаб қолади. Аввалги кийимда, фақат қўйлаги устидан жемпер кийган. Бошида рўмол. Кўзлари қизарган. Соқчи эшик олдида пойлаб туради.

ҲАНИФА. Дадаси!

ЖУМАНОВ. Ҳанифа!

Иккаласи бир-бирига талпинади.

МЯСНИКОВ. (Бақириб). Кўришиш тақиқланади!

Эр-хотин турган ерида бир-бирига термулиб қолишади.

ҲАНИФА. (Кўзига жаққа ёши тўлиб). Худога шукр. Кўринишингиз яхши...

ЖУМАНОВ. Ўзинг тузукмисан, онаси?

ҲАНИФА. Кўриб турибсиз-ку, мен яхшиман. (Кўзи тўла ёши билан). Жудаям яхшиман. Сиз билардан...

ЖУМАНОВ. Болалар қалай, болалар?

ҲАНИФА. Юришибди... Ҳаммаси яхши...

ЖУМАНОВ. (Изтиробда). Азизага нима қилди?

ҲАНИФА. Азизами? (Бўзига тиқилган ёшни аранг ютиб). Азизаям яхши... Сизга салом айтди...

ЖУМАНОВ. Туш кўрдим. (Тутилиб) Йўқ, яхши туш...

ҲАНИФА. Азиза соппа-соғ деярман-ку, дадаси... (Йиғисини аранг ютиб). Ўзиям яхши. Ўқишим аъло.

ЖУМАНОВ. Ҳасан-Ҳусанлар қалай?

ҲАНИФА. (Кўзида ёши билан жилмайиб). Сўраманг, олов бўлган! Дарсдан кейин пахтага чиқишяпти. Кеча Ҳусанингиз айтиб қолди.

МЯСНИКОВ. (Гоҳ Жумановга, гоҳ Ҳанифага шубҳаланиб қарайди). Тушунарли тилда гаплашилсин!

ҲАНИФА. (Этибор бермай). Иккови пахта териб саккиз сўм ишлашибди. Йиғаверинглар, велосипед обераман, десам, (йиғисини ютиб) йўқ, дейди, дадамга этик оламиз, дейди... (Кичик пауза). Астмангиз қўйнамаяптими? Нафасингиз қисмаяптими?

ЖУМАНОВ. Кўриб турибсан-ку, онаси, соппа-соғман! (Мавжс жилмайиб). Хуршид қалай? Катта бўлқолдимиз?

ҲАНИФА. (Йиғисини ютиб). Атак-чечак юраепти. Тили чиқди. (Йиғисини ютиб). Нукул «дада», «дада» дейди... Кечаси туриб чой ичмасангиз қийналардингиз. Сувсамаяпсизми? Куруқ чой обкелмоқчидим (Тарадудланиб). Шошиб қолдим.

ЖУМАНОВ. Чой керакмас. Ҳаммаси етарли. Ҳамхоналарим яхши одамлар. Мендан ташвишланманглар.

ҲАНИФА. Муллакам Москвага бормоқчилар.

ЖУМАНОВ. Нега?

ҲАНИФА. Сизнинг масалангизда.

ЖУМАНОВ. Вали акамга айт. Москвага бормасин!

ҲАНИФА. Нима учун?

ЖУМАНОВ. (Қатъий бош чайқаб). Бормасин!

Мясников гоҳ унга, гоҳ бунга шубҳаланиб қарайди.

ҲАНИФА. (Изтиробда). Нега ахир?

ЖУМАНОВ. Ҳанифа. Сен ақллисан-ку, онаси. (Пауза). Акамнинг жаҳли ёмон. Москвада бир балога йўлиқтиришади.

МЯСНИКОВ. (Тоқати тоқ бўлиб). Соқчи? Олиб чиқ!

Эр-хотин бир-бирининг бағрига отилади.

Соқчи уларни ажратади.

СОҚЧИ. (Ҳанифага). Марш! (Ҳанифани эшик томон олиб юради).

ЖУМАНОВ. Ҳанифа! Болаларни эҳтиёт қил. Ўзингни асра!

ҲАНИФА. Бизни ўйламанг, дадаси. Ўзингизни...

МЯСНИКОВ. Жойингизга ўтиринг! Жуманов!

ЖУМАНОВ. Ҳанифа! (Ҳанифа эшик олдида тўхтамайди). Ҳеч кимнинг олдига борма! Уқ-

дингми, ҳеч кимга ялинма! Тушундингми? *(Ханифа додлаб юбормаслик учун оғзини кафти билан тўсиб, бош силкиди).*

МЯСНИКОВ. *(Соқчиға).* Олиб чиқ деяпман!

СОҚЧИ. *(Автоматни чангаллаб).* Марш!

ЖУМАНОВ. Ҳанифа! *(Қатъият билан).* Мен тўғримда ким нима демасин, биттаям гапига ишонма! Болаларгаям тушунтир. Уқдингми!

Ҳанифа билан соқчи чиқадилар.

МЯСНИКОВ. Кунглингиз жойига тушдими? *(Пауза. Илжайиб).* Балосиз, Жуманов, балосиз! Хотинингиз тўртта тугибди-ю, ҳалиям қиздек. *(Жуманов титраб, қўллари муштга тугилди).* Дарвоқе, эр-хотин нималарни гаплашдинглар? *(Жуманов жавоб бермайди. Таҳдид билан).* Саволга жавоб беринг, Жуманов!

ЖУМАНОВ. *(Вазмин оҳангда).* Тўрт ой кўришмаган эр-хотин нимани гаплашарди?

МЯСНИКОВ. *(Бирдан жазаваси тугиб).* Сизларнинг ошиқ-маъшуқлигингиз мен учун бир тийин! Эр-хотин «Москва, Москва» деб нимани тиллашдиларинг? *(Жуманов яна юзини терс буриб жавоб бермайди).* Сиздан сўраяпман!

ЖУМАНОВ. *(Осойишта оҳангда).* Акам Москвага бормоқчи экан.

МЯСНИКОВ. Қайси акангиз?

ЖУМАНОВ. *(Хотиржам).* Менинг битта акам бор.

МЯСНИКОВ. Валентин Александрович Жумановми? Нима ишлари бор экан Москвада? *(Жуманов индамай ўтираверади).* Ҳақиқат излагилари кептими? Майли, борсин! Припискачи, порахўр укасини ҳимоя қилсин!

ЖУМАНОВ. Хотиржам бўлинг. Бормайди.

МЯСНИКОВ. Боролмайди! Ҳақиқатни мана биз тиклаймиз! *(Пауза. Оҳангни ўзгартириб).* Ёш болага ўхшасиз, Жуманов! Бизга сизнинг керагингиз йўқ, тушундингизми, керагингиз йўқ! *(Пауза).* Ҳеч шахмат ўйнаганмисиз? *(Пауза).* Биламан, ўйнагансиз. *(Жазаваси тугиб).* Тўрт ойдан бери мен билан ҳам ўйин қилмасиз. Билиб қўйинг, бу партияни мен ютаман, мен!

ЖУМАНОВ. *(Хотиржам).* Бўлиши мумкин. Ҳамма сипоҳлар сизга бериб қўйилган. Менинг қўлимда пиёдадан бўлак нарса йўқ.

МЯСНИКОВ. Тўппа-тўғри! Сиз пешкасиз. Оддий пешка! Бизга пешкалар эмас, шоҳлар керак, сипоҳлар! *(Пауза).* Хоҳласам, сизни бугуноқ ўйиндан чиқариб юборишим мумкин. Ана, обком секретари Низомов, Жумановдан қирқ минг олганман, деб показание берибди. *(Жуманов унга бир қараб қўяди-да, яна юзини ўсиради).* Бу ерда қанча кўп ўтирсангиз, гуноҳингиз шунча оғирлашаверади. Кеча битта далил бор эди. Бугун иккита бўлди. Эртага бешта бўлади. Ўнта, йигирмата! Қарабсизки... *(қўлини тўппонча қилиб)* «пақ», тамом вассалом! Цапцаран! *(Пауза. Оҳангни ўзгартириб).* Менга қаранг. Сиз одаммисиз ўзи? *(Бақириб.)* Хотинингизга раҳмингиз келмайдими? Аҳволини кўрдингиз-ку! *(Жуманов терс қараб ўтираверади).* *Мясников стаканга лимонад қўиб, олиб боради. Жуманов иккиланиброқ олади. Энди чимокчи бўлганида Мясников бир варақ қоғоз билан ручка узатади.* Анави ерига... Шу билан озод кушсиз. Чин эркаклик сўзим. *(Жуманов гоҳ сува, гоҳ қоғозга қарайди. Стаканни унга қайтариб беради. Мясников газаб билан сувни унинг юзига сепиб юборади).* Мараз! Яхшиликни билмаган тўнка! Мен сенга охириги шансни бермоқчи эдим. *(Асабий юриб. Истеҳзо билан).* Шундай қилиб, пешка ўз шоҳини асраб қолмоқчи! Кимсан обком секретарини! Гўдаклик қилма, Жуманов! Обком битта сенинг оёгингдан тортипти, деб ўйлайсанми? Кўпларни пора беришга мажбур қилган, у! Райкомлар, ижрокомлар, раислар... Жумладан сени ҳам.

ЖУМАНОВ. *(Босиқлик билан).* Бўхтон. Юзлаштиринг!

МЯСНИКОВ. Низомов биланми? *(Асабий кулиб).* Низомов сенга ўхшаган пешка эмас, сипоҳ! Фигура! Бу ердан узоқда ўтирибди. Бутиркада!

ЖУМАНОВ. *(Хотиржам).* Нима кипти, юзлаштиринг!

МЯСНИКОВ. *(Аламдан тишлари гижирлайди. Аммо ўзини босиб, унинг ёнига келади).* Менга қара, Жуманов. Сенга бир гап айтайми? Профессинал сир. Қулоқ сол. *(Кичик пауза).* Ўз ихтиёри билан пора бериш бошқа, порани мажбур бўлиб бериш бошқа. Обком, Жуманов мендан совхозни сотиб олган, деб туҳмат қилипти. Сен бўлса мажбур бўлиб, кўрққанингда поран бергансан. *(Кичик пауза).* Фарқи тушунарлими?

ЖУМАНОВ. Тушунарли! Аммо мен ҳеч кимдан пора олган эмасман. Ҳеч кимга пора берган ҳам эмасман. *(Истеҳзо билан).* Тушунарлими?

МЯСНИКОВ. *(Ғазаб билан).* Шунақа дегин! Энди мендан эшит, Жуманов! Сен *(бармогини бизиз қилиб)*, сен порани ўз ихтиёринг билан бергансан! Аввал бўлим бошлиғи бўлгансан, припискада тажриба орттиргансан, кейин совхозни сотиб олгансан! Сен ҳаромхўрлар туфайли нималар бўлганини биласанми? *(Кичик пауза).* Марказий районларга тола ўрнига хашак борган. Ха-шак! Кейин ўша лаънати хашак ҳам бормаи қўйган! Вагонларда ҳаво борган. Самолётларда эса, дипломат тўла пул борган. Пул! Тола йўқ, план бор. Пора бор! Орден бор! *(Кичик пауза).* Тфу. Ҳаромхўрлар!

Жуманов йўтал аралаш кулади.

МЯСНИКОВ. *(Ижираниб).* Нега куласан? *(Жуманов жавоб бермайди).* Нимаси кулгили бу лўттибозликнинг?

ЖУМАНОВ. *(Кулиб).* Қип-қизил лўттибозлик! Бу ёқдан тола ўрнига вагонларда ҳаво, самолётда пул борган экан, у ёқдагилар нега индамабди? Нега бизга пул керакмас, толанинг ўзини бeringлар, демабди?

МЯСНИКОВ. *(Бир зум эсанкираб қолади)*. О-о-о! Тилинг бор экан-ку! Сен ҳатто пешка ҳам эмассан. Сен — местный кадрсан! Местный кадр! Сенлар тўғрингдаги ҳангомани эшитганмисан? *(Истеҳзоли табассум билан)*. Иттифоқо учта ҳайвонни суд қиладиган бўлишибди. Хўрозни, туяни, эшакни... Йўталишни бас қил! Бу ер сенга поликлиника эмас. *(Пауза)*. Шундай қилиб учта ҳайвонни суд қилишибди. Хўрозни, туяни, эшакни. Хўроз — хотинбоз экан. Ўйлаб-ўйлаб, уни оқлайдиган далил топишибди. Хўроз хотинбоз бўлгани билан товуқларнинг ўзи шуни хоҳлар экан. Туя медлитильный экан. Сусткаш. Ўйлаб-ўйлаб, униям оқлашибди. Сусткаш бўлгани билан бўйни узун, узоқни кўраркан. Ташналикка чидаркан. Эшак эса аҳмоқ экан. *(Пауза)*. Минг ўйлагани билан эшакни оқлайдиган далил топилмабди. Эшак — аҳмоқ! Тамом-вассалом! Шунда биттаси бунгаям баҳона топибди. Аҳмоқ бўлсаям ўзимиздан чиққан местный кадр-ку. Орамизда юраверсин, дебди. *(Пауза. Нафрат билан)*. Сен — местный кадрсан. Эшаксан!

ЖУМАНОВ. *(Осойишта, аммо қатъий оҳангда)*. Ҳақорат қилма!

МЯСНИКОВ. Эшаксан! Эш-шак!

ЖУМАНОВ. *(Ўрнидан туриб кетади)*. Ҳақорат қилма!

МЯСНИКОВ. *(Бақириб)*. Ўтир жойингга! Бутун биографиянгни биламан! Авлод-аждодинг билан!

ЖУМАНОВ. *(Жирканиб)*. Албатта биласан-да! Ўттизинчи йилда эшон деб бобомни сургун қилдинг. Ўлиги Сибирда қолиб кетди.

МЯСНИКОВ. Боплаганмиз! Бобонг босмачи бўлган. Бос-ма-чи!

ЖУМАНОВ. Босмачи деб бировнинг юртини босиб олганни айтади! Қайси босмачи қайси юртни босиб олибди... Эллигинчи йилда халқ душмани деб, отамни гумдон қилдиларинг! Ўлиги Магаданда қолди!

МЯСНИКОВ. Ажаб қилганмиз! Отанг потенциал халқ душмани бўлган! Улуғ Октябрь революцияси ролини атайлаб камситган. Ўтмишни атайлаб идеаллаштирган. Феодал подшо-ларни атайлаб мақтаган. Бобур... Улугбек... Нодира... Ит-бит! Ёввойилар! Саводсизлар!

ЖУМАНОВ. *(Вазмин кулимсирайди)*. Саводсиз Улугбек расадхона қурганда, сен қасқда эдинг? Ибн Сино «Тиб қонунлари»ни ёзганида Октябрь революцияси тепасида ақл ўргатиб турганмиди? *(Истеҳзоли кулимсираб)*. Балки Беруний Ер диаметрини сенинг маслаҳатинг билан ўлчагандир?

МЯСНИКОВ. *(Аламдан бўғилиб)*. Ўчир овозингни, элемент! Миллатчининг илонваччаси!

ЖУМАНОВ. *(Истеҳзоли кулиб)*. Менинг отам миллатчимми?

МЯСНИКОВ. *(Баттар асабийлашиб)*. Отанг анави айиқбашара Валентинни асраб олганини дастак қилмоқчимисан? Номеринг ўтмайди! Отанг ўзининг миллатчилигини яшириш учун ўша безорини ўғил қилиб олган!

ЖУМАНОВ. Акам безорими? Бундан чиқди, уруш йиллари Ўзбекистонга олиб келинган икки юз минг етим бола безори-ю, уларнинг бошини силаганлар миллатчи экан-да!

МЯСНИКОВ. Гапни чалғитма, унсур! Умрингни турмада чиритаман!

ЖУМАНОВ. *(Унга яқин кела бошлайди)*. Аввал айбимни бўйнимга қўй!

МЯСНИКОВ. Шунақами? Мана! Мана! Мана! *(Уни аёвсиз уради. Жуманов ийқилади)*. Соқчи! Олиб чиқ! Карсера тик! *(Телефон тугмасини босиб)*. Валентин Александрович Жумановни олиб кир! *(Ароқ қўйиб ичади)*.

Биринчи соқчи Жумановни олиб чиқади. Иккинчи соқчи Валентинни олиб кираётганида ака-ука рўпара келади.

ВАЛЕНТИН. Панжи!

ЖУМАНОВ. Ака!

ВАЛЕНТИН. *(Укасига қараб)*. Ким урди сени? Ким?

МЯСНИКОВ. Олиб чиқ!

Биринчи соқчи Панжини олиб чиқади.

ВАЛЕНТИН. *(Мясниковга)*. Укамга ким қўл кўтарди?

МЯСНИКОВ. *(Киноя билан)*. Саволингизга жавоб бермасам майлими? *(Иккинчи соқчига чиқиб кетишни имо қилади. Оҳангни ўзгартириб)*. Ай-яй-яй, Валентин Александрович! Нима ишлар қилиб юргангингизни биласизми? Москвага отланибсиз! Нима, шикоят қилмоқчимисиз? Кимга? Гапингиз бўлса эшитаман. *(Валентин юзини терс ўгириб туради)*. Қайси кунги қилин-гингизни ўзи сизни ўн беш йилга қамашга этади. *(Пауза)*. Устига-устига терговчи Бердиевнинг ҳаётига суиқасд қилибсиз! «Камаз»ингиз билан машинасини уриб кетмоқчи бўпсиз! Мана, Бердиевнинг показаниеси! *(Қоғоз кўрсатади)*. Гувоҳлариям бор.

ВАЛЕНТИН. Вой виждонсизлар-эй! Энди менга тўхмат қилмоқчимисан?

МЯСНИКОВ. Ўтиринг, Валентин Александрович, ўтиринг. Сизга ҳеч нима қилмайди. *(Валентин ўтиради)*.

ВАЛЕНТИН. Мунча қийнайсизлар уни? Гуноҳи нима?

МЯСНИКОВ. Кимни?

ВАЛЕНТИН. Укамни. Панжини!

МЯСНИКОВ. Бир қориндан талашиб тушганлар бир-бирининг гўштини еб ётган пайтда ўша босмачининг ўгли ука бўлдимиз сизга?

ВАЛЕНТИН. Отамни ҳақорат қилма!

МЯСНИКОВ. Ўша босмачи сизгаям отами ҳали? *(Истеҳзо билан)*. Билмабмиз! *(Оҳангини ўзгартириб)*. Менга қаранг, Валентин Александрович. Келинг, осойишта гаплашайлик. Ахир бизлар ҳамюртлармиз. Шунақа пайтда бир-биримизни қўлламасак, қачон қўллаймиз.

ВАЛЕНТИН. *(Кескин)*. Ниятингни айт!

МЯСНИКОВ. Менга қаранг, Валентин Александрович. Бизга Жумановнинг ўзи эмас, показаниеси керак.

ВАЛЕНТИН. «Биз» деганинг ким?

МЯСНИКОВ. Бизга! *(Бармоғини бигиз қилиб осмонни кўрсатади)*. Марказга.

ВАЛЕНТИН. Мақсад?

МЯСНИКОВ. *(Одий қилиб)*. Мақсад шуки, кичкинагина бир хатча ёзиб берасиз. Шундоқ-шундоқ, Укам Панжи Жуманов бултур сақлаб қўйиш учун менга 30 минг берган эди, мен уни ўз ихтиёрим билан тергов группасининг бошлиғига топширдим. Тамом.

ВАЛЕНТИН. Вой, ифлослар-ей! Энди мениям бошимни ахлат пақирга тикмоқчимисан? *(Куюниб)*. Ленинград блокадасидан чиқиб келганимда сен онангни қорнидаям йўқ эдинг! Шу одамлар мени бағрига олди. Очликдан силлам қуриб, ўлим тўшагида ётганимда шулар менинг жонимга оро кирди. Шулар менинг бошимни силади! Охирги бурда нонини шулар менинг оғзимга тутди. Энди шу халққа онкўрлик қилайми, номард!

МЯСНИКОВ. *(Масхара қилиб)*. Балки *(имо қилиб)* анавиам кесилгандир?

ВАЛЕНТИН. Кесилган! Очиб кўрсатайми?

МЯСНИКОВ. *(Чинқуриб)*. Ҳаддингиздан ошманг, Валентин Александрович! *(Пауза)*. Уруш. Мурувват! Қачонгача гапирасанлар, битта урушни! Нима, биз ёрдам бермабмизми? Манави ёввойилар юртига илм-фанни, маданиятни ким олиб келди?

ВАЛЕНТИН. Сен ўзингни улар билан тенглаштирма! Улар фан олиб келган бўлса, сен ўлим олиб келдинг! Қолаверса, сенга ўхшаганлар маданиятни булардан ўргансин!

МЯСНИКОВ. 66-йил зилзиласида ким тиклаб берди буларнинг шаҳрини? Ким?

ВАЛЕНТИН. Тиклагани учун раҳмат! Аммо ўша ҳашарчиларинг ўзи қурган иморатга биринчи бўлиб ўзи кириб олганини биласанми? Э, ўргилдим, бунақа ҳашардан!

МЯСНИКОВ. *(Ғазаб билан)*. Ҳа-а-а! Мана энди билдим! Сен ҳам шуларга шериксан! Соқчи! *(Соқчи юзуриб киради)*. Олиб чиқ!

СОҚЧИ. Қўлингни орқага қил! Марш!

МЯСНИКОВ. КПЗга тик!

ВАЛЕНТИН. *(Мясниковга)*. Менга қара, вей! Сениям ит эмас, она тукқан бўлса, ит эмас, она сутини эмган бўлсанг, укамни қўйвор! Майли, мени отиб ташла! Ое! Тириклайин ёқиб юбор! Аммо укамни қўйвор!

МЯСНИКОВ. *(Пинагини бузмай)*. Ҳар ким ўз жинояти учун ўзи жавоб беради. *(Соқчига)*. Йўқот!

ВАЛЕНТИН. *(Юлқиниб)*. Ўлдираман! Барибир ўлдираман. Барибир сўяман! *(Уни соқчи олиб чиқади)*.

Телефон жиринглайди. Мясников трубкини олади.

МЯСНИКОВ. Алло.

АЁЛ ОВОЗИ. Москва билан гаплашинг!

ЭРКАК ОВОЗИ. Алло, Мясников!

МЯСНИКОВ. *(Ўрнидан туриб кетади)*. Эшитаман, ўртоқ Геворкян!

ЭРКАК ОВОЗИ. Ишни нега чўзълсан?

МЯСНИКОВ. Бажарамиз, ўртоқ генерал!

ЭРКАК ОВОЗИ. Қачон?

МЯСНИКОВ. Ўртоқ генерал...

ЭРКАК ОВОЗИ. Эшитиб қўй, Мясников! Ўзбекистонда вазият ўзгариб бораёпти.

МЯСНИКОВ. Ўртоқ Геворкян...

ЭРКАК ОВОЗИ. Гапимни бўлма! Вазият ўзгараяпти. Тушундингми? Сенга уч кун муҳлат. Уч кун! *(Телефонда қисқа гудок эшитилади. Мясников трубкини қўйиб хуноб бўлиб туриб қолади)*.

МЯСНИКОВ. Жуманов, Жуманов! Тўрт ойдан бери қонимни ичади, аблаҳ. Соқчи! Жумановни обкир! *(Баттар асабийлашиб)*. Минг лаънат, пахтасигаям, припискасигаям! Манави исқирт юртигаям! *(Ғазаб билан ароқ қўйиб ичади)*. Ҳаммаси бир-бири билан чаатишиб кетган. Ўргимчак уяси! Ҳаммаси қоп-қоп пул устида ухлайди! Қашшоқман, деганининг уйида бир хум олтин бор! *(Жуманов киради. Мясников яна ароқ қўяди. Стаканини кўтариб истеҳзо билан)*. Аканг Валентин Александрович Жуманов ҳибсга олингани билан табриклайман! Аканг сендан кўра эслироқ экан. Ҳамма айбини буйнига олди. *(Ичади)*. Аканг Валентин Александрович терговчи Бердиев ҳаётига суиқасд қилган. Ундан олдин шу йил февраль ойида икки машина пишшқ гишт ўғирлаб сеникига олиб борган. Иморат қуришинг учун.

ЖУМАНОВ. *(Нафрат билан)*. Акам ПМКда ишлайди, йўл қуради. Йўл қурувчиларда гишт бўлмайди, номард!

МЯСНИКОВ. Ундай бўлса, икки машина бетон қоришмаси ўғирлаган. Нима фарқи бор?!

ЖУМАНОВ. *(Уйчан. Эзилиб)*. Бобомни қагагон қилдинг. Отамни қагагон қилдинг. Мени қамадинг... Энди акамга гал келдими?

МЯСНИКОВ. *(Ғазаб билан бақуриб)*. Керак бўлса, болаларингга ҳам гал келади!

ЖУМАНОВ. *(Уйлашиб)*. Тушунарли. Ҳаммаси аён. *(Мясниковнинг кўзига вазмин тикилиб)*. Ҳар ўн йилда калла олиб турмасаларинг нега кўнгилларинг жойига тушмаслигини айттайми? *(Пауза)*. Нима учун энг ҳалол одамларни қамоққа тикиб, энг сара гулларни узишингни айттайми?

МЯСНИКОВ. Айтавер, айтавер. Гапингдан миллатчи отангинг ҳиди келаяпти. Протоколга шуниси керак!

ЖУМАНОВ. *(Осойишта алам билан)*. Миллатнинг нима дахли бор, нодон! Сенлар ўйлайдиган одамдан кўрқасан!

МЯСНИКОВ. Ўйлайдиган? *(Асабий кулиб)*. Ўйлайдиган сенмисан! Сенда ақл борми? Сен эшакда ақл бўлса хотин кишига сир айтармидинг? Билиб қўй, Жуманов! Хотининг ҳамма кирдикорингни очиб ташлади, миридан сиригача! *(Пауза)*. Сен ўтган йил йигирма еттинчи ноябрда уйингга ўттиз минг сўм пул олиб боргансан. Ётогингга кириб санагансан. Хотинингни ёнида!

ЖУМАНОВ! *(Унинг кўзига тик қараб)*. Бўхтон!

МЯСНИКОВ. *(Аламдан тишлари гижирлаб)*. Бундан чиқди хотининг ёлғон показание берган экан-да! Тиқиб юбораман! Икки буклаб тиқиб юбораман! *(Кичик пауза)*. Бўлмаса бу ёғини эшит! Сен ўша 30 мингни Омоновдан олгансан. *(Жуманов ҳайратланиб қарайди)*. Ҳа-ҳа, пахта пункти мудири Омоновдан! *(Пауза)*. Сен обком секретари Низомовга берган 40 мингни ўрнини қоплаш учун Омоновдан 30 минг олгансан. Далил керакми? Мана! *(Қоғозни Жумановнинг тепасига олиб боради)*. Ҳамтовоғингни имзосини танирсан?

ЖУМАНОВ. *(Қоғозга бир қараб)*. Тухмат! Юзлаштир!

МЯСНИКОВ. Юзлаштираман! Соқчи! Омоновни олиб кир!

Соқчи Омоновни олиб киради. Омонов азобланган. Юзи қонталаш. Оёқда зўрға туради. Жуманов ўрнидан туриб кетади.

МЯСНИКОВ. Айбланувчи Омонов! Қаршингдаги собиқ совхоз директори Жумановни танийсанми? *(Омонов индамай бош силкиб, тасдиқлайди)*. Мана бу кўрсатмага ўзинг имзо чекканингни тасдиқлайсанми? *(Омонов бош силкиб тасдиқлайди)*.

ЖУМАНОВ. Номард! Мен сендан қачон пора олдим, номард?! *(Ўрнидан туриб кетади)*.

МЯСНИКОВ. *(Жумановга)*. Ўтир жойингга!

ЖУМАНОВ. Қачон? Қачон сендан пул олдим, виждонсиз! Бошқалар билан тил бириктирсанг бириктиргандирсан. Планингга ёрдам бераман, деб бошқалардан пора олган бўлсанг, олгандирсан. Мен бу ҳаром ишга аралашмаганимни билардинг-ку!

ОМОНОВ. *(Мингиллаб)*. Мени алдашди. Директор билан келишиб қўшиб ёзганмиз, тушган пулни бўлишганмиз, дейсан, дейишди. Қўл қўйсанг... қўл қўйсанг, чиқариб юборамиз, дейишди.

ЖУМАНОВ. «Чиқарамиз» дейишди? Деҳқоннинг қозони ойлаб гўшт кўрмаганида сенлар курортма-курорт юриб айш-ишрат қилдинг! Меҳнаткашнинг боласи пахтада ишлаб ранги заъфарон бўлиб юрганида сенлар кўша-кўша машина олдинг!

ОМОНОВ. *(Ийғамсираб)*. Нима қилай, ака! Иложим қолмади. Менга азоб беришди. Ёмон азоб беришди.

ЖУМАНОВ. Азобдан кўрқдингми, қўёнюрак! Сенга ўхшаган бир ҳовуч ҳаромхўрнинг касрига қанча бегуноҳ азоб чекаётганини биласанми? *(Мясниковга имо қилиб)*. Мангани золимлар бутун бошли халқни бадном қилганини тушунасанми? Минглаб бегуноҳ азоб чекиб ётганида сенинг жонинг ширин бўлиб қолдими, олчоқ!

ОМОНОВ. *(Ийғамсираб)*. Нима қилай, ака, нима қилай ахир!

МЯСНИКОВ. *(Омоновга)*. Қаршингдаги Жуманов сендан 30 минг пора олганини тасдиқлайсанми?

ЖУМАНОВ. *(Яна ўрнидан туриб кетади)*. Гапир! Мард бўлсанг, умрингда бир марта ростини айт! Мен сендан пул олдимми?

ОМОНОВ. *(Бош чайқаб)*. Йўқ!

МЯСНИКОВ. *(Ўрнидан туриб кетади)*. Нима? Нима дединг?

ОМОНОВ. *(Қатъий қилиб)*. Жуманов мендан бир тийин ҳам олган эмас!

МЯСНИКОВ. *(Таҳдид билан)*. Шунақами ҳали? Ўзинг берган показаниедан тонаёпсанми?

ОМОНОВ. Уни мен ёзганим йўқ. Мажбур қилиб қўл қўйдиришган.

МЯСНИКОВ. Соқчи! Олиб чиқ бу хоинни! 32-камерага тиқ!

СОҚЧИ. Қўлингни орқага қил. Марш! *(Олиб чиқа бошлайди)*.

ОМОНОВ. Ўттиз иккинчига эмас. Фақат ўттиз иккинчига эмас!

СОҚЧИ. *(Омоновнинг елкасига автомат тираб)*. Юр!

ОМОНОВ. Панжа ака! Мендан хафа бўлманг, Панжи ака!

ЖУМАНОВ. Ўзингни асра, ука!

ОМОНОВ. Бу дўзахдан омон чиқсангиз...

СОҚЧИ. Юр дейман! *(Олиб чиқади)*.

МЯСНИКОВ. *(Пинагини бузмай)*. Шундай қилиб, ўтган йили 27 ноябр куни сен пахта пункти мудири Омонов билан тил бириктириб, 70 тонна пахтани приписка қилгансан. Эвазига Омоновдан 30 минг олгансан.

ЖУМАНОВ. *(Астойдил ҳайратланиб)*. Айтди-ку! Ўз оғзи билан айтди-ку! Ҳеч қанақа приписка, ҳеч қанақа пора...

МЯСНИКОВ. *(Пинагини бузмай)*. Айтаверсин! Бизга оғзаки гап керакмас. Биз ҳужжатга ишонамиз. *(Қоғозни шапатилаб)*. Мана ҳужжат! Ўша куни Омонов иккаланг уйингга боргансан! Омоновдан 30 минг олгансан.

ЖУМАНОВ. *(Ўйлаиб)*. Демак, 27 ноябрда.

МЯСНИКОВ. Ҳа! 27 ноябрда!

ЖУМАНОВ. Демак, 27 ноябрда Омонов менинг уйимга борган...

МЯСНИКОВ. *(Баттар асабийлашиб)*. Ҳа! Ҳа! Ҳа! Йигирма еттинчи ноябрда! Хотининг сенларга қовурдоқ пишириб келган. Омонов иккаловинг битта «Столичний»ни бўшатгансан!

ЖУМАНОВ. *(Осойишта нафрат билан)*. Эътиборинг учун йигирма еттинчи ноябрда мен Тошкентда эдим! *(Мясников доддираб қолади)*. Фанлар академиясида номзодлик диссертациясини ёқлаганман. Уша кеча «Ўзбекистон» меҳмонхонасида тунаганман! Хотиним ҳам уйда бўлмаган. Кичик ўғлим 25 ноябрда туғилган. Хотиним 3 декабргача туғруқхонада бўлган. Бировга туҳмат қилишдан олдин буёғини ўйлаш керак эди, «цап-царап!» Хоҳлаган жойингдан справка олавер! Меҳмонхонадан, аэропортдан, туғруқхонадан...

МЯСНИКОВ. *(Бир зум эсанкираб қолади. Аммо ўзини қўлга олади)*. Справка? Сенларда справка борми? Сенларда закон борми? «Ўзбек иши» деган аср жиноятини бошлаган сен эшакларда қонун борми? Хоҳласанг, туғилмаган болани туғилди, деб ҳужжат тайёрлайсан! Хоҳласанг, туғилган болани қайтиб тиқиб юборасан! *(Нафрат билан)*. Текинхўрлар! Ўғрилар!

ЖУМАНОВ. *(Узоқ паузадан кейин. Ўйланиб)*. Нега «ўзбек иши»? Нега айнан «ўзбек иши»? *(Иштиробга тушиб)*. Тўғри. Ҳаммаси тўғри... *(Ўқинчли, аммо осойишта оҳангда)*. Ёмоннинг кучи япалоққа етади. *(Пауза)*, Қўшиб ёзиш марказнинг ўзидан бошланган. Марказ эса ўзбекининг ёқасига ёпишди. *(Пауза)*. Тўғри қилди. Арманига ёпишса, юз минг киши кўчага чиқарди. «Арман халқидан қўлингни торт!» дерди. Гуржига ёпишса, икки юз минг киши чиқарди. Ўзбек — андишали халқ. Уркалтак- суркалтакни ёмон кўради. Бехуда қон тўкилишидан ҳазар қилади. *(Надомат билан бош чайқаб)*. Ўйланган... Ҳаммаси ўйланган. Мурод — ўзбекининг қонини тўкиб, бошқаларни кўрқитиш. *(Мясников шишадаги охири ароқни ичади)*. Фақат бир нарсасага тушунмайман. Шундай бағри кенг, шундай меҳнаткаш халқ нега ҳеч қовушмайди? Нега бирининг гапи бирига тўғри келмайди? Ўтмиши шундай зафарларга тўлиқ халқ нега бунча муте?

МЯСНИКОВ. *(Кайф таъсир қилган. Илжайиб)*. Сенлар умрбод қул бўлиб келгансан! Ҳамманг қулсан! Ҳамманг плебей!

ЖУМАНОВ. Сен-чи? Сен қул эмасмисан? *(Шиддат билан)*. Қулсан! Катталаринг олдида, ўзбекининг ашаддий душмани Геворкян олдида қулсан! Йўқ айбимни қанча тез бўйнимга қўйсанг, амалинг шунча тез кўтарилади. Погонингга яна битта юлдуз кўнади, маошинг ошади!

МЯСНИКОВ. *(Столни муштлаб)*. Ўчир овозингни! Эртагаёқ Бутиркага жўнатаман! Обкомингни олдига! Обкоминг ким бўпти! Республика раҳбарларининг эммаклатаман! Ўзбекистондан йигирма тўрт минг жиноятчи қамоққа олинган. Йигирма тўрт минг! *(Оғзидан тупук сачратиб)*. Йигирма тўрт минг нима бўпти? Керак бўлса, яна юз мингини қамоққа тиқамиз! Миллионини қириб ташлаймиз. Босмачилар! Эшаклар!

ЖУМАНОВ. Эшитиб қўй, қонхўр! Бу қатагонинг учун тарих олдида жавоб берасан!

МЯСНИКОВ. *(Худбинларча илжайиб)*. Сенга битта янгилик айтайми? *(Кичик пауза)*. Қайси кун хотининг сени кўрганда нега додлаб юборай деганини айтайми? *(Пауза. Жуманов унга ҳайратланиб қарайди)*. Қизинг ўлган!!!

Жуманов сесканиб кетади. Мясниковга ҳайрат билан термулиб қолади.

МЯСНИКОВ. Уч кун олдин...

ЖУМАНОВ. *(Эсанкираб қолади. Инграб)*. Ёлгон...

МЯСНИКОВ. Касалхонада...

ЖУМАНОВ. *(Бутун вужуди билан тебраниб, инграб)*. Ёлгон!

МЯСНИКОВ. Касалхонага айлантирилган интернатда...

ЖУМАНОВ. *(Йиғлолмай энтикади. Охири унсиз йиғлайди)*. Азиза... Жоним болам!

МЯСНИКОВ. Жигари эзилиб кетган экан...

ЖУМАНОВ. Қизим!

МЯСНИКОВ. Ўлим олдидан қаттиқ азоб чеккан. Қон қусган...

ЖУМАНОВ. *(Бутун гавдаси билан тебраниб)*. Болам!

МЯСНИКОВ. Сени сўраган.

ЖУМАНОВ. Жон қизим! *(Курсидан иқилиб тушади. Ўксиниб йиғлайди)*.

МЯСНИКОВ. *(Мастона тантана билан)*. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Яна бир янгилик: хотининг қамоққа олинган! Хотининг жиноятчи. Наркобизнес билан шуғулланган!

ЖУМАНОВ. *(Аламдан титраб)*. Мараз!

МЯСНИКОВ. Бердиев туалетингдан 140 грамм наша топган.

ЖУМАНОВ. *(Қалтираб)*. Йиртқич!

МЯСНИКОВ. Буюм ҳаммаси эмас. Бугун мен сенга ажойиб томоша кўрсатаман. Фаройиб томоша! Тўртта тугсаям фигураси бузилмаган хотинингни учта *(бармоғи билан кўрсатиб)* учта рецидивист бараварига зўрлаётганини ўз кўзинг билан томоша қиласан! *(Чайқалиб эшик томон юради)*. Бердиев! Қаёқдасан, Бердиев!

ЖУМАНОВ. *(Фарёд солиб)*. Йў-ў-ўқ! *(Алам билан ўрнидан туради. Столдаги шишани олади)*. Фашист! *(Мясниковга ташланади)*.

МЯСНИКОВ. *(Бурилиб қарайди. Кўрқиб)*. Жуманов! Жуманов! *(Пистолетини олишга уринади, кайфи борлиги учун удадалай олмайди. Даҳшатга тушиб хотинлардек бақиради)*. Соқчи-и-и! Соқчи-и-и! Карау-у-ул!

ЖУМАНОВ. Фаши-и-и-ист! *(Унга ташланади. Саҳна қоронғилашади. Шиша синиши. Дод-фарёд, икки марта ўқ товуши эшитилади)*.



Ҳусниддин ШАРИПОВ

ҚАЛЪТИС ЮРИШ

Достон

*Бор экан-да, йўқ экан,
Оч экан-да, тўқ экан,
Қадим-қадим замонда
Ҳиндистонми, Эронда,
Туркиями, Ироқда,
Эҳтимол нарироқда,
Бир шаҳар бўлган экан,
Гўзал ва улкан экан.
Одамлари қўнимли,
Шундан иши унумли.
Сандиғида дони бор,
Дастурхонда нони бор.
Тунда учмай чироғи,
Яшнар эди тўрт ёғи.
Эли эса қишу ёз
Илму фанга ишқибоз.
Шу сабаб, бу хилқатда
Шаҳмот эди иззатда.*

*Шаҳарнинг марказида
Бир сўлим боғ бор эди.
Боғнинг ҳам ўртасида
Бир ўйингоҳ бор эди.
Ҳар кун бунда кўришар
Юртнинг кекса-ёшлари.
Яйраб дона суришар,
Кутармасдан бошларин.
Кўпчилиги тайиндир
Бу соҳанинг олими.
Кулмай эслаш қийиндир
Баъзиларнинг ҳолини.
Қаранг, ким шод, ким гаранг,
Кимнинг бурни қонади?
Ютқизганни сўраманг,
У бари бир тонади.
Қарта ўйнар ким, ана,*

Ким эса нард ташларди.
Бунда бўлиб ҳамхона,
Марду номард яшарди.
Баъзи бир хил уртоқлар,
Ўрни келса башарти
Ва топилса бўшроқлар,
Пулга ҳам уйнашарди.

* * *

Шаҳмотчини пул эмас,
Чорлар фақат зўр ҳавас.
Ҳар бирининг илинжи:
Бўлсам дейди биринчи!
Ўтар ҳайит, байрамлар,
Дам олмас бу одамлар.
Куйласа ҳам ҳофизлар,
Улар фақат мот излар.
Тўғри, бири сўзамол,
Бири бола, бири чол.
Феъли маҳзун бирининг,
Тили узун бирининг.
Бири гирром, бири гур,
Бири ожиз, бири зўр.
Ҳаммадан ҳам «ёв-ўртоқ» —
Найнов билан Бақалоқ.
Улар ўйин чоғида.
Хўрозлардан қолишмас.
Фақат шаҳмот шоҳидан
Ўзгани тан олишмас.

* * *

Шаҳарга бир ҳавасманд
Инсон ҳукмдор эди.
Замонига ярашган
Кенжа ўғли бор эди.
Қуда бўлиб ниҳоят
Ўзидан ҳам зўрроққа,
У мухташам иморат
Қурмоқ бўлди шу боққа.
Дарҳол яқин-атрофда
Қасир-қусур бошланди.
Ўтмай ҳатто бир ҳафта
Томлар бузиб ташланди.
Ўсиб янги пойдевор,
Гулу гулзор йўқолди.
Ўйинчоқлар лол-ночор,
Тўзон ичида қолди.
Баъзи инжиқ кишилар
Бўлса бундан бағри хун,
Кулиб жавоб қилишар:
— Қурмоқдамиз сиз учун!
Икки ён ҳам таъби хит,
Кирар тез-тез хуружга:

— Берманг бизга халақит!
— Халал берманг қуришга!
Соқов сукканда карни,
Болалайди майда гап.
Тезда уриндиқларни
Отвордилар майдалаб.
Қулаб тушар ерга шоҳ,
Пиёдалар сочилар.
Найнов билан Бақалоқ
Кўзи мошдек очилар.
Даҳанаки жанг қизир,
Жаҳл уруғи экилар.
Куч—ҳокимда, бари бир,
Ишқибозлар чекинар.
Аммо узоқ кетишмас,
Чунки улар умидвор,
Бошларига басма-бас
Ёғса ҳамки ёмғир, қор.
Оёғидан ях чиқиб,
Елда карахт бўлганлар
Гулдонларга барг йиғиб,
Ясашарди гулханлар.
Энди унда нардларнинг
Савдоси тиниб қолди.
Қартабоз улфатларнинг
«Бос-бос»и жимиб қолди.
Ошиқ отган «ошиқ»лар
Топиб кетди жойини.
Бир шаҳмотга содиқлар
Ийлашар боғ лойини.

* * *

Кимдир етди кукламга
Қўли баланд, шод бўлиб.
Кимдир ботди аламга,
Вақту бевақт мот бўлиб.
Ҳаёт эса, худди сой,
Оқаверди шарқираб.
Қад кўтарди зўр сарой,
Боғ кўйнида ярқираб.
Атрофига дарвоза,
Панжаралар қурилди.
Юзин қилиб топ-тоза,
Ўт-ўланлар ўрилди.
Билмас фақат ишқибоз
На ўриш, на экишин.
Кутмас бирор имтиёз
Ё сўрамас тегишин.

* * *

Аммо эпчил кишилар
Ипак бўлиб эшилар.
Ширин калом тилида,

Совга-салом қўлида.
Кўнгли яқин мижозлар
Инъом этар жиҳозлар.
Биров қандил осади,
Биров гилам ёзади.
Кимдир кўза келтирар
Ва гул билан тўлдирар.
Эшик, деразаларда
Яшнаб кетар зар парда.
Мана энди, жўралар,
Тўй садоси таралар.

* * *

Бундан шахмот аҳлини
Этмоқ учун хабардор,
Пайдо бўлди бир кунни
Пасту баланд амалдор.
Баджаҳили кекириб:
— Тур, бушатиб кўй, — деди.
Ақллиги эгилиб:
— Бошланмоқда тўй, — деди, —
Уйга ўйинингизни
Кўйиб келинг, азизлар!
Тўйга тўй тўнингизни
Кийиб келинг, азизлар!

* * *

Ишқибозда нима бор,
Бир жуфтгина жома бор.
Шуни кияр уйда ҳам,
Азада ҳам, тўйда ҳам.
Авраганда чилтонлар,
Бу соддадил инсонлар
Етмай гапнинг тагига,
Чиқдилар ташқарига.
Кейин, йиғиб фикрни,
Тушундилар макрни.
Лекин қайтиш бефойда,
Чунки посбон бор жойда
Улар учун йўл йўқдир,
Қўллагувчи қўл йўқдир,
Қўлловчи қўл бўлса-да,
Қисинишар йулқада:
Тўйга келган меҳмонлар,
Казо-казо аъёнлар
Бири зарбобда эди.
Бири кимхобда эди.
Боқмас эди атрофга,
Фақат арбоб арбобга
Тавозе-ла қўл бериб,
Бир-бирига йул бериб,
Терилиб утар эди,

Керилиб утар эди.
Тўйчилар ҳам уларни
Шод-хуррам кутар эди.

* * *

Шаҳмот аҳли — содда халқ,
Мағрурликни билмайди.
Лекин қадрин ҳеч маҳал
Тупроққа тенг қилмайди.
Чунки улар кўп эмас,
Қадрдондир ҳаммаси,
Кўп ичмас ва кўп емас,
Йўқдир зарра таъмаси.
Боқмай палов ҳидига,
Шайтонга ҳай беришар.
Чиқиб йўлнинг четига,
Доналарни теришар
Ва қилишар кунни кеч,
Суриб ўйин завқини.
Буза олмас эди ҳеч
Хаёлни тўй шовқини.
Ана қора, ана оқ,
Бирга қайнаб, алқисса,
Найнов билан Бақалоқ
Мазза қилар айниқса.
Тўйлар ўтиб кетади,
Шовқинлар ҳам омонат.
Мақсадига етади,
Кимки бўлса саломат.

* * *

Мана, чиқди ниҳоят
Куёв-келин чилласи.
Ўзга ташвиш билан банд
Аммо улар калласи.
Куёв бола жангари,
Баланд келар, «гап» берар.
Келин, тойчоқ сингари,
Бўйин силтар, чап берар.
Ўқи тегиб нишонга,
Зўр чиқса қай бирови
Насиб булар ушанга
Оиланинг жилови.
Келин пошша тонг билан
Бошлаб ғиди-бидилар,
Ҳатто чойнинг рангидан
Бирор ўйин қидирар.
Тополмаса, бари бир
Олов сочиб оғзидан,
Излай бошлар эди кир
Тиш ва тирноқ остидан.
Қатиқ дерди қаймоқни,
Совуқ дерди қайноқни.

Хуллас, хуноб этарди
Барча уруғ-аймоқни.

* * *

Шундай кунлардан бир кун
Ўзи ёлғиз қолди-да,
Узоқ турди у дилхун
Деразанинг олдида.
Қушлар тинчим бузди, деб
Жанжал қилиб булганди.
Хазон нега тўзди, деб
Жанжал қилиб булганди.
Боқар экан даргумон
Ҳар яхши, ҳар ёмонга,
Кўзи тушди ногаҳон
Катта кўча томонга.
Булган эди унда жам
Шаҳмотчилар давраси.
Улар учун бир қадам
Икки дунё ораси.
Рақибларни тойдириб,
Ғолиб яшар иззатда.
Талабгорга жой бериб,
Ютқизганлар — хизматда.
Жой тегмаган ҳарифлар
Чакка қашиб туради.
Баъзи чапдаст толиблар
Бўза ташиб туради.
Гарчи шунча орадан
Эшитилмас сўзлари,
Кулгуларин ойнадан
Кўрар келин кўзлари.
Ўзгаларнинг ўйини
Ғашлик кўшар ғашига.
Уввос солиб, ўйини
Кўтарар у бошига.
Дарҳол турар оёққа
Янгалар ва холалар.
Лекин таскин бермоққа
Ожизу танг қолалар.
Учиролмай оловни,
Каллалари шишади
Ва ниҳоят куёвни
Топтириб келишади.

* * *

Неча кунки куёв ҳам
Яшар эди қийналиб,
Гоҳ аждардек урса дам,
Гоҳо тили чайналиб.
Келинчакнинг ишида
Айб кўрмасди боёқиш.
Чунки қиз уй ичида

Қилмас эди бирор иш.
Узун-қисқа деб бўлмас,
Пошна, тиллақоши бор.
Отасига этса арз,
Бош ёргудай тоши бор.
Хуллас, куёв не қилсин
Асрамоқ-чун обрўйни:
Эгилмаса ёш хотин,
Синар, ахир, эр буйни!

* * *

Куёв уйга шу сабаб
Қовоқ уйиб киради.
Хотинининг қонсираб
Турганини кўради.
Лекин муштин тугишга
Қилгунча у ҳаракат,
Келин келиб жунбушга,
Бошлаворди та-та-тат.
Толенининг пастлигин
Додга солди қизгина.
Бунга чидолмаслигин
Ёдга солди қизгина.
Қанақа маҳаллага
Тушиб қолди, найласин?!
Дон, сомон бир паллага
Тушиб қолди, найласин?!
Чор атрофга қаранглар,
Курмак бўғар шolini.
Ҳар хил оёқяланглар
Ўраб ётар ҳовлини.
Балки улар нашаванд,
Қароқчидир эҳтимол.
Қутулмасанг «пашша»дан,
Яшаб бўлмас бемалол.
Бу уйми ё қаро гур,
Нега сира ёрмас?!
Агарда эр бўлса кўр,
Ҳеч ким унга зор эмас!

* * *

Гап шу тахлит қайнарди,
Йигит кўзи яйнарди.
Иложи йўқ қочмоққа
Ёки огиз очмоққа.
Баҳс чоғида, ҳар қалай,
Жим туриш ҳам ноқулай.
Силтаб кўрган эди кўл,
Натижаси бўлди мўл.
Қовогидан ёғса қор,
Қилмадилар эътибор.
Ер тепганди хириллаб,
Жавоб келди ириллаб.

Газабланиб у гоят,
Чикди-кетди ниҳоят.
Атрофига қаради:
Энди қайга боради?
Каллада бир гапи йўқ,
Булганда ҳам, нафи йўқ.
Онасига кирсинми,
Бир маслаҳат сўрсинми?
Йўқ, аёллар бир-бирин
Қўллар эмиш яширин.
Нима қилсин у ҳолда?
Минг дарахтга бир болта:
Отаси бор забардаст,
Ҳар балога келар бас.
Келинни ҳам у топган,
Қочмас, ахир, жавобдан.
Топмабдими бошқасин,
Энди ўзи бошқарсин...
Шундай арзу ўй билан
Ва сўппайган бўй билан
Кириб борди девонга,
Қарамасдан аъёнга.

* * *

Ота кўпни кўрганди
Ва кўп эди фарзанди.
Бари бўлса бир китоб,
Ўқиган у бобма-боб.
Бурай-бурай пилигин,
Ёд билар ҳар қилигин.
Пинак бузмай бугун ҳам,
Жой курсатди хотиржам,
Ўгли нега дилхаста,
Билиб олди бир пасда.
Эҳ, болалар, болалар,
Бекор бу оҳ-нолалар.
Тўлса ҳамки кўйнингиз,
Тўлмадими кўнглунгиз?
Сизга тайёр ошимни
Чайнаб бериш лозимми?
Ишласин-да тилингиз,
Тилни қамчи қилингиз.
Фойдаланинг оёқдан,
Яхшироқ у таёқдан.
Яниб турса бармоқлар,
Кўпаймас ноз-фироқлар.
Отаверса шаталоқ,
Шапалоқ бор, шапалоқ.
Бўш келдингми хотинга,
Лаънат тегар зотинга.
Бугун, майли, кутамиз,
Бўғилмасин қудамиз.
Айб қолмасин бизларда,

Мана, яна бир марта
Сенга ёрдам қиламан,
Кейин ўзим биламан.

* * *

У соҳиби девонни
Чақиртирди қошига.
Соҳиб эса фармонни
Айтди Миршаббошига.
Миршаббоши шодланиб,
Муйлабини буради.
Сўнг миршаблар отланиб,
Ҳарам сари юради.
Улар етган паллада
Кўча қайнаб-тошарди.
Найнов йигит галаба
Завқи билан яшарди.
От ва фили, қушсимон,
Учиб-қўнар катакка.
Пиёдани руҳполвон
Судрар, олиб шатакка.
Йигла, рақиб, зор қақшаб,
Ҳеч ким боқмас арзингга:
Оқ пиёда бир сакраб,
Айланади фарзинга.
Ўз қадрингни билсанг гар,
Таслим бўл ҳей, гоз туриб.
...Афсус, шу пайт миршаблар
Етиб келди бостириб.

* * *

Отлар пишқира кетди,
Миршаб ушқири кетди.
Пастдагилар, албатта,
Тикилишар ҳайратда.
Яққол кўрар эл ногоҳ:
Бир ён қора, бир ён оқ.
Ёпирилар қоралар,
Тинч даврани поралар.
Доналари тирқираб,
Оқлар турар чирқираб.
Ювошроғи чекинар,
Кўрқоқ қочиб бекинар.
Ярамагач чуқишга,
Мажбур, ахир, кучишга.
Янги жойда, эҳтимол,
Ўйнаш мумкин бемалол...
Шуйтиб, ҳамма кўзғолди,
Қўноқ истаб йўл олди.

* * *

Иши битиб тезгина,
Миршабларнинг вақти чоғ.

Фақат бошлиқ озгина
Уйиб турди қош-қовоқ.
Чунки умрин баҳори
Куз томон юз бурганди.
На гул ёзди гулзори
Ва на мева кўрганди.
Идораси ҳаммавақт
Жойлашса ҳам юксақда,
Жам бўлганда жамоат,
Тиз чўкар у пойгақда.
Наҳот кулмас бахти сал,
Насиб бўлмас ҳеч қачон
Унга зўроқ бир амал
Ё дурустроқ зар чопон?!
Шунинг учун, кўксини
Муз қучгандай, қарахтдир.
Энди у ҳам ўзини
Кўрсатмоғи керақдир.
Не қилишни бу сафар
Кўнгли сезиб келади:
Бўрк олиб кел, десалар,
Калла кесиб келади...

* * *

Хурпаяр у худди дев,
Кутмас соя жилишин.
Саваш вақти етди, деб,
Сугура у қиличин.
Давом этиб таъқибни,
Ура кетди миршаблар.
Қуроли йўқ рақибни
Сура кетди миршаблар.
Сура кетди худди сел,
Ҳокимнинг лашкари-да.
Тезда ўзин кўрди эл
Шаҳардан ташқарида.
Дарвозалар ёпилди
Бирин-кетин тарақлаб.
Шунда бирдан очилди
Халқнинг кўзи чарақлаб.
Демакки, бу шум қилиқ
Ҳазил эмас, рост эди.
Яхшиямки, кун илиқ,
Қариётган ёз эди.
Девор баланд, мустаҳкам,
Сакраб ўтиш осонмас.
Озод бошин қилиб ҳам,
Ҳеч ким обрў қозонмас.
Хўш, у энди ер тепиб,
Чоригини йиртсинми?
Дон ўрнига жон экиб,
Ёки, жангга кирсинми?
Шаҳмотчилар ҳеч қачон

Эсни йўқотмаганлар.
Тўкмаганлар ёш ва қон,
Тош ва ўқ отмаганлар.
Гоҳи қора, гоҳи оқ
Олса ҳамки буровга,
Найнов билан Бақалоқ
Ялинмаган бировга.
Кўп жиддий ва кўп узоқ
Уйнаса-да басма-бас,
Найнов билан Бақалоқ
Бир-бирин ёв санамас.
Истеъдод ҳеч юрмас тоқ,
Садоқат-ла эгиздир.
Найнов билан Бақалоқ
Дўстлари ҳам чексиздир.
Ёз қадрига етмасанг,
Қишнинг қори келади.
Инсонни қадр етмасанг,
Бир кун ори келади.

* * *

Сабр битди, битди гап,
Шаҳмотини қўлтиқлаб,
Йўлдош бўлиб шамолга,
Кимдир кетди шимолга.
Кўплар, зур деб чўл гашти,
Жануб ёққа жўнашди.
Кимлар, бериб қўлга-қўл,
Машриқ сари солди йўл.
Бошқалар ҳам турдилар
Ва ғарбга юз бурдилар.
Сўнг, тош боғлаб товонга,
Ўтдилар кўп сарҳаддан.
Дейдиларки, жаҳонга
Шаҳмот шундай тарқалган.

* * *

Сиз у шаҳар номини
Сўрмоқчисиз, эҳтимол.
Умрининг давомини
Кўрмоқчисиз, эҳтимол.
Қилманг, дўстим, сиз бекор
Ўзингизни овора.
Чунки ақл бўлиб хор,
Оқил бўлгач бечора,
Кўп донолар, демай финг,
Ҳар ёққа кўчиб кетди.
Аста-аста шаҳарнинг
Номи ҳам ўчиб кетди.
Фариштасиз маконни
Изламоқдан не фойда?!
Кўринг комил Инсонни
Иззат-ҳурмат бор жойда.

Усмон Азим



Кинодостон¹

Алпомиш ва Қоражон душман устига от қўяди. Алпомиш тўғри бориб, қалмоқларнинг баҳодирига қилич солади. Баҳодир қалқон тутади. Аммо қилич қалқонни тешиб ўтиб, баҳодирни, баҳодирнинг отини тенг иккига бўлиб ташлайди. Сўнг душманнинг тўғри келганига қилич сермайди. Ҳар қилич сермағанида, юзлаб бош узилиб тушади. Алпомиш шунда икки қаватида саф бўлиб, қилич сермаётган қирқ чилтонга кўзи тушади. Алпомиш душманни ёриб бораяпти. Қоражон ҳам қилич чопаяпти. Отларнинг кишнаши, қиличу совутларнинг жаранги, ярадорларнинг жон аччигида нолалари, икки алпнинг осмонитратар наъраси... Душман икки ботирга қилич солади, аммо чилтонлар алпларга қилич тегиздирмайди. Душман солган қилич ҳавони кесиб ўтаверади. Душман сафида ваҳима бошланади. Алпомиш ва Қоражон қочган душманни қувишга тушадилар...

Думбира галаба оҳангини таратаяпти. Алпомиш ва Қоражон душман жасадига тўла майдондан ўтиб, ортларига қайтаяптилар.

Улар кучга етиб келаяптилар. Қоражоннинг қўлидаги голиблик туғи шамолда ҳилпирайдди. Бойчибор кишнайдди.

— Қалмоқлар енгилди! — кучининг борича овоз беради кимдир.

Галаба сурони тўлқин бўлиб, ун минг уйли Қўнғиротнинг кўчида мавжланиб кўчади.

Икки баҳодирни зиёрат этгани, кўчдан отликлар отилиб чиқиб, улар томон от соладилар. Икковини ураб олиб, қўтлайдилар. Сўнг голиблик туғи остида Бойсун-Қўнғирот томон от соладилар.

Сурхайл кампир бир тепа бошида утирибди. Енгилган қалмоқлар, эгасиз отларнинг хуржунига ўлганлар қурол-яроғини солган кўйи, шалвираб, тўзиб, чўзилиб, кампирнинг ёнига етиб келаяптилар.

— Алпомиш ўлдими? — сурайди кампир.

Ҳеч ким жавоб бермайди. Кампирнинг ёнидан мотамсаро ўтаберадилар.

— Отинг ўчгурлар! Алпомиш ўлдими деяпман?!

Яна сукунат. Бу сукунат ичида қалмоқлар бош кўтаролмай ўтаяптилар.

— Во, фалак! — бирдан қичқиради Сурхайл мастон. — Во, етти боламдан жудо қилган фалак! Қасос қиёматга қолмайди!.. Қасос!..

Думбира бу дунёда учрашмоқ ҳам бор эканлигидан айтиб, хуррам титраяпти. Алпомиш билан беклар кўчнинг олдида келаяптилар. Бир томонда Барчин канизлари билан улар тенги юриб келаяпти. Ҳамма жим. Ҳамма ажабтовур бахтли бир ҳаяжонда. Ҳамма оти жиловини тортиброқ бораяпти. Кимдир чидай олмайди. Отига бир қамчи уриб жўнайди. У шиддат билан рўбарўдаги тепанинг устига чиқади.

— Бойсун! — деб қичқиради у. — Ана, Бойсун!..

Ҳамма бирдан шошиб жўнайди. Тепаликнинг устига келиб, донг қотиб тўхтайдилар.

¹ Давоми. Боши ўтган сонларда.

— Асқартоғ! Буйингдан Асқартоғ! — шивирлайди кимдир.
— Қуққамишнинг сувини қаранг! — шивирлайди яна бир овоз.
— Вой, майсаларини!..

Ҳамма донг қотиб туради.

Кимдир ҳунграб юборади.

Барчиннинг кўзида ёш.

Хотин-қизлар ҳам хуррамликдан беун йигляпти.

Оқсоқоллар ҳам кўзлари четидаги ёшларини саллаларининг печи билан артадилар.

Думбира узидан ўзи хурсанд бўлиб, эшиляпти. Ун минг уйли элат Бойсун-Қунгиротга кириб боради.

Ана, Бойбури келиб, Алпомишни қучоқлайди, беклар билан багир босиб кўришади...

Ана, Барчин отдан ўзини ташлади... Ана, Қалдирғоч келиб Барчинни бағрига босди.

Кунтуғмишбекач ҳам Барчинни икки бетидан чўлпиллатиб упиб, айланиб-ўргилляпти.. Атроф кўришайётганлар, ҳидлашайётганлар, бир-бирларига тўймаётганларнинг шодлиги билан тўлиб-тошган...

Думбира овози бир зум тинмай, бу шодликка шерик бўлиб турибди. Яна бахши овози эшитилади.

Қунгирот яна қайтиб топишди. Туй-томошалар бўлди. Аё, дўстлар! Элнинг айрилиб топишгани маҳкам бўлади! Бойсун-Қунгирот шундай маҳкам бирликда, доврүқ топиб яшайверди...

Энди Қалмоқдан ҳол сўранг.

Тойчaxonнинг саройи. Сурхайл кампир ва бошқа сарой аҳли... Лашкарбоши хон қаршисида бош эгиб турибди.

— Мана шу тахтни кутариб, сен аҳмоқнинг бошинга урсам!.. — дейди аччигидан тушолмайётган Тойчaxon. — Лашкарни тутдай тўкибсан-ку, лашкарбош бўлмай, сўйилган қўчқорнинг боши бўлгур!

— Мен эмас... — деб ўзини оқлайди лашкарбоши. — Алпомиш билан Қоражон...

— Икковига, Сурхайл, бу мамлакатда мендан ўзга одамнинг қўлидан иш келмайди!.. Бу лашкарбошиям сўқимликдан бошқага ярамайди...

Тойчaxon лашкарбошига тикилиб қарайди:

— Ярамайсан, тўгрими?.. Ярамайсан-ку!.. Сўқимга сўйдириб юборайми?..

Лашкарбошининг чўқинишга кўтарилган қўли, кўтарилганча қолади.

— Тойча, — дейди Сурхайл. — Айб бунда эмас!..

— Ие, айб бўлмаса, мендами? — деб самимий ажабланади Тойчaxon. — Мен ҳеч қачон хато қилмаслигимни бутун мамлакат билади!..

— Пошшога ўхшамайсан! — дейди Сурхайл мастон ҳам аччиқланиб. — Айб бунда эмас, Бойсариди!.. Агар Бойсари юртимизга кўчиб келмаса, бундай касофат бўлмас эди, шунча одамнинг паймонаси тўлмас эди!.. Аввал Бойсарининг жазосини бер, жазосини бергани Алпомишни Худонинг ўзи етказар!

— Алпомишнинг жазосини ҳам берамизми? Қандай қилиб?.. Бу мамлакатда бир ўзим бўлсам.

— Тойча қургур! Бунча мақтанмасанг!.. Бойсарини жазосини бер, қолган гап режасини қилаверамай!..

— Лашкарбоши! — дейди Тойчaxon. — Бориб. Бойсарини елкасига бир-икки қамчи тортиб, бу ёққа олиб кел!.. Кўпроқ бўлиб боринглар, «озлик қилдик» деб, Бойсаридан ҳам қочиб келманглар тагин!..

Думбира яна нола қила бошлайди...

Ана, қалмоқлар Бойсарининг овулига етиб борадилар, Бойсарини уйдан судраб чиқадилар, бошига қамчи тортадилар, қўлини орқасига боғлаб бўйнига арқон ўтказиб, етаклаб, судраб олиб жўнайдилар...

Тойчaxon саройи. Тойчaxon тахтида, Сурхайл кампир қўйида ўтирибди.

Бойсарини олиб кирадилар. Унинг боши ёрилган, усти-боши лойга қорилган, қўли бойлоқли, бўйни сиртмоқли.

— Тойчaxon! — деб ҳайқиради Бойсари. — Яна нима сабабдан гуноҳкор бўлдим!..

— Бойсари, нодон, гуноҳингни билмайсанми? Мамлакатимнинг тўғсон али домдараксиз кетди, даста-даста лашкарим қирилди... Нима, бу сенинг касофатинг бўлмай, шайтоннинг зиёеними? Хўш, дорга тортирайми, ўтга ёқтирайми? Нима қилай сени?.. Бойсари, энди айт, жонинг кўпми, молинг?

— Жоним битта, пошшо, молим кўй!
— Қайсидан кечасан?
— Бош омон бўлса, мол топилар!..
— Лашкарбоши! — дейди Тойчахон. — Мана, ўзбакнинг ҳамма мол-дунёсини хатлаб, пошшоликка утказ!

Лашкарбоши таъзим қилади.

— Ўзини бўлса, чўпонларига бош қилиб қўй! Пошшоликнинг молини боқиб юрсин!.. — Тойчахон ишни қойил қилган одамдай тиржайиб, Бойсарига қарайди. — Мана, бошинг омон қолди! Энди боравер! Чўпонларга қара!..

Бойсарининг қўлларини ечадилар. У чиқиб кетади. Тойчахон Сурхайлга қарайди:

— Қойил қилдимми?

— Гур қилдинг, очиқ лаҳат қилдинг! Нафсинг қурсин сенгинани!.. Энди гапни эшит! Бу ўзбаклар суягини хорламайди! Бойсарининг бу аҳволдан хабар топса, Алпомиш Бойсарини излаб келади. Шунда ундан етти боламнинг хунини оламан! Болаларим, Тойчахон, салтанатинг учун хизмати утган алплар эди, энди менга ёрдам бер — Муродтепанинг ёнидан бориб, бир шаҳар қурай! Молу давлат ўзимда етарли, сен усталаринг хўнармандларингни кўмакка берсанг бўлди!

Ишни Сурхайнинг ўзи бўйнига олганидан Тойчахон хурсанд бўлади:

— Баракалло! Шаҳар қуравер, Сурхайл! Усталару хўнармандлар хизматингда бўлади!..

Сурхайл Муродтепа яқинидан шаҳар қурдираяпти — саройининг дарвозаларига тилла суви югуртирилган, кунгираси пўлатдан сўқилган, бўсагалари олтидан чоптирилган; ёқут, мармар намоишга уткизиб, пештоққа олмос тошлар қўндирилаяпти. Сурхайл кампир яшариб, ўзига оро бериб, жавраб, булбулдай сайраб, тилини қайраб, ишга бош бўлиб юрибди...

Дўмбира овози. Дашт. Бойсари уч-тўрт чўпони билан янтоғу тезакка чой қайнаиб, ичиб утирибди. Сурув-сурув қўйлар қирларда ўрмалайди. Чўпонлардан бири дўмбира чалаяпти. Ҳамма сел бўлиб оқиб, ўз тақдирига ўзи чуқиб утирибди.

Олисдан туя қўнғирोगи эшитилади. Бойсари бош кўтариб, қарайди. Қирнинг ортидан қарвон чиқиб келаётганини кўради. Унга қараб бироз ўйланиб туради. Сўнг отига минади-да, қарвон томонга жўнайди.

Бойсари қарвонга етиб келади.

— Йўл бўлсин, қарвонбоши! — дейди қарвонбошига.

— Бойсун-Қўнғиротга кетаяпмиз...

Бойсарининг кўзидан шовуллаб ёш оқади.

— Қандай дардинг бор? Нимага йиғлаяпсан, чўпон?

— Қарвонбоши, ошнама, мен чўпон эмасман, Қўнғиротнинг бийиман! Мусофирчиликда Қалмоқларнинг қўлида хор бўп қолдим! Бойсун борсанг, Барчин деган қизим бор — шунга мана бу хатни бериб қўй!

Қарвонбоши мактубни олади.

Қарвон Қўнғиротга кириб келади.

Барчин оқ ўтовининг эшигида пайдо бўлади.

— Хуш келибсиз, қарвонбоши! — дейди у. — Менда нима ишингиз бор?

— Қалмоқдаги отангдан хат келтирдим!

Барчин хатни ўқийди:

«Барчин, қизим, мусофир юртида ёмон бўлдим, ўз молимга чўпон бўлдим, Қалмоққа хўрландим. Изловчим бўлса, келиб кетсин. Отанг».

Барчин кўзи жиққа ёшга тўлади.

Алпомиш ўтовга киради. Уни кўриб Барчин изиллаб йиғлаб юборади.

— Барчин! — дейди Алпомиш. — Нега йиғлаяпсан?

Ойбарчин титраб-қақшаб унга хатни узатади.

Алпомиш ўқиб чиқади-да, ўйланиб қолади.

— Бий бобомнинг ўгли, нега ўйланиб қолдингиз?

— Отамни ўйлаяпман... Қариб қолди...

— Қўнғиротни бир мусофири хўрланса, қандай чидайсизлар, бий бобомнинг ўгли?

— Барчин, мен ҳозир десанг, ҳозир отланиб жўнайман. Аммо отамнинг ҳам олди-дан бир утишим керак...

— Бормасангиз, ўзим бораман, бий бобомнинг ўгли...

Барчин кўзларида гайрат-шижоат балқийди.

Алпомиш отасидан рухсат сўраяпти.

— Кўрар кўзим, осмондаги юдузим, ёлғиз фарзандим! Қалмоққа бормоқни энди ихтиёр этма! Бир бориб, енгиб келдинг! Энди тақдир билан уйнашиб нима қиласан? Бойсарининг қизини олиб келдинг, ўзини бошингга урасанми?..

— Ота, Бойсари акам жигаримиз! Унинг хўрланганини эшитса, биз туғул, Қўнги-ротнинг чўпони ҳам «ё, ному!» деб жунайверади. Уртада элнинг ори бор! Қалмоқлар устимиздан кулмайдими?..

Бойбури жим қолади.

— Улим, — дейди у ниҳоят. — Мен қаридим. Тоғу тахтнинг душмани кўп бўлади. Сен кетсанг, тулкилар ҳам шер бўлиб қоладими дейман-да! Яна ихтиёр ўзингда!..

— Бойсарибий акамнинг хўрмати, келинингиз Барчиннинг иззати, элимизнинг обрўси — бормасам бўлмас!... рухсат беринг, ота!

— Майли, бор! Фақат ёлғиз борма! Қирқ йигитинг оғзи кўпириб, кучини қаерга қўярини билмай ётибди. Билиб қўй, ёлғиз ўзингни қўймайман!

Алпомиш Бойчиборнинг устида, совут-қалқони тўқиллаб, найзаси ортида сўқиллаб турибди.

— Барчин, — дейди Алпомиш хотинига тикилиб, — агар Қалмоқдан қайтмасам...

Барчин чўчиб тушади.

— Нега қайтмас экансиз?..

— Мабодо қайтмасам, ўғлимнинг отини Ёдгор қўй...

— Нега қайтмас экансиз?

Барчиннинг кўзи жиққа ёшга тўлади.

— Айтганимни қил!..

Барчин кўз ёшлари ортида бир ноз билан сўрайди:

— Ўғиллигини қаердан биласиз?

— Тушимда аён бўлди.

— Бий бобомнинг ўғли, қайтмаслигингиз ҳам аён бўлдимми?

— Омонликда куришгунча, Барчин!..

— Хатар сезаётган бўлсангиз борманг! Борманг, бий бобомнинг ўғли!..

Алпомиш от суриб кетади.

— Эсингда тут, — дейди у бир қайрилиб, — ўғлимнинг отини Ёдгор қўй!..

Барчин ўтов керагасига суяниб, қақшаб йиғлайди.

Эрта тонг. Дўмбира шижоат билан муқом қилади. Бойсун-Қўнгиротни оралаб, ўзбакнинг қирқ икки баҳодири от қўйиб, «қайдасан, Қалмоқ?!» деб чиқиб келаяпти. Ўтовлар орқада қолгач, улар от бошини уфқ сари буриб, елиб кетадилар...

Энди, азизлар, Сурхайл мастондан эшитинг.

Сурхайлнинг шаҳри қуриб битказилган. Ярақлаб турибди. Бир минордан уч дурбинчи Бойсун-Қўнгирот тарафга дурбин тўғрилаб, қараб ётибди. Бирдан учови оламни бузиб, бақирингга тушади:

— Моможон-а, моможон-а!

Қасри ичида, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидай, бир қапа тикиб, соялаб ётган Сурхайл бош кўтаради:

— Нима бунча бақирасан қирилгур, оламга ут тушдимми?

— Моможон-а, Бойсун-Қўнгирот тарафдан бир гала отлик келаяпти-я!

Сурхайл кампир қарганиб, ўрнидан туради.

— Агар алдаган бўлсаларинг, сен бўзахўрларни кўннингни қисқа қиламан! Ёрилманган ерни ёриб, тириклай кўмаман! Гушингни бурдаламай ейман!..

Сурхайл минорага инқиллай-синқиллай чиқиб, йўлга дурбин билан қарайди.

— Келаяпти! — дейди у қўлларини мушт қилиб. — Келаяпти! Алпомиш келаяпти!.. Ў, қасос қиёматга қолмайди!

У турган жойида бир-икки айланиб, сўнг бедов отдай югуриб келаятганлар йўлига иргишлаб жунайди.

Қўнгирот баҳодирлари Муродтепаннинг ёнидан ўтаяпти. Бирдан отлари хўркиб, тўхтабди. Қарасалар, бир кампир сочини ёйиб, бетини юлиб, «воҳ болам!» лаб бўзлаб, ўлмоқни кўзлаб турибди. Мотам тутганми — кийим-боши қора, дили яра, «оҳ» урса, оламни бузаяпти.

Алпомиш кампирга яқин келмоқчи бўлади, аммо Бойчибор кишнаб, сувлиқни гажирлатиб тишлаб, кампир тарафга бир қадам ҳам босмайди.

Шунда Алпомиш Бойчиборга аччиқ қилиб, отнинг устидан тушиб, кампир тарафга юради. Бойчибор йўлини тўсиб, утгани қўймайди.

— Бу ҳайвонга бир бало бўлган — ё жин-пин теккан, ё эркалиги тутаяпти! — деб,

Алломиш от ёнидан ўтай деса, жонивор яна йулини тўсиб тураверади. Шунда Алломишнинг қаҳри келиб:

— Тентаклигингни бошқага қил! — деб сағрига бир-икки қамчи уради.

Бойчибор аразлаб, хомуш тортиб, бош эгиб қолади.

— Эна! — дейди Алломиш кампирнинг қошига келиб. — Чулларда нега бундай мунгайиб турибсан?

— Вой, етти боламдан ажралиб қолдим! — дод солади Сурхайл. — етти бирдай болам бошига етди Тойчахон! Воҳ, етти боламдан ажралиб қолдим!

— Ўзи бу Тойчахон ҳаддидан ошган экан, ақли қочган экан! Эна, мен Бойсун-Қунгиротнинг беги Алломиш буламан. Қалмоқшоҳдан учингни олиб бераман, насиб бўлса! У бизнинг қариндошимиз Бойсарибийга ҳам кўп зулм ўтказибди.

— Вой, Тойчахоннинг дастидан дод!.. Бу золимнинг жазосини берадиган бормикан бу дунёда!..

— Эна, Тойчахоннинг жазосини биз берамиз!.. Йигламанг, туриг урнингиздан!

Алломиш кампирни қўлидан ушлаб, ўрнидан туришига кўмак беради.

— Сени Худо етказди, болам!.. Шу чулларда менинг кўнглимни кўтардинг, Худо сенинг мартабангни кўтарсин!.. Энди менинг уйимга бир меҳмон бўлиб кетасан! Ўзбакларнинг одатидан бизга ҳам юққан, учраганини меҳмон қилмасак бўлмайди! Етти ўғлимдан тахтинг ёнгув Тойчахон ажратди, аммо қирқ қизим бор... Кетдик, болаларим, бу кеча сизларга бир базм қилиб берай!..

Кампир шундай деб, ёшариб, «қаҳ-қаҳ» уриб кулиб, отлиқларнинг олдига тушиб, иргишлаб жўнайверди.

Кампир олдинда қирқ икки паҳлавон орқада — Сурхайлнинг шаҳрига кириб келаяптилар. Ярқираган бир шаҳар — еру осмонда ухшаши йўқ...

Қунгиротлар кампирнинг саройи олдида отдан тушаяптилар. Саройнинг эшигидан бир-бирини туртиб, кийикдайн йўртиб, биров-бировининг пинжигга тиқилиб, шошганидан баъзиси йиқилиб — қирқин қизлар чиқиб кела бошлайдилар.

— Бу йигитлар Бойсун-Қунгиротнинг бекари!.. Мени «эна» дейишди — энди сизларнинг акаларинг булади. Мен ўтили, сизлар акали бўлдиларинг! Қани, энди акаларинг хизматини қилинглар! — дейди мастон кампир.

Қизлар чутирлашиб, бекари отини ушлаб, кўнгилларини хушлаб, беллари буралиб, ўзлари тиралиб, — «хуш келибсиз»лаб, хизматни бошлаб юбордилар...

Кенгу мўл дастурхон. Қирқ икки ботир қирқ икки жойда тоғдай бўлиб ўтирибди. Созанда қизлар соз чалиб, бекарининг кўнглини овлаб турибди. Қирқин қиз дўмбира торидай эшилиб, хизмат қилаяптилар. Таом устига таом олиб келаяптилар.

Кампир орқа кўчада бир отлиққа тайинляпти:

— Тутри, Тойчахоннинг олдига бор! Ҳаялламай, лашкар юборсин! Ўзбакнинг полвонларини ўтирган жойида боссин!..

Чопар от суриб, қоронгулик қўйнига ботиб кетади. Мастон кампир булажак қасоснинг шавқида маст бўлиб, роҳат қилиб, қақиллаб кулади.

Тонг отиб келаяпти. Созанда қизлар ҳануз соз чалишда. Полвонлар баъзилари ёнбошлаган, баъзилари деворга суянган, йўл азоби — баъзиларини мудроқ босган... Ҳар бир полвоннинг ёнида бир қиз — ухлаганни елпиб, ухламаганини ёстигини тузатиб, ноз билан чой узатиб — парвариш қилиб турибди.

— Бектемир, — дейди Алломиш, — кўнглим хижил!..

— Бу кампирдан шубҳанг борми?

— Йўқ, душмандан шубҳам бор... Биз буйтиб ўтирибмиз, душман тинч ўтирмайди. Бир шумликни ўйлаб юргандир!..

— Бизнинг келганимизни қаердан билади, Алломиш?

— Дўст — гофил, душман — сезгир.... Гафлатда қолмайлик, мен бир чиқиб, қараб келай!

— Мен бораман, Алломиш...

Бектемир ҳеч кимга сездирмай ташқарига чиқади.

Бектемир шаҳардан ташқарига чиқади-ю, отининг жоловини тортиб, қотиб қолади. Тойчахоннинг лак-лак лашкари уфқдан ошиб, жадал келаяпти. Суворийларнинг совуту қалқонлари, қурол-аслаҳалари, отларнинг эгар-жабдуқлари қуёш нурида ялтирайди.

Бектемир от бошини қайтариб, югуриб, шаҳарга кириб кетади...

— Қалмоқлар келаяпти!

Бектемирнинг бу овозидан қирқ бир ботир сачраб ўринларидан туради.

Сурхайл кампир ўзини ўнглаб олиб, додлашга тушади:

— Тойчахоннинг дастидан дод! Энди ўзбак болаларимнинг қасдига, лашкар тортибди! Золимнинг дастидан дод!..

У қирқин қизларга ҳам яширин кўз қисиб қўяди. Қизлар ҳам додлаб, мастон кампирга жўр бўладилар.

Бир тарафда қирқ икки ботир, бир-биридан узоқ-узоқда тизилиб турибди, бир тарафда Қалмоқ лашкари саф тортган. Қуёш чарақлаб чиқиб келаяпти. Ажиб бир қуёшли сукунат...

Бирдан гумбирлаб добил урилади.

Қирқ икки полвон отларини бир-бир бостириб, душманнинг устига юради. Душман ҳам сафини бузмасдан, қўзғалади. Душман сафи яқин келганда, думбира овози эшитилади... У урушнинг даҳшатидан айтиб, бўзлаётгандай... Қирқ ботир шиддат билан душман устига ташланади. Уруш даҳшати бошланади. Қалмоқларнинг қирқ йигитга дуч келгани қонига ботиб, отидан қулайди. Алпомиш душманни тирқиратиб қувади. Унга юзлаб аскар бирдан ташланади. Аммо алпнинг бир қилич сермасидан ҳаммаси жобажо бўлади. Бойчибор қаршисига чиққан душман оёқ ости бўлиб кетаяпти. Қалмоқлар қирқ ботирнинг олдида тўда-тўда бўлиб, қочиб жўнайдилар... Ботирлар уларни у ёқдан-бу ёққа сурув-сурув қилиб қувиб юрадилар...

Алқисса, Қўнғиротнинг ботирлари ёвни қирдан ошира қочириб, кун ботаётганда бир-бирларини топиб, усту бошларини қоқиб, биров-бировидан ҳол сураб, турибдилар.

Шу пайт шаҳардан Сурхайл кампир кулиб-ўйнаб чиқиб келади.

— Худо Тойчахонга кўрсатди! Узимнинг ўзбак улларимдан айланай!

У ботирларни от устидан энгаштириб, пешоналаридан ўпиб, тавоф қилади.

— Энди эрта-мертан Тойчахоннинг тахтини забт этасизлар! Бугун эналарингни уйида дам олиб, яна бир кеча меҳмон бўлинглар! Эналаринг ҳам ганимат!..

Кампир йўл бошлайди. Полвонлар унга эргашиб жўнайдилар.

Базми жамшид авжига чиққан. Созанда қизлар дил уртар наволарда созларни елдираяптилар. Раққоса қизлар ҳам карашма қилиб, бошларига гоҳ рўмол илмай, гоҳ илиб, беланглаб, ўзбакларни содда англаб, ноз этиб турибди. Енги тор, бели ингичка, ёқаси бурмали, кузлари сурмали қизлар алёр айтиб, полвонларга шароб тутаяптилар.

Қўнғиротнинг қирқ икки баҳодирни маст бўлиб, қулаб ётибди. Уларни хизматкорлар битта-битта судраб ҳовлига чиқариб, ёнма-ён қўяптилар... Сурхайл қарилигини унутиб, тойчоқдай гижинглаб, ҳамма ишга бош бўлиб юрибди.

Қирқ икки баҳодирни кўп ўтиннинг устига ётқизиб қуйганлар.

Катта хумларда ёғ келтириб, маст ётганларнинг устидан қўядилар...

— Ёқинглар! Ёқинглар! Қассос қиёматга қолмайди! Ёқинглар!..

Олов гуриллаб, осмону фалакка ўрлайди.

Тойчахон ҳовлиқиб шаҳарга шотирлари билан от суриб киради. Саройлардан бирининг эшиги ланг очилади. У тўгри шу тарафга йўналади.

Қизлар билан ҳордиқ олиб, чой ичиб ўтирган Сурхайл кампир уни кўриб, гулдай очилиб, ёмгирдай сочилиб пешвоз чиқади.

— Нима, Сурхайл, оламга ўт ёқдингми? Гулханнинг учи Кашалда кўринди. Сен кампир эсингни ебсан, охир мамлакатга ўт қўйиб тинчийсан!..

— Э, Тойчахон-а! Шу ўтда ўзбакларни қовурдим! Кул қилдим! Алпомиш ҳам куйиб кетди! Момонгни кимлигини билиб қуй! Айтганини қилади!

Шу пайт бир баковул югуриб киради.

— Сурхайл момо! Кўрим бўлди! Кўрим бўлди!

— Қиралгирлар, яна нима бало қилдиларинг? — Сурхайл баковулга газабланиб қарайди. — Аввал пошшого таъзим қил, одобни билмаган!..

Баковул подшоҳга доддираб таъзим қилади.

— Сен, бепадарлар, шундай тўй куни бир ҳодиса қилгансанлар. Гапир, нима бўлди!..

— Ўзбакларнинг бирови тирик...

— Нима?.. — Сурхайл бир қалқиб тушади. — Сен лаллайганлар ўтга ташлашни унутгандирсанлар-да! Ким тирик?

— Алпомиш...

Сурхайл момо, тили гапга келмай, қотиб қолади.

Алпомиш кул орасида ётибди. Сурхайл келиб, кўкрагига қулоқ тутади.

— Тирик... — дейди у шивирлаб, сунг бирдан нола қилади. — Тирик!.. Бу ён-майдинг, ўлмайдинг хилидан экан! Бунга дуо кетган! Тирик!.. Бу ўлмайди!.. Ўлмайди!

Кампир дод солиб, ерни тирналаб, йиглашга тушади.

— Тур, ўрнингдан! — дейди уни жеркиб Тойчахон. — Ҳар нарсага агнаб йиглайверасанми? Тур! Улув тортавермай, бир чорасини кўр! Мастлиги тарқаса, ҳаммамизни бошимизни олади!.. Ҳе, мастон бўлмай!

Кампир подшоҳнинг бу гапидан ҳушёр тортиб, ҳеч нарса бўлмагандай ўрnidан туради.

— Бу ўлмай ўлгурга бир чора бор! — дейди у бироз уйланиб. — Зиндонга ташлаб банди этамиз! Ҳой, ким бор?!.

Қирқ баковул югуриб келиб, ерга таппа ташлаб, кампирга таъзим бажо қилади.

— Биттанг қолмай қирилиб кетгурлар, — дейди мастон аччиқланиб, — адабни ўлганларингда ўрганасанларми? Аввал пошшога таъзим қилинлар!..

Баковулар шошиб ўрnidан туради-да, Тойчахонга қараб яна ўзларини ерга ташлайдилар.

— Бу юртда тартиб қолмади! — дейди Тойчахон мунгайиб. — Ҳаммасини дорга тортмайми?

— Тойча! — дейди жеркиниб мастон. — Ҳозир дор-порингга бало борми? Шошмай тур!.. Аввал Алпомишни этисопини қилайлик!.. — мастон баковуларга буюради. — Ҳозир минг одам олиб бориб, Муродтепанинг ёнидан қирқ қулоч чоҳ қаздира-санлар. Эшитдиларингми? Офтоб чошгоҳга келганда тайёр бўлсин!

Баковулар югуриб чиқиб кетдилар.

— Алпомишни зиндонда чиритамаи! — дейди кўзлари совуқ ёниб мастон.

— Каллангни ишлаатиб, иш қил, мастон! Агар Алпомиш озод қолса, ундан аввал ўзингни бошингни оламан!

— Тойча, қуй энди, мақтанма!.. Гур ҳам қилолмайсан!

Кампир Тойчахонга қул силтайди.

Бир неча одам Алпомишни кўтариб, аравага ташламоқчи бўлади. Кутаролмайди.

Кўплашиб Алпомишни кўтармоқчи бўладилар. Ҳеч иш чиқмайди — Ҳаммаси пиш-наб, белини ушлаб, чет-четга чиқа бошлайди.

— Ҳукиз олиб келинлар! — буюради ҳовлиқиб мастон кампир.

Бир жуфт ҳукизин олиб келиб, Алпомишнинг танасини арқонга боғлаб, ҳукизларни қўшиб ҳайдайдилар. Ҳукизлар жойида чираниб тураверади.

Алпомишга қирқ жуфт ҳукиз қўшилган. Ҳаммасини қамчилаб, калтаклаб турибди-лар. Бироқ Алпомишнинг танаси жойидан «қилт» этмайди.

— Тухтанлар! — дейди Сурхайл кампир. — Топдим! Бу ўзбакнинг отини келти-ринлар!

Бойчиборни келтириб, Алпомишни арқонга боғлаб, отга қўшадилар.

— Ҳайда!

Биров Бойчиборга қамчи тортади. Жонивор қимирламайди.

— Ур! — дейди Сурхайл кампир. — Ўзбакнинг отини аямай ур!..

Бойчиборнинг боши-кўзи аралаш қамчи ёмгири ёга бошлайди. Бирдан ҳамма уни уришдан тўхтади.

— Нимага урмайпсанлар?! Ур!..

— От йиғлаяпти!.. — дейди биров.

— Ўлмайдимми? Уравер!

Яна отнинг устига қамчи ёгилади.

— Шошма! — дейди ноҳас Сурхайл.

Отни уришдан тўхтайдилар. Кампир отнинг олдига келади. Кўзларидан ёшини артади.

— Бойчибор! — дейди Сурхайл. — Алпомиш ўлди... Англа, жонивор, Алпомиш ўлди! Уни элиб, кўмиш керак! Сендан бошқа ҳеч ким иложини қилолмаяпти! Жонивор, эгангнинг жасади кўмувсиз қолмасин!..

Бойчиборнинг кўзидан яна ёш оқа бошлайди.

— Чух, жонивор!

Сурхайл Бойчиборнинг сагрисига аста шапатайлаб уради:

— Чух!..

Бойчибор бошини экканча, Алпомишни судраб жўнайди.

Қалмоқлар зиндон бошига Бойчиборни ҳайдаб келишган — ҳар тарафдан ураб, чоҳнинг устидан сакратгани, «ҳай-ҳай»лаб турибдилар. Қиличларини ялангочлаб олишган. Тойчахон ҳам бошқаларга қўшилиб, қичқириб, «чухо-чух»га тушган.

— Сакра, жонивор, сакра! — дейди Бойчиборнинг ёлини силаб Сурхайл кампир. — Бу Алпомишнинг гури!.. У шу ерда қолиши керак!.. Сакра!..

Бойчибор букилиб чоҳдан сакрайди. Унга боғланган арқонларга қилич тортадилар — Алпомиш зиндонга тушиб кетади...

Қалмоқлар қийқирадилар.

Сурхайл рақсга тушади.

Тойчахон отаси қанд берган боладай хурсанд...

Алпомиш уйғонади. Кўзини очади. Боши узра бир парча юлдузли осмон... Атрофни пайпаслаб кўради — зах девор. Нима бўлганини тушунади. Ўтириб, осмонга қарайди. Юлдузли бир парча осмонни ҳам булут босиб келаяпти. Юлдузлар бир-бир аждарҳонинг огзига киргандай гойиб бўлмоқдалар...

Энди, дўстлар, Бойсун-Қунғиротдан томоша кўринг...

Бир тўда қуллар маслаҳатлашиб ўтирибдилар.

— Ултонтоз! — дейди бир қул — Бушашма! Сен ҳам Бойбурининг угласан! Сени Бодом чуридан булган деб Алпомишнинг авлоди писанд қилмади. Энди ўзингни кўрсат!..

— Мен Бойбурининг урнига бий бўламан! Мамлакатга шоҳ бўламан!

— Ҳозироқ ҳаракатингни бошла!

— Ҳозир тахтни оламан, мамлакатни ўз йўлимга соламан!

Барчиннинг ўтовида аёллар шошқин ҳаракатда — кириб чиқаяптилар. Барчиннинг инроги эшитилади. Сунг чақалоқнинг йиглаган овози...

— Алпомиш улли бўлди! — деб, эълон қилади эшиқдан чиққан доя кампир.

Барчин тўшақда ётибди. Чақалоқни Алпомишнинг онаси — Кунтуғмушбекач қўлига олади, суйиб баланд тутади:

— Фарзанд муборак бўлсин. Барчин келин!

— Ўзингизга ҳам... — дейди Барчин уялиб. — Невара қуллуқ бўлсин!

— Отини нима қўямиз? — дейди Кунтуғмушбекач.

— Бий бобомнинг угли кетарларида айттандилар... «Ёдгор» қўйинг деб...

Қулар Бойбурининг саройига қилич ялангочлаб, кириб келадилар. Қурингани чопиб ташлаб, тахтга ўтирган Бойбўрига рўбарў бўладилар.

— Бойбўрибий, — дейди Ултонтоз, — тахтни Алпомишга беришни ният қилган эдингиз. Алпомишнинг Қалмоқдан қайтмоғи гумон. Тахтни менга топшинг!

Бойбўри қиличидан қон томиб турган қуларга хомуш қарайди.

— Нодонларнинг йулини тутдинг, Ултонтоз! Тахтни Худо беради, бандаси оломайди. Олса ҳам, вафоси бўлмайди!..

— Ота! Қариб алжираб қолибсиз! Пошшолик ҳам ярашмай қолибди! Тахтдан тушинг!..

Бойбўри секин тахтдан тушиб, бошини экканча, саройидан чиқиб кета бошлайди. Хизматкорлардан кимдир ўкириб йиглайди. Канизлар ёшларини яшириб артадилар. У чопиб ташланган шаҳидларга таъзим қила-қила саройдан чиқиб боради.

Буш тахт атрофида қулар нима қиларларини билмай турибдилар. Ултонтоз бориб тахтни аста ушлаб кўради. Негадир силайди. Силкитиб кўради...

— Зилдай огир! — дейди шерикларига қараб, тиржайиб.

Сунг авайлаб тахтга утиради. Силкиниб, тахтнинг мустаҳкамлигини яна бир бор синаб кўради. Атрофдагиларга мағрур қиёфада қарайди.

— Ярашди! Ярашди!

Қулар ўзларидан йўқ хурсанд.

— Ярашган бўлса, — дейди Ултонтоз, — аввал таъзим қилиб, сунг Қунғиротнинг янги бийини тавоф қилинглар!

Қулар ҳайрон бўлиб, бир-бирларига қарайдилар. Кимдир бирдан эгилиб, таъзим қилиб қолади.

— Тахтингиз муборак бўлсин, улуг бий!

Бошқалар ҳам шошиб, унга эргашадилар.

— Тахтингиз қуллуқ бўлсин!

— Салтанатингизнинг умри узоқ бўлсин!

Ултонтоз уларнинг қуллуқларини бир қувончли гурур билан бош тебратиб, қабул қилади.

— Эргаштоз! — дейди у биринчи таъзим қилган қулга қараб. — Фаросатингиз давлат юритишга арзир экан! Сиз бош вазиримиз бўласиз. — Сўнг атрофдагиларга буйруқ беради: — Бу кишини бундан буён Эргашбек вазир деб чақиринглар!

Сўнг қошларини чимириб, дупписини олиб қўйиб, кал бошини бир қашиб, фармон беради:

— Энди Қоражон қалмоқ билан Қалдиргоч бевани чақириб келинглар!..

Ултонтоз қаршисида Қоражон билан Қалдиргочойим турибди.

— Сен бу ерларга ярашмадинг! — дейди Ултонтоз. — Асқартоғнинг ёнида Олатог бор. Шу Олатог энди маконинг бўлсин, бир ўзинг ола бўлиб яшайвер! Бор!

— Нима, айбим бор? — деб сўрайди Қоражон.

— Бесунақай одамсан, элда юрсанг, одамларни оёқ ости қилиб, босиб кетасан...

Бу ваддан Қоражон беихтиёр жилмаяди.

Қоражон бурилади.

— Пошшога таъзим қил! — деб пишқиради Эргаштоз.

Қоражон тўхтаб, Ултонтозга бир ёмон қарайди.

— Бу ёввойи қалмоқ таъзимни нима билади! Қуй, кетаверсин! — дейди ўзини баланд олиб Ултонтоз.

Қоражон жимгина чиқиб кетади.

Ултонтоз Қалдиргочойимга қарайди:

— Эгачим Қалдиргоч, акамиз Алпомиш билан куёвимиз Бектемир бедарак кетди.

Энди пошшоликнинг хизматини қилиш навбати сенга етди. Чилвир чулига бориб, туя боқ! Ултонтоз акангнинг давлатида кам бўлмай, туяларнинг орқасидан югуриб, хизмат қил!

Қалдиргоч Ултонтозга тик қарайди.

— Алпомиш ўлмайди, Ултонтоз! Бир кун келади. Шунда ҳолинг нима булишини кўраман!

— Улуг бийни сенсирама! — дейди Эргаштоз.

Қалдиргоч унга қарайди, сўнг Ултонтозга кўз қирини ташлайди. Икки кал — бири тахтада, бири тахтнинг ёнида, салтанатга ярашмай, аллатовур бўлиб турибди.

Қалдиргоч ўзини тугтолмай кулиб юборади.

— Нимага кулаяпсан? — дейди газабланиб Ултонтоз.

— Сенларни Худо урганига кулаяпман! — дейди Қалдиргоч ҳануз кулгисини тўхтатомай.

Сўнг бурилиб чиқиб кетади.

— Барчиннинг ҳам бу ерга турмоғи маъқул эмас, — дейди давлат бошқаришни бошлаган Эргаштоз.

Ултонтоз ширин тиржаяди:

— Барчинни қуй! Уни менга кўнгли борга ўхшайди...

Қуллар маъқуллаб, хушомадона бош силкийдилар.

Барчин Ёдгорнинг бешигини тебратиб, алла айтиб ўтирибди. Алла дунёни тутган. Гуссали, қанотли, эрка бир алла...

Барчин утовининг олдида Эргаштоз бошлиқ уч-тўрт отлиқ келиб тўхтади.

— Бойвучча! — деб чақиради Эргаштоз. — Меҳмон келди...

Ичкаридан Барчин чиқади.

— Ҳа, Эргаштоз, нима ишинг бор?

Эргаштоз хафа бўлиб, гердайиб, учқолоқлаб, нима қиларини билмай туради.

— Бу киши Эргашбек вазир бўладилар!.. — дейди ҳамроҳларидан бири.

Барчин эшитмаганга олади:

— Менга нима гапинг бор, Эргаш?

Эргаштоз қизариб, аччигидан бўзариб, Барчинга қарамай, билмайман, қаёқлардаги баландларига тикилиб, ўзини Худо бўлмасаям, банда чоғламай, томогини ёгламай мақсадини айтади:

— Бизни улуг бий — Ултонбек юборди. Совчиликка келдик. «Хуп» десанг, салтанатнинг манглайдаги менг бўласан, «йўқ» десанг, чўри билан тенг бўласан...

Барчиннинг қаҳри келади:

— Қизиқ айтасан, Эргаштоз, бошимда Алпомишдай сардорим туриб, бир чўрининг кал ўглига тегаманми?

— Ўв, Барчин! Боболар, «давлат қўнса, бир чивиннинг бошига, Семург қушлар

таъзим қилар қошига», деб айтганлар. Алпомишинг эса Қалмоқда йўқ бўлиб кетди. Умидингни уз. Ултонтозга «хўп» де!..

Барчин хаёлланиб қолади:

— Эргаштоз! Билиб қўйинглар, мен бийнинг қизиман! Ултонтозинг менга зўрлик қилолмайдди. Ҳаҳрим келса, бир элчилик кучим бор!.. Энди бўлар гапни айтмай, Алпомишни етти йил кутаман! Келмаса, қирқ кун кўк кийиб, азасини тутаман! Кейин Худонинг буйиргани бўлади.

Совчилар отларини буриб жунайдилар.

Барчин утовнинг керагасига суяниб, хўрлиги келиб йиғлайди.

Ёдгор олти-етти ёшга кириб қолган. Барчин ўглининг бошини силаб, суҳбатлашиб утирибди.

— Ёдгорбек, элингизнинг оти нима?

— Қўнгирот!

— Юртингизнинг оти-чи?

— Бойсун!

— Қўнгирот қайси халққа ётади?

— Ўзбек халқига!

— Отангизнинг оти ким?

— Алпомиш!

— Насабингизни сананг қани...

— Алпомиш Бойбурунинг ўгли, Бойбури Алпонбийнинг ўгли, Алпонбий Добонбийнинг ўгли, Добонбий Қорувлибийнинг ўгли, Қорувлибий Хонжигалбийнинг ўгли, Хонжигали Қўнгирот отанинг ўгли...

— Баракалла, Ёдгорбек!.. — Барчин ўглини суйиб, бағрига босади. — Буларни ҳеч эсингиздан чиқарманг, улим! Номус-орли Қўнгиротнинг йигити ҳалиги айтганларингизни ёдида тутати.

— Ҳеч эсимдан чиқармайман!.. — дейди Ёдгор.

— Энди бор, уйна...

Ёдгор чиқиб кетаётди, энасига қайрилиб қарайди.

— Эна...

— Жон...

— Отам қачон келадилар?

— Худо буйирган куни, улим, Худо буйирган куни!..

Барчиннинг кўзи ёшларга гарқ тўлади.

Ёдгор аллатовур бўлиб, онасининг ёшини аста артади-да, югуриб чиқиб кетади. Барчин унинг ортидан кулиб-термулиб қолади.

Қалдиргоч киради. У оёқланг, кийимлари увада... Икковлари изилаб, йиғлаб кўришадилар.

— Чеча, келганимда нимага кулиб турган эдингиз? — деб умидвор бўлиб сўрайди Қалдиргоч.

— Акангиз эсимга тушиб йиғлаган эдим, Ёдгорим ёшимни артиб қўйди...

— Чеча, шу Ёдгор деб мен ҳам келдим. Ёдгоржон бу ерда юрмасин. Ултонтоз болага бир зиён етказати. Ўзим билан Чилвир чўлга олиб кетай, ёмон кўздан пана — овлоқ жойда юрсин!

Барчин ўйланиб қолади:

— Майли, Қалдиргоч! Олиб боргин! Бу ёғи Ултонтоз ҳар кун одам юбориб, жонимдан тўйдираяпти! Болага бирор нарса қилиб қўймасин!..

Қалдиргочнинг кўзлари жовдирайди:

— Чеча, акам тирик!..

Барчиннинг кўзлари ёшланади.

— Тирик... Акангиз тирик, Қалдиргоч!..

Икковлари бўзлашиб, бир-бирларини бағирларига босадилар.

Зиндон. Алпомиш осмонга қарайди. Зиндоннинг бир парча осмони кўм-кўк. Шу пайт қўшнинг гагиллагани эшитилади. Осмонда бир гоз пайдо бўлади. У зиндоннинг устида қанотини ёйиб, айлана бошлайди....

— Эй, гоз! — дейди Алпомиш гозга қараб. — Қаерлардан келаяпсан? Балки Бойсун-Қўнгиротни кўргандингсан?

Гоз айланиб-айланиб, бир қичқиради-да, ҳолсизланиб, зиндонга қулай бошлайди...

Алпомиш гозни ушлаб кўраяпти.

— Ҳ-ҳ, оёгинг синибди!.. Қанотинг ҳам майиб бутти!.. Мерганнинг ўқи хато кетганига шукр қил! Менга ўхшаб бошингга кўп аломат савдолар тушганга ўхшайди!..

Мен зиндонда ётган ярим одамман, сен қанотинг синган ярим қушсан — бир-биримизга яхши йўлиқипмиз.

Алпомиш дуо ўқиб, гознинг ярасига тупиради. Сўнг куйлагини йиртиб, жароҳатларини боғлайди, гозни силайди:

— Бир учган, тирик бўлса, учмасдан қўймас! Жонинг омон бўлса, ҳали кўп учишинг бор, гоз! — дейди.

Гоз қанотларини қоқиб, учмоқчи бўлгандай осмонни соғиниб, қичқириб турибди. Алпомиш гознинг оёғига хат боғлайди.

— Элу халқимга ўлик-тирик хабаримни етказ! Хатни зинҳор душман қўлига тупирма! — деб гозга тайинлайди.

Думбира бу беумид дунёдан умид қилиб, куйлашга тушади.

Гоз зиндондан учиб чиқиб, фалакка кутарилиб, Алпомишнинг боши устида бир айланиб, Бойсун-Қўнгирот томонга равона бўлади.

Думбира овози яна гамгин бир куйни бошлайди.

Қалдирғоч, ялангоёқ Ёдгор ёнида, тевани қайтариб, жудур кийимлари чакамикка илиниб, ёлғизлиги билиниб, туя боқиб юрибди. Ёдгор ҳам аммасига ёрдам бериб, зириллайди.

— Ҳала, ҳала! — деган иккаласининг овози чексиз даштда аянчли таралади.

Бир маҳал Қалдирғоч товонига тикан кириб, утириб қолади.

Ёдгор югуриб келиб, тиз чуқади-да, аммасининг товонидан чуқиртакни сутириб олади.

— Ёдгоржоним!.. — деб суйиб қучоқлайди аммаси...

— Сенгинадан оғамнинг ҳиди келаяпти! — деб йиғлайди...

— Ёрут кунларимиз бормикан? Иккаламиз чулда гариб бўлдик, Ёдгоржон! — деб бўзлайди аммаси...

Шу пайт бир гоз келиб, буларнинг бошидан шувиллаб ўтади-да, туяларнинг ичига узини ташлайди. Қалдирғоч ойим билан Ёдгор гоз томонга юрадилар. Гоз уларга қараб турибди. Ҳар дам, ҳар дамда қагиллаб қўяди.

Қалдирғоч билан Ёдгор гоз тарафга юрадилар. Гоз учмай тураверади. Ёдгор яқин келиб, гозга қўлини чўзади. Гоз шунда салобат билан фалакка кутарилади. Ерга Алпомишнинг хати тушади. Аммаю жиян гознинг ортидан маҳлиё бўлиб, қараб қолдилар.

— Бу гоз бежиз гоз эмас! — дейди Қалдирғоч.

У гоз қўнган жойга синчиклаб қарайди. Хатга кўзи тушади. Хатни очиб, ўқийди: «Кашал юртида, зиндонда, ёлғизликда ётибман, хабар оладиган кишим бўлмайди»...

— Оғам тирик! — деб қичқиради Алпомишнинг сингласи...

— Ёдгоржон! Отанг тирик! — деб жигарини қучади Қалдирғоч...

— Художоним! Умрим бўйи шукур қилсам сенга, етмайди! — деб хуррам нола қилади Парвардигорнинг бир бандаси.

— Сен туяларга қараб тур, Ёдгорим! — дейди Қалдирғоч. — Мен Олатовга бориб, отангнинг дўсти Қоражонга учрашиб келай! Агар Ултонтознинг қул-беклари келиб, мени сураса, аммам бозорга нон олгани кетди, дегин.

Қалдирғоч Ёдгорга неча гапни тайинлаб, юзидан ўпиб, қанот боғлаб учгудай бўлиб, Олатовга қараб пириллаб жўнайди.

Қалдирғоч бир даранинг ичида.

— Қоражон! — деб чақиради у астагина. — Қоражон!..

Бир катта тошнинг панасидан Қоражон кўринади.

— Бақирма! Келганингни бадбахт қўллар эшитса, фитна қилаяпти, деб иккаламизнинг ҳам бошимизни олади!

— Мени ҳеч ким кўрмади!..

— Нега келдинг, эгачим, ўзим бориб тураман деб айтгандим-ку!

— Оғажон! Бир гоз акамдан хат олиб келди! Тирик экан! Кашалда зиндонда ётган экан!.. Мана!..

— Хат келган бўлса, менга бериб кетавер, келганингни қўллар сезиб қолмасин!

Қалдирғоч хатни Қоражонга беради.

— Оғажон, нима дейсан? Ё акамни излаб ўзим жўнайчи?

— Алпомишнинг ҳали дўсти ўлгани йўқ! — дейди Қоражон. — Дўсти ўлгандан кейин сен борасан!

Думбира овози...

Қоражон қирқ қулоч арқонни белига боғлаяпти...

Қоражон Олатовдан тушиб кетаяпти...

Қоражон тоғларни кесиб утаяпти...
Қоражон Муродтепани қоралаб бораяпти...
Қоражон зиндон бошига етиб келаяпти...
Қоражон чоҳнинг тагига қараяпти. Зиндоннинг туби қоронгу. Ҳеч нарса кўринмайди.

Алпомиш бошидаги бир парча осмонга кимнингдир кўланкаси тушганни сезади. Бошини кўтариб, Қоражонни кўради.

Алпомишнинг овози:

«Қалмоқшоҳнинг зиндонни зимдан қуриқлайдиган жосуси бўлса керак...»

— Ў, Тойчаҳоннинг жосуси! — дейди Алпомиш бошини кўтариб. — Шоҳинга, Алпомиш зиндонда ётибди, деб айт! Аммо бу чоҳдан чиқса, бошини телпақдай олишимни ҳам шипшитиб қўй...

— Алпомиш...

Зиндон тўлиб сукунат чўкади.

— Алпомиш... Мен... Қоражон дўстингман!... Келдим... Сени излаб келдим!

— Қоражон!.. Огажон!.. Келдингми?.. Хайрият, ортимда излайдиганим бор экан!..

— Сени мен изламай, ким излайди! Дўстим, қалмоқлар хабар топмасларидан, сени тортиб олай!..

— Мени Худо тортиб олмаса, ҳеч ким тортиб ололмайди, Қоражон!

— Дўст ҳам Худонинг номи! Бир уннаб кўрай...

— Ота-энам, синглим, Барчин омонми?

— Соғ-саломат... Ўгилли бўлдинг!.. Ўгил қуллуқ бўлсин!..

— Оти нима?

— Ёдгор!..

— Дунёда мендан ёдгорлик қоладиган бўпти!..

Қоражон белидаги арқонни ечиб, зиндонга ташлай бошлайди.

— Арқонинг чидайдимми?

— Ипак арқон!..

Алпомиш арқонни белига боғлайди.

Қоражон чирпаниб тортади. Алпомишнинг оёғи ердан узилади.

Алпомишнинг овози:

«Қоражон зиндондан тортиб олади, шекилли... Аммо бир кун урлашиб қолсак, «сени зиндондан қўтқазган мен бўламан» деб юзимга солса, неча пуллик обрўм қолади?»

Алпомиш зиндоннинг бир тарафига орқасини бериб, бир тарафига икки оёғини тираб, туриб олади. Алп Қоражон чирпаниб яна тортади, ипак арқон узилиб кетади.

— Ҳозир яна арқон ташлайман...

Зиндон ичидан овоз эшитилмайди.

— Алпомиш!.. Сенга нима бўлди!

— Қоражон, зиндоннинг бошида узоқ туриб қолдинг. Қалмоқлар кўзи тушиб, қичаб йўлда келаятандир. Қўлга тушиб қоласан... Кетавер!.. Мен сендан розиман!..

— Сенсиз қаёққа бораман? Қалдирғочга нима дейман?

— Қалдирғочга аканг ўлган экан деб айт!.. Элу юртга — ҳаммага ўлган деб гапирар. Менинг гуссамда бош эгиб юришмасин!.. Агар Худо хоҳласа, бир кун бу чоҳдан чиқсам, осмондан тушгандай бўлиб, бориб қоларман!..

— Мен сенсиз кетолмайман!..

— Қоражон!.. Огажон!.. Кетавер!.. Қалмоқ келиб, иккаламиз ҳам қўшмозор бўлмайлик! Кет!..

— Йўқ, Сенинг кўнглингга бошқа гап келди! Мени номард деб ўйладинг...

— Кўнгли нозик оғам! Дўстим!.. Ернинг тагидан отларнинг дупири келаяпти. Сен тезроқ пана жойга етиб ол!..

— Алпомиш менга ҳамроҳ бўл!

— Кўнглим сен билан!.. Кетавер!..

— Алпомиш...

— Йиғлама!.. Ёшинг келиб юзимга тушди!..

— Йиғлаётганим йўқ... Ёмгир ёғди...

— Булутсиз осмондан ҳам ёмгир ёғадими?

— Бундай кунда тош осмондан ҳам ёмгир ёғади!..

— Илоё, соғ-саломат бўл!..

— Худонинг паноҳига!..

Юраклар дўмбира тори бўлиб титрайди.

Қоражон зиндоннинг бошидан нари кетади. Яна зиндон узра бир парча осмон...

Тубсиз — инсоннинг хаёли етмайдиган осмон!.. Қоражон ҳам кетаяпти... Борган сари кичрайиб... Уфқ уни ютиб юборгунча, ортидан думбира бузлайди.

Товкаойим қирқин қизи билан мол бозорда айланиб юрибди. Жаллоблар чақирган, даллолар бақирган, туялар уқирган, ҳукизлар буқирган, харидорлар отларнинг гоҳ тишини кўриб, гоҳ тўшини силаб, гимираб юришибди. Бир жойда қизгин савдо — даллол харидорнинг қўлини суғириб олгудай силкиб, «бор, барака» қилаяпти, бир жойда бушангроқ бир харидорни от жаллоб йўлини тўсиб, «бундай зур от тополмайсан, ота-энаси тулпор ўтган» деб бир қирчангини рўбарў қилаяпти... Маликанинг кўзи шохлари бурилиб осмонга қараган, жунлари осилиб ерни тараган бир баҳайбат саркага тушади.

— Вой! — дейди малика, кўзлари ёниб. — Бу сарканинг чиройлигини қаранг! Вой! Шохини!.. Вой, жунини!.. Қулогини қимирлатишини кўринг!

Қирқин қиз ҳам бувишига қўшилиб, ҳар бир сўзда эшилиб, саркани мақтаб, қувониб туришади.

Товкаойим бориб сарканинг жунларини силайди. Бўйнидан қучоқлайди.

— Қизлар, — дейди, — буни сотиб оламиз! Боққа этиб ўзимиз қараймиз... Сарканг қанча пул?

Эчкифуруш таъзимни гўзал қилиб, тилини асал қилиб, жавоб беради:

— Сизга, маликам, бепул!

— Ҳа, букилмай қирилгирлар! — дейди газабланиб Товкаойим. — Молинг бепул бўлиб қолдими? Ҳозир ҳамма молингни камбагалларга бепул бўлиб бераман!.. Нархини айт!..

— Уч танга... — дейди ҳануз букилиб турган эчкифуруш аянчли бир тиржайишда.

— Ойсулув! — Товкаойим имо қилади.

Ойсулув катта қопчиқни очиб, эчкифурушнинг қўлига икки танга ташлайди.

— Неча танга олдинг? — деб сўрайди Товкаойим.

— Уч танга... — дейди уша алфозда тиржайиб турган эчкифуруш.

— Қўлингни оч!

Эчкифуруш қўлини очади.

— Ҳа, ҳамманг қирилиб адо бул! Икки танга-ку!..

— Сизнинг қизларингизни икки тангаси бизга икки минг тангадай кўрина беради...

— Кўринмай кетсин!..

Товкаойим бир четда авзойи бузилиб, муттаҳам бўлиб турган Ойсулувга тикилади.

— Угриликни ўзи сен қургурлар бошлайсан! Мамлакатда угрилик қилмайдиган одам қолмади!.. Бер яна бир танга!..

— Мана!.. — дейди аразланганнамо Ойсулув ва бир тангани аччиқ билан лаб буриб эчкифурушнинг кафтига ташлайди.

Товкаойимнинг ҳам қаҳри келиб, Ойсулувга бир нима демоқчи бўлади-ю, кўзи саркага тушади.

— Айланиб кетай!.. — дейди у эриб.

Малика сарканинг бўйнига ипак рўмол боғлаб, ўзи етаклаб, қизлар ҳайдаб, дуриллашиб, чириллашиб жўнай берадилар.

Товкаойим саройда — хосхонада, қизлари билан қошига ўсма қўйиб, ойнага қараб, ўзи ўзига тўйиб ўтирибди.

— Бувишим!..

Икки қиз югуриб киради. Товкаойим огриниб уларга қарайди:

— Ўсма қўяётганимда, гапирманглар деб айтмаганмидим!.. Ўсма олмаса, ҳаммангни додингни бераман!..

— Бувишим, гапирмаса ҳеч бўлмайди...

— Эрга тегаяпсанларми?..

— Йўқ... Бувишим, сарканинг...

Товкаойим ўсма идишни ағдариб, ўрнидан туриб кетади.

— Саркага нима будди?!

Икки қиз уввос тортишга тушадилар.

— Жунни тўкилаяпти!..

Ҳаммалари югуриб чиқадилар...

Сарканинг бир қисм жуни тушган, бир қисми осилган, ўзи озган-тўзган...

— Касал бупти! — дейди саркани меҳр билан силаркан кузининг ёши шашқатор оқиб Товкаойим.

Ойсулув саркага қараб кулади.

— Сен, писмиқ, бир балони биласан! Билмаган гуринг йўқ! Бунинг устига отанг — чўпон! Нимага кулаяпсан?

— Бувишим, баҳор келди... Сарка деган туллайди-да!.. Буни энди бу ерга уйлиқтириб утирмасдан, чўпон-пўпонга берайлик, боқсин, қулфи дили очилсин!..

— Тугри айтасан, писмиқ! Булинглар, саркажонимизни чўпонга қўшиб келамиз, ўзимиз ҳам дала-дашда яйраб қайтамиз....

Кайқубод чўпон сурувини қошида, бир тепанинг бошида қаққайиб, таёгига суюниб турибди. Бошида кепанак, елкасида минг ямоқ чакмон, оёғида чорик, ёнбошида турва...

Олисдан бир нарса қизил-яшил булиб чиқиб, унга қараб келаверади.

— Ё Парвардигор! Инсу жинсингга дуч қилдингма, ё ажинани кўрсатдингма? — деб бечора Кайқубод, оёғи қалтираб, кўзи ялтираб, келаятган нарсага тикилиб қолади...

У нарса яқинлаган сайин алоҳида-алоҳида суворийларга булинади, суворийлар атласу кимхоб кийган қизлар экани ҳам сезилади. Суворийларнинг уртасида — шоҳона аравада сарка селкиллаб келаятганини ҳам Кайқубод энди кўради...

— Қизлар!.. — дейди у оғзи қулогига етиб! — Қизлар келаяпти!..

Суворий қизлар етиб келадилар.

— Бу ёққа кел!

Кайқубод, эси оғиб, югургилаб, Товкаойимнинг олдига боради.

— Яхши чўпонмисан?

— Жуда зўрман! — дейди Кайқубод оғзини йиғиштиролма! — Ишонмасанг, Бойбуридан сўра, аввал унинг молини боққанман, унга ҳам ишонмасанг, отангдан сўра, Бойсарининг моли отангники бўлгандан буён, отангнинг молини боқаяпман...

— Ана у саркани кўраяпсанми? — дейди Товкаойим.

Кайқубод Товкаойимдан кўз узолмайди.

— Кўрмаяпман... — дейди беўхшов кулиб.

Унинг бу туришига қараб, Товкаойимнинг ҳам кулгуси қистайди. Беихтиёр зўриқиб, бурилиб, кулиб юборади. Қизлар ҳам кула бошлайдилар. Товкаойим шўхлиги тутиб, чўпонга кўз уйнатиб, қош қоқиб ҳам қўяди. Ана энди Кайқубод оғзининг таноби чексиз-чегарасиз қочади...

— Ойсулув! — дейди ниҳоят Товкаойим. — Бу барно йигитнинг юзини сарка томонга буриб қўй!..

Ойсулув оддан қиққилаб тушиб Товкаойим қошида маҳлиё бўлганича, ўзини йўқотиб турган Кайқубоднинг бошини аравада турган — келинчаклардай безатилган сарка томонга буради.

— Энди кўрдингми? — дейди Товкаойим.

— Ҳа... — дейди Кайқубод, Товкаойим томонга кўзини қийшайтириб қарар экан. Аммо Ойсулув унинг кўзини кафти билан тўсади, «саркага қара» дегандай имо қилади.

— Шу саркани эҳтиёт қилиб боқасан! Билиб қўй, бу саркани бўри емайди, тугрими?

— Тугри... — дейди беҳушу маҳлиё чўпон.

— Йўқолмайди!..

— Тугри...

— Ўлмайди!..

— Тугри...

— Энди боқиб юравер!

Қизлар аравадан саркани туширадилар. Товкаойим оддан ўзини ташлаб, сарка билан қучоқлашиб хайрлашади. Сўнг Кайқубодга шўх бир кулиб боқиб, отига сакраб минади-да, саройи томон равона бўлади.

Кайқубод кунгай бир бетда, чакмонини чапақай ёпиниб, ушлаб ётибди.

Суруви айлиниб зиндон атрофига етай деб қолган. Товкаойимнинг саркаси зиндондан чиққан тупроқ устига иргишлаб чиқиб кетади. Эчки деган қургур ўзи шўх келади. Бу саркаям сакраб-сакраб зиндоннинг бетида кўнгилни чоғ эта бошлайди. Тоғ булиб ётган буш тупроқ кўзголиб, эчкини қўшиб сурганча, зиндонга тушади-кетади...

Кайқубод сурувни топиб, молларига серсолиб қараяпти. Қараяпти, аммо Товкаойимнинг саркасини кўрмаяпти. Бу тепанинг устига чиқиб, бу сойни кесиб ўтиб излайди. Ниҳоят, сарканинг изини кўради. Из олиб, зиндоннинг бошига келади. Ҳайрон булиб, пастга қарайди. Пастда биров саркани осиб, гўштини кесиб, еб ётир...

— Ер остида ётган қандай балосан? — сўрайди Кайқубод.

— Алпомишман! Қалмоқларнинг қулида банди зиндонман...
— Ие, жезна! Мен Бойсарининг чўпони Кайқубодман!
— Сен нима қилиб зиндоннинг бошида серрайиб турибсан?
— Еётган саркангни излаб келаяпман... Бошим балога қоладиган бўлди! Бу сарка Тойчахоннинг қизиники! Боқиб юр, деб тайинлаб, менга кўнгил бериб кетган эди! Аттанг, ишни буздинг!

— Парво қилма! Насиб қилиб, зиндондан чиқсам, ўзим сенга Тойчахоннинг қизини олиб бераман. Аммо қалинини ҳозир берасан!

— Қалини нима бўлади!

— Қалини от билан туя бўлармиди! Ҳар кун унта қуй бўлади!

— Майли... Фақат, Алпомиш жезна, гапидан қайтиш йўқ, билмадим деб айтиш йўқ!..

Дўмбира шўхроқ бир куйни кулимсираб бошлайди.
Кайқубод ун қуйни олиб келиб, зиндонга ташлаяпти...

Кайқубод яна ун қуйни ҳайдаб келаяпти...

Кайқубод ун қуйни ажратиб олаяпти, сурувда яна ўнтача қуй қолаяпти.

Кайқубод сурувнинг қолган-қутганини йиғиштириб келаяпти...

Кайқубод бир ўзи қанқайиб, зиндоннинг бошига келиб, пастга қараб турибди.

— Нимага мунгайиб турибсан? — деб сўрайди Алпомиш.

— Берадиган нарсам қолмади.

— Ҳали Товкаойимнинг ярим молини берганинг йўқ, ҳеч нарсам қолмади дейсан!

— Таёғимдан бошқа, жезна, ҳеч нарсам қолмади...

— Ҳеч нарсанг қолмаган бўлса, мана буни сотиб кел! Бу ёгини кейин ўзим айтаман!..

Кайқубоднинг оёғи тагига пастдан икки чанқовуз келиб тушади.

Кайқубод зиндоннинг бошига келиб, пастга нон ташлай бошлайди:

— Жезна, қара, нон олиб келдим! Молим қолмаган бўлса ҳам, чанқовуз сотиб, Товканинг қалинидан, Худо хоҳласа, қутилиб кетаман!

Кайқубоднинг оёғи тагига яна бир чанқовуз тушади.

— Буни, қайним, бозорга этма. Товканинг боғига бориб чалгин. Мабодо қизлар кўрса, қувса, қочгин, ушлатмагин. Ушлаб олса, «чанқовузнинг устаси ўзимман», дегин. Зинҳор айтмагин...

Кайқубод таёғини судраб жўнайди.

Товкаойим шийпонда нима қиларини билмай утирибди. Қирқин қиз ҳам эснаб, бекорчиликдан бир-бирига тегинишиб, қиқирлашадилар.

Шу пайт боғдан чанқовуз товуши эшитилади. Ҳама маҳлиё бўлиб, тинглайди. Сунг Товкаойим ўрнидан туриб, аста-аста боққа қараб юради. Қизлар эргашади, Қарашса, бир гул бутанинг тағида ҳалиги чўпон — Кайқубод маст бўлиб, кўзини юмиб, чанқовуз чалаяпти. Қизлар куйни тинглаб, жимгина турадилар. Кайқубод кўзини очиб, назари қизларга тушади. Чалишдан тўхтаб, Товкадан кўзини узоқмай қолади. Товкаойим қўзғалмоқчи бўлганда, бирдан шатирлаб қочиб қолади. Қизлар «ушла» деб, қувишга тушадилар. Улар етдим деганда, чўпон чап бериб кетади, неча қизлар бир-бирининг устига йиқилиб қолади. Қизлар ўрнидан туриб, яна қувишга тушадилар. Олдинда саркадай сакраб Кайқубод чопаяпти, ортидан кийикдай иргишлаб Товкаойим бораяпти, қизлар ҳам иркиллашиб, диркиллашиб, тизилишиб, узилишиб, Кайқубод ҳар буриб кетганда, қийқиришиб, пишнаб югураяпти...

Кайқубод охир сирганиб йиқилади. Товкаойим уни таппа босади. Қизлар ҳам гуппа келиб, калнинг устига ўзларини ташлайдилар, маҳкам ушлайдилар.

— Вой, саркамизнинг чўпони Кайқубод-ку! — дейди ажабланиб Товка. Сунг Кайқубодни сўроққа тутди: — Худой олгур, қачондан буён уста бўлиб қолдинг? Чанқовузни кимдан олдинг, айт?

Кайқубод жим туради.

— Ҳали сендан чарчаганимизни чиқариб оламиз! — деб дағдага қилади малика. — Айтмайсанми?.. Қизлар! Бир-икки уйиб-уйиб чимчилаб олинглар!

Бир-икки қиз қўлини чўзиб боради. Кайқубод саҳрода юрган — қитиги улмаган чўпон эмасми, қизлар қўлини чўзгандан қийшанглаб, ҳиринглайди. Энди қизлар уни маҳкам ушлайдилар. Созлаб туриб бир-икки уйиб оладилар. Кайқубод «вой-вой»лаб, дингиллайди...

— Энди айтасанми?

Кайқубод «йўқ» деб бош чайқайди ва маликага алақандай имо-ишоралар қилади. Маликанинг баттар қаҳри келади.

— Дарахтга боғлаб ташланглар!..

Қизлар Кайқубодни бир толга боғлаб қўядилар.

Кайқубод ҳануз толга боғланиб турибди. Қизлар чарчаган эмасми, соя-салқин майсазорда тўмпайиб, пишиллаб ухлаб қолганлар. Товқаойим уйғониб, Кайқубоднинг ёнига келади.

— Кайқубод, энди айт, бу чанқовузнинг устаси ким?

Кайқубод сирли қилиб шивирлайди:

— Зиндондаги Алпомиш ясади.

Малика бир сесканиб тушади.

— Таёқ еб юргунча, илгаридан айтсанг, бўлмасмиди, қуриб кеттир?!

Кайқубоднинг ҳам жаҳли чиқади:

— Мурт бурагани билмайсан, қош кергани билмайсан, кўз қисгани билмайсан — узинг имога тушинмайдиган қандай қизсан? Бир узингга овлоққа айтмоқчи эдим-да!

— Отамнинг Алпомиш деган бандиси бор экан деб эшитаман... Чанқовузнинг устаси шу Алпомишми?

— Шу Алпомиш...

— Алпомиш ҳам одамми, ё бургутдай нарсами?

— Алпомишни кўрсанг, бу дунёда армонинг қолмайди!..

— Эса мени эргаштириб бор... Алпомишни кўзим билан бир кўрай...

Кайқубод уйланиб қолади.

— Эргаштириб борар эдим-у, кўп таёқ еб каллам гувилаб қолди... Агар малол келмаса, мени кўтариб олсанг, устингдан йўл кўрсатиб кетаберар эдим!

— Фақат қимирламайсан, қитигим келади!

— Хуп!

— Гапирмайсан, гижиним келади!..

— Майли!..

— Тез бул, канизлар уйғонгунча, бориб келайлик!

Ана энди Товқаойим Кайқубодни белига миндириб, бечоранинг кўзини тиндириб, майда юриш қилиб, йўргалиб, ур келганда зўргалаб, зиндон томонга кетиб борапти...

Товқаойим пишнаб, терлаб, елкасида Кайқубод, зиндоннинг бошига етиб келади. Етиб келади-да, Кайқубодни «тап» этиб ташлайди. Югуриб бориб, зиндонга қарайди. Пастда бир йигит — жасади тоғдай, жамоли боғдай — кимга соя солсам деб кўкариб, очилиб, мева тўкиб, гарқ бўлиб турибди. Товқаойимнинг ҳаваси келиб, кўзлари чарақлаб, пешонаси ярақлаб:

— Алпомиш, — дейди, — мен Тойчахоннинг қизи Товқаойим буламан. Сени бир кўрай деб келдим... Айт, зиндондан чиқарсам, кимим бўласан?!

— Зиндондан чиқарсанг, — дейди Алпомиш. — Бир умрлик қариндошинг буламан.

Бу сўзларни эшитиб, маликанинг феъли бузилиб, лаб-лунжи осилиб, орқасига қарамай жўнайверади.

— Кайқубод, бу Алпомишинг ўзингга насиб қилсин! Мен қариндош топмай бу-нинг оддига келганим йўқ! Қариндошим ўзимнинг ҳам бошимдан ошиб ётибди!..

Кайқубод зиндонга келиб энгашади:

— Жезна, «зиндондан чиқарсанг, эринг буламан» десанг бўлмайдами?

— Сенинг кўнглингга гап келарми деб турибман...

Кайқубоднинг мардлиги тутади:

— Бу ёғи тўғри бўлса, «эринг буламан» деб айта бер!

— Эса айтиб кел!..

Кайқубод Товқаойимнинг ортидан етади:

— Қайт, «эринг буламан» деяпти...

— Товқаойим тўрт мардикор билан гаплашапти. Атрофида эшигу деразани маҳкам беркитиб, қирқин қизлари хушёр туришибди.

— Мана шу жойдан, — дейди Товқа, уйнинг тўрини кўрсатиб, — лаҳм қазасизлар... Тўғри зиндонга борсин! Хизмат ҳақини ўйламанглар — оғизларингга сиққанини айтинглар, бераман!

Зиндон. Лаҳмдан аввал дастурхон, кейин Товқаойим кўринади.

— Ассалому алайкум, Бойсун-Қўнғиротнинг султони!

— Валайкум ассалом, Товқа малика!

— Алпомиш, сизни озод қилгани келдим! Аввал овқатни еб олинг! Кейин кетамиз!.. Озодликда эрим бўлиб юраверасиз!..

Алпомиш кулимсираб, овқатни тушираверади.

— Қани, кетдик! — дейди Товка, Алпомиш овқатни еб, тогорани ялаб бўлагач.

Алпомиш лахмга рўбару бўлади. Аммо ҳатто унинг бошимга лахмга кирмайди.

— Шошманг! — дейди чидай олмай Товкаойим.

У Алпомишни орқасидан елка тираб, лахмга итаради. Бўлмайди.

— Майли... — деб тақдирга тан беради Товкаойим. — Ўзим келиб тураман!..

Сурхайл кампир Товкаойимнинг боғига меҳмонга келаяпти, қирқин қиз эгилиб салом бериб, югургилаб, шийпонга жой ҳозирлашаяпти.

— Бу шийпонларинг обрўйимга тўғри келмайди! — деб, кампир қиё ҳам боқмай, ўтиб кетаяпти.

Сурхайл тўғри Товкаойимнинг хосхонасига киради. «Бу ёққа ўтинг, моможон! Бу ёққа...»лаб, жой кўрсатадилар. Аммо кампир ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмай, тўғри тўғра — беш қават кўрпачанинг устига ўтади. Ўтадию... лахмга қулаб тушади. Ақли шошиб, лахмдан «лип» этиб, тепага чиқади. Ётиб туриб, лахмга қарайди. Ниманидир сезгандай бўлиб, ҳаммага бир заҳар қараш қилади.

— Қирилгирлар, питирлаганларингдан бир гапларинг борлигини билиб эдим! — дейди у ҳаммани егудай бўлиб.

Яна лахмга тушиб, синчиклаб қарайди. Сўнг лахм ичида гойиб бўлади...

Алпомиш билан Товкаойим зиндонда ўтирибди.

— Тавба, — дейди Алпомиш тепадаги бир парча осмонда пайдо бўлаётган булутларга кўз тикар экан, — шу чоҳда ётганимга ҳам етти йил бўлибди!..

Шу пайт лахмдан Сурхайлнинг боши куринади.

— Ҳа, гар бўлмай ўл, сен Товка! Ҳа, отанга иснод келтирмай қирилиб кет! Ўзбак билан даврон сураяпсанми?! Оёгинг энгилигини билар эдим!..

Алпомиш билан Товкаойим донг қотиб турадилар.

Аввал Алпомиш ўзига келади. Бир сакраб, Сурхайлга қўлини чўзади. Сурхайл ўзини чаққон ичкарига олади. Алпомишнинг қўлида этагидан бир парча қолади.

— Бу кампир бир балони бошлайди!..

Сурхайл мулозимлари билан тахтининг олдида хўроз уриштириб ўтирган Тойчахоннинг олдига югургилаб кириб келади.

— Тойча, пошшо бўлмай кет! — дейди у нафасини ҳам ростламай. — Сен бу ерда хўроз уриштириб ўтирипсан, қизинг Товка зиндонда Алпомиш билан дон олишиб юрибди.

— Ўзингдан чиққан балога қайга борасан даъвога!.. — дейди Тойчахон. — Товка уйтиб юрса, сен буйтиб юрсанг...

— Мен қайтиб юриппан?..

— Зиндонда бало борми сенга?! Ўз йўлингга тинчгина юролмайсанми?! — У хўрозларни мулозимларига беради. — Шу кўмилиб йўқ бўлгур зиндоннинг ишини ҳал қилай, кейин келасизлар...

У бориб тахтига ўтиради.

— Алпомишни чириб ўлиб кетади деб, зиндонга солдинг... Қани ўлгани? «Донишмандман» деб, қулоқ-миямни ейсан, нима, Алпомиш ўлмаслигини билмасмидинг, арвоҳ ургур?

Сурхайл ҳам уйга толади. Ва бирдан юзига табассум югуради.

— Тойча! Пошшомисан? — деб сўрайди у айёрликдан кўзлари ялтираб.

— Ҳе, сенинг момонгни!.. Пошшолигимни шу пайтгача билмайсанми?! — Тойчахоннинг чинакамига жаҳли чиқади.

— Пошшо бўлсанг, нима қиламан десанг, ҳукминг ўтади! Беш юз аравани қўштирсанг, Зил тоғига бориб, тош юклаб келса, Алпомишни зиндонга қўшиб тош билан кўмса...

Тойчахон ҳам хурсанд бўлиб кетади.

— Ўзим ҳам шундай қилсакми деб тургандим...

— Устидан тош тўксак, Алпомишнинг ҳар ёгидан тош қисар, нафаси қайтар... Шунда ўлмаса, бу ўлмайди!.. Буюр вазирингга, ҳозир аравачиларни жунатсин!..

Яна эшикдан хўроз уруштирувчилар боши куринади.

— Сурхайл, — дейди Тойчахон, — сен ҳам менинг ёнимда юриб, пошшолик ишини анча урганиб олдинг, ўзинг бориб, вазирга менинг номимдан айт...

Кампир бошини сарак-сарак қилиб, чиқиб кетади.

Давоми бор



Энахон Сиддиқова

АҲЛИ
АЁЛИНИҒНИ
АСРАГИМ,
ЭЛИМ!

Аёл — эл камоли, башар тоғидир,
Кунглумиз беҳишти, жаннат боғидир,
Ҳеч завол кўрмасин бу боғ илоҳим,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!

Зумрад далаларни асра аёл-чун,
Алвон лолаларни асра аёл-чун,
Райҳон болаларни асра аёл-чун,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!

Қирқ биттадир жони, ўзи қилча, қил,
Палахмон тошими ё бардошли фил,
Лек аёлнинг жони эмасдир сабил,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!

Тоғларда адашган оҳудир қалби,
Ғамангиз тўкилар қизғалдоқ каби,
Сунгги япроқ мисол титрайди, раббим,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!

Қуриган дарахтдай йиқилмасин у,
Хазон япроғидай тўкилмасин у,
Маломат тошидан бўкилмасин у,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!

Сочларига бевақт қиров инмасин,
Дилига озорда тикон урмасин,
Кунглуба номардлар қуноқ бўлмасин,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!

Тумарис шаҳди бор амрларида,
Алпомишлар ухлар томирларида,
Ватаннинг бўйи бор бағирларида,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!

Аёл бир халқ бўлса... миллат бўлса гар,
Нури ҳидоятли хилқат бўлса гар,
Ул юртнинг аъмоли бўлар суманбар,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!

Кўнғлуба ёниқдир қирқ битта шами,
Бири ўчса, бири ёнади тани,
Лек бурон турмасин, кирмасин шоми,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!

Тоғлар чўксин, аёл кўнғлу чўкмасин,
Ҳиёнатлар кўз ёшини тўкмасин.
Қалбига армонлар армон экмасин,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!

У кирган эшикка чироқ қўяр бахт,
Ёстиқларга бошин суяр муҳаббат,
Фаришталар исмин қилар тиловат,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!

Бир нурли, чарогон дунёмсан, дегил,
Олмос, марваридли дарёмсан, дегил,

*Муаттар бир гулсан, зебомсан, дегил,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!*

*Бир гулдай асрагил, гулбаргдай асра,
Нажот фариштам де, парим деб, асра,
Бардошим, тоқатим, сабрим деб, асра,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!*

*Суйсанг ҳур бўлади севинчдан аёл,
Суйсанг гул бўлади соғинчдан аёл,
Жаннат бўлар охир бу ишқдан аёл,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!*

*Аёл — кўнгул гули ишқнинг навоси,
Яхшилиқнинг, адоликнинг адоси,
Аёл — меҳр маъбудаси, маъвоси,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!*

*Ҳайдар кокиллари чулгонмай қўйди,
Ишқин туморлари тўлгонмай қўйди.
Томирида шонлар уйғонмай қўйди,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!*

*Бу нозик билаклар бозорда бу кун,
Ғамангиз юраклар бозорда бу кун,
Оҳ, гўзал малаклар бозорда бу кун,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!*

*Изтироб кўйлагин йиртар шамоллар,
Лекин йиқитолмас қайғу, завоплар,
Куксини тиглайди унсиз саволлар,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!*

*Ғар хўрланса аёл, тубсиз чоҳ булар,
Суймасалар уни дардли оҳ бўлар,
Бўйласангиз унга тенгсиз моҳ бўлар,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!*

*Аёлнинг бардоши тошни гуллатар,
Аёл кетса бир кун шон каби кетар,
Имкондай ва бир кун Ватандай кетар,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!*

*Аёл бори элнинг ибтидоси ҳам,
Дариғо ва унинг интиҳоси ҳам,
Бу аччиқдек сўзнинг индаллоси ҳам,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!*

*Аёл қалбидадир ҳурлик дарахти,
Тўқсон икки томирида эрк ёди,
Аёл кўтаргуси буюк миллатни,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!*

*Ишонтиргил энди аёл ҳур толе,
Истиқлол гуллатди унинг иқболин,
Ёруғлик, бахт бўлсин умрин камоли,
Аҳли аёлингни асрагил, элим!!!
Аҳли аёлингни асрагил, элим!!!*



РУХИМ ЯТИРОҚ КАБИ
ШУШАР ШУЯТИРОҚКА

* * *

Муҳаббат боғидан гуллар термадим,
Номсиз бир изтироб сингди қонгача.
Оллоҳ, бахт бермадинг, қувонч бермадинг,
Юрагим йиғлади шомдан тонггача.

Сап-сариқ зардобга айланди дардим,
Садоқат пойига бош урдим бориб.
Тоғдай хиёнатни унсиз кутардим,
Сузларим кўкарди кўксимни ёриб.

Қисмат — бу сочлари тундан-да қора,
Қорамтир ридога ўранган душман.
Тумшуги қонталаш, вужуди пора,
Қанотлари синиқ ярадор қушман.

* * *

Сенинг ўрнинг билинар жуда,
Юрагимни оғриқ гижимлар.
Ишонч тоғин вайрон буржида,
Йиғлар каллакланган гужумлар.

Қочиб кетгим келар узоққа,
Қалбимни дард кишанлаб олган.
Тикиламан ночор тузоққа,
Банди дилим соғинчдан толган.

Мени қумсаб тўлиқмас кўнглунг,
Балким, ёдинг лавҳидан ўчдим.
Йўлинг айри, йўлиқмас мунглинг,
Осмонингдан яшиндай кўчдим.

Сенинг ўрнинг билинар, сенсиз,
Дўстга зор дил дилдираб қолди.
Ташлаб кетдинг сўқмоққа энсиз,
Юрар йўлим бу кун йўқолди.

Тўрт томоним бўшлиқ бепоён,
Энди мени ютади гаминг.
Азобимни этолмам баён,
Қалам синиқ, туйғуларим гунг.

* * *

Йўқотишу топиш ҳаёт дегани,
Бир кўзингда кулгу, бирисида ёш.
Кеча биз дўст эдик, бугун-чи ганим,
Ипак кўнглумизни нечун босди тош?!

Армондан иборат кун-тун ораси,
Из қолар дейдилар жароҳат битиб.
О, битмас экан-ку руҳнинг яраси,
Мен сенсиз яшайман азобни ютиб.

* * *

Ер-ла битта бўлиб ётган баргхазон,
Эзилишга маҳкум оёқ остида.
О, менинг юрагим тўкилар бу он,
Битта япроқ титрар яшаш қасдида.

Бугунми, эртами шамоллар юлқиб,
Узиб олиб уни топтар тупроққа.
Кўзимдан томади бир оғриқ силқиб,
Руҳим япроқ каби тушар титроққа.

Бу япроқ-ку берган кўзга яшил нур,
Тонгда кулиб қарши олган қуёшни.
Мен-чи, не қилдим, юрагимми ҳур,
Нечун яшайман кўтариб бошни?

Дарахтга осилган энг сўнги япроқ,
Ёлғиз ранги сариқ — мендек синиққан.
Япроққа ўхшатдим ўзимни бу чоқ,
Умрим — яланг дарахт ғамдан униққан.

Бир кун сездирмасдан ҳаёт гулини
Ажал буронлари узиб кетар, ёр.
Сўнг минг бор тишларсиз армон тилини,
Сўнг менга меҳрингиз бўлмайдди даркор.

Келинг, хазонрезги иси келмасдан,
Яшил кўйлагини ечмасдан боғим.
Келинг, келинг, умрим кузи келмасдан,
Келинг, қуримасдан севгим булоғи.

* * *

Мен сизни унутиб яшашим керак,
Бахт сўзи бегона, ғамни дўст тутдим.
О, нечун тўхтамас, ёрилмас юрак,
Соқов суқунатдан илиқ сўз кутдим!..

Туннинг қовоғида эрийди армон,
Тонгнинг юзларида етти қат ажин.
Кўнгулда осуда мургийди исён,
Нурсиз кўзларини пирпиратар кун.

Булбуллар куйига бир нола инган,
Гуллар ифорини йўқотмиш, наҳот?!
Еру-кўк ораси — қил кўприк синган,
Муаллақ осилиб турибди фарёд!..

Мен сизни унутиб яшашим керак.



Қизимиз Дилором дилларга ором бериш учун, оромли дилларни удуглаш учун дунёга келган экан. Инсондаги барча гузалликни Оллоҳдан деб билди. хулқи-ахлоқдаги, урфи-одатдаги гузалликни удуглаб тенгқур дутоналари, мураббийлар, меҳр-шафқатли инсонлар ҳақида эртақлар туқиди, шеърлар ёзди.

19 йиллик қисқа умри давомида 19 йил дард билан одишди. Хасталигини ҳеч кимга сездирмасди, узгаларнинг дарди узига етарли деб билди, кунгул сураб келган Барноҳон, Дилдораҳон сингари мактабдош уртоқларига шеърлар уқиди, ҳаётнинг қадри ҳақида ҳикматлар айтди.

Бу дунёнинг ишлари
хаёлим олди,
Аларни енгай десам
уйларим тодди.
Дил навоси кунгулни
не куйга солди,
Айтил, эй инсон, сендан
қандай ном қолди?! — дея шеърлар туқиди.

Марҳума қизимиз Дилоромдан бир шеърини дафтар қолди. Узбек, рус, инглиз тилларида ёзган эди. Улардан айримларини сиз журналхонларга ҳавола қилишни лозим деб топдик.

Худойберди ТУХТАБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.



Дилором Абзалова

БАҒРИНГУЗ ЭНГ НАҒИС ҲУМАРА ҲУСАИН

Айёмингиз муборак

Айём билан қутлаб қиз-жувонларни
Ёзибсиз серфайз, шинам дастурхон.
Унутмайлик ушбу гўзал дамларни,
Дастурхон турида оналар меҳмон.
Хизматда келинлар, қизлар сараси
Елиб, югуришсин бугун бариси.
Муסיқа янграйди, қизларнинг қарзи
Онани шодлантирмоқ барчасин фарзи.

Йўқолсин онанинг юзидан ажин,
Ўрнин эгалласин қувонч чеҳраси.
Оққа айлантирманг қора зулф сочин,
Энди тугаб-битсин ғамнинг саҳроси.
Асрларнинг боши сизларга бўлсин,
Бағрингиз энг нафис гулларга тўлсин,
Меҳрингиз олдида қуёш нур бўлсин!

Сумалак

Наврўз таомларидан
Бири эрур сумалак,
Унга маза бағишлаб
Ўлтирар ўттиз малак.
Биби Фотиманинг оши
Эмиш, ўтмишдан дарак,
Қозонда қайнар тоши
Ҳар бирида жо тилак.
Ниятга етай десангиз
Бир бора кавлаб қўйинг,
Ўтинни қалаб туриб,
Хушбўй исига тўйинг.
Сумалак пиширай деб
Уйқудан воз кечарсиз,
Туни билан ухламай
Бир жумбоқни ечарсиз.
Ўзингиз гувоҳсиз, унинг тайёрланишин
Кўрарсиз аввалбоши, сўнг нелар
солинишин...
Руҳингиз тетик тутиб, ўйин-кулгулар қилинг,
Сумалак пишишини зўр ҳавас билан кутинг.

Ватан

Ватан туйғусини ким қуйламаган,
Тупроғини ўпиб, кўзга сурмаган?
Ким бор келажакка умид қўймаган,
Кимса борми юртни обод этмаган?!
Ватан сўзи иборат бешта ҳарфдан:
«В» дегани — Ватандир.
«А» ҳарфи-чи — адолат.
«Т» да тинчлик мужассам.
«А» ҳарфида — абадий
Булсин бахту-саодат.
«Н» да — нурли келажак,
Истиқлол бўлсин ҳар дам.
Бундай ўйлаб қарасак

Керақдир гурур, қадр,
Фидолик элимизга.
Ватан доим биз билан,
Биз уни унутмайлик.
Вақтни бой бермай, дўстлар,
Яхши ният қилайлик.
Шеърим якунлаб туриб
Бир нарса айтай сизга.
Мустақиллик муборақ
Фаровон юртимизга.
Оқибатли бўлайлик
Доим бир-биримизга...

Хаёлга чўмган дамлар

Само йўлдан юрган эдим,
Кўриб қолдим бир қизни.
Майин шамол эсган эди
Олиб кетди юлдузни.
Эслаб қолдим ул гўзалнинг
Тароватли бир ҳуснин,
Юзидаги холинию
Кўзидаги қундузни.
Самога мен боқиб ҳамон
Тополмасман ул қизни,
Аслида-чи, излардим мен
Кўкдаги бир юлдузни...
Хаёлотда не бўлмагай
Чўмдим турли туйғуга.
Сўнг кўзларим аста юмиб
Кетиб қолдим уйқуга.

Эзгу тилак

Гул гунчаси очилибон
Асло хазон бўлмасин.
Кўнгулдаги нур чароғон
Мутлақ армон кўрмасин.
Дил туйғусин яширмангиз,
Баралла чиқсин тилак.
Ешларга эзгу муҳаббат,
Бахтдан ўзга не керак?
Оналар фотиҳа беринг,
Туп қўйиб ёзсин палак.
Шодлигига ҳамроҳ бўлинг,
Ижобат бўлсин тилак...

Абдурауф Фитрат

Оила

ёки

оила бошқариш
тартиблари

Тожик тилидан Шодмон
Воҳид ва Гулбаҳор
Музаффар қизи
таржималари



Ақлий (фикрий) тарбия, яъни одам ақлини тарбиялаш бу одам зеҳни, ақл-идрокини камолга етказишдир. Одам ақлининг камоли нимада? «Яхши билмоқ, яхши ўрганмоқ ва мукамал фикр қилмоқдир». Одам иш қилишдан олдин уни хаёлига келтиради, ўйлайди, тафаккур этиб кейин амал қилади. Ана шу тафаккурни, зеҳн ҳаракатини «муҳокама» дейдилар. Одам ақлининг кучи ва заковати билан то муҳокама этиб қарор қилмаса, бир ишни бошлаб ёки бирор ишни тўхтата олмайди. Бу масалани бир-икки мисол билан тушунтириб бераман. Мана ҳозиргача мен жойимда ўтириб ёзиш билан машғул эдим. Лекин бирдан туриб дастурхон устига келдим. Нима учун? Менинг ботинимда бир майл пайдо бўлди. Бу ҳолатнинг «очлик» эканлиги менга олдиндан таниш эди. Миямда «мен очман» деган фикр келди, «ҳар бир оч одам овқатланиши лозим» деган қарорга келиб, «мен бирор нарса ейишим даркор» деган хулосага келдим.

2-мисол: Фалон дўстимнинг уйига бориб суҳбат қилмоқчи бўлдим. Борсам эшиги очик. Кириб дўстимни ухлаган ҳолатда кўрдим. Уни чақирсам турмади. Яқинлашиб қарасам, «ранги рўйи оқарган, нафас олмаяпти, набзи ҳаракатсиз». Олдиндан менга бу ҳолатнинг ўлим ҳолатлиги маълум эди. Мен ҳам шундай хулосага келаман, яъни дўстим ўлган экан.

3-мисол: Ярим кечада уйда китоб мутолааси билан машғул эдингиз. Бирдан ўғри келди деб тўппончани олиб чиқасиз. Шунда том устида бир бегона одамни кўриб, унга ҳамла қиласиз, у кимса қочиб кетади. Сиз уйда ўтирган эдингиз. Ҳеч кимни кўрмадингиз-ку, қандай қилиб «ўғри келди» деган қарорга келдингиз? Чунки қулоғингизга томдан бир овоз эшитилди. Сизга одамнинг қадам ташлаш овози маълум эди. Бу товуш шунга ўхшаганидан «томда одам юрибди» деган қарор келди. Шунингдек, «ярим тунда фақат ўғрининг томда юриши сизга маълум эди». Бинобарин, сиз дарров «бу одам ўғри» деб қуролингизни олиб ташқарига чиқасиз. Ана шу учта мисолда хаёлларимиз «муҳокама» бўлди. Шу уччала муҳокамани мангик асосида қисмларга ажратиб таҳқиқ қиламиз. 1. «Мен очман», «ҳар бир оч қолган одам таом ейиши керак», «Мен овқатланишим лозим». 2. Бу дўстимнинг ранги ўчган, нафас олмайди, ҳаракати йўқ. «Ким шундай ҳолатда бўлса у ўлгандир». «Бу дўстим ўлибди». 3. «Бир одам томда оёқ учида юрибди», «Кимки шундай юрса ўғридир». «Бу одам ўғри экан». Кўряпсизки, бу учта гапдан иборат. Бу гапларнинг ҳар бирини «қазия» дейилади. Бир қарорга келишдан олдин биринчи ва иккинчи ҳукм бизга маълум эди.

¹ Охири. Бошланиши утган сонда.

Энди қарорга келишимиз учун онгимиз биринчи ва иккинчи қарорни махсус тартибга солиб, кейин учинчи қазияга ўтади. Ана шу учинчи хулоса бизнинг қароримиздир. Тўғри ҳукм чиқариш учун учта шарт мавжуд. Биринчидан, иккита тўғри қазия; иккинчидан тартиб, учинчидан, иккала маълум ҳукмдан учинчи тўғри қарорга ўтиш. Биринчи шарт «исобат», иккинчиси «истиқомат», учинчиси «суръат» дейилади. Шундай қилиб, ақлий тарбия жараёнида бола исобат, истиқомат ва суръат деган ҳукмларга эга бўлиши лозим.

Ташқи маълумот манбалари. Менинг баёнотимдан шу маълум бўлдики, исобат, яъни маълум ва тўғри қазияларни билмоқ демакдир. Одам ўз маълумотларини қаердан ва қайси воситалар билан олади. Энг кўп маълумотларни одам ташқаридан ўзининг бешта асосий узвлари орқали олади. Буларни «ҳавоси хамса» (бешта ҳис узвлари) деб айтилади. Булар басира (кўзда), соммъа (эшитиш ҳисси, қулоқда), зоиқа ҳисси (тилда), шаима (ҳидни билиш, бурунда) ва ломиса ҳисси (терида). Нарсанинг ранги оқ-қоралиги, катта-кичиклиги, яқин-узоқлиги, яхши-ёмонлигини кўз билан кўриб биламиз. Овознинг паст-баландлиги, йўғон ва майинлигини қулоқ билан, ҳидни бурун, мазани тил орқали, қаттиқ-юмшоқ, иссиқ-совуқни ломиса аъзоларимиз орқали билиб оламиз. Лекин бу ҳиссия аъзоларимиз бир қисм маълумотни бизга бера ҳам, ҳар доим тўғри ва аниқ маълумот бермайди. Баъзан ҳиссий органларимизнинг бири касаллик натижасида ўз хизматини бажаролмай қолади ёки хато қилади. Масалан, кўз кўр бўлади ёки нарсани иккита кўрсатади ва ҳоказо. Бинобарин, ана шу бешта ҳиссий аъзоларни яхши тарбия этиб, уларни ҳар хил касалликлардан сақлаб камолга етказиш лозим. Бола кўзларини ҳар хил чангу ғубордан тозалаш, уларни кучли ёруғлардан эҳтиёт қилиш лозим. Баъзан болалар ўйин учун кўзларининг милкини тескари қилиб қайилтирадилар, бунга йўл бермаслик керак. Баъзи ўйинлар эса, боланинг кўриш қобилиятини оширади (нишонга олиш ва бошқа ўйинлар). Боланинг қулогини ҳам ювиб, тозалаб туриш керак. Баъзан шўхлик қиламан деб боланинг қулогига бақириш зарар. Бундай ишларни уларга манъ этиш шарт. Боланинг «зоиқа» ҳиссининг соғлиги учун тамаки чекишни қатъиян манъ этиш зарур. Шундай қилиб боланинг ҳар бир ҳиссий узвларини сақлаш лозим. Лекин бу аъзоларни камолга етиштириш мактабнинг вазифасидир. Бинобарин, бу рисолада мен бу ҳақда ёзишни муносиб кўрмадим.

Энди яна бир масала қолди. Демак, одам бир қисм маълумотни ташқаридан ўзининг бешта ҳиссий аъзолари орқали олар экан. Лекин қандай кайфият билан олишимизни билмаймиз. Мен ана шу ҳақда арз қиламан. Худованди Карим одам жисмида шундай томирларни яратганки, уларни «аъсоби ҳиссия» (яъни асаб томирлари) деб атайдилар. Бу асаб пайлари кўздан, қулоқдан, оғиз ва бурундан, териларимиздан ҳиссиётимизнинг маркази, яъни мияга боради. Бир жойдан овоз чиқса, ҳаво орқали у келиб ўша ҳиссиётимизнинг томирига таъсир қилади. Бу садо таъсири асаб торлари орқали мияга етиб унга ҳам таъсир қилади. Натижада садони эшитамиз. Энди келинг «чойнак» деган сўзни олиб бу маънони шарҳлаймиз. Масалан, сизга биров «чойнак» деган сўзни айтди. Бу овоз қулоғингизга чалинганда таъсири мияга ҳам етиб боради. Биринчидан, сиз бу одам «чойнак» деган сўзни айтганини билдингиз. Лекин сизнинг фаҳмингиз (билимингиз) бу билан чегараланиб қолмайди. Чойнак сўзини эшитганданок унинг нималигини ҳам тасаввур қиласиз. Ўша заҳоти «доира шакл дастаси бўлган ва жўмракли нарса, ичига чой солиб ичадиган» идиш кўз олдингизга келади. Бу хулосага қандай келасиз? Ўша садодан билдингизми? Йўқ, балки бу маъно сизга бошқа жойдан маълум эди, сиз чойнакни кўрган эдингиз. Сиз шу идишни кўрганда унинг сурати кўз томирлари орқали миянгизга етиб боради. Қўл билан чойнакни ушласангиз қаттиқлиги ҳақида ҳам миянгизда маълумот бор. Шу сўзнинг садоси қулоғингизга чалинар экан, унинг сурати, қаттиқлиги, талаффузи бир вақтнинг ўзида миянгизга етиб боради. Учала маълумотни бир вақтнинг ўзида олардингиз. Шундай қилиб, бу маъно учта ҳиссий аъзоларингизга такрор ва такрор таъсир қиладики, энди биттасини эшитсангиз қолган иккаласи ҳам сизга аён бўлади. Шунинг учун чойнак номини эшитганда унинг шаклу шамоили ҳам кўзингиз олдида келади. Лекин одам шу ерда ҳам хато қилади. Масалан, сиз бир дўстингизнинг келишини кутиб, уни уйингизда кутиб ўтирибсиз. Шу ташқаридан келган ҳар қандай товуш ҳам гўёки дўстингизнинг товушидек туюлади. Бироз ўтмасдан бу садо бошқа-

нинг овози эканини билиб оласиз. Ёки биров кечаси чўлдан ўтаётир. Унинг хаёлига кўпроқ ўғрилар келади. Бу ҳолда дарахтнинг сояси ҳам унинг назарида қуролланган қароқчидек кўринади. Бошқа киши эса кечаси уйқусидан уйғониб тепасида бир оқ ва жули нарсени кўради-да, уни жин ёки пари деб гумон қилади. Агарда журъатсиз бўлмаса жойидан туриб, ақлу ҳушини йиқиб, у нарсанинг ғойиб бўлишини кўради, яъни ҳеч нарса йўқлиги унга маълум бўлади. Аммо журъатсиз одам бўлса, кўрқиб, касал бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ана шу учта ҳодисада баён қилган хато маълумотлар «хатои ҳусн» (яъни суратнинг хато кўриниши)дир. Мен учинчи мисолдаги хатони тушунтирсам-да, биринчи ва иккинчи иштибоҳларни ўзингиз қиёс қилиб билиб оласиз. Киши уйқудан уйғониб бир оқ нарсени кўради. У олдин ҳам баъзан кечалари жин ва парилар одам кўзига шу шаклда намоён бўлишини эшитган эди. Уйқудан уйғонган одам девор сояси ёки шакли, ой шуъласи таъсиридаги суратларни дарров пайқолмайди. Натижада унинг зеҳнида хато тасаввур пайдо бўлади. Нима нарса эканини билолмай жин ва пари деб қабул қилади. Агарда ақлу ҳушини йиғиб аҳамият берса ҳеч нарса бўлмаганини кўради. Болангизнинг ақли шундай хатолардан холи бўлиши учун уларнинг диққатлари ва зеҳнларини чуқур ва жиддий бўлишига ўргатинг. Яъни болаларга шундай тарбия берингки, кўрган-эшитган нарсалари устидан тез хулоса чиқармай, балки биров тааққул ва диққат қилсинлар. Шундай қилиб, ҳиссий аъзоларингиз орқали атрофдан оладиган маълумотларни ташқи маълумотлар дер экансиз.

Ботиний (ички) маълумотлар. Бизнинг маълумотларимиз фақат ташқаридан оладиган маълумотлардан иборат бўлмай, балки ботиний (ички)дан ҳам иборат. Масалан, биз оч қоламиз, ғамгин бўламиз ва ҳоказо. Лекин бу ҳолатларни биз кўриб, эшитмаймиз. Уларни ботиндан биз ҳис ва идрок қиламиз. Ҳар бир ташқи маълумотга бир ички маълумот, яъни идрок лозимдир, бўлмаса, ташқи маълумотдан ҳеч қандай фойда бўлмайди. Масалан, сиз овозингизни баланд қилиб менга бир нарса дейсиз. Овоз менинг қулоғимдан томирларга таъсир қилганда мияга боради. Мен бу садони эшитганимда ўзимни идрок қилиб, борлигимни ҳис қиламан. Аммо ўзимни идрок этмасам сизнинг сўзингиз менга бир пул! Бу масалани бир-икки мисол билан шарҳлаб берман. Баъзи котиблар китоб вақтида қаламни оғизларига солиб бошқа иш билан машғул бўладилар-да, кейин яна ёзмоқчи бўлиб, қалам қидиришга тушадилар, жойларидан туриб ҳамма томонга қараб қаламни тополмай жаҳллари чиқади. Бир вақт оғизларидан қалам ерга тушади... Қаламни оғзига солганда қалам лабларидаги ҳиссий томирларга таъсир қиларди, мияга ҳам етиб борган эди. Лекин бу таъсирни котиб идрок қилмасди. Шунинг учун ҳам қаламнинг таъсирида фойда йўқ эди. Ажабо, нима учун бундай. Чунки қаламни оғзига олганда диққат қилмаган эдилар. Бозор ўртасидаги бирор хаёл билан ўтсангиз у ердаги ҳамма нарсени кўрасиз. Лекин қайтиб келиб ўйлаб кўрсангиз бирон нарса ёки бирон кишини эслолмаймиз. Нимага шундай? Чунки бозордан ўтаётганда назарингиз диққатсиз эди, атрофга диққат ва аҳамият бермасдан келгансиз. Ана шундай ички маълумот «ғайри ихтиёрий диққат» деб айтилади, яъни бу маълумот бўлса ҳам идрок доирасига кирмаган саналади. Маълумот идрок доирасига кириши учун маълумот олиш жараёнида диққат қилиш лозим. Юқорида зикр қилганимдек, бола эшитган ва кўрган нарсаларига диққат қилишни аҳамият бериш лозим. Аммо ғайри ихтиёрий идрокни батамом йўқ қилиб бўлмайди. Бундай хусусият ҳар бир одамда ҳар хил даражада мавжуд бўлиб, унинг феъли атворида катта таъсир қилади. Масалан, сиз бировнинг мурувватсизлиги, инсофсизлиги ва хиёнатлари ҳақида кўп эшитасиз. Бу одам ҳақидаги салбий хабарлар, албатта хотирангизда бир из қолдиради. Энди унинг номини эшитсангиз ёки ўзини кўрсангиз нафратланиб, унинг ёмонлиги ҳақида ҳукм чиқарасиз. Кўпинча бундай хулосанинг сабабини билмайсиз, чунки у ҳақда эшитган ҳикоялар эсингиздан чиққан бўлади. Лекин уларнинг таъсири (яъни ғайриихтиёрий идрок) миянгизда қолган бўлиб, шундай ҳукм чиқаришга сабабчи бўлади. Бола тарбияси жараёнида шу хусусиятни ҳисобга олиб, эртақ орқали бўлса ҳам уларга доим фидокор одамлар ҳақида, соҳибмурувват шахсларнинг феъллари ҳақида, порсо ва худотарс одамлар ҳақида ҳикоя қилиб, яхши амалларнинг фойдасини эслатиб ўтиш лозим. Деву пари, жин ва чўл гуллари ҳақидаги қиссаларни болага айтинглар. Ёмон хулқ ва ишەқмасликнинг зарарлари ҳақида болага айтиб бериш ва зеҳнига буни жойлаш ота-она учун вожиб-

дир. Бундай қисса ва ҳикоялар вақт ўтиши билан эсларидан чиқса, таъсири зеҳнларидан қолади ва ҳаётларига катта таъсир кўрсатади. Мактаб болаларига ишқий ва майни мақтайдиган китобларни тавсия қилмаслик тўғридир. Модомики, ғайри ихтиёр идрок сизнинг ҳаракат ва атворингизга таъсир қилар экан, баъзан сизни хато йўлга солиб зарар етказиши мумкин. Бу масалани бир мисол билан тушунтираман. Падари бузрукворингиз катта тижоратининг зарари ҳақида сиз билан суҳбат қилиб, ҳар замон фалон нодон, писмадон аҳмоқ бўлиб бор-йўғини пахта савдоси йўлида йўқ қилди, деб айтган. Албатта, отангизнинг сўзлари зеҳнингизга таъсир қиларди. Бугунги кунда бу ҳикоялар эсингиздан чиққандир. Мен қатъий далиллар билан бу йили пахта савдоси сизга фойда келтиради десам рад қилмайсиз ҳам, қабул ҳам қилмайсиз. Бунинг сабабини сўрасам айтолмайсиз ва шу фикр билан пахта тижоратидан қолиб катта даромаддан махрум бўласиз. Аммо нафс ва зеҳнингизга бироз аҳамият бериб тадқиқ қилсангиз, бу ишингизнинг сабаби ўша қиблагоҳингизнинг сўзларидан келиб чиқишини билиб оласиз. Шу билан гаплар энди қолиб кетганига ишониб пахта тижоратига ўтасиз ва фойда ҳам оласиз. Болани ҳам ёшлигидан ўзининг шахсияти ва зеҳнига диққат беришга ўргатиш керак. Бола қандай иш қилмасин «нима иш қилдинг?», «қайси мақсадда қилдинг?», «қайси мақсад учун қиласан?» деб ширин сўзлар ва очиқ чеҳра билан сўраш уларни нафс таҳқиқига ўргатади.

Ҳофиза ва хотира. Маълумотларимиз, хоҳ ташқи, хоҳ миямизга таъсир қилгандан сўнг анча муддат сақланиб қолади. Масалан, мен кеча сизнинг сўзларингизни эшитган эдим. Яъни гап қулоғим ва кўзим орқали миямга таъсир қилган эди. Бугун сизни кўрсам ва сўзларингизни эшитмасам ҳам кечаги таъсирдан уни идрок қиламан. Бас айтаманки, миям сизнинг сўзларингизни «ҳифз», яъни ёдлаб қўйган экан. Бугун эса мен уларни «тахаттур», яъни хотирамга, хаёлимга келтираман. Одамнинг ана шу икки қобилиятини «ҳофиза» ва «хотира» деб айтадилар. Ҳифз ва хотира одам ҳаёти учун ўта зарурдир. Шохдан гадогача, олимдан бир абадхон болагача ҳифз ва хотирага муҳтождирлар ва уларнинг соясида ишларини бажарадилар. Агар мен кеча ўқиган китобим, қилган ишларим, кўрган нарсаларим, эрталаб қилган муомалаларимни, бир соат олдин эшитган сўзларни ҳозир эслай олмасам аниққи ҳолим войдир! Ҳифз ва хотиранинг қай даражада муҳим эканини шу баёнотимдан билдингиз. Лекин ана шу қобилият (ҳифз ва хотирлаш қобилияти) ҳар доим бир хил даражада зоҳир бўлмайди, баъзан нуқсонли бўлади. Баъзи одамларга иш буюриб, минг таъкид қилсангиз ҳам бажариши икки соат ўтмасдан хотираларидан кўтарилади. Уларнинг шу ҳолатлари ҳофиза ва хотираларининг нуқсонидандир. Болалар ҳофизалари ва хотираларини ёшлигидан тарбиялаш, уларни камолатга етказиш жуда ҳам зарурдир. Лекин бу вазифани асосан мактаб муаллимлари зиммасига тушади. Ота-оналар болаларга кайф берадиган нарсаларни тамоман манъ этишлари, болалар турадиган хоналар озода бўлишини назорат қилишлари зарур. Бундан ташқари одам руҳини тарбиялаш учун кўп ҳолатлар мавжуд. Уни ҳам тарбиялаш лозим. Лекин буларнинг ҳаммаси мактаб ва ўқитувчилар вазифаси бўлгани учун бу ерда зикр қилинмади.

Муҳокама. Одам ташқи, ички маълумотларни йиғиб олиб, ёд олиб хотирасига келтиришга қодир бўлади, яъни саҳих, тўғри маълумотга эга бўлади. Уни биз «соҳиби исобат», яъни ҳукм чиқариш учун лозим бўлган биринчи шартнинг соҳиби деб айтаман. У хоҳлаган вақтда маълумотини муайян тартибга солиб, янги маълумотни қўлга киритади. Масалани имкон билан тушунтириб берай. Бир одам тарих илмига жуда майли бор ва тарихий китобларни кўп мутолаа қилади. Шу сабабдан у фалон ва фалон миллат бир муддат саодат ва бахтга эришиб, жаҳолат ва ўзаро адоват (нифоқ) сабабларидан тарқалиб кетганларини кўради. Аммо фалон ва фалон халқ ва миллат илм ва иттиҳод билан инқироз ва тарқоқликдан нажот топганлар. Шу билимлардан у иккита асосий хулосага келади: биринчидан, «қайси миллат жаҳолат ва нифоққа мубтало бўлса, ўлиб, нест-нобуд бўлади». Иккинчиси, «қайси миллат ҳалокат ва тарқоқликдан халос бўлмоқчи бўлса унга илм ва иттиҳод лозим». Шундан сўнг у бизнинг мамлакатимиз аҳволини текшириб кўрадики, «миллат жаҳолат ва нифоққа мубтало бўлган». Бу ҳукмни юқоридаги хулосалар билан солиштириб жамлаб, яъни миллатимиз жаҳлу нифоққа гирифтор бўлган «...Қайси миллат жаҳлу нифоққа мубтало бўлса, паришон бўлиб тарқоқ, ҳалок бўлади. Бу иккала ҳукмдан олдин билмаган хулосага келади. «Миллатимиз паришон ва ҳалок бўлаётир». Ва бундай ҳукмдан

муаррих жуда хафа бўлиб, агар миллатсевар бўлса, жасорати етса миллатига нажот бериш чораларини қидиради. У «миллатимиз нажотга талабгор» деган хулосага келади.

Бу ҳукми юқорида чиқарилмаган ҳукмга қўшиб «миллатимиз нажотиталабгор», «қайси миллат нажот истаса унга илм ва бирик лозим» деган фармон чиқади. Кўрганингиздек, иккита маълум ҳукми тартиб билан жойлаштириб янги ҳукм чиқарамиз. Шунга муҳокама дейилади. Юқорида арз қилганимдек, шу муҳокамани беҳато ва бенуқсон бўлиши учун учта шарт бажарилиши лозим. Булар исобат, истиқомат ва суръат. Исбот қандай ҳосил бўлишини юқорида арз қилдим, яъни боланинг саҳиҳ маълумот олиши, шу жараёнда ота-онанинг вазифаларини ёздим. Аммо бола ул-ғайгандан сўнг истиқомат ва фикр суръатига эга бўлиши учун нима қилиш керак, уларни қандай тарбиялаш лозим? Бу муҳим вазифалар тамоман мактаб ва ўқитувчилар зиммаларида бўлса ҳам ота-оналар ҳам бунга аралашилари зарур. Ота-она болани бир ишга ҳидоят қилмоқчи бўлсалар тўғри ва аниқ далиллар ва сабаблар билан, бир ишни манъ қилсалар далил ва баҳона келтириб тушунтирилади.

АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Зикр қилинган 3 та тарбиянинг энг муҳими ахлоқий тарбия ҳисобланади. Ўзингиз хоҳлаганингизча боланинг ақлий ва бадан тарбияси билан машғул бўлишингиз мумкин ва қўлингиздан келгунча уни доно ва бақувват қилинг. Лекин ахлоқий талаб даражасида бўлмаса ақли ҳамда жисмоний кучини ўзи ёки атрофдагилар зарарига ишлатади. Бинобарин, боланинг ақлий ва жисмоний тарбияси самарасиз қолмаганлиги учун фарзанднинг ахлоқий тарбияси билан жиддий шуғулланиб, кўп ҳаракат қилиш лозим.

Ахлоқий тарбия — одам ахлоқини камолга етказиш демақдир, яъни одамни шундай тарбия қилиш керакки, феъли ва амали ҳам ўзига, ҳам бошқаларга фойдали ва манфаат келтирадиган бўлсин. Бошқача айтганда, одамнинг феълу хуши ва ҳаракати яхши фазилатларни тарбиялаш демақдир.

Ихтиёрий феъл ва ҳаракатлар. Одам томонидан содир бўладиган амал ва ҳаракат икки қисмга бўлинади: ихтиёрий ва ғайриихтиёрий. Масалан, ғазабланган ҳолда бировни сўксангиз, уриб майиб қилсангиз, кейин жаҳддан тушиб, қилган ёмон ишингизни тушуниб, «Нима қилай? Беихтиёр мен шу ишни қилдим!» дейсиз. Лекин бу тариқа ишлар ҳам ихтиёрий бўлади ва уларни «афъоли эҳтиросий» (эҳтирос, ҳиссиётга асосланган амаллар) деб айтадилар. Ихтиёрий амал ва ҳаракатлар шундай ишларки. Табиий афҳол (амаллар) деган бир ғайри ихтиёрий амаллар мавжуд, лекин у бизнинг мавзумизга алоқаси йўқ.

Уларни қилишга ихтиёримиз ва иқтидоримиз етади, фойда ёки зарарини билиб қиламиз, қилмаймиз. Биздан содир бўлаётган кўп ишлар ва ҳаракатлар, менинг назаримда, ҳатто ўша эҳтиросли амаллар ҳам ихтиёр шамасидан холи эмас (бунга ҳали мен пастда изоҳ бераман). Ана шу ихтиёрий феълларимиз сабаб баъзиларимиз салохиятлик сифатига, баъзиларимиз бузғунчилик сифатларига эга бўлиб қоламиз. Ҳар томондан бошимизга тушадиган жазо, мукофот, таҳсин ва танбеҳ ихтиёрий ишларимизнинг натижасидир. Фалон одам яхши одам, яъни ўзига ва ўзгага фойда келтирадиган ишларни ихтиёрий равишда қилади. Писмадон эса ёмондир, чунки ўзига ва бошқаларга зарар келтирадиган амалларни қилади. Одамни «яхши одам» этиб тарбиялаш, яъни уни «ахлоқи ҳақида» соҳибига айлантириш, ихтиёрий феълларини ислоҳ қилиб, фойда келтиришга айлантириш демақдир. Мен энди ихтиёрий амаллар ислоҳ этиш сабаблари ва йўлларини тадқиқ этиб баён қиламан. Ҳар қандай ихтиёрий ҳаракатимизни аввал тасаввур қиламиз, фойда ва зарарларини ўйлаб қилиш ёки қилмаслик қарорига келаемиз. Агарда фойдаси зараридан кўп бўлса қилишга, лекин зарари фойдасини ошса-чи, қилмасликка қатъий қарор қилаемиз. Демак иродамиз (истагимиз) ва ихтиёримиз беш ҳолатнинг натижасидир: тасаввур, машварат, таржаҳ, қарор, ижро. Шундай қилиб, одамнинг феъли ва ҳаракатини бир яхши шакл ва мазмунга келтириш учун руҳимизнинг бешта ҳолати бўлган ва биз уларни тарбиялашимиз лозим экан. Буларни қандай тарбиялашимиз керак? Мен бунга арз қиламан.

Уларнинг тамойиллари ва тарбияси. Баъзи одамлар ҳамиша ўзларига ва бошқаларга фойда ва манфаат келтирадиган ишларни (масалан, таҳсили илм, ёрдам бериш) тасаввур қилиб ўйлаб юрадилар. Миялари зарарли ишлардан ҳам холи эмас. Лекин зеҳнларида бу ишлар хусусида кенгаш қилиб, зарарли ва фойдали ишларни солиштириб зарарини тарк этадилар. Баъзилар бутунлай аксинча рафтор қиладилар. Улар ҳамиша ёмон ва зарарли ишларни тасаввур қилиб, машварат жараёнида фойдали ишлар зарарли, зарарли ишлар фойдали бўлиб туюлади-да ва яхши ишларни қилмай ёмон ишни қилишга қарор қиладилар. Ажабо иккала гуруҳда ҳам тасаввур, машварат ва таржих ҳолатлари мавжуд, биров негадир бири яхши ишларни, бошқаси ёмон ишларни қилишга қарор қиладилар. Масалан, икки кишидан бири шароб ичади, иккинчиси ичмайди. Шубҳа йўқки, булар шароб ичмоқнинг амалини тасаввур қилиб, машварат қилиб, бири ичиши, иккинчиси ичмасликка қарор қилган. Иккаласи рухий ҳолатларини ҳис қилсангиз бири ёқутранг шароб томчиларини оби ҳаётдан ҳам фойдали ва яхшироқ, одамни бир неча соат бўлса ҳам кулфатлардан қутқаради дея ишонишни билиб оласиз. Шунинг учун унинг хотирида май ичмоқ учун майл пайдо бўлади. Аммо иккинчи шахснинг эшитишича, шароб бир заҳарли сувдир, одамзотни, ҳақни ақл билан идрок этиб маърифатдан манъ қилади, ҳиссиётга халал бериб танани ишдан чиқаради. Шу учун бу одамнинг кўнгли шароб ичмасликка майл қилган. Лекин ана шу тамойиллар тақозоси билан бири ичкиликка, иккинчиси ичмасликка қарор қиладилар. Шу майл ва тамойилнинг тасаввурда, машваратда, қарор қилиб амал этишда катта таъсири мавжуд. Бу тамойиллар фақат шу учала ихтиёрий феълларга эмас, балки эътирозий феъл ҳам шу майлларнинг кўпайиши ва ғалаённинг натижасидир. Масалан, одамнинг бир майли «хубби нафс» (яъни ўзини севмақдир.¹) Кимнинг хубби нафси кучли бўлса ва юқори даражада бўлса, агар биров унинг номус ва шарафига тажовуз қилса, шу нафс ғалаба қилади-да, ўша тажовузкор кишини ўлдурмак изига тушади. Онгининг машварати ҳам қон тўкишнинг зарарларини эмас, фойдасини кўрсатади. Бинобарин, ақлида ўша одамни ўлдирмаслик учун қарорга келинади. Юқорида, эътирозий феъл ҳам бир навъ ихтиёрдан холи эмас деб айтган эдим, модомики тамойил-майл ихтиёрий феълга таъсир этар экан, эътирозий феълга ҳам боис ўшади. Бас ахлоқий тарбия учун, майл ва истаklarининг тарбияси билан машғул бўлиш лозим. Олимлар одам руҳининг тамойилларини уч қисмга бўлганлар; шахсий тамойил, ижтимоий майл ва олий тамойил. Шахсий тамойил ҳам уч қисмдир: Бахт майли, фаолият майли, хубби нафс.

Бахт майли. Ўзига таалуқли бўлган ишлар натижасида одам ё мамнун бўлади ё ғамгин. Шу мамнуниятни «бахт» ва ғамгинликни «алам» дейдилар. Киши қайси иш натижасидан мамнун бўлса бахт кўрган бўлади ва шу ишни қайта такрорланишини истайди. Ана шу истак «бахтга майл» бўлади. Бахтли бўлишга ҳар кимнинг майли бор. Қайси ишни бошламасак сабаби мана шу мамнуслик майли бўлади. Руҳнинг шу ҳолатини яна бир ҳолат қувиб юради. Бу «аламга нафрат» майли. Ҳар бир одамнинг бахтга майли қанча бўлса, аламга ҳам нафрати шунча бўлади. Болаларни шундай тарбия этиш лозимки, бахтга бўлган интилишлари ҳеч қачон хазон бўлмасин, сўнмасин, балки кўкарсин. Ота-она болага мамнуслик ва хурсандчилик этишни манъ этмасликка, балки ахлоққа қарши бўлмаган ишлар билан мамнун ва масрур бўлишни қўллаб-қувватлашлари керак. Боладан бирор яхши иш содир бўлса уни мақташлари: мадҳ этиб мукофот беришлари дуруст. Фарзанд ҳам ишнинг натижасини кўриб, бахтли ва мамнуслик билан шундай ишларни орзу қилади. Агарда фарзанд ёмон иш қилса шу қилмишининг қабоҳати ва аламини унга тушунтириш лозим, токи у бу ишдан нафратланиб ўзини кейинги сафар тийсин. Лекин баъзан «бахт майли» одамни зарарли ва ҳалокат келтирувчи жарликка олиб келиши мумкин. Масалан, қимор ўйнаш, шароб ичиш, ахлоқсиз ўйинларни қилиш ва кайф берувчи нарсаларни истеъмол этиш, ўз эгаларига бир қисқа муддат бахт ва баҳра келтирса ҳам бориб-бориб кўп қайғу ва аламларга сабаб бўлади. Ота-она бундай тез «бахт келтирувчи» амаллар йўлини болаларига ёпиб, унинг зарарларини яққол мисоллар ва ширин сўзлар билан тушунтириб беришлари зарур. Бугун алам, лекин келажақда бахт келтирадиган ишлар (масалан, дарс ва илм мутолааси)ни болаларга буюришлари, бу ишда уларга

¹ Эгоизм -- Тарж.

чидам, ғайрат ва журъат талаб, эртага бахтга эришгандан сўнг, бу бахт кечаги заҳмат ва аламнинг натижаси...» деб эслатиш лозим, шунда болалар сиридан воқиф бўладилар.

Фаолият майли. Бу истак болаларда таваллуд топганларидан пайдо бўлади. Гўдак шу чоғдан ҳаракат ва фаолият орзусида бўлади. Қўл-оёқ силкитади. «Мени кўтариб юргин» деб отасининг елкасига ўзини ташлайди. Юриб кетгандан сўнг хурсанд бўлиб, тўрт томонга югуради ва имкон бўлса умуман тинчимайди. Агар боладаги шу истакка қарши чиқиб, уни «қимирламай ўтиришга» ўргатсангиз катта бўлиб ҳафсаласиз, дангаса ва ишбилмас бўлиб вояга етади.

Хубби нафс. Ҳар бир одам озми-кўпми ўзини севиб манфаатини ўйлайди. Шу ҳолат «хубби нафс» дейилади ва бу табиий ҳолат болаларда ҳам мавжуд. Сиз бозордан биронта сурат ёки соат сотиб олиб уни фарзандингизнинг бирига берасиз. Шунда бошқа болангиз муҳоботсиз йиғи-сиғи кўтаради. Чунки у ҳам ўзини яхши кўради ва сизнинг ҳадиёнгиздан маҳрум бўлмаслигини хоҳлайди. Хубби нафсни сўндирмай уни ривожлантириш керак. Кимда хубби нафс бўлмаса, яъни ўз манфаатини ўйламаса ўзига ишонмайди, иззат нафсининг талабида бўлмайди. Бундай одамдан бирор бир яхшилиқ, фойда, фазилат кутиб бўлмайди. Болаларга «аҳмоқ, эшак, жувонмарг, номаъқул қилибсан, б... ебсан, ўлдираман сени, сенга гапиришни ким кўйибди?» деб қаргаш, дўшпослаш, кўча-кўйда болани уриш унинг иззати нафсига тегиб «хубби нафси»ни йўқ қилади. Гўдак шу таҳқир кўриб, кас-нокас олдида лат еб, ҳақорат эшитиб ўзига меҳр ва ишончини йўқотади, иззат нафси кўз олдида хор бўлиб беиззат ва эътиборсиз бўлиб қолади. Бундай одамларни ахлоқ уламолари «эшак ҳалимлиги эгалари» деб атаб улардан ғайрат, ор-номус, ҳамият кутмайдилар. Бахтга қарши, бугун биз бухоролилар шундай ҳолатга тушганмизки, манфаатимизни тарк этсак ҳам пайидан бўлмаймиз, нимаики бўлса қаноат қиламиз. Икки-учта одам олдида сўзломмаймиз, даъвоимиз исботида ожиз қоламиз, ғанимлардан бизга етадиган зулму ситамларига тоқат қиламиз, қутилишимиз ва нажотимиз ҳақида ўйламаймиз. Буларнинг сабаби, болалигимиздан ота-она, муаллимларимиздан ҳақорат эшитиб, таҳқир кўрганимиздандир. Бола баъзан ноўрин ҳаракат қилса «шарафинг, иззат нафсинг борми?» «ҳайф сенга, номуносиб иш қилдинг?» деб насиҳат қилсалар бўларди-ку? Уриб, ҳақорат қилиш шартми?! Оқибат одамнинг хубби нафси бир зарарли шаклга киради, ўз эгасини ёмон ишларга бошлайди. Масалан, баъзи одамлар заиф ва суст ҳолатларга талабгор бўладилар. Бу йўлда бошқаларнинг молу жонини, номусини ҳам қурбон қилишга ҳақлиман деб биладилар. Баъзи одамларда интиқом — ўч олиш майли, хубби нафснинг бир бўлаги бўлиб сингиб кетганки, авфу этиш ва раҳм қилишни унутганлар. Ҳатто ўч олганда ҳам ақлу инсоф доирасидан чиқиб кетадилар. Бир гуруҳ одамларнинг эса иззат нафслари такаббур ва гурур даражасига шунчалик кўтарилганки, бошқалар билан муомалада уларни одам ўрнида кўрмайдилар. Булар ҳеч ким билан маслаҳатлашмайдилар, ўзларини ишбилармон деб биладилар. Хубби нафсни бу даражага етказмаслик лозим. Оқибат шундай бўлмаслиги учун болага хасислик, бахиллик, кибру ҳаво зарарларини тушунтириш лозим. Бундай хислатларнинг зарарини тасвир ва баён этиб, фазилатнинг доимий хайрли манфаатларини тушунтириш, бошқаларнинг иззат нафсига тегмасликни, одамларга диққат-эътиборда бўлишни, ишларнинг асл моҳиятини, билимда рағбатли бўлишни ўргатиш керакки, болаларнинг ижтимоий ва олий тамойилларини тарбия этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу тарбия қанақа бўлади?

Ижтимоий тамойиллар ҳам уч хил. Алоқа майли, ўзгаларга нисбатан меҳр-муҳаббат (хубби ғайр) ва таназзур майли (ибратда кўрсатмоқ, назар олдида бўлмоқ).

Алоқа майли. Одам ўз яқинларига қалбан боғланган ва уларни ўз шодлиги ва қайгуларига шерик бўлишларини хоҳлайди. Агар одам ғамгинлик вақтида яна яқинларидан икки-уч кишини ғамгин кўрса анча тасали топади, шодлик ва хурсандчиликда ҳам шериклари бўлса шодлиги анча ошади. Одамда бу ҳолат табиийдир. Гўдак ҳали тил чиқармасдан, фикрлаш ва муҳокамага кучи етмай туриб атрофидаги кулги ва хурсандчиликка қўшилмоқчи бўлади. Сабабларини билмай у ҳам кулиб хурсанд бўлади. Атрофидаги икки-уч одамни йиғлаганини кўрса бола ҳам йиғлайди. Шу ҳолат алоқа майли дейилади. Шафқат, марҳамат, кўнгилни овутиш, тасали бериш, бировнинг додига етиш шу майл натижасидир. Бунинг устига кимнинг шу майли кучайиб

борса, унинг атвори ва феъли бошқаларга оғир ботмаса, уни мазаммат қилмасалар у доимо яхши ишларга қўл уради. Болаларга мазлумлар, бекасу бечора ва бевалар ҳақида тушунтириш, уларга ёрдам бериш фикрини болалар онгига жойлаштириш фойдалидир. Бола атрофдагилар аҳволдан маҳзун ва ғамгин бўлса-ю, унга эса «Сенга нима? Ўзингни ўйла» дейиш ундаги алоқага бўлган майл, интилишга шикаст етказиш демакдир.

Ҳубби ғайр (бошқаларга меҳр-муҳаббатдир). Алоқа майли бориб-бориб атрофдагиларга бўлган меҳр-муҳаббатга айланади. Одам бошқалар унинг аҳволдан таъсирланиб кетганларини билса, у ҳам атрофдагилар ҳолатларидан мутаассир бўлади. Бу алоқа кейинчалик муҳаббатга айланади. Баъзан бу меҳр-муҳаббат шу даражага етдики, одам бошқаларнинг нажоти ва саодатлари учун ўзининг ҳаёти ва бахтини қурбон қилади. Рухнинг шу ҳолатини кўпайтириш лозим. Болаларда ўзгаларга муҳаббат аввал оиласида оила аъзоларига нисбатан пайдо бўлади. Яъни гўдак аввал ота-онаси, акалари ва опаларига меҳр қўяди. Ота-она унинг бу майлига тўсқинлик қилмасликлари керак, яъни бола ота-онаси ва акаларидан нафрат қилмаслиги лозим. Фарзандни доим сўкиш ҳам ота-онага обрў ва ҳурмат келтирмайди. Бир фарзандни бошқасидан кўпроқ севмоқ, эркалатмоқ болалар ўртасида адоват уйғотади. Бу эса ўзаро меҳру муҳаббатни заифлаштиради.

Майли таназзур. Одам бировни дўст тутса ва ўзидан улуғларни ҳурмат қилса, улардан ибрат олиб ўзини уларга ўхшатмоқчи бўлади, улардек саъй-ҳаракат, юриштириш қилмоқчи бўлади. Шу ҳолат таназзур майлидир. Бу майлни йўқотмай уни кучайтириб, ундан фойдаланиш лозим. Аждодларимиз ва дин улуғларимиз ҳиммат, адл, инсоф ва одамгарчиликнинг энг баланд поғоналарига чиққан эдилар. Ана шу маъқул сифатлар билан қанча эътибор, шараф, иззат ва баланд мартабага кўтарилганлар. Она-ота шуларни болага муносиб тил билан тушунтириб, болаларни аждодларидан ибрат олишга, уларга ўхшашларини орзу қилиб яшашга даъват этишлари зарур. Ота-она ўз фарзандларини яхши кўрсалар, уларни катта деб билиб ўз қилмишларига аҳамият берсинлар. Фарзанд ҳузурда ахлоққа қарши ишларни қилмасинлар. Акс ҳолда бола кўр-кўруна тақлидга ўтади. Бундай майлда катта зарар бор. Саодат раҳбари бўлган ақлу муҳокамани эсидан чиқаради. Гўдакни шундай тарбия этиш лозимки, бировнинг ишига билиб-билмасдан тақлид этмасинлар, балки ҳар бир ишнинг сабаб ва фойдаларини аввал мулоҳаза этиб, мақбул бўлса қилсин, бўлмаса қилмасин. Олий тамоилоти ҳам уч хил бўлади: Майли вуқуф (воқиф бўлиш), ҳубби бадоеъ (эстетик дид), ҳубби фазилат (фазилатга муҳаббат).

Майли вуқуф. Оламга синчковлик билан назар ташлайди, билимга интилади ва баъзан матлуб нарсаларни билиш учун саъй-ҳаракат қилади. Шу ҳолат «майли вуқуф» — «воқиф бўлмоқ» истаги дейилади. Бу майл ривожланиши лозим. Лекин бу майл баъзиларда жосуслик ва сир-асрорни билишда кўринади ва бундай одамлар халқ ичидан гап териб юрадилар. Воқиф бўлмоқнинг бу йўли жуда зарарлидир. Аммо баъзи одамларда бу майл ҳақиқатпарастлик ва илмхоҳлик шаклида пайдо бўлади ва уларни ҳар бир нарсанинг ҳақиқатни билмоқ учун муштоқ этади. Воқиф бўлмоқнинг бу қисмини «ҳубби ҳақиқат» (ҳақиқатсеварлик) ва «ҳубби илм» (илмсеварлик) дейдилар. Ота-она боланинг шу майлидан хабардор бўлишлари шарт. Агарда бола гап ташиса, унинг зарарини тушунтириб бериб, манъ этишлари зарур. Бу майл ҳақиқатни билмоқ, илм олмоқ шаклида пайдо бўлса таҳсин ва офарин билан шу истакни ривожлантирсинлар.

Ҳубби бадоеъ (гўзалликка муҳаббат). Ҳар бир шахс тарбия, интизом ва тозалликка майл қилади. Бундай майлни ҳубби бадоеъ деймиз. Бу тамойилга куч бериш боланинг паришонҳоллигини йўқ қилади, ифлос юришдан ва интизомсизликдан қутқаради. Шу майл ривожланган бола улғайгандан сўнг зиммасига тушган ишни яхши бажариб, низомсиз ва тарқоқ қолдирмайди.

Ҳубби фазилат (фазилатга муҳаббат). Одам бошқа ишини яхши-ёмонга ажратиб, яхшисига тақлид, ёмонидан нафрат қилади. Шу ҳолатни «ҳубби фазилат» дейдилар. Болалар олдида одамларнинг ишларини яхши ёки ёмонга ажратиш, яхши ишларнинг фойдаларини тушунтириш, ёмон ишларнинг зарарларини эслатиш муҳаббатига куч-қувват беради. Шундай қилиб, тамойиллар матлабга мувофиқ тарбияланса, фарзандингиз ҳам шу тамойиллар ёрдамида яхши амалларни ўйлаб, онгларидаги «машварат»

пайтида фойдали ишларни кўпроқ ўйлайдилар ва хайрли иш қилишга қарор қиладилар. Шу билан ирода ва ихтиёрнинг бешта рукндан учтаси ислоҳ бўлиб фойдали (нафъли) шаклга киради.

Ирода ва ихтиёр. Юқорида, арз этган эдимки, ирода ва ихтиёримиз беш ҳолат — тасаввур, машварат, тарже (қайтиш), қарор ва ижронинг натижасидир. Аввалги учта ҳолатни кўриб чиққанамиздан сўнг охириги икки ҳолатда қарор ва ижро қолади. Ирода ва ихтиёр шу икки ҳолатда ўз аксини топади. Фарзандингизнинг ахлоқий тарбиясини ниҳояга етказмоқчи бўлсак ана шу икки ҳолатни тарбия этиб ислоҳ қилишимиз даркор. Энди ирода ва ихтиёрнинг асл сифатини ажратиб унинг камоли ва камчиликларини кўрсатамиз. Токи муҳтарам ўқувчиларда ирода тарбияси хусусида ҳам фикр ҳосил бўлсин. Одамнинг руҳий тамойиллари тарбия кўриб камол даражасига етгандан сўнг хайрли ишларни тасаввур машварат ва тарже қиладилар. Лекин қарор ва ижросига келганда ҳаммалари бир хил натижага келмайдилар. Баъзилари жиддий ишларни ҳам тез қарор қилиб, зудлик билан ижро қиладилар. Уларнинг иродалари «сариъ» (тез)дир. Баъзи одамлар майда, кундалик ишлари устида ҳам фикр қилмайдилар. Буларнинг иродалари «мутараддид» (қатъий) бўлмагандир. Баъзилари фойдали ишни қилишга қарор қилсалар, бажариши қийин бўлса ҳам уни қиладилар. Булар ташаббусли, жасур ва шадид ул-азм одамлар бўладилар. Иродаларида «шадда-шиддат» бор. Бошқа гуруҳдаги одамлар бирор ишнинг фойдасига иймонлари комил бўлса-ю, лекин таҳликали бўлса бажаролмайдилар. Булар қўрқоқ, камҳаракат, азмлари заиф кишилар бўладилар. Яна бир гуруҳ «заиф жамоа» бордир. Булар мушкул ва хавфли ишларни ҳам қилишга қарор берадилар, ижросини ҳам шаръий деб билиб қўл урадилару андак мушкулот ва хавфу хатарга дуч келсалар, дарров ўз қарорларидан қайтадилар. Буларнинг саботи йўқ, иродалари заифдир. Бошқа жамоат эса қарор қабул қилгандан сўнг таҳлика ва хавфу хатарга тушсалар ҳам орқага қайтмайдилар. Булар саботли, буларнинг иродалари метиндир. Бас, ироданинг сифатлари олтидир. Булар суръат ва тараддуд, шиддат ва заифлик, метиндек ва матонатсизлик (сустлик). Ироданинг камоли учта, яъни суръат, шиддат ва метинлик бўлиб, учтаси тараддуд, заифлик ва метинсизлик ироданинг нуқсонидир. Боланинг иродасини шу нуқсонлардан сақлаб камолат аломатларига етказиш ироданинг тарбияси бўлади. Ота-она фарзандларини тарбия этиб бир комил инсон қилмоқчи бўлсалар тамойилот тарбиясидан кейин шу воситаларга ҳам аҳамият берсинлар, токи бола учун сармашк бўлмасин.

1. Боланинг бадан ва фикрий тарбиясида ҳеч қандай сусткашликка йўл бермасинлар, чунки қайси инсон соғлом тан ва ақлдан махрум бўлса, азм ва иродаси ҳам нуқсонларга фарқ бўлган бўлади.

2. Болаларнинг ҳузурларида ота-она ўз азму саботларини заиф, иродаларини нуқсонли қилиб кўрсатмасинлар, токи гўдак буни кўриб ибрат учун тақлид қилмасин.

3. Болаларга буюк ва ақлли, иродали инсонлар ҳақида эртақ ва афсоналарни ибрат қилиб кўпроқ айтиш лозим.

4. Фарзанд ўз ирода ва азмига қараб ҳаракат қилиши зарур. Агарда бола ҳар қандай ишни ота-онасининг зўри билан қилса иродаси заиф ва ноқис бўлади. Ул-гайгандан кейин ҳам бола ўзига ўзи ҳам ирода билан бирон ишни бажаролмайди. Воқеан, боланинг ҳаракат ва феълидан хабардор бўлиб туриб, беҳуда ишлардан қайтариш керак. Лекин, буни боланинг азму иродасига зарар етказмасдан қилиш дуруст, яъни ширин сўзлар ва пандлар биланки, ҳақорат ва уриш билан эмас. Ота-она вазифасига кирган ахлоқ тарбияси ҳақида нимаики бўлса ёздим. Аммо юқорида ёзганимдек, ақлий ва ахлоқий тарбиянинг энг муҳим ва энг мушкул вазифалари мактаб ва муаллимлар зиммаларига тушади. Лекин бу рисолада улар ҳақида батафсил ёзиб бўлмайдим.

МАКТАБ

Шундай қилиб ёзганларим асосида кўз қорачингизни тарбия қиласиз ва иншооллоҳ, шу оқилона тарбиянгиз соясида фарзандингиз солим ақл ва соғлом баданга соҳиб бўлиб, яхши камол топиб етти ёшни ҳам тўлдиради. Лекин бу билан вазифам تامом бўлди деб ўйламанг.

Жигарбандингиз саккиз ёшга киргандан сўнг бўйнингизга яна бир катта вазифа тушади. Бироқ бизнинг мамлакатимизда бу вазифани бажариш мушкулдир. Бу қандай вазифа экан, дермиз. Болани мактабга бериш! Бир тавақ ис чиқариб, бир лаган ҳолвайтар олиб, боламнинг қўлидан олиб фалон маҳалланинг мактабига олиб бориб қўяман, мавриди келганда бир-бир ҳолвайтар қиламан, йилида тўрт марта «ийдипули». Ҳафтада бир марта панжшанбалик бериб туриш қийинми?» дейишингиз мумкин. Албатта, бу ерда ҳеч қандай қийинчилик йўқ, «бўрёпули» ва «кўмирпули» бериш ҳам унча муаммо эмас.

Менга буларнинг дахли йўқ. Хоҳласангиз йилида тўрт минг марта «ийдипули», ҳар ҳафтада етмиш марта панжшанбалик беринг, менинг нима ишим бор?!

Лекин, асли мақсад фарзандингиз тарбиясидир. Бу эса анча мураккаб иш! Тушунтириброқ арз қиламан. Сиз жигарбандингизни таваллуд топиш билан эмизишдан ажратгунгача, кейин саккиз ёшгача мен айтганимдек тарбия этасиз. Энди саккиз ёшга тўлгач, мактабга бериб, шундай муаллимга топшироқчи бўласизки, у боланинг ўзингизга ўхшаб, яъни мен айтган йўл билан тарбия этсин, балки сиздан ҳам кўпроқ заҳмат чексин. Энди юртимиздаги мактабларни кўз олдингизга келтириб инсоф юзасидан мулоҳаза қилингки, бу мактаблар жигарбандингизнинг назорат, ҳаракат, муҳокама ва ахлоқи ҳақида мен ёзганимдек ҳаракат қиладиларми йўқми? Бу мактаблар мен айтган вазифаларнинг биронтасини бажараоладими?! Индамайсиз?

Модомики, саволларимга жавоб беролмайсизми, мактабларимиз аҳволини қалам кучи билан тасвирлаб бераман, балки шундан кейин саволларимга жавоб берарсиз. Жигарбандингизни етти йил тарбиялаб, қўлидан ушлаб мактабга олиб борасиз. Мактаб дегани қандай жой? Бир қоронғи, ҳавоси оғир бўлган жой. Оврўпалилар ва русларнинг отхоналари бундай бинолардан покизароқ ва ҳавоси тозароқдир. Томи йўқ, деворлари фақат шувоқланган. Ўтирган ўттизгача боланинг орасида кал ҳам, кўр ҳам, мажруҳу сил касал ҳам бор. Жигарпорангизни шу (одам ўтириши учун) лойиқ бўлмаган жойга олиб кириб муаллимга топширасиз. Хўш, бу муаллим қаерда таҳсил олган? Таълим услуби қанақа? Болалар тарбиясидан хабари борми? Болаларга ўргатмоқчи бўлган нарсаларни ўзи биладими? Шу саволларнинг жавоби сизга жуда зарур бўлса ҳам, хаёлингизга уларни келтирмайсиз, яъни муаллим аҳволини текширмайсиз. Шундай қилиб, дилбандингиз шу хонада, жоҳил бир муаллим қўлида эртадан кечгача қолиб, алифбе, абжад ва ҳафтиякни навбат билан ўқийди. Кейинчалик «Қуръон ва Чоркитоб»га ўтади. Таҳсил усулига кўра, болалар иккита вазифа оладилар, (лекин Чоркитоб маъносини на шогирд, на муаллим тушунади). Қуръон қироатида ҳам шундай: қироат қоидаларига шогирд ҳам, ўқитувчи ҳам риоя қилмайдилар. Икки соат давомида бола сабогини олиб олти-етти соатида ухлайдилар, суҳбат қиладилар, пашша тутадилар ва уят ишлар билаи машғул бўладиларки, баёнига мен шарм қиламан. Сизлар эса уни биласизлар. «Чоркитоб» хатмидан кейин ошиқона ва майпарастона бўлган Ҳофиз, Бедил, Навоий, ҳатто Юсуф ва Зулайҳодек китобларни ўқиб, ахлоқий бузилиб кетадилар. Шунча вақтларини беҳуда ўтказишлари устига нодон муаллимиларидан калтак ҳам еб турадилар. Балки сиз калтаклаб туришнинг нима зарари бор, дерсиз? Калтак зарбидан айиқ мулла бўлган! Баъзан бу масалингизга мен ҳам қўшиламан, ҳақиқатда айиқ калтак зарбидан мулла бўлади. Лекин, одам эса айиққа айланади! Чўп зарбидан боладаги ҳамма инсоний фазилат йўқолади. Бинобарин, мактабларда калтак ва «фалақ» (арқон)га йўл бериш нодонлик ва андишасизлик даражасини кўрсатади. Сўзларимга ҳайрон бўлманг. Бу янги фикр (яъни қоидаи жаид) эмас. Балки олдинги олимлар ҳам бу фикрни таъкидлаганлар. Исломот олими ва араб файласуфи Абдурахмон ибн Халдун (832 йили таваллуд топган) ўзининг машҳур муқаддимасида шу ҳақда ёзган. Хотиржам бўлишингиз учун бу мусулмон ҳақимнинг сўзини таржима қилиб келтиришни раво кўрдим. Ибн Халдун ёздики, «таълим ва тарбия вақтида (жараёнида) сиз боланинг ҳаракатларини қатъий чегараламанг, уларга жаҳд ва зулм қилманг. Қайси шогирд зулм ва қаҳр билан тарбия топса, хотираси тарқоқ, шодлиги ва сурури йўқолади, хотирапаршонлиги ва ғамгин қалби туфайли билим миясига ҳам кирмайди. Ғамгин, ҳафсаласиз одам заиф, суст бўлади. Ўз муаллимидан зарар ва жабр кўрган шогирд ёлғончи, риёкор, ҳийлагар, ичи бузук бўлади. Чунки муаллимдан кўрқиб юрагида аланга қолмайди. Натижада мактабдан қочади. Халос

бўлиш учун минг баҳона топади. Баъзан мактабга келса ҳам ўқитувчи назаридан ўзининг қабоҳатини яшириш учун иккиюзламачилик қилади. Ўзининг исмий фикр ва истеъдодини изҳор қилмасдан доим сохталик қилади. Бориб-бориб бу ёлғони, найранглар, риёкорлиги табиатига сингиб, болани ахлоқий фазилатлардан маҳрум этади. Ўз устозидан лат еган, зулм кўрган шогирд кўрқоқ ва журъатсиз бўлади, мазлумликка ўрганиб, ўзини ҳимоя қилолмайди, одамнинг олий фазилатларидан бири бўлган ҳиммат рукнидан маҳрум қолади!!!

Ана шу пурмаъно сўзлар аллома Ибн Халдун фармойишларидан бўлади. Бунга кўшимча қилишни мен хоҳламайман. Тарбиянинг қандай бўлиши, мактабларимизнинг ҳозирги аҳволи қандайлигини маълум қилганимдан сўнг, сизлардан сўрай: айтинг-чи, шундай мактабларда болангиз нима фойда олади, сиз қандай манфаатга умид қиласиз?

Шу ерда бола тарбияси ҳақидаги баҳсга нуқта қўймоқчи эдим, аммо мамлакатимиз учун муҳим бўлган бир масала ҳаёлимга келди ва уни ҳам айтиб ўтишни муносиб кўрдим. Сезган бўлсангиз шу жойгача айтганларим умумий тарзда эди. Яъни фарзандингиз хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин шу тариха тарбият қилиб, мактабга қўйинглари дейиш, бироқ бизларнинг одатимиз бошқача. Биз қизларни ўғил болалар қатори тарбия қилмаймиз, уларга илм ўргатиш зарур деб қарамаймиз. Бинобарин, қизларга таҳсили илм зарурлиги ҳақида ёзиб бу масалани ҳам сизларга тушунтириб бермоқчиман.

ҚИЗЛАР ҲАМ ТАҲСИЛИ ИЛМ ҚИЛИШЛАРИ КЕРАКМИ?

Бу саволнинг жавоби жуда қисқа ва саҳддир. Бахтимизга қарши биз туркистонликлар, хусусан, биз, бухороликлар бу маънони тушунишга ҳаракат қилмаймиз. Маълумки, одамзот диний ва дунёвий меҳнатлар юки остида қолиб кетган ва умри давомида (асосан, дунёвий ишларни бажариб юришга мажбур бўлади). Дунёвий иш, масалан, одамнинг еб-ичиши, кийиниши, уй қуриши, уйланиши, бола туғиши, унинг тарбияси, уй-рўзгорини тартибга келтириши ва ҳоказолардир. Бу ишларни бажариш учун пул керак бўлади. Пул ишлаш учун одам бирор касб корга машғул бўлади, шу аснода бошқалар билан муомалага киришади, муомала вақтида алоқа, машварат, суҳбат, баҳсга киришиб гоҳ жанжал қилади, гоҳ сулҳ тузиб мурсоага келади. Шундай қилиб, одам боласи қизми ёки ўғилми балоғат ёшига етиб шу таклифлар доирасига киргани сари юқоридаги муаммоларни бажаришга мажбур бўлади. Фақат бир одам бу ишларни бажаролмайди. Шунинг учун одамлар бу ишларни ўзаро бирлашиб бажарадилар. Дунёнинг баъзи бир ишларини, масалан, аҳлу аёл иттифоқини эркак ўз зиммасига олади. Шунинг учун у кўчага чиқади, касб ўрганади, одамлар билан муомалага киришади. Кўчада бажариладиган ишларни эркак ўзи қилади. Бир қисм ишлар ва мажбуриятлар уй-ишлари, озик-овқат сарфи ва иқтисоди, болаларни боқиш ва тарбиялаш аёл бўйнига тушади. Шу муқаддимадан маълум бўладики, эркак дунёвий ишларни бир қисмини бажаришга қанчалик масъул бўлса, аёл ҳам бир қисм ишларни бажариши шунчалик зарур экан. Бошқача қилиб айтганда, дунёвий ишларни бажаришда эркак ва аёл ўрталарида умуман фарқ бўлмайди.

Энди масалани диний томонларини тадқиқ қилиб, аёл ва эркак аҳволларини таҳлил қиламиз. Биз мусулмонларнинг диний вазифаларимизни Қуръони Карим баён қилади. Агарда Қуръони Каримга мурожаат қилсангиз, кўрасизки, икки-учта хусусий ҳукмлардан ташқари, барча ишда аёл эркакка бир хил хитоб қилинган. Яъни, диний ҳукмларни ҳикоя қилиб аёлу эркакка фарқ ажратмайди, балки ҳаммани «Айёҳаллазин» ва «ё айёҳан-нас» хитоби остида бирлаштиради. Масалан: «Эй иймон келтирганлар. Аллоҳдан кўрқингиз!» «Эй одамлар, ўз парвардигорларингизга сизинглар!» ва ҳоказо. Бас, маълум бўладики, диний мажбуриятлар ҳамма мусулмонларга бир хил ва тенгдир. Эркак аёл бу ҳукмларни бир хил қабул қилиб адо этишлари лозим экан. Энди мактабга бориб таҳсили илм этиш нима учун лозим экан? Биз аввал хату савод ва ҳисобни, кейин диний илмларни ўрганамиз. Илоҳий амрлардан маҳрум ва беҳабар қолмаслигимиз лозим. Баъд азон олий илмлардан бирини, яъни табобат, ҳикмат,

ҳандаса, тижорат, тарбия, зироат, ҳуқуқ ёки диний илмларни чуқур ва яхши ўрганиб табиб, тожир, деҳқон, муаллим, мураббий, муфти ёки руҳоний (мулла) бўламиз. Яъни, шу илмлардан бирининг соясида бирор касбни ихтиёр этиб, ҳаёт кечирамиз. Демак, илм таҳсили диний, дунёвий ишларни бажариш учун зарур экан. Энди менинг сўзларимга диққат қилиб уни қабул қилган бўлсангиз, аёлларнинг таҳсили илм қилишлари зарурлиги ҳақида далиллар келтириб исботлайман. Модомики, илм таҳсили ҳар бир одам учун диний ва дунёвий мажбуриятларга кирар экан, аёллар ҳам илм ўрганишлари шартдир. Менинг бу далилми шундай қатъий ва мантиқий тўғрики, ақл ва инсоф арбоблари ҳеч қачон унга қарши чиқши учун жасорат қилолмайдилар. Хотин-қизлар илм олишларининг яхши томонларини ҳам ёзиб сизга кўрсатайин. Биринчидан, эркак аҳлу аёлини боқиб учун ҳар куни эртадан кечгача бозорга чиқади. Ошно ва бегоналар билан мулоқот қилади, кун давомида бир неча марта ғамга ботади. Уйига қайтиб келиб эркак уйининг саранжомлиги, болаларининг тинчлиги, озиқ-овқати иқтисод қилинган, овқати муҳайё бўлишини орзу қилади. Хотини очик кўнгил билан кутиб олиб, одамлар муомаласи, бозорнинг ранжу кулфатидан орттирган қайғу аламини кўнглидан кўтаришини кутади. Зотан юқорида айтганимдек, аёлнинг вазифаларидан бири шудир. Таҳсили илм ва тарбия кўрган аёллар бу ишларни ортиги билан бажариб, эрларини мамнун қиладилар. Аммо тарбия кўрмаган билимсиз аёлларга уйланган эркаклар ундай илоҳий неъматдан маҳрум қоладилар. Кўпинча эр уйга қайтиб дарвозаларидан кирмасдан ичкарида дод-вой ва жанжал овозини эшитадилар. «Ажабо, нима бўлди экан?» дея ваҳима билан ичкарига кирсалар хотини бола-чақа ёки қўшни аёллар билан жанжаллашаётганини кўрадилар. Баъзан уйини ифлос, болаларини касал, гўштни эса мушук олиб кетган, ошхонада бирор таом йўқ, уй-ҳовлини бесаранжом кўради. Бунинг устига хотинларини қидириб тополмайдилар ҳам. Биласизми, хотин уйни шу аҳволда ташлаб қаерга кетган? Дуохон эшон уйига кетган. Кўпчилик эрлар ишдан чарчаб қайтсалар тарбиясиз ва жоҳил хотинлари ёқаларидан ушлаб «нимага фаранг рўмол, зарли фаранжи олиб келмадинг?» деб жанжал кўтарадилар. Иккинчидан, Исломи оламнинг ҳозирги аҳволини бир неча бор сизларга арз қилиб айтган эдимки, бу улкан олам ҳалокатга яқин келган. Агарда ишбилармон мусулмонлар ҳиммат камарини белларига боғлаб миллатлари аҳволини ислоҳ этмасалар аҳли Исломининг шу қолган шарафу эътибори Исломи ва мусулмончилиқни нобуд қилади. Исломи олами аҳволини ислоҳ этишда битта йўл бор. Бу ҳам Исломи миллатининг умумий ахлоқини ислоҳ этиш. Барчага маълумки, мамлакатимиз ҳоли хароб, истиқболимиз ҳам хатарда. Тутган йўлимизнинг нобудликка олиб боришини ҳар бир киши тушунса керак. Бутун ё эрта биз тушиб кетамиз. Лекин орамизда ҳолимизни ислоҳ қилиш учун ҳиммат камарини боғлаган одам йўқдир. Бу майли қўятуриб, ҳозир аҳволимизни ислоҳ этса бўлади, деган одам топилмаслиги аниқ! Нимага? Чунки, биз аҳли мусулмон қалб қуввати, истиқбол умиди, маданият жасорати, фидокорлик, ҳиссий ва диний ғайратдан, миллат иззати ва ғуруридан батамом маҳрум қолганмиз. На саботимиз, на азимиз, на иймонимиз, на умидимиз бор. Хуллас, миллий азму жасоратимиз, диний ахлоқимиз бутунлай фасод бўлган.

Ажиб, жуда ажиб! Бу дарднинг чораси нимада? Бу дарднинг иложи бўлганда ҳам, давоси унча осон эмас, анча фурсат вақт талаб қилади. Энди арз қиламанки, биз фарзандларимизни соҳиби ахлоқи ҳасана (яхши хулқ сабоқлари) этиб тарбиялашимиз лозим, яъни шундай қилишимиз лозимки, фарзандларимиз иймонли, фидокор, ғайратли бўлиб, улайиб, ўз болаларини Исломи тараққиётига мувофиқ тарбиялаб, дин ва ҳамдинларини ҳалокат ва нобудлик жарлигидан қутқарсинлар. Бу матлабга эришиш учун хотинларимиз, яъни фарзандларимиз (миллат) оналари тарбия ва таҳсил кўришлари лозим, ахлоқ ва билимларини камолга етказишлари зарур. Акс ҳолда хотинларимиз эркаклардан ҳам кўрқоқроқ, заифроқ ва ғайратсиз бўлганларидан болаларимиз ҳам уларга ўхшаб кетадилар. Мана шу ояти карима ҳам шу маънога ишорат қилади. «Покиза ердан тоза ва фойдали ўсимлик ўзи чиқади ва покиза бўлмаган ердан хор-хасдан бошқа нарса чиқмайди».⁵¹

Учинчидан, мен юқорида болалар тарбияси ва ўстириши ҳақида бир қанча қоидаларни ёздим. Ва агарда она ҳифзус-сиҳат ва болалар тарбияси фанидан воқиф бўлмаса бу қоидаларни бажара олмайди. Бу жоҳиллик ва нодонликнинг натижасида мамлакатимиз болаларининг ярмидан кўпроғи нобуд бўладилар, қолганлари эса бад-

ахлоқ ва ишқмас бўладилар. Баъзи эҳтиёткор замондошларимиз айтадиларки, «аёлларга хату савод бериш дурустмас, зеро аёллар саводли бўлиб номаҳрам ва бегоналарга хату хабар ёзиб, муносабат ўрнатадилар...» Агарда сиз «Ал-лазина»¹ ояти қари-ма башоратидан беҳабар бўлсангиз, агар сиз бизни ҳайвонлардан ажратиб турадиган муҳокама ва ақду идрок фазилатидан бебаҳра бўлсангиз ва Оллоҳнинг энг буюк неъматларидан бўлган ақлга ношукрлик қилсангиз, уни ишлатмасангиз, албатта, бу далил ва муддаони қабул қилмайсиз.

Аммо бу масалани бошқа муаммолар қатори ақли солим назаридан ўтказсангиз осонлик билан бу эҳтиёткор жамоанинг далиллари қанчалик заифлигини тушунасиз. Менинг далилларимга эса улар умуман тоб бераолмайдилар. Шунга қарамасдан мен бу ерда ҳар бир масалани баҳоли қудрат қўлимдан келганча тадқиқ қилиб ва шу мавзуни арзимаган ва заиф бўлса ҳам жавобсиз қолдирмайман. Бу масаланинг жавоби икки хил бўлади: бири таслимий, иккинчиси маъновий. Биринчи жавоб шундай: ҳа, биз сизнинг далилларингизга таслим бўлиб айтаемизки, хату савод чиқарган баъзи хотинлар, қизлар ўз билимларини суистеъмол қилиб бегоналар билан яширин мак-тублар орқали муносабат ўрнатадилар. Лекин бу далил даъволарингизни исботига кифоят бўлмайди. Чунки, «хату савод суистеъмоли» деганда хату саводда аслан гуноҳ йўқдир. Юқорида мен аёлларни ҳам таҳсили илм қилишларини қатъий далиллар билан исботлаб бердим. Дунёда шундай буюк ва савобли ишлар борки, ичи қора одамлар доим уларни суистеъмол қиладилар. Лекин уларнинг ишлари ўша амалларнинг савобига умуман ҳалал етказмайди. Масалан, фикҳ илми олий ва буюк бир илмдир, таҳсили ҳам зарур ҳам савобдир. Лекин баъзи жоҳил муфтилар ва зolim қозилар бу маъруф илми пора олиш ва хонадонларни бузиш йўлида қурбон қиладилар. Аммо уларнинг ишлари фикҳ илми шарофати ва шу илм таҳсилининг лозимлигига умуман зарар етказолмайди. Келинг, мавзудан узоқлашмайлик. Сиз хату саводни эркакларга зарур эканини қабул қиласиз. Аммо эркаклар ҳам ўз хату саводи, билимларини зулм ва фисқ йўлида истифода этишлари мумкин. Лекин ҳалигача мен эркакларни хату савод ва билим олишдан манъ этиш лозимлигини эшитмадим. Шундай қилиб, аёлларни ҳам хату савод чиқаришларини шунга қиёсласа бўлади.

Одамнинг феъл ва ҳаракатлари икки қисмга бўлинув. Биринчи қисм шундай феъл ва ҳаракатларким, бир шахс ёки бир неча одамга (яъни миллатнинг бари жамоасига) фойда ва манфаат келтиради. Шу феълу ҳаракатни «савоб иш» дейилади. Самовий динлар шундай ишларни ўз тобеларига кўрсатиб амр қилади. Худованди Карим шундай ишларни ихтиёр этганларга бу дунёда ва охиратда жазои жалил ваъда бериб каромат қилгандир. Иккинчи қисм: бир шахс ёки бир неча одамга зарар ва зиён келтирадиган иш ва ҳаракатлар, уларни «гуноҳ» дейдилар. Худованди таоло бундай ишларни қилганларга бу дунёда ва охиратда азобу азим ва огир уқубат ваъда бергандир. Демак, гуноҳ қилмаслик учун иккита асосий шарт лозим экан, биринчидан, Худодан кўрқиш ва нафни зарардан фарқ этиш. Энди кўрамиз бу иккала асосий шарт олимларда борми ёки жоҳиллардами? Биринчи шарт, яъни Худодан кўрқиш жоҳилларда мавжуд эмас, олим эса Аллоҳнинг бирлиги, адли қаринлиги, узлат ва жалолини илму ақли билан билиб тасдиқлайди, дақоқи ва асрори тушунадилар. Худовандининг амру наҳисини билиб ваъдаю вуъудини жабр деб биладилар ва ундан кўрқадилар. Аммо, буларнинг ҳаммасини билмаганлар кимдан кўрқадилар? Нимага кўрқишлари лозим? Қуръони Карим ҳам ҳақиқатни қатъиян тасдиқлайдики, «олим бўлган бандалар Худодан кўрқадилар».

Иккинчи шарт (яъни нафни зарардан фарқ этиш) ҳам шубҳасиз олимларда мавжуд. Зеро, тамоман жоҳил бўлган одам ўнг қўлини чап қўлидан фарқ қилолмаса нафи ва зарарини қаердан билсин. Модомики, гуноҳ қилмаслик учун икки шарт лозим экан ва бу иккала шарт олимларда мавжуд экан, бас, аёлларни «агарда хату савод чиқариб таҳсили илм қилсалар ботир бўлиб, гуноҳ қиладилар» дейиш хато ва қабул қилиб бўлмайдиган хулосадир. Шу жойгача ота-она тарбиялари ҳақида бақадри ҳол қўлимдан келганича ёздим. Энди фарзанднинг она-отасига нисбатан бирор вазифа ёки бурчи бормикан ёки йўқ?

¹ Оятнинг тўла маъноси куйидагича: Ким сўзни эшитса ва яхши келганини қабул қилса, улар ҳақ томонга йўл тошганлардандир.

Ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқлари

Байъат қоидасига биноан ҳар бир ҳақ-ҳуқуқнинг вазифаси ва ҳар бир вазифанинг ҳаққи мавжуд. Оламнинг интизоми ва тартиби шуни тақозо этади, шу бўлиниш бўлмаганда оламда бир низом ҳам қолмайди. Шунга қиёсан, ота-она фарзандларига нисбатан шунча вазифаларни бажариб кулфат тортар эканлар муқобилига фарзандларининг бўйнига ҳақлари ҳам тушади. Масаланинг асли моҳияти шундаки, ота-онанинг фарзандлари устига тушадиган ҳуқуқлари нималардан иборат? Ҳадди ва меъёри борми унинг?

Қадим замонларда, яъни Исломдан олдин одамлар орасида ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқлари аниқ эмас эди. Бинобарин, аксарин одамлар эътидон ҳаддидан ошиб, ваҳшатлик ва барбарлик доирасига кирардилар. Масалан, ота ўз болаларини ўзининг молу-амволи ва мулкига тенг биларди ва хоҳлаган пайтида ўз фарзандини ўлдириши мумкин эди. Ислом тарихидан хабардор бўлганлар билардиларки, Ислом дини зуҳур қилишдан олдин араблар ўғил бола туғилишига хурсанд бўлиб, қиз оламга келса тирик ерга кўмардилар. Пайғамбаримизнинг боболари Абдулмуталиб Замзам қудуғининг қазилиши муносабати билан хурсандчилигига фарзандларидан энг суюқлиси Абдуллох (пайғамбар ота) сини қурбон қилмоқчи бўлган. Ана шундай одатлар ибтидоий одамлар мавжуд бўлиб (ўша замонда) яхши одатлар тусига кирган эди. Ислом дини шундай бераҳмлик ва хароблик келтирадиган нарсаларни башариёт оламига раво кўрмай, фарзанд ўлдиришни манъ этди. (Қуръонда) «Ўз болаларингизни фақирлик хавфидан ўлдирмангиз» деб айтилган. «Анъом» сурасида эса, «Уларким фарзандларини ўлдирибдилар албатга зарар кўрадилар»,⁵² деб зикир қилинган. Энди фарзанднинг вазифаси Қуръонда ушбу тарзда баён этилган. «Худога ибодат қилинг, ўзгани унга шерик қилманг ва ота-она ҳақларига меҳрибонлик ва яхшилик қилинглар».⁵³ Абу Бакр (р. а.) ривоят қиладилар: «Набий (с. а. в.) айтганлар: «Сизларни энг оғир гуноҳдан хабардор қилишимни хоҳлайсизларми? Саҳобалар, «Ҳа, эй Аллоҳнинг пайғамбари», — дея жавоб бердилар. Пайғамбар буюрди: «Энг оғир гуноҳ бу Аллоҳга ширк келтириш ва ота-онага озор беришдир». (Бухорий ва Муслим ривояти). Шу оят ва ҳадисдан маълум бўладики, ота-она ҳаққига яхшилик ва уларга озор бермаслик ҳар бир мусулмон учун вожиб экан. Лекин сўзни шу ерда тўхтатиб баҳсга нуқта қўйишга эрта ҳали. Зеро, одам таъбан золимдир ва унинг инсофсизлик сари майли бордир. Мутаннабий айтадики: «Зулм одамларнинг фитрий одатларидандир. Одамзот бир фурсат топса ёки бировни қўл остида кўрса «инсон ҳақиқатда исён қилғучидир» (деган ояти карима) мазмунига кўра, истиғно йўлидан чиқади, адолат ва шурувот майдонида пайкон уради. Биз одамнинг золимона табиатига қараб шу биргина оят ва ҳадисга аҳамият бермай фарзандни қўл-оёғини бойлаб бутунлай ота-онага топширсак, шубҳасиз, олам низомининг асоси бўлган азлу инсоф биносини бузган бўламиз. Ҳа, ҳозирги даврда фарзандлари ҳаққига зулм қилмаган ота-она йўқдир. Ҳатто аксар фарзандлар ҳам айнан ота-она ризолигини ўйлаб кўр-кўрона ўзларини нобуд қиладилар. Энди мамлакатимизда ҳар куни содир бўладиган икки-уч воқеани арз қиламан. Фалон одам фойдаси кам бўлган бир касбга машғул. Дастмоясини кам, оиласининг сарфу харажати эса унинг зиммасидадир. Онаси бу бечорани мажбур қилиб фалончининг қизини фалон маҳр бериб никоҳига киритишни хоҳлаб, шунга муносиб дабабали никоҳ тўй қилишни, қиз уйига шунча пахта ва гуруч, мунча қўй ва аллақанча либослик матолар юборишни талаб қилади. Ваҳоланки, бу бечора энг аввал уйланиш қудратига эга эмас. Иккинчидан, онаси таклиф этаётган тўй икки минг сўмдан арзонга тушмайди. Шу икки минг сўм ҳам йигитда йўқдир. У чорасиз қолиб, бу муаммони ҳал этиш учун онасига қайта-қайта уни уйлантириш орзусидан воз кечишини айтади. Онаси қабул қилмайди. «Уйланишинг ва тўйингни кўрмай ўлиш мен учун бахтсизликдир», — деб, «оқ қиламан», «оқ сутимга рози эмасман», деб, ўз фарзандини қийнайди.

Фалон кишининг иккита хотини бор эди. Иккинчи хотиннинг иволари билан олдинги хотинидан ажрашди, болаларини меросдан маҳрум этди. Шунча инсофсизлик билан болаларини ўз уйида ушлаб, улардан овқатлари эвазига ўзи ва хотинига хизмат қилишларини талаб қилади. Бунга бўйсунмасалар уларни «оқ» қилади. Писмадон кишининг онаси, хотини, икки-уч фарзанди бор. Хотини афифа ва порсо

бўлиб, эрининг муҳаббати ва розилигига муваффақ бўлган. Лекин «қайнона» жаноблари косаларига шолғомни келинлари кам солганини пеш қилиб, келин билан уришиб душманлик қиладилар. Фарзанд ҳолини шундай танг қиладики, ўғли хотинини ҳайдаб, болаларини етим қилиб яна кўп пул сарфлаб, фалончи кайбону қизини никоҳига киритиши лозим бўлиб қолади. Чунки кайбонининг қизи чиройли бўлмаса ҳам бир камбағалнинг қизи, қайнона хизматини яхши бажо келтиради. Агарда ул одам онасининг таклифини қабул қилмаса она берган сутига рози бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ота-оналар фарзандларини диний ва дунёвий ишларда, умумий ва хусусий ишларда ҳам уларга тобе бўлишларини ҳамиша орзу қиладилар. Бу эса зулм ва инсофсизликдир!

Ота-онага эҳсон этишга амр қиладиган оят ва ҳадисларни қандай тафсир қилиш керак? Шу савол анча муддат менинг хаёлимдан ўтар эди. «Қол» дарслари ва «қулт фани» мударрислари бўлган устозлардан саволларимга жавоб беришларини истадим, лекин улар ҳам қийналиб қониқарли жавоб беролмасдилар. Ҳатто «бу ишларнинг сирру савдосига чалинмагин, нимаки китобларда ёзилган бўлса ўшани қабул этгин. Зеро, сен бораётган йўл офат келтиради», деб мени ҳақиқат излашдан манъ этардилар. Мен ҳам отасининг пўстинидан кўрққан ёш болага ўхшаб «офат» номини эшитганим заҳоти жим бўлиб қолардим. Лекин асли фикрим хотирамда қоларди. Чунки тафаккурни Ислоом кучи ва кўрқкиш таъсири билан хотирадан чиқариб бўлмайди.

Қуръон ва ҳадис мутолаасига мушарраф бўлдим, нафъ келтирувчи илмлардан баҳраманд бўлдим. Ҳақиқат устуни жаҳолат кўли билан ёпилган зулмат пардасидан очилди, шу жумладан, ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳам яхшигина зоҳир ва аниқ бўлди. Энди шуни арз қиламан. «Одамзотга амр қилдикки, отанга яхшилик қил. Агарда улар сенга буюрсалар ва ул иш сенинг ширк ва куфрингга сабаб бўлса итоат қилмагин. Сизлар мен томон қайтасизлар ўшанда дунёда нима иш билан машғул бўлганларингни айтаман»⁵⁴.

«Агарда ота-онанг сенинг мушрик бўлишинг учун ҳаракат қилсалар, уларга итоат этмагин. Шунга қарамасдан бу дунёда улар билан яхши яшагин».⁵⁵ Мана шу иккита ояти карима баён қиладики, ота-она фарзандларини ширк ва куфрга далолат этсалар фарзандлар уларга итоат қилмасликлари лозим. Агар фарзанд ота-онаси хато йўлда кўрса, уларни тўғри йўлга чақириши мумкинми? Бу саволга қуйидаги ояти карима жавоб беради. Қуръонда рост сўзлагувчи ва пайғамбар бўлган Иброҳим ҳикоятини зикр этган. У отасига деди: «Эй ота, кўрмайдиган, эшитмайдиган, сенга нафъ бермайдиган бу бутларга нима учун сиғинасан? Эй ота, менга шундай илм ҳосил бўлганки, у сенда йўқ. Бас, менга тобе бўлгин, мен сенга тўғри йўлни кўрсатайин. Эй падар, шайтонга ибодат қилмагин, у ҳазрати Раҳмонга исён қилибдир. Эй ота, Аллоҳ томонидан сенга азоб тегишидан кўрқаман, унда (илоҳий томондан берилган азобга) шайтонга қариндош ва ҳамроҳ бўласан». Иброҳимнинг отаси дедикки: «Эй Иброҳим, агарда бу фикрингдан қайтмасанг сени дуоибад қиламан, йўқол кўзимдан, қаҳримга гирифтор бўлма». Иброҳим деди: «У (Аллоҳ) менинг ҳаққимга лутфу марҳамати бордир».⁵⁶ Шубҳасиз Қуръони Карим Раббоний ҳидоятдадир. Унинг оятлари қайси мавзуда бўлмасин, ҳаммаси бандаларга йўл кўрсатиш учун назил бўлгандир. Жумладан, ҳазрати Иброҳим қиссалари бўлган оятлар ҳам бизларга бир нечта маъноларни тушунтиради. Биринчидан, агарда ота хато йўлга кирган бўлса, фарзанд отасига эътироз қилиб уни хато йўлидан қайтариши дурустдир. Лекин фарзанд ота хатосини илқ сўзлар билан ва равшан далиллар билан тушунтирмоғи лозим. Масалан, Иброҳим деганки: «Эй, ота, шайтонга сиғинмагин». Иккинчидан, агарда ўғил отаси билмаган нарсани билиб олса ва шу маънони отага тушунтирмоғи лозим бўлса, ўзига эргашши учун уни даъват этсин.

Учинчидан, агарда ота фарзанднинг бу ҳаракатларидан хафа бўлиб манъ этса ўғли отасининг тўсқинлик қилишларига илтифот қилмасин. Лекин отасига дағал муносабатда ҳам бўлмасин, балки мулойим ва ширин сўзлар билан норозилигини билдирсин. Агар фарзанд зиммасига тушган ҳақ ва шаръий бўлган дин ривожига ҳаракат қилиш, мулку миллат учун хизмат этиш, таҳсили илм каби ишлардан бирига бел боғламоқчи бўлса ва унинг ишидан ота-онасига бирор зарар етадиган бўлса шу ишларга ота-онам қарши деб воз кечиши тўғрими? Бу саволга ҳам жавобни қуйидаги

оятти каримадан оламиз. «Эй мўминлар, ҳар бир ишнинг ижросида адолат қилинг, холисаниллоҳ шаҳодат беринглар. Ҳатто бу амалингиз ўзингизга, ота-онангиз ёки уруғ-қариндошларингизга зарар келтирса ҳам»⁵⁷. Бу оят шуни далолат қиладики, мўмин одамлар адолат ижроси ва ҳақ изҳори учун доим ҳаракат қилишлари лозим. Бу йўлда ўзларига ёки ота-оналарига зарар тегишидан андиша қилмоғлари лозим. Ажабо, агарда ота-она бизларни адолатни ўргатишда ҳар бир мусулмон учун бажарилиши шаръий бўлган изҳори ҳақдан манъ этсалар уни қабул қилайликми? Бу саволга қуйидаги ҳадисдан жавоб оламиз. Али (р. а.) ривоят қиладики, Набий (с. а. в.) деганлар: «Масъият (осий бўлишда) биродарнинг фармони тўғри эмас. Шаръан манъ этмаган ишларда биродар (яқин одамнинг) фармони тўғридир».

Жуда яхши, бу масала тамом бўлди, лекин яна бир муаммо қолди. Масалан, бир одамга отаси ширкка сабаб бўладиган бир ишни буюради, фалон одам эса дин ривожи ва ҳақ йўлини ихтиёр этган, отаси уни бу ишдан манъ этади. Писмадон одамга эса онаси хотинини талоқ беришга мажбур қилади. Хулоса, баъзи ота-оналар фарзандларига шаръан тўғри бўлмаган ва зарарли ишларни тақлиф қилдилар. Фарзандлар эса шу ояти карима фойдасига амал қилиб бу тақлифларни ширин ва оқилона сўзлар билан рад этиб, ўз ишлари билан машғул бўлсинлар. Агар тўсатдан болалардан бир хато содир бўлса, волида бу хатодан хафа бўлиб, кечирим ва узрларини қабул қилмайдилар. Ушбу ҳолатда фарзанд гуноҳкор бўладими? Бу саволга қуйидаги оят жавоб беради. «Парвардигорингиз ҳукмиким ундан ўзгага сиғинманглар ва волидайн (ота-она) ҳаққига яхшилик қилинг. Бирлари ёки иккалалари қариб қолсалар «уф» деманг ва ёмон сўзламанг. Улар билан яхши сўзлашинг, уларни раҳмат ва итоат қилиш қанотларингиз остига олинг, уларнинг ҳаққига дуойи хайр этинг. Сизлар аҳли солиҳ бўлсангиз Раббингиз ниятларингизни билади. Албатта, парвардигорингиз хатодан савобга, масъиятдан тоатга борувчиларни мағфират айлаган»⁵⁸. Ҳазрати Худованд бу ояти каримада аввалдан ота-она ҳақларини бизларга тушунтирган.

ЕТИМЛАР ҲАҚҚИ

Сағира (ота-онасиз) болаларни етим дейдилар. Ҳамма биладики, бир боланинг отаси бўлмаса, ҳокими шаръий бу гўдакни биронта қариндошларига беришади. Агарда ул шахс ишончли одам бўлса боланинг пулини ҳам унга берадилар, акс ҳолда ўша одам ўз ҳисобидан сағирага ҳар ой нафақа беришга қарор қилади. Етимларнинг бу масалалари баҳсимиз доирасидан чиқади. Бу рисолада мен фақат етимлар тарбиясининг ахлоқий жиҳатларини баён этаман. Маълумки, етим тарбиясини бўйнига олмоқ унинг жисмоний ва руҳий камолотига ҳаракат этмоқ, етимга умуман ва қатъиян зарар етказмасдан, озор бермасдан ўз болалари қаторида қабул қилиб, отасизлигини эслатмаслик инсонийлик нуқтан назаридан ҳар бир кимсага лозимдир. Инсон раҳмдил ва муруватли бўлиши лозим. Раҳмдил ва муруватли одам етимлар ҳаққига яхшилик қилади. Лекин ҳақиқатни яшириш инсонгарчилик шаънидан эмас, шу боис баланд овоз билан айтаманки, мамлакатимизда етимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бажарилмайди. Кўпларимиз бирор етим тарбиясини ўз зиммамизга олсак, камоли куч ила унинг пулини ҳам ҳокимдан тортиб олиб бирор дардимизга сарф қиламиз. Шу ният билан етимнинг пулини олиш Худога асло хуш келмайди. (Қуръоннинг «Анъом» сурасида айтилади): «Етим молига яқинлашманг, агар етим учун энг яхши восита бўлмаса».⁵⁹ Яъни, етим молига қўл чўзаётган бўлсангиз, ниятингиз тижорат қилиб етим бойлигини кўпайтириш бўлса майли, фақат етим балоғатга еткунча. Етим пуллари қўлга олиб, бир хазина топган одамга ўхшаб, девонадек уни сарф ва истифода қиламиз, асл соҳибини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Улар балоғатга етгач, минг ҳисоб-китоб билан ҳақларини зўрға оладилар. Худованд ҳокимлар ва васийларни бундай ишлардан манъ қилгандир. «Етим молини болалигида ўзларига сарф қилингллар, улағайдан сўнг ўзларига (меросларини) топшинг. Қаерда ҳалол молинингиздан сарф қилган бўлсангиз етимлар моли сизга ҳам ҳаром бўлади, ундан харж қилманг, уларнинг молини ўзлаштирманг. Бундай ишларингизнинг ҳар бири катта гуноҳдир»⁶⁰. Аллоҳнинг шундай танбеҳини инобатга олмай ўз қилмишларини давом эттираётган васийларга Худо буюрадики, «Кимки етимлар молини еркан, улар олов ейишларига

шубҳа йўқдир ва яқинда жаҳаннам (дўзах)га тушадилар».⁶¹ Баъзи одамлар ҳам борки (кам бўлса ҳам) ҳақиқатда ҳам Худодан қўрқиб етимлар ҳақиқига буюрган амрларга итоат қилиб на етимлар молига ва на ўзларига яқин келадилар. Улар етимнинг моли уларга фалокат ва бахтсизлик келтиради, деб ўйлайдилар. Етимлар тарбияси ва молларининг ҳаммасини ўз зиммаларига олмайдилар. Мен уларнинг бу ҳаракатларини етимлар молига зарар деб биламан. Чунки шундай соҳиб инсоф одамлар етимларнинг моллари ва ўзларини ҳимояларга олмасалар улар беинсофлар қўлида қолиб кетадилар, бинобарин, мен уларга «агарда ҳақиқатан ҳам етимларга нисбатан ниятларингиз пок бўлса, адолат фикрида бўсангиз ҳеч хавфсираманг. Етимлар молларининг ҳифзи ва тарбияларини ўз зиммангизга олинг. Уларнинг моллари ва пойқадамлари жуда шарофатли ва муборақдир». Шайх ул-муфассири Муҳаммад ибн Жариф Табарий ибн Аббосдан ривоят қиладики, «ва ло тақрабу молал-ятима... ва инналлазина йақуна амвола ал-йатима» оятлари нозил бўлганда етимларга вали ва васий (ҳомий) бўлганлар қўрқиб қолдилар. Етимлар овқатини ўзларининг овқатларидан ажратдилар. Ҳатто уларнинг таомларини алоҳида қозонда пишириб, алоҳида лаганга солиб едирдилар, қолган овқатларини эртасига қолдирдилар. Эртаси агар етимлар истеъмол қилмасалар солиб кетгунча сақлаб кейин тўкиб ташлардилар. Бу масала араблар учун мушкул бўлди. Воқеани пайғамбарга арз қилдилар. Қуйидаги оят нозил бўлди. «Эй Муҳаммад! Сендан етимлар масаласини сўрадилар. Айтгин, уларга етимларнинг салоҳияти йўлида ҳаракат этиш уларга ҳам, сизларга ҳам яхшидир. Агарда уларни ўз уйларингизга олиб келсангиз улар биродарингиз бўладилар. Улардан ижтиноб қилманг, ҳақдариға яхшилик қилинг. Худованд муфсид (фасодчи) ва муслиҳ (солиҳ)ни билади. Агарда етимларга нисбатан ниятингиз ёмон бўлса, сизларга азоб, аксинча бўлса савоб беради. Агарда Худо хоҳласа эди, сизларни қийин аҳволга соларди, яъни етимлар билан сизларнинг муомалангизни осон қилмас эди. Аллоҳ азиз ва ҳақимдир».⁶² Етимни уйга олиб келсангиз, фарзандингиз билан бир хил кўринг, фарзандингизга тенг муомалада бўлингиз, бу ҳам инсофдан ва ҳам шариатда лозимдир. Имом Бухорий Саҳл ибн Саъд ва Имом Муслим Абу Ҳурайрадан ривоят қиладилар: Пайғамбаримиз (с. а. в.) икки бармоқларини бирлаштириб айтдиларки, кимки етимлар саодатини ўз зиммасига олса, иккаламиз ана шу икки бармоқдек бир-биримизга яқин бўламиз. Набий (с. а. в.) айтган эканларки. «Қайси хонада бирор бир етим муҳтарам ва аржуманд бўлса, ўша оилани Худо севади, аммо етимга хизматкордек муомала қилиб, уни уриб, сўкиб, хор-зор қилганлар илоҳий амру фармониға қарши иш тутадилар. Худо қачон бирор-бир одамни фақирга мубтало этса, у айтадики, Худо менга ёрдам қилди. Бундай эмас, балки фақирлигингиз сабаби шундаки, етим сақламайсизлар ва мискинларга таом бермайсизлар, деб нозил бўлган «Фажр» сурасида».⁶³

«Сен динни, яъни илоҳий ҳукмларни ёлғонга чиқарганларни кўрганмисан? Ул шахс етимни ғазаб билан оддидан ҳайдаган ва бошқаларни мискинларга таом беришга даъват этмаётган кишидир», — дейилади «Моун» сурасида».⁶⁴

ХИЗМАТКОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ

Бир оиладаги охирги муносабатлардан бири уй эгаларининг хизматкорлар билан бўлган муносабатлари бўлади. Расули Худодан хизматкорларга супоришларни ёзиб, мен бу рисоламга нуқта қўяман. Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Зар Фиффорийдан⁶⁵ муснад келтириб ривоят қиладилар. Абу Зар айтади: Бир куни ғуломимни онасидан сўқдим. Пайғамбар эшитиб, менга шундай хитоб қилдиларки, «Эй Абу Зар, сен ғуломингни онасидан сўқдингми? Сенда жоҳилиятдан қолган асар бор экан».

«Ғуломларингиз ва хизматкорларингиз биродарларингиз бўладилар (чунки улар ҳам одам) ва Худо уларни сизга тобе этган. Кимга ўз биродари хизмат этса у ўзи еганидан унга едириши, ўзи кийинадиган кийимдан унга бериши лозимдир. Хизматкорларга оғир хизмат буюрсангиз, ўзларингиз ҳам уларга мадад беринг».

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: Пайғамбар дедилар: «Қачон хизматкор олсангиз у билан бирга овқатланинг, бўлмаса ўзингиз ейдиган таомдан унга беринг».

Тамом.



Тоҳир Малик

мурдалар гапирмайдилар



Қисса¹

Қонли гирдоб

Абдуқаюм янглишмади: Самандар ўша кунни уйига келган эди. Аслида унинг уйга келиш нияти йўқ эди. Режаси бўйича, Нафиса бир ҳафта муддатга ишидан ижозат сўрамоғи, у эса вертолётни шаҳарга жўнатмоғи лозим эди. Одам етиб келиши мушкул бўлган, аммо табиатнинг мавжуд гўзалликларини ўзида мужассам этган бу дарада Нафиса узоғи билан бир ҳафта чидаб яшай оларди. Чўлда ўсган бу жувонни гўзал манзаралар ҳам, тонгда булбулларнинг сайраши ҳам, покиза булоқ сувлари ҳам мафтун қила олмасди. Бир неча олиму хизматкорлардан иборат бу «шаҳарча»га дастлаб келганидаёқ «зиндоннинг ўзи-ку, бу ер» деб баҳо берган, уч кунга аранг чидаган эди. Самандарнинг биринчи хотини ҳам тоққа тоқат қила олмасди. У чодир атрофида ўрмалаб юрган илонни кўрганидаёқ чинкириб оламини бузган, шу-шу бу ёққа қадам босмай қўйган эди. Самандар Нафисада ҳам биринчи хотинининг қилиқларидан бор эканлигини сезиб гашланди-ю, кейин уз ишлари билан андармон бўлиб, эътибор бермай қўйди.

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Турсунали қамалгач, Нафиса бир неча ҳафта гарангсиб юрди. Ҳатто эрига қарамай ҳам кўйди. Самандар «жуда яхши кўрар экан-да» деб ўйлади-ю, аммо хаёлига келган гапларни тилига чиқармади. Аксар одамлар тиш фақат овқат чайнаш учун мавжуддир, деб ҳисоблайдилар. Самандарнинг тишлари эса, иккинчи вазифасини — тилга кўриқчилик юмушини ҳам бажаради. Унинг тили бекордан бекорга тиш ҳатламайди. Самандарнинг феълини яхши билган киши «бу маллани ташқарига сочилмай, ичига ютилган дардлари сарғайтириб юборган», деган хулосага келуви тайин эди.

Самандар индамай кўя қолгани билан қайнотаси жим турмади: қизи Нафисани обдон сиқувга олди. Отасининг гаплари таъсир қилдими ёки соғинч дарди қариб, кучдан қолдимми, ҳарҳолда Нафисанинг эрига бўлган муносабати яхши томонга ўзгарди. Икковлари чинакам эр-хотин даражасига етишгандай эдилар. Самандар учун қутилмаганда Нафиса бу ерга келиш ихтиёрини билдириб, соғинганини маълум қилди.

Эрталаб нонуштада Самандар вертолёт учувчисига «тайёрлан, шаҳарга тушиб, янгангни олиб келасан», деб тайинлади. Вертолёт учишга улгурмай унинг ўзини марказ чақиртирди. Буйруқ қисқа, айни чоқда тушунарсиз эди: «Сўнгги маълумотлар масаласида тезда Москвага етиб келинг».

Вертолёт ҳарбий аэродромдаги ўз майдончасига кўнғач, новвотранг «Волга» ёнида турган полковник уни қаршилаб, ўзини таништирди-да, «Сизни кузатиб бориш менга топширилган» деб вазифасини баён қилди. Сўнг марказни нима қизиқтираётганини айтди.

— Мен уйга кириб-чиқшим керак, баъзи ҳисоб-китобларим уйда, — деди Самандар.

Полковник аввалига норози бўлди. Самандар бу қоғозларсиз Москвага бориш фойдасиз эканини айтгач, ноилож кўнди.

Самандар уйга кирди-ю, нима учун келганини унутди.

Абдуқамом янглишмаган эди:

... ярим соатча қолиб кетди...

Тўғри, бунинг орасида ташқарига бир чиқди. Уша онда кўшни аёлга йўлиқди. Зинадан пастга тушаётиб, нима учун келганини эслади-да, изига қайтди. Унинг бу ҳаракатини кузатган кўшни аёл «жинни-пинни бўлиб қолганми ё мастми?» деб ўйлади. Зийрак нигоҳи бу телбанинг панжалари қон эканини ҳам илғади. «Бир бало бўлди» деди-ю, ўзини тезда ичкарига олди.

Самандар уйига кириб, гарангсиган бир аҳволда хонасига кирди-да, пўлат жавондан керакли қоғозларни олди. Қўлидаги қон юқини ювиб ташлаш хаёлига ҳам келмади. Фақат машинага утирганда полковник «қўлингизга нима қилди?» деб сўрагач, панжаларига қараб ажабланди. Беихтиёр равишда «шиша тилиб кетди», деди. Яхшики полковник «қанақа шиша? Қандай тарзда?» дея ажабланмади. Бунинг урнига ҳайдовчидан «аптечканг борми?» деб сўради. Рад жавобини олгач, чўнтагидан рўмолча чиқариб, Самандарга узатди-да, «Боғлаб олинг, самолётда аптечка бўлиши керак», деди.

Самандар рўмолчани қон теккан панжалари устига ташлаб, ҳолсизланаётганини ҳис қилди. Кўнгли айниди. Уриндиққа суяниб, кўзларини юмди. Кўз олдини қоплаган қора парда бирдан қизил ранг олди. Самандар гўё қон гирдобига қолгандай бўлди. Бу қон гирдоби орасидан беҳисоб қонли панжалар кўтарилиб уни бўға бошлади. Нафаси қайтиб, бақариб юборай деди. Шошилиб кўзларини очди.

Учоққа чиққунларича кўнгли беҳузур бўлиб анча тоқатсизланди. Учоқ ўрнидан кўзғолмай туриб полковник энсиз дока, дори кўтариб келиб, «ярангизни боғлаб кўяй», деди. Гаранг бўлиб утирган Самандар «қанақа яра?» деб юборишига сал қолди. Яхшики қўлини «шиша тилиб юборгани» эсига тушди. «Ўзим ювиб, боғлайман», деб дока, дорини олиб ҳожатхонага ўтди. Қўлини ювди. Учоқ чайқала бошлагач, ўзини тутолмай қайт қилди. Сўнг юзларини ювиб, кўзгуга қаради. Кўзгуда унинг акси эмас, Нафисанинг «гуноҳим нима?» деб бақрайган кўзларини кўриб, кўрқиб кетди. Беихтиёр орқасига тисарилди. Кўзгудаги бақрайган нигоҳ йўқолиб, ўзининг акси кўринди. Малла ранги оқариб улик тусини олгандай туюлди ўзига. Юзларига аста шапатилади. Сўнг панжасини дока билан бетартиб равишда боғлаб жойига қайтди. Полковник унинг боғланган қўлига ажабланиб қаради-ю, «адашдим шекилли», деб ўйлаб индамади. Йўқ, полковник янглишмаганди: Самандар уйдан чиқиб келганда унинг ўнг панжаси қон эди. Ҳозир эса чап қўлини боғлаб олганди.

Самандар полковник гапга тутмасин, деган мақсадда ўзини иш билан банд қилиб кўрсатиш учун қоғозларни варақлади. Бир оз вақт ўтгач, «иш билан банд» эканини ҳам унутиб, кўзлари бир нуқтада қотди. Аскар йигит яқинлашиб, қаҳ-

ва узатганини ҳам сезмади. Полковник унинг билагига қўлини асталик билан кўйиб:

— Ҳуртоқ Бош конструктор, — деди.

Самандар энгил сесканиб, унга қаради.

— Қаҳва ичинг, энгил тортасиз, — деди полковник кулимсираб.

«Энгил тортасиз? — деб ажабланди Самандар. — Бир нимани сездимми бу одам? Ҳизматни тутиб олишим керак. Уйда ҳеч нима бўлгани йўқ, ҳеч нима... Бу туш эди, ваҳимали туш...»

Қаҳва ҳўплаётиб шу тарзда ўзини ўзи овутиб, «туш кўраётгани»га ишонтирмоқчи бўлди.

— Қондан кўрқар экансиз, — деди полковник кулимсираб.

— Йўғ-е, — деди Самандар айби ошкор булган боладай.

— Ҳа, рангингиз айтиб турибди. Сиз хижолат бўлманг, айрим одамлар шунақа бўлишади. Қонга кўзи тушиши билан ҳўшидан кетиб қоладиганлар ҳам бор. Кўнглингиз айниганини машинадаёқ сезган эдим. Тагин ҳам чидадингиз.

Самандар бу лутфни қабул қилгандай ўзини зўрлаб кулимсиради.

— Бир оз дам олинг, утиб кетади, — деди полковник меҳрибонлик билан.

«Утиб кетади? Қани эди утиб кетса!.. Утиб кетадиган манзара эмас бу...» деб ўйлади Самандар. Полковникнинг таклифи унга маъқул келди: бекорчи суҳбатдан қочишнинг яхши йўли — дам олиш. У қаҳвани ичиб бўлгач, суянчиқни туширдида, ётиб кўзларини юмди.

Самандар шу бўйи то учоқ Москва яқинидаги ҳарбий аэродромга кўнгунига қадар қаддини кўтармади. Полковник таомга таклиф қилганида кўзларини ярим очиб, «йўқ» ишорасини қилиб, бош чайқаб кўя қолди.

Кўзларини юмиб ётгани билан ухламади. Аслида бу ҳолда ётиш ҳам унинг учун азоб эди. Бироқ, полковник билан суҳбатлашгандан кўра шу алфозда азоб чекиш маъқулроқ туюлди.

У икки тўлқин исканжасида эди. Биринчи — қон тўсида, уйдаги даҳшат манзараси, иккинчиси — бир неча соатдан сўнг бўлажак суҳбатлар. Самандар биринчи тўлқинни энгишга, Нафисанинг бақрайган кўзларини ҳайдашга, гирдобдан кўтарилаётган қонли панжаларни нари суришга интилди. Бир неча муддат бунга эришгандай ҳам бўлди. Бироқ, нари кетган манзаралар яна шиддат билан ўз ўрнига қайтаверди.

Самандар турли ташвишлар наҳрида беармон сузган, аммо бу каби кучли тўлқинларга банди бўлмаган эди. Яратганига банди бўлолмаганларнинг ажри балки шудир — ташвишу аламларга банди бўлишдир...

У кейинги маълумотларга катталарнинг ишонишлари қийин, балки сиёсий тус ҳам берилар, деган тахминни дилига тугиб юрган эди. Унинг кашфиётига асосланган қўрилмалар дунёдаги ядро полигонларининг ҳар биридаги энг кучсиз синовни ҳам аниқлаб, билиб бериши мумкин эди. Аммо ўн икки кун аввал қўтилмаган ҳолат юз берди: қўрилма заминнинг кучсиз тебранигани хабар қилди. Заминнинг тебраниши янгилик эмас, аммо тебраниш маркази сира қўтилмаган ерда эди. Улардаги харита бўйича бу жойда ядро полигони йўқ эди. Самандар ҳисоб-китобларни қайта-қайта текширди, солиштирди. Рақамлар барибир ўжарлик билан айнан ўша жойни кўрсатиб тураверди.

Самандар маълумотларни бир кун кечикиб юборди.

Марказ танбех берар, деб ўйлаётган эди. Шошқич қақирилуви у учун қўтилмаган бўлди. Айниқса, уйдаги воқеа...

Учоқ ерга қўниб, белгиланган майдончада тўхтагач, Самандар қаддини кўтарди. У гўё учоқда учмади, балки танклар занжири остида эзгиланди. Учоқ уни уйдаги воқеадан узиб олиб, бир неча минг қақирим нарига олиб келгани билан хаёлига боғланган ташвиш ипларини уза олмаган эди.

Учоқ зинапоясида уларни икки қора «Волга» қўтиб турарди. Полковник ҳамкасби билан саломлашиб «вазифа адо этилгани»ни маълум қилгач Самандар машинага утирди. «Вазифасини бажарган» полковникка «алоҳида буйруқ бўлгунча қўтинлар», — дейилгач, машиналар ўрнидан кўзгалди.

Самандар Москва кўчаларини яхши биларди. Шу боис Мудофаа вазирлиги жойлашган кўчага бурилишмаганидан ажабланди-да:

— Қаерга кетяпмиз? — деб сўради. Уни полковникдан «қабул қилиб олган» одам бамайхотирлик билан:

— Кремлга, — деди.

— Кимнинг олдига? — деб сўради Самандар.

— Сизни ўртоқ Байгильдин кўтяпти.

— Базаровчи?

— Виктор Базарович ҳам ўша ерда.

Базаров деганлари вазирлик ҳузуридаги Марказ бошлиғи эди. Одатда Самандар асосан шу одамга йўлиқарди. Байгильдиннинг ҳузурига камдан кам ҳолларда боришарди. Самандар бу сафар тўғри уша ерга борилаётганидан масаланинг жиддий эканини англади. Бир жиҳатдан Байгильдинга рўпара бўлиши яхши. Фаросатли одам. Базаровга ўхшаб худа-беҳуда сўкини бақиравермайди. Ҳарҳолда унда ҳарбийликка нисбатан олимлиги устун туради.

Кремлда тўғри Байгильдинга рўпара бўлмади. Барибир аввал Базаровга йўлиқди:

— Сен нима қилиб қўйдинг, биласанми? — деди у совуққина саломлашиб.

— Нима қилибман? — деди Самандар ҳам совуқроқ оҳангда.

— Бутун разведка оёққа турган. Агар маълумотинг исботланмаса, биласанми нима бўлади?

— Биламан. Ишларимнинг оёғи осмондан бўлади.

— Фақат ишларинг эмас, ўзинг ҳам. Фақат ўзинг эмас, мен ҳам...

— Шунақа хатар бор экан, маълумотни буларга кўрсатманг эди.

— Сен шунақа деб вақиллаверасан. Рост бўлса-чи? Унда яна бир бало! «Қаёққа қараяпсанлар?!» деб учириб юборишади. Нима бўлса бўлди — таваккал! Юр.

Байгильдин у қадар ваҳима қилмади. Маълумотнома, ҳисоб-китоблар хулосаси билан танишган бўлса-да, Самандарнинг тушунтиришларини диққат билан тинглади.

— Илмий экспертиза хулосаларингизнинг тўғри эканини тасдиқлади. Лекин ҳозирча узил-кесил тўхтама кела олмаймиз. Ҳозир орбитал станцияларга ҳам топшириқ берилган. Самандар Очилович, сиз уч-тўрт кун Москвада дам олинг. Сиз билан Василий Игнатъевич ҳам кўришмоқчилар. Қурилмаларингизни Ҳиндикушга ҳам ўрнатсак-чи? Нима дейсиз?

— Афғонистонгами?

— Ҳа.

— Шартми? Ҳозирги жойи ҳам етарли. Қурилма сезгирлигини яна ҳам ошириш мумкин.

— Қандай қилиб?

Самандар уйдан олиб чиққан қоғозлар тахламини унга узатди.

— Ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинган. Ҳиндикушда янгисини қургандан кўра сезгирлик оширилса, юз баравар арзон тушса керак.

— Сен буларни менга айтмовдинг? — деди Базаров норози оҳангда.

— Тўппа-тўғри бу ерга бошлаб келишларини билмабман. Аслида сизга кўрса-таман, деб уйловдим. Сиз барибир ўртоқ Байгильдинга берардингиз.

— Бу ҳисобингиз ҳам тўғри, — деди Байгильдин жилмайиб. Сўнг қоғоз юзидаги қизил доғга кўзи тушиб, Самандарнинг боғлоқлик қўлига қаради: — Қўлга нима қилди?

— Ҳа, шунчаки... шиша тилиб кетди, — деди Самандар ўзини хотиржам тутишга интилиб.

Байгильдин уларни узоқ ушлаб ўтирмади. Самандарни шаҳар четидаги хос меҳмонхонага кузатиб қўйишди. Хонага кириб, биринчи кўргани — Ҳиндикуш харитаси бўлди. «Мақсадлари жиддийга ўхшайди, — деб уйлади. — Агар Афғонистонга ҳам ўрнатилса, янги ута сезгир қурилмага ҳожат қолмайди. Йўлни тўсишади.» Шу фикр хаёлига келиб, баттар бўғилди. Музжавонни очди: бахтига ароқ бор экан. Катта қадаҳга қуйиб, саҳрода йўл юриб чанқаган одам каби ютоқиб ичди. Биттага қаноат қилмасдан иккинчисини ҳам тўлдириб ичгач, дастурхон устидаги олмалардан бирини олиб, қарсиллатиб тишлади. Назарида ароқнинг қуввати ожиздай туюлиб, яна икки марта ичди-да, шиша белига ёпиштирилган ёрлиққа қаради. Ароқнинг қирқ даража эканини ўқиб, ажабланганича бош чайқайди.

Эшик тақиллаб, аскар йигит кўринди-да, «Емакхонага чиқасизми ё овқатни шу ерга олиб келайми?» деб сўради. Самандар оч бўлса-да, овқат егиси йўқ эди. Аввалига «керакмас», деб рад этди. Сўнг йигитни чақириб, «шу ерга олиб кел», деб буюрди.

Ароқ таъсир қилиб, бадани қизиди. Боши айланди. Боғланган панжасига қараб гашланди-да, докани ечиб ташлади. Узича бир нималар деб гудраниб, ҳаммомга кирди. Ювиниб чиққанида хонани овқатнинг ёқимли иси тутган эди. Шишани бўшатгунича тўрт-беш чўқим овқат ея олди, холос. Томоғидан бошқа ҳеч нарса ўтмади. Яна бир шиша пиво ичгач, тўшакка ҳам етиб бора олмай, гилам устига чўзилди.

... Нафиса кўзларини ярим юмганича тўшакда айшини сурарди. Самандарнинг кириб келганига на у, на-да хуштори эътибор берди. Самандар «Ҳайвон!

Бузуқ!» деб бақирмоқчи бўлди, ammo овози чиқмади. Сўнг... ошхонадан болта олиб чиқиб, уларни чопаверди, чопаверди. Сўнг... даҳшатга тушди. Болта уларни қийма-қийма қилиб ташлаган бўлса-да, танада бир томчи ҳам қон кўринмади. Сўнг... қиймаланган тана бус-бутун ҳолга келиб, қадлари кўтарилди. «Эй нодон!» деб унга қараб кулдилар, кулавердилар. Сўнг... Самандар уларга пичоқ билан ташланди. Улар қочдилар, қочавердилар. Самандар газабга келиб, пичоқни отди. Пичоқ кинодаги мерган кўлидан отилгандай тўғри бориб Нафисанинг чап кўкрагига санчилди. Нафиса йиқилди. Ўлди. Чинакамига ўлди! Ана, кўкрагидан қон сизиб чиқяпти. Қон... иссиқ қон. Кўзлари эса бақрайиб қолди: «Ғуноҳим нима эди?» деб сураётганга ухшайди. Самандар кўрқиб кетди: «Нафис, сени улдирмоқчи эмасдим. Турсунали билан биргалигини билганимда ҳам кечирган эдим. Бу сафар ҳам кечирардим. Ўлма, Нафис...» Шундай деб турганда хуштор келиб бошига тўқмоқ билан урди, ураверди. Тўқмоқ ҳар урилганда жаранглаб, акс-садо таратди, таратаверди... Нафаси эса бўғилди, бўғилаверди...

То уйқудан уйғонганига қадар шу туш асоратида азоб чекди. Кўрқувдан уйғондими ё эшикнинг тақиллаганидан уйғондими — фарқлай олмади. Ҳарҳолда эшикнинг тақиллаши бошига урилган тўқмоқ жарангига монанд эди. Бошига урилган тўқмоқ тушида кечган бўлса-да, гардани лўқиллаб оғрирди.

Аваллига қимирлаш у ёқда турсин, «Ҳа, ким?!» дейишга ҳам мажоли етмади. Аниқроғи қаерда, нима учун ётганини идрок қилолмади. Бир оз гарангсиб ётгач, нонушадан кейин бўлиб ўтган воқеаларни хира тарзда бўлса-да, эслади. Шундан сўнг кузларини аранг очди. Эшик яна тақиллагач: «ҳозир!» деб овоз берди-да, инқиллаб ўрнидан турди. Уй худди осма кўприкдай у ёқ-бу ёнга тебрангандай бўлиб, чайқалди. Гандираклаб бориб, эшикни очди.

Енгсиз ич куйлақда турган гавдали одам уни кўриб жилмайди:

— Хайрият! Бу кимсасиз оролда биттагина инсофли тирик одам бор экан! — деди у. — Ҳамма хоналарни бирма-бир тақиллатиб чиқдим. Тирик одам йўқми, билмайман. Бўлса ҳам очинмайди. Кўрқишадими, билмайман. Мен ёлғизликни ёмон кўраман. Ичгим келяпти, кўшни, нима мен алкашманмики ҳадеб ёлғиз ичаверсам. Кўнглим ширин суҳбатни истаяпти. Сиз менга шерик була олмайсизми? — У шундай деб қўлидаги ароқни юқори кўтарди.

Боши айланиб, оғзи кўриб, кўнгли беҳузур бўлаётган Самандарга бу таклиф маъқул келди. Гарчи у чақирилмаган меҳмонга зид улароқ ёлғизликни ёқтирса ҳам ҳозир улфат билан ичгиси келди.

— Кириг, — деди у тисарилиб.

Меҳмон остона ҳатлаб қўл узатди-да, ўзини танитди:

— Макаров Сергей Лаврентевич.

Самандар «Марҳамат қилинг», деб жой кўрсатди. Макаровнинг шими ёнидаги қизил хошияни кўриб «генераллардан экан-да», деб кўйди. Макаров эса ёзув столи устидаги Ҳиндикуш харитасига кўзи тушиб «ўзимиздан экан», деб ўйлади.

— Исмингиз нима, кўшни? — деди Макаров икки қадахга ароқ қуйиб.

Киев университетиде, сўнг Москвадаги аспирантурада ўқиб юрганида Самандарни ҳамма «Саша» деб чақирарди. Шуни эслаб у:

— Саша деяверинг, — деб кўйди.

— Сашок, саломатлик учун! Мен сендан хурсандман. Бу ердаги ягона тирик одам сен экансан... — Макаров шундай деб тик турган ҳолида қадахни бир кўтаришдаёқ бўшатди.

Самандар ароқни лабига яқинлаштирганида унинг ҳиди димоғига урилиб, сесканди. Кўнгли баттар айниди. Меҳмон қараб тургани учун хижолат чекди. Кейин чуқур нафас олди-да, бир зарб билан ичиб юбора қолди. Дам ўтмай ўзини енгил ҳис эта бошлади. Учинчи қадахдан эса пича дадилланди. Бу ерга киришдан аввал ҳам букиб ичган меҳмоннинг «гап халтаси тешилиб», тинмай гапирарди.

— Сашок, мен ҳарбий одамман. Менинг касбим жанг қилиш. Қоғоз титиб идорада ўтирадиганларга тоқат қила олмайман. Россияни ким хароб қилди, биласанми? Ана ўша бурнига кўзойнак кўндириб, қоғоз титиб ўтирадиганлар. Биз эса буюк Россия шўҳратига шўҳрат кўшамиз. Бу — бизнинг бурчимиз.

Макаров яна қадахларни тўлдирди:

— Буюк Россиямиз учун, унинг шўҳрати учун! — У шундай деб хитоб қилгач, қадахни одати бўйича бир кўтаришда бушатиб, кафтига «куф» деб кўйди.

Самандар энди ичишга қийналмади. Оғриқлар уни тарк этган, ammo қулоғи шанғиллаб, меҳмоннинг гапларини дуруст идрок қила олмаётган эди. Макаров эса «сукут ризолик аломати» саналгандай «гапларим Сашокка маъқул келяпти», деган фикрда жўшиб сўзлайверди.

— Бу галамислар Россиянинг Урта Шарқдаги сиёсатини ўзгартиришмоқчи. Очигини айтайми? Михаил Меченнийнинг ишлари менга ёқмаяпти.

Самандар Михаил Меченнийнинг ким эканини дарров англамади. Кейинроқ фаҳмлаб, нимани тасдиқ этаётганини ўзи ҳам тушунмай, бош ирғаб қўйди.

— У бизнинг Германияни икки қўллаб топширди. Германия учун руслар қанча қон тўкишган, биласанми? Энди эса Афғонистонни бермоқчи! Горчаков жаноблари 1877 йилда нима қилган биласанми? Билмайсан! Гранвиллни биласанми? У ўша пайтда Англия ташқи ишлар министри эди. Горчаков у билан сулҳ тузди. Ҳозирги Афғонистоннинг шимолий чегарасини ўша аҳмоқ белгилаган. Нега аҳмоқ, деяпсанми? Шунинг учунки, яна бир зарб берилса, Афғонистон тўлалигича бизники эди. Ҳеч бўлмаса ярми бизники бўларди. Бугун бекорга қон тўкиб юрмасдик. Энди Михаил Меченний нима қилмоқчи? Биласанми? Билмайман, дема, биласан. Бу ерда бекорга ўтирганинг йўқдир. Мени ҳам шунинг учун чақиртиришибди. Булар Афғонистонни топширишмоқчи! Кўшинни қайтаришмоқчи! Бунга чидаш мумкинми?! Йўқ! Сен чидасанг чидайвер, аммо мен чидай олмайман! Ахир у ерлар рус қони эвазига олинди. Халқи тамоман қириб ташланса ҳам Афғонистонни қўлдан бермаслик керак. Афғонистон — Покистон калити, Ҳиндистон калити, Ҳинд океани йўли! Ҳиндиқушчи? Бундай стратегик қулай жой яна қаерда бор? Энди сен айт: қайси аҳмоқ калитни ўз ихтиёри билан беради?

У яна бир оз асабийлашган ҳолда ароқ қўйди:

— Россия шухратининг сўнишига сира йўл қўймаймиз!

Самандарнинг кўзларига қадаҳ аввал иккита, сўнг учта бўлиб кўринди, кейин чирпирак бўлиб айлана бошлади. Россиянинг шухрати учун ичишга қурби етмай ёнига шилқ этиб йиқилди.

— О, Сашок, ичишни эплай олмас экансан-ку!

Макаров шундай деб уни икки қўлтиғидан олди-да, судраб бориб каравотига ётқизди.

— Бўпти, Сашок, омон бўл! Бир оз кўнглим ёзилди. Аммо сен менинг гапларимни унут!

Шундай деб яримдан озайган шишани кўтариб, бир оз гандираклаган ҳолда хонадан чиқди. Дам ўтмай қўшни хона эшиги тақиллай бошлади. У энди эрталаб-гача бирга ичиши мумкин бўлган «тирик одам» изларди.

Ҳаммаёқни булгаб ташлаган Самандарни эса, эрталаб госпиталга олиб кетишди.

Армон

Тиш оғригининг давоси омбур, деганларидек, Омонулло ўзидаги кўрқувни энгишга куч топиб, тиш табибига кирди-ю, бир неча дақиқада кўзлари мошдек очилди, қоронғу дунёси ёришди. Аввалги куни эътибор бермаган нарсалар энди муҳим бўлиб кўринаверди.

Ўша куни Абдуқаюмнинг уйдан чиққач, докtilоскопист уни ичкари хонага чақирди-да, пулат сандиқдаги қонли доғни кўрсатди:

— Эшик тутқичларида ҳам айни шу из.

Омонулло пулат сандиқни синчиклаб кўздан кечирди: очишга уринилмаган. Балки ўз калити билан очиб-ёпилгандир? «Ким очиб ёпган? Очиловчи? Пуллари-ни олиб қочганми?» Омонуллонинг хаёлига келган биринчи фикр шу бўлди. Самандардан бармоқ изларини олиб, қонли излар билан солиштириб кўрилмагуни-ча аниқ бир қарорга кела олмас эди. Шу сабабли унинг қаердалигини аниқлаш мақсадида ишхонасига йўл олди.

Телефондаги савол-жавобдан сўнг унинг келишини кутишаётган экан. Ташқаридан қараганда кўримсизгина булган уч қаватли уй темир панжара билан ўралган эди. Омонулло дарвоза ёнидаги қоровулхонадан нарига ўта олмади. Қоровулхона одатдагидан кўра кенгроқ, учдан икки қисми бел баравар тахта тўсиқ билан ажратилган эди. Одамлар ўтиши учун мўлжалланган йўлак ўртасида худди метродаги каби очилиб-ёпиладиган тўсиқ қўйилган эди. Худди шу жойда тўхтаган Омонуллонинг гувоҳномасини кўришди. Аввалига тўсиқ ёнида турган йигит ҳарфма-ҳарф ўқиётгандай тикилди. Сўнг бир суратга, бир Омонуллога тикилди-да, гувоҳномани хона тўрида ўтирган ўрта ёш, тепакал кишига олиб бориб берди. Тепакал кўзойнагини тақди, бу ҳам камлик қилиб, тортмасидан тошойна чиқариб гувоҳномани синчиклаб текширди. Кейин ўнг томондаги компьютер тугмаларини босиб, беш-олти дақиқа давомида нигоҳини экрандан олмай утирди. Экранда жавоб ёзувлар пайдо бўлганидан кейингина буйруқ оҳангида «ўтинг» деб қўйди.

Омонулло аввал ҳовлига, кейин уч қаватли бинога ўтсам керак, деган фикрда «қаёққа борамиз?» деб сўради. Йигит унга жавобан жилмайиб кўйди-да, тўсиқни очиб, «Бу ёққа», деб тепакал томонга ишора қилди. Омонулло ичкарига ўтиб, тепакалнинг рўпарасидаги стулга ўтирди.

— Очиловда нима ишингиз бор? — деб сўради тепакал унга қаттиқ тикилиб.

— Ундан сўраб-билиб оладиган гапларим бор.

— Қанақа гап?

— Сиз билишингиз шартми?

— Шарт.

— Айттайлик, бир жиноятга оид гаплар бўлиши мумкин.

— Қанақа жиноят?

— Буни ҳам билишингиз шартми?

— Очиловга тегишли бўлса — шарт.

— Унинг хотини ўлдирилган.

— Қачон?

— Тахминан уч кун аввал.

— Очилов бир ойдан бери сафарда.

— Қаерда?

— Керакли жойда.

— Уни кўришим шарт.

— Келганида кўраверасиз.

— Қачон келади?

— Керак бўлганида келади.

— Аниқроғини ҳеч ким билмайдими?

— Очилов билан ишингиз бўлмасин. Жиноят юз бердим, жиноятчини топинг.

Сизга маслаҳатим: бу томонларга бошқа келмаганингиз маъқул.

— Хотинининг ўлганини хабар қилиш керакдир? Мурдани кўмиш керакдир? — деди Омонулло бир оз аччиқланиб.

— Хотинининг ҳеч кими йўқ эканми? — деб сўради тепакал пинагини бузмай.

— Отаси бор.

— Хотиржам бўлинг, отаси кўмаверади. Эри кўмиши шарт эмас.

Тепакал «гап тамом, сизга руҳсат», дегандай гувоҳномани узатди. Омонулло бу ердагиларнинг оддий қоровул эмасликларини тушуниб етган бўлса-да, тепакалнинг подполковник унвонида эканидан беҳабар эди. Шунга қарамай унинг кўрслигига жавоб бермади. Ўрнидан туриб хайрлашмоқчи бўлганида тепакал ўтирган еридан кўзғолмагани ҳолда қўл узатди:

— Шаштингизга қараганда Очиловга бошқача кўз билан қарамоқчига ўхшайсиз, — деди у. — Сизга маслаҳатим: Очиловни тинч кўйинг. Унга тишингиз ўтмайди.

— Қонун олдида ҳамма тенг, — деди Омонулло бу сафар қатъийроқ оҳангда.

— Сиз ўқиган мактабда шунақа ёзилганми? Ҳаётда эса, азизим, бутунлай бошқа. Шуни ҳали ҳам тушуниб етмадингизми?

... Тиш оғригидан қутулиб, фикри тиниқлашгач, ўша учрашувни, ўша тепакалнинг кейинги гапларини эслаб, уйга толди: «Нима демоқчи? Қотил Очилов бўлган тақдирда ҳам қўлингдан ҳеч нарса келмайди, демоқчимми? Шунчалик зирҳи қалинми бу идоранинг? Хўп кунларга қолдим-да! Жиноят илдинини топиб, «бандитизм» десам, «Бунақа гап йўқ, партия съездида СССРда бандитизмга барҳам берилган», деб гаранг қилишади. Мана, жиноятчини ушладим, десам, «тўхта, қамамай тур, коммунист экан, аввал партиядан ўчириб олишсин», дейди. Бошқасини «депутат экан», дейди. Энди бунисига нима дейишаркин?..»

Яхши ҳамки Абдуқаюм новвотранг «Волга»нинг рақамларини эслаб қолган экан. Ҳарбий прокуратура орқали машина ҳайдовчиси ҳам, полковник ҳам топилиб, сўралгач, Омонуллодаги гумон ҳақиқат сари янада яқинлашди. Айниқса, Очиловнинг ўнг қўлини «шиша кесиб кетгани», учоқда эса чап қўлини боғлаб олгани унинг аҳволини аён этгандай эди. Унинг назарида Очиловни ҳибсга олиш учун шу далилнинг ўзиёқ кифоя эди. Айни дамда уни бошқа нарсалар ўйлантирарди. Санжар Иброҳимовнинг қисмати оиласига маълум этилгач, улар учун гуё қиёмат бошлангандай бўлди. Яқинлари «жасадни беринглар», деб ўликхонани қамал қилиб олиш даражасига етдилар. Нафисанинг мурдаси эса, яна икки кун ўликхонада қолиб кетибди. Устига устак экспертиза бўлимининг «бўғиб ўлдирилган» деган хулосаси уни тамом лол қолдирди. Яхшики, дам ўтмай бўлим вакили келиб, бошқа қотиллик хулосаси билан адаштириб қўйганини маълум қилиб, узр сўради.

Кооператив бошлиғи Омонулло юборган вакилга «Иккови ҳам суюқоёқ эди, энди ҳайдамоқчийдим» дебди. Санжар Иброҳимовнинг укаси эса, Омонулло билан суҳбатда «Бизнинг уругда ҳаромга юрадиган одам йўқ. Акам ҳаромдан ҳазар

қилар эдилар», деб гапни калта қилди. Иброҳимовнинг хотини эса, утинч билан «адасидан бундай гумон қилманг», деб куз ёши тўқди. Уларнинг бу зорли гаплари марҳум хотирасини ҳимоя қилиш учунгина айтилмаётганини Омонулло сезди. Бу гапларга ишонди. Аммо «Эри сафарда булган чиройли ёш жувон билан унинг уйига нима учун келди?» деган саволга жавоб топа олмагани учун, марҳумнинг руҳи чирқираса ҳам, шу гумондан узоқлашмасликка мажбур эди. Эракнинг ҳаромдан ҳазар қилиб юриши аъло ҳол, бироқ... ўртада шайтони лаъин ҳам бор-да...

Марҳумлар хизмат қилган кооперативнинг бошлиғи гоятда тез гапирганидан ўзининг ҳам нафаси қайтиб кетувчи, чақчайган кўзларидан маккорлик нури сачраб турувчи одам экан. Омонулло «Одамнинг тили алдагани билан кўз қараши алдай олмайди, мен ҳар қандай одамнинг кузига бир қарашдаёқ кимлигини айтиб бера оламан», деб мақтанишни яхши кўрарди. Қайнатма шўрванинг кўпиги бўлгани каби, бу мақтанишнинг чегарадан чиққан ери ҳам бор эди. Аммо Омонулло юздан етмиш ҳолда адашмас эди, дейилса ҳақиқатдан четга чиқилмас. Уша юздан етмиш ҳолатнинг бири кооператив бошлиғини кўрганида амал қилди. Шу боис ҳам «Сиз марҳумларни яхши билармидингиз?» — деб сўрамай, гапни айлантирди.

— Кооперативда ишлар қалай, гуллаб-яшнаётими? — деб сўраб, бошлиққа тикилди.

— Ҳа, энди, қимирлаб турибмиз. Ҳукуматга раҳмат, ҳамма шароитлар бор.

— Гапингиз тўғри. Хоҳлаган қинғирликларга шарт-шароит миҳдай яратилган, буни биз биламиз, — Омонулло «биз» деган сўзни алоҳида урғу билан талаффуз этди. Бу алоҳида оҳанг бошлиқнинг миясига тўқмоқдек урилиб, бир сесканди. Лекин ўзини гўлликка солиб, хи-хилаб кулди:

— Ие, ҳали шунақалар ҳам борми? Қинғирликдан Худо асрасин. Ҳукумат шунча шароит яратиб берганига шукр қилиб тўғри ишлаганга нима етсин!

— Гапларингиз зўр... аммо сизда ҳам озгина бор экан, деб эшитдик.

Бошлиқ «Бунинг гапи чинми?» — деган фикрда киприкларини пирпиратиб, Омонуллога бир зум тикилди. Сўнг яна қувлик кўчасига ўтиб, жилмайди. Жилмайганда лабларининг сал титраганини Омонуллонинг зийрак нигоҳи илғади.

— Ҳазилингиз бор бўлсин. Биз «Худо ҳалолдан берсин», деб юрган бандамиз, акахон.

— Шунақами? Иброҳимов билан Болтаева бу қинғирликларни очамиз, деб юришган экан-ку?

Омонуллонинг бу тагдор гапи соясида «Улар сирни очмоқчи бўлганлари учун ўлдирилганлар», деган маъно бор эди. Ана шу маъно ўқ каби миясига санчилиб, бутун танасини зирқиратган ҳолда товонидан тешиб чиққандай бўлди. Энди юзидagi қувлик жилмайиши ҳам йўқолди. Бир оз ўйланди-да:

— Ким шундай деган бўлса, ўлган одамнинг гўштини ебди, — деди.

— Ўлган одамнинг гўшти? Гапингизга тушунмадим? — деди Омонулло ажабланиб.

— Гийбат билан тўхмат ўлган одам гўштини ейиш билан баробар экан.

— Шундайми? Унда сиз нима учун бу гўштни едингиз?

— Мен-а? Астағфируллоҳ! Нега бундай деяпсиз?

— «Булар суюқоёқ эди, ҳайдаб юбормоқчийдим» деган ким, сиз эмасми?

— Мен шундай дебманми?

— Хотиранингиз яхши эмасми? Сиз чет элнинг киноларини кўрмаганмисиз? —

Омонулло саволни беришга берди-ю, жавоб кутмади: — тугмачага жойлаштирилган магнитофонлари бор... Бизда шунақаси йўқ деб ўйлайсизми?

— Деган бўлсам дегандирман. Ачомлашиб ётишганда ўлдириб кетгандан кейин яна нима дейишим мумкин?

— Ким сизга «ачомлашиб ётишган» деди?

— Ҳамманинг оғзида шу гап. Узим кўрмадим. Эшитганимни айтяпман.

— Сиз шу одамларнинг раҳбари эдингиз. Нега анигини сўраб-суриштирмадингиз?

— Менга бунинг нима қизиғи бор?

— Сиз уларнинг суюқоёқ эканликларини исботлай оласизми?

— Уртоқ терговчи, мен сизнинг бундай саволларингизга жавоб бермайман.

Мени гўл деб ўйламанг. Мен ҳам юрфакни битирганман. Унча-бунча нарсага ақлим етади.

— Шундайми? — Омонулло киноя аралаш жилмайди. — Унда ўртоқ ҳамкасб, сиз баъзи дарсларга кирмай қочиб юрган экансиз. Сиз кирмаган дарсларнинг бирида «терговчи ишга алоқадор ҳар қандай саволни сўрашга ҳақли», — деб таълим берилган.

— Ҳозирги саволингиз ишга алоқадорми?

— Бўлмасам-чи? Мен уларнинг муносабатларини билишим керакми? Уйга нима учун боришган? Балки кооперативдаги қинғир ишларни ёзиш учун боришгандир? Жаҳлингиз чиқмасин, бу шунчаки гумон, холос. Биз сиз билан яна учрашамиз. Истасангиз адвокат ёлланг. Адвокат иштирокида гаплашинг, бу сизнинг ҳуқуқингиз.

Омонулло шундай деб изига қайтди. Аслида «кооперативдаги қинғир ишларни фош қилмоқчи бўлишганда ўлдирилган», деган гумони заиф эди. Лекин кооператив бошлигининг саросимаси бу заиф гумонга қувват бериб кўйди. Ён дафтарчасидаги «қотил ким?» саволи остига ёзилган «эри», «Отаси» деган жавоб ёнига «Бошлиғи?» ёзуви ҳам пайдо бўлди. Айниқса, эртаси куни бошлиқ номидан адвокатнинг келиши уни ажаблантирди. «Олий маълумотли юрист»дан бунақанги ҳаракатни кутмаган эди. «Бир балоси бор. Бўлмаса ҳе йўқ, бе йўқ ҳимоячи ёллайдими?» деб уйлаб, «бошлиқ?» деган ёзув тагига икки марта чизиб кўйдиди, бошқарма бошлиғига учраб, кооперативнинг молиявий аҳволи зудлик билан текшируви лозимлиги ҳақидаги фикрини баён этди. Фикр маъқуллангач, эртасигаёқ кооператив муҳрлини, текширув ишлари бошланди.

Қотилликка оид текширув қамрови кенгайгани сайин Омонулло саволлар, жумбоқлар гирдобига банди бўлиб бораверди. Гирдобдан чиқа олиш ёки тамоман муваффақиятсизлик баҳрига гарқ бўлиши ўзининг фаросатига боғлиқ эканини у яхши фаҳмларди. Бу каби гирдоб унинг учун янгилик эмас. Ҳар бир жиноятга доир ишнинг ўзига яраша ўрамаси мавжуд. Шунинг баробарида чуқишдан асраб қолувчи ҳимоя чамбараги топилмаса ҳам ушлаб олишга ярайдиган дарахт илдизими ё хасми, албатта бўлади. Энг муҳими уларни вақтида кўра билиш, маҳкам ушлаб олишда. Чуқаётган одам хасга тирмашганидек, у ҳам бирон бир далилга маҳкам ёпишади. Ҳозирги гирдобда у хас эмас, ҳимоя чамбаранини топгандай эди. Назарида уйдаги қонли излар айнан шу чамбаракнинг узи эди. Қолган далиллар сув ўрами каби уни ўзига тортар, аммо у халоскорликни айнан ўша қонли изларда деб ўзини ишонтирмақчи бўлади.

Омонулло бошлиғига кооперативда текширув ўтказиш ҳақидаги фикрини баён қилиб, унинг розилигини олгач, енгил тортди. У бошлиқ ҳузурига киришда «Сиз жиноятчини топиш билан шуғулланинг, кооперативнинг молиявий иши сизга алоқадор эмас», деб қолармикин», деган ҳадиқда эди. Яхшики жиноятнинг бир учи шу ишга бориб тақалиши мумкинлигини бошлиқ ҳам тушунди. Омонулло шундан хурсанд эди. Барча соҳалардаги каби уларнинг ишида ҳам баъзан бошлиқларга гап тушунтириш қийин бўлади. Айнан бир хилда фикрлайдиган, иш юритадиган бошлиқ билан ходимни топиш қийин эмас. Ўз фикри, ўз услуби бўлмаган одамларгина бошлиқ билан бир хилда иш юритадилар. Ақлли бошлиқлар бундай ходимлардан эҳтиёт буладилар. Бундайларни ўзларига яқинлаштирмайдилар. Айниқса жиноятга дахлдор ишларда бошлиқ чизган чизикдан чиқмай юриш яхши натижага олиб келмаслиги мумкин. Бошлиқ қанчалик тажрибали, билимли бўлмасин, ҳарҳолда у идора одамига айланади. Ҳар бир жиноят эса алоҳида олам. Бу оламнинг ўзига яраша, бошқаларга ўхшамайдиган паст-баландликлари бўлади. Идорадаги одам буларни ўтган тажрибаларига суюнган ҳолда пайқашни қийин. Бошлиқ шуни тушунса — ходимнинг омади юришгани. Омонуллога бу сафар шундай омад кулиб боққани учун кайфияти кўтарилди. Уйига эртароқ қайтиб ҳордиқ чиқаргиси, фикрларини тиниқлаштириб олгиси келди.

Тўққиз қаватли уйнинг йўлагига киргач, таъби тиррик бўлди: лифт ишламаётган экан. Еттинчи қаватга пиёда босиб кўтарилиш малол келди. Ҳаллослаб чиқиб борганига яраша уни бир меҳрибони кутаётган бўлса экан, дастурхон тузаса экан, эркалаб, меҳрибонликлар қилса экан...

Хотини Фотимани Ҳиндистонга кузатганидан бери уйи ҳувиллаб, кирган одамни ютаман, дейди. Саккиз йил муқаддам Фотиманинг бармоғига никоҳ узугини таққанида, сунг суйиб буса олганида хотинининг нозли илтимосларига «хўп» деб қўйиб, кейин ўзи афсусланиб юрар эди. «Шу хотиннинг нимасини яхши кўраман? Нимасига ишқибоз бўлиб олганман? Бир оғиз сўзимга илҳақ бўлиб юрганлар кўп эди-ку? Бўлди! Энди биронта илтимосини бажармайман!» деб онт ичарди. Аммо бу қасам кўргони Фотиманинг биргина ширин жилмайишидаёқ вайрон бўлиб кетарди. Фотима узун қора сочлари билан боғлаб олганмиди, ё ҳамиса кулиб турувчи шахло кўзлари билан ром этганмиди, ё қалдирғоч қаноти каби қоши, қайрилма киприклари билан қалбини ўзига бўйсундирганмиди — Омонулло билмайди. Билгани — Фотимани жондан ортиқ севади. Фотима эса... Омонуллони севадими ё ўзининг илмий ишиними? Мана шу жумбоқ баъзан юзага қалқиб чиқиб қоларди. Ушанда Омонулло «Мен сизга кимман? Бир қулман. Сизга энг

муҳими — илмий иш! Номзод бўлиб олай, дедингиз — бўлдингиз. Энди доктор бўлмоқчимисиз — буласиз. Кейин профессор бўлдингиз келади, кейин академик бўларсиз. Омонкул эса мишиқи боладай атрофингизда гирдикапалак бўлиб, хизматингизни қилиб юраверадиди», деб аразлайди. Шунда Фотима ёнар эди. Лов этиб эмас, атрофига учунлар сачратиб «яқинлашсанг — ютаман!» деб эмас, майингина, роҳатижон бўлиб ёнади. Ўзининг энг ишончли қуроли — ширин жилмайишини ишга соларди, юзидаги кулгичи эрининг араз ўтларини сундира қоларди. «Ўттиз ёшимгача чидайсиз, деб шарт қўйганмидим, сиз ўшанда кўнган-мидингиз? Ҳозир тўқсон фоиз сизникиман, ўн фоизинигина илмий ишимга берганман. Ёқлаб олай, юз фоиз сизники бўламан. Бошқа унвонларнинг орқасидан югурсам бетимга тупуринг. Мен учун энг муҳими — илм. Одамларга нимадири бериш. Агар ақлим билан илмим етарли бўлса сиз айтган мартабаларнинг ўзи келади. Нима, академикнинг эри бўлсангиз ёмонми? Академик кирингизни ювса, икки букилиб чой узатса... ёмонми?» Шу гаплардан кейин Омонулло араз нарвонидан пастроққа тушарди. «Ҳа... энди сиз ҳам хоним, генералнинг хотини бўлсангиз ярашармиди... Генерал бозорингизни қилиб берса, гиламларингизнинг чангини қоқиб берса, «бююрсинлар хоним!», деб қўл қовуштириб турса...»

Уларнинг биров учун аччиқ, бировга нордон туюлган, ўзлари учун эса ёқимли, ширин булган турмушлари шу зайлда давом этарди.

Ҳинд олимлари Бобур салтанатига оид докторлик ишни Ҳиндистонда давом эттиришни таклиф қилишгач, Омонуллонинг юраги бир увишди. Ярим йил ёлғиз яшаш ҳазилакам гапми?! Фотима «Бормасам бўлмайди!» деб икки оёқни бир этикка такиб, жанжал қилмади. Одатига хилоф равишда «Сиз нима десангиз шу — астойдил рози бўлсангиз, бораман, кўнглингизга хиралик аралашса — қоламан», деб кўйди. Омонулло нима дерди: «Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайман», дейди-да! Бунинг учун Фотима Омонулло учун қутилмаганда тантанали ваъда берди: докторлик диссертациясини ёқлагач, то илмий иш Москвадан тасдиқ этилиб, диплом қўлга теккунича Ҳасан-Хусан тугиб берадиган бўлди. Бу гапни худди «Дўконга чиқаману икки қути гугурт ё туз олиб келаман», деган тарзда айтди. Омонулло эса ишонди. Уйи Ҳасан-Хусанлар билан тўлиб кетгандай кўнгли ёришди. Тўғри, «Ҳасан-Хусан эмас, балки Фотима-Зухра булар», деб ҳам уйлади. Лекин унинг учун бу муҳим эмас, муҳими — хотини тўғишга рози! Рози бўлганида ҳам белгиланган муддатдан икки йил аввалроқ тугиб бермоқчи. Матбуотчиларнинг тили билан айтганда «планни муддатидан аввал бажармоқчи!» Бу катта ютўқ!

Шу пайтгача ўттиз ёшдан кейин, деб белгилаган муддатни астойдил ҳимоя қиларди. Бунинг фақат ўзининг илмий ишлари билан изоҳламай, тиббий жиҳатдан «илмий исбот» ҳам топган эди. Нима эмиш, ўттиз ёшдан кейин тугса, болалари зеҳнли, ақлли, ҳам жисмонан бақувват бўлармиш. Бу даъвони эшитиб, Омонулло кулган эди. «Нимага куласиз?» деган эди Фотима. «Менинг бир танишим бор, — деб жавоб қайтарган эди Омонулло, — у туғилганда отаси йигирма бир ёшда, онаси ўн тўққизда бўлган экан. Мен ўша танишимни кўп кузатганман: зеҳни паст аҳмоққа ўхшамайди. Ҳарҳолда у салкам фан доктори-я! Жисмоний жиҳатдан ҳам унчалик нозик эмас...» Фотима ўзи ҳақида айтилган бу гапга жавоб беролмай, «Бу алоҳида масала», деб қўйган эди.

Ҳиндистонга кетишидан ун кун аввал Омонулло уйга ярим кечада қайтди. Тунда қайтадими ё саҳардами — Фотиманинг ухламай қутишини яхши билади. Фотима бошқа хотинларга ўхшаб хавотир олмайди, десак ноинсофлик булар. Ҳақиқатга кўчсақ, улчами йўқ, сизими мавҳум бу хавотир деганлари ўлчанса, Фотиманики ҳамманикидан кўпроқ чиқар. Фақат у бошқалар каби «Эрим қачон келаркин?» (ёки «Эрим ким билан айшини суриб юрганийкин?») деб жағини дераза тоқчасига тираб, кўчага тикилиб ўтирмайди. Омонулло қай пайтда келса ҳам уни ёзув столига мук тушганча ёзиб-ўқиб ўтирганини кўради.

Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Фотима бу сафар ҳам одатини қанда қилмади — «қаёқларда юрибсиз?» демади. Урнидан туриб салом бергач, ошхона томон юрмоқчи бўлганида эри тўхтаб, «қорним тўқ», деди.

— Ҳм, ўғрилариңгиз тўйдириб юборишдими? — деди Фотима ўзига ярашиқли киноя билан.

Бошқа хотинлар «ўйнашларингиз», жуда маданий тарзда айтса — «хушторларингиз тўйдириб юборишдими?» дейишаркан. Фотима эса ҳаммиша «ўғрилариңгиз» дейди, бу сўзни айнан айтади, унинг панасига «ўйнаш» деган маънони яширмайди.

— Қамашдан олдин зиёфатини ейиш керак-да, — деди Омонулло хотинига жавобан, сўнг стол устидаги китобга кўз ташлади. — Нима ўқиясан? Яна «Бобурнома»ми? Юзинчи мартами?

— Минг марта ўқишим керак. Ҳар ўқиганимда биттадан маъно топсам мингта маъно топган буламан.

— Жонингга тегмайдимми?

— Ўғрилларингиз сизнинг жонингизга тегишмайдимми?

— Ў... уларсиз яшай олмайман, — деб кулди Омонулло.

— Мен ҳам бу китобсиз яшай олмайман.

— Менсиз-чи?

— Гапни бурманг. Сиз кучада хуштак чалиб юрадиган оддий милиса эмассиз.

Олий маълумотли зиёли одамсиз.

— Бунинг устига бўлажак академикнинг эриман.

— Ҳа. Шунанга десак ҳам бўлади. Лекин сиз гапни бурманг. Сиз менга айтинг: Бобурни билмаган, тушунмаган одамни зиёли дейиш мумкинми? Қани. мана бу ерга ўтиринг-чи?

Омонулло кулимсираган ҳолда итоат этди.

— Кулманг, деяпман.

— Хоним, тарих дарси учун туннинг қолган ярми етарли бўлармикан? Балки бошқа тунга қолдирармиз?

— Йўқ, ҳозир айтмасам, ёрилиб кетаман. Эшитинг: — Фотима шундай деб китобнинг керакли варағини очиб, ўқий бошлади: — ...Муҳаммад Ҳумоюн олти ойгача анда эди: зоҳиран ани ер ва суйи хуш ёқмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар «Тушундингизми? — Фотима китобдан бош кўтариб, эрига гапир кетди: — Бобурнинг ўғли хаста экан. Уни аввал Дехлига, кейин кемага ўтказиб Ограга олиб келишни буюряпти. Ҳумоюн мирзога табиблар чора топиб беришолмагач, Мир Абулқосим деган киши айтади, — Фотима энди ёддан айта бошлади: — «Ушмундоқ дардларга даво будурким, яхши нимарсалардан тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки Тангри таоло сиҳҳат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ булайин, Худой қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқарриблардин арзга тегурдиларким, Муҳаммад Ҳумоюн сиҳҳат топар, сиз бу сўзи нечун тилингизга келтурасиз? Гараз будирким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўша олмоским, Иброҳимни урушида тушуб эрди...» Бу ерда дунёга машхур Кўхи нур олмоси назарда тугилаётган бўлса керак. Тушуняпсизми? Улар «ўзингизни эмас, шу қимматбахо буюмни садақа қилсангиз ҳам етар», дейишибди. Бобур нима дебди? «Тилга келдиким, дунё моли анинг эвазига нечүк булгай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкул булбдур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқатлигини тоқат келтургайман. Ушал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулүб, дедимким, мен кутардим ҳар не дардинг бор. Ушал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сиҳҳат бўлуб кўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим...» Хуш, бунга нима дейсиз? Қайси подшо ўғлига жонини садақа қилган? Ҳусайн Бойқароми? Икковини солиштиринг: бири набирасини ўлдиртирди, бири жонини ўғлига ҳадя қилди.

— Мен ҳам гапирсам майлими? — деди Омонулло худди уқувчи бола каби қул кўтариб. Фотима сал чегарадан чиққанини фаҳмлади-ю, аммо сир бой бергиси келмай бир оз жилмайган ҳолда амр этди:

— Гапиринг, уртоқ капитан, сўз сизга!

— Биринчидан, бу сатрларни менга аввал ҳам ўқиб берган эдингиз, хоним. Иккинчи гапим шуки, аввал айтмовдим, энди айтаман: агар менинг ўғлим бўлганида уч марта эмас, уч минг марта атрофини айланардим. Битта эмас, уч мингта жоним бўлса, ҳаммасини садақа қилиб юборардим.

Фотима ярим тундаги суҳбатнинг бу тарзда нозик торларни чертиб юборишини сира кутмаган эди. Шу сабабли таслим бўлишдан ўзга чораси қолмади. Китобни ёпди. Киприклари нигоҳини тўсди. Синиқ овозда:

— Овқат емайсизми? — деб қайта сўради. Сунг эрига илтижо билан боқди: — Яна озгина сабр қилинг...

Омонулло ҳозир уй йўлагида туриб шуни эслади. Ҳовлида ўйнаб юрган болаларга қараб ҳаваси келди. «Уйланган йилим туғиб берганида ҳозир етти ёшга туларди. Қулидан етаклаб юрардим. Мактабига олиб бориб, олиб келардим. Узи Ҳиндистонида юрса юраверарди...»

Ажр

«Қизимни урган қўлларинг акашак бўлсин! Сен менинг қизимни урдинг — сени Худо урсин! Менинг қўлларим сенинг ёқангда! Қиёматгача қаргайман сени!» Қайнонасининг фарёд билан айтган бу сўзлари хотирасига михланиб қолган.

Ушанда суд ҳукмини кутиб утирган эди. Қайнонаси айёҳаннос солиб кирди. Қарғади. Қаргаб-қаргаб хуморидан чиқмади. Дод солиб йиглайверди. «Суд ишига халақит беряпти», деб уни қарийб судраб олиб чиқишди. Унинг фарёди ташқарида ҳам тинмади.

У аввалига қайнонасининг қарғишларига тушунмади. Хотинининг ўлганини кейинроқ билди. Билди-ю, қўрқиб кетди. «Агар бу ўлимни ҳам елкамга юклашса, раҳм қилишса ўн беш йил беришади, бўлмаса отишлари тайин», деб ўйлаб юраги орқасига тортди. Ҳар тугул «тракторни маст ҳолда ҳайдагани, «Жигули»га урилгани, ҳайдовчининг жароҳат олгани...» қамалиш учун кифоя қилди. Қўлига кишан уриб, суд хонасидан олиб кетишди. Ўша онларни кейинчалик эсласа «Бахтимдан ўргилай», деб қўядиган бўлди. Хотини ўша кунни эмас, икки-уч кун аввалроқ ўлганида отувдан қўтулиб қололмаслиги тайин эди.

Судга нима, «урганигда жигари ёрилиб кетган», деб қотиллик жандасини бўйнига илади. Қайнонасиникига бориб жанжал қилгани, хотинини қувиб юриб урганини билишгач, «қасддан ўлдирган», деб ҳукм чиқариб юбораверишади.

Қасддан... Хотинини ўлдириш хаёлига келганмиди ўша дамда? Қайнонасиникига нима учун борган, хотинини нима учун урган — ўзи ҳам билмайди. Эсида қолгани: шийпонда меҳмон кутадиған бўлишди. Раиснинг муовини келиб, унга «тракторингни тутатма. Бугун нозик меҳмон келадиғон, би-ир пазандалигингни курсат», деб кетди. Раиснинг меҳмон кутадиған боғи, ўзининг ошпази бўлса ҳам меҳмоннинг бу ерда қутилиши улар учун тушунарсиз ҳол эди. Унинг пазандалигига кўпчилик қойил қоларди. Ўзи ҳам қозон атрофида яйраб кетарди.

Хуллас, меҳмон келди. Овқат ейишининг тайини ҳам йўқ, озгингина одам экан. Жуссаси нозикмиди ёки амали нозикмиди, билишолмади. Билишга қизиқишмади ҳам. Меҳмон кетгач, зиёфатни ўзлари давом эттиришди. Бир томондан куннинг иссиғи, яна бир томондан ҳалқумларини қиздириб утган шайтоннинг сийдиги таъсир қилиб, шомга қолмай юмалаб қолишди.

У шом салқинида бир оз ўзига келиб, кўзини очди. Шисаларда, пиёлаларда қолган-қутганини тўплаб, нафсини ором олдиртиргач, бир амаллаб тракторига чиқиб олди. Уйга боргани эсида. Онаси нимадир деди. Нима деганини кейин ҳам эслай олмади. Сўнг қайнонасиникига борди... Қайтишда бир машина рўпарасидан чикди. Кейин билса, унинг ўзи трактори билан машина рўпарасидан чиққан экан.

«Шўнга ёш умрини жувонмарг қилиб қамаш шартмиди?..»

Унинг хулласи шу эди.

Кўп нарсалар эсидан чиқиб кетди. Лекин қайнонасининг фарёдини унута олмади. Қамокда юрганида ҳам, кейин ҳам вақти-вақти билан қўлоғи остида жаранглайверди. Ҳар жаранглаганда бир чўчиб тушади. «...Сени Худо урсин!..» Ибодатсиз бўлса ҳам қўрқарди бу қарғишдан. «Худо қанақасига урар экан?» — деб кўп ўйларди.

Тошболта Худонинг қанақасига уришини мана энди билгандай бўлди.

Бу ожиз банда, бу нодон банда, бу шайтон измидаги банда фоний дунёдаги ҳар бир ҳаракати, ҳар бир айтган гапи учун ажр мавжуд эканини, ҳатто қизининг ўлими ҳам ўзига яраша мукофот эканини англаб етмаган эди.

У «норасмий куёви», бир вақтлари ўзининг таъбири билан айтганда «вали-неъмат» бўлмиш Турсуналининг қўлига кишан урилганида кўп ҳам қайғурмади. Топар-тутари яхши, обрў-эътибори ҳам баланд чин куёвга ёлчиганидан сўнг Турсунали кўзига шумқадам бўлиб кўринаётган эди. Шилқимлиги бир кунмас бир кун қизининг оиласини бузиши мумкинлигини ўйлай бошлаган, аввалги фикрларидан қайтган, бой амалдорга уйнаш бўлишнинг қисқа умрли бахт эканига тушуниб етган эди. «Эрта-индин урилиб кетиш эҳтимолидаги амалдорга уйнаш бўлишдан, тағида вертолётни бор олимга хотин бўлиш минг марта афзал», деган тўхтама келганида унинг мушкулотини Худонинг ўзи енгиллатиб берди — уйнашни йўлдан олиб ташлади. Унга қадар «норасмий куёв»нинг марҳамати билан Сибирия шаҳарларига мева-чева олиб бориш сотишни касб қилаётган эди. Бу иш билан шу пайтгача шугулланиб келган одамлари Турсуналининг назарида ғирромлик йўлига ўтишган, унча-мунча пулни ўмариб қоладиган бўлишган эди. Гулдай қизининг номусини ҳаёда этишдан қайтмаган Тошболтанинг садоқатига ишониб, Магаданга олиб бориладиган бир вагон помидорни унга топширди. Тошболта пулга кўшиб, бу ерларда топилиши кийин бўлган тилла-жавҳар буюмларни олиб келиб бергач, мулжални беҳато олганидан ўзича қувонади. «Мен буни бир лақма ошпаз деб юрсам, балонинг ўқи экан-ку!» деб ишонч дарвозаларини кенгроқ очди.

Тошболтага айнан шу — ишонч дарвозасидан ўтиб, ичкарироқ кириб, яхшироқ ўрнашиб олиш керак эди. Аслида у юлдузни бенарвон урадиган тоифадан эмасди. Турсунали гумон қилганидек озгина лақмалиги ҳам бор эди. Аммо катта-

роқ даромаднинг хиди димоққа урилса ҳийла бош кутариб, лақмаликни кувар экан. Вагон Магаданга етиб боргунича шерикларининг суҳбатларига зехн солиб, пулни пулга уриштириб тилла «ясаш»ни ўрганди. Магадандаги мижозлар эса «директорга яқин одам»ни ўзларига оғдириб олиш учун бу касбнинг сир-саноатларини ўргатдилар. Пулнинг бир қисмига жавҳар кўзли тилла узук олиб бориш ҳам ана ушаларнинг маслаҳати билан бўлган эди. Биринчи сафардаёқ киши билмас тарзда пулдан ўмариб қолди. Турсунали унинг «садоқати»дан, «виждонан ишлаши»дан мамнун бўлган ҳолда фойдадан тузукроқ улуш ажратди. Чунтак пулга тўлғач, юриш-туриш ҳам бўлакча бўлди. «Кўрмаганнинг кўргани курсин», деганлари шу-да!

Турсунали қамалди-ю, «норасмий қайнота»сини икки жумбоқ қафасига солиб кетди. Биринчи жумбоқ — тилла безакларга оид эди. У Сибирия томонлардан ҳар сафар тилла-жавҳар олиб келарди. Турсунали қамалиб уйи тинтув қилинганда «бойлик чиқмаган» эмиш. «Бойлик топишни билган яширишни ҳам билгандир, аммо қаерга яширган?» Тошболтанинг тинчини олган жумбоқнинг асосийси шу эди. Қизидан бир неча марта суради. Нафиса «билмайман», деб елка қисиб тураверди. Иккинчи жумбоқ Сибирга қатнашнинг тўхташи ёки тўхтамаслигига боғлиқ эди. Унинг бахтига янги директор бегоналардан бўлмади. Узининг кўлидан таом еб юрган, Турсуналининг маишатига шерик бош муҳандис йигит директорнинг курсисига ўтирди. Бир ой мобайнида боғдаги меҳмонхонага қадам босмади. Келган меҳмонларни ҳам идорадан нари кузатаверди. Янги «ҳалол» раҳбарнинг ибратли ишлари ҳақида гап-сузлар бошлангач, устозининг йўлига пинҳона тарзда ўта қолди. Мева-чева пиша бошлагач, Тошболтани чақириб, Сибирия сафари ҳақида суриштириб, ишни аввалгидай давом эттириши лозимлигини айтди. Сунг:

— Нафисахон соғ-саломатмилар? Бу томонларга би-ир келаман, ҳам демайдилар-а? Келсалар беҳабар қолмайлик, — деб кўйди.

Бу билан устозининг меросхўри сифатида ўйнашга ҳам эга чиқажагини шипшитган бўлди.

«Оббо, хунаса-е, сенинг ҳам дардинг борми?!» — деб ўйлади Тошболта гашланиб. «Э, бола, менинг қизим фоҳиша эмас, эри бор, уй-жойи бор!» — деб силтамоқчи бўлди-ю, ўзини тийди. «Гапираверади-да, кўз тиккани билан қизим келиб тушади ётиб олармиди», — деб ўзини овутиди.

Эл оғзида «От босмаган жойни той босади», деган нақл юради. Шунга кўра Турсунали от бўлса, шогирди той мисол эди. Кўполроқ тарзда тавсиф берилса, Турсунали тупиргану у ялаган эди. Устози қамалганида унинг ҳам пайтавасига кўрт тушди. Ҳарҳолда устози ошни ўзи ошалагани билан унга ялатиб турарди. Янги директор яратганга эмас, раҳбарларига шукр қилади: ҳар туғул ошалаганларни олишди-ю, ялаганларга марҳамат дарвозаларини очишди. Улар англашмадики, ялоқхўрларнинг нафси ошалаганлардан ҳам бузукроқ бўлади. Ошалаган қорни тўйгунча ейди, Ялоқхўр эса кўзи тўйгунича. Кўзнинг ҳеч қачон тўймадлиги эса барчага аён. Хусусан, катталарнинг хизматини қилиб юриб феъл-атворларини билиб олган Тошболтага ҳам маълум бу. Шунинг учун ҳам қизи тилга олинганда унинг кўзларини уйиб олгиси келган бўлса-да, ўз аравасини ўзи тортиб кетишга қурби етмагани сабабли ўзини тийди. «Ялоқхўр» деб янги директордан нафратлангани билан тиржайиб, унга қуллуқ қилиб туришга мажбур эди.

Янги директор ҳам Тошболтани суймас эди. «Белида белбоғи бўлса гулдай қизини хужайинга ўйнаш қилиб қўярмиди», деб ғижиниб юрарди. Бу ғижиниш покизалик аломати эмас, балки рашк оловининг меваси эди. Турсуналининг қилмиши ҳаромнинг узи бўлгани каби бунинг гашлиги ҳалоллик эмас эди. Баъзан бу гўзалнинг бир кечалик оғуши учун дунёсини беришга рози бўлиб кетарди. Омадини қарангки, дунёсини бермаса ҳам жонон нақд бўлиб қолди. «Бу Ошболта деганлари ҳозирча хизматимни қилиб юраверсин. Вақти келганда бир тепсам энасиникига кириб кетади» — янги директорнинг мўлжали шу эди.

Бир-бирларини ёмон кўрганлари билан уларни нафс деб номланган кўринмас занжир маҳкам боғлаган эди. Нафснинг миқдорини ўлчайдиган тарози бўлганда ҳам қайси бириники бузукроқ эканини аниқлаб бера олмас эди. Нафсга банди бандалар шу ҳолатларида бир-бирлари билан мураса қила оладилар. Покиза ҳаётни афзал қилувчилар эса арзимаган масалалар бўйича гап талашиб, оқибатда иттифоқ қила олмайдилар ва оқибатда нафсга банди бандалар етказган зулдан азоб чекиб нолий бошлайдилар.

Тошболта ҳам, янги директор ҳам қиморбознинг «гардкам!» дейиши каби таваккал қилган эдилар. Дастлабки иттифоқ икковлари учун ҳам манфаатли эди. Айни чоқда иккови ҳам ажралиш онларига тайёргарлик кўрардилар. Янги директор Тошболтанинг аввалги каби садоқат билан ишлашига ишонмагани сабабли

унинг ўрнига «ўз одами»ни тайёрларди. Тошболта ҳам янги ҳўжайин эскиси каби марҳаматли бўла олмаслигини англаб мустақил иш юритишни, ҳатто бошқа ерга кўчиб кетишни кўзларди. Шу боришда Сибирияда орттирган ошналари билан маслаҳат қилиб айрим ишларни пишитди. Янги директорга топширадиган пулдан кўпроқ уриб қолиб, ноёб моллар харид қилди. Сафардан кўнгли тўлиб, яхши ниятлар билан келиб, қизи яшайдиган уй эшигини очди-ю...

Яратган тайёрлаб қўйган мукофотлардан бири — шу эди...

Кўзларига ишонмади. Худди туш кураётгандай бўлди. Эшикни очиши билан димоғига сассиқ ҳид урилганида «Эри билан кетган бўлса, овқат-повқати ҳидланибди», деб ўйлади.

Кейин... аввал нотаниш эркакнинг жасадини куриб бир сесканди. Сўнг қизининг аҳволини куриб, танасидан жони чиқиб кетгандай бўлди. «Қизим! Нафис!» — деб бакирмоқчи эди, овози пичирлаб чиқди. Кўз олди қоронгилашиб, ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ана шу қоронгулик қаъридан қайнонасининг ҳайқириғи отилиб чиқди: «Сени Худо урсин!»

Милицияга хабар қилгач, юкларни ичкари олиб кирди-да, жомадон устига ҳолсизланиб утирди. Бошини чангаллаб, тебранди. Йиглаши керак эди — йиглай олмади. Йиғи ҳам Оллоҳнинг неъматидан экан, раҳм қилганига берар экан бу неъматидан. Яратган Тошболтага бу онда йиғисиз руҳ азобини раво кўрди.

Поездда келаётганида юраги ғаш эди. Ғашликни ёйиш учун шериклари узатган ароқни қайтармай ичаверди. Икки тун кетма-кет биринчи хотинини тушида кўрди. Хотини озиб кетган, эти устихонига ёпишган ҳолда эмиш. Ҳолсиз эмиш, хаста эмиш. «Мени қарайдиган йўқ, меҳрибоним йўқ», деб йиғлар эмиш. Кўзларидан оққан ёш муз доналарига айланиб қолармиш. Тошболта «Сени бу ердан олиб кетаман», деб опичиб олганмиш. Хотини эса йиглаб, ялиниб «йўқ, олиб кетманг, ўзингиз келинг», дер эмиш.

Тошболта эрталаб уйғониб, бу тушидан ажабланди. У туш йўйишни билмас эди. Ҳарҳолда бу туш яхшилиқка ишора эмаслигига ақли етди. Кейинги уйқусида хотинини яна кўрди. Хотини жулдур кийимда эмиш. Кейин қайнонаси пайдо бўлди. У қарғади, қаргайверди, хотини эса кулди, кулаверди...

Жомадон устида бошини чангаллаганича тебраниб утирган Тошболта шуларни эслади.

Кейин... одамлар келишди.

Кейин... терговчи сўроқ қилди...

Буларнинг ҳаммаси туш каби эди. Гўё ҳозир уйғонадигандай, даҳшатли туш барҳам топадигандай эди.

Текширувчилар текширадиганларини текшириб бўлишгач (Сибириядан келтирган моллари ҳам эйтибордан четда қолмади — хатга туширилди), «уйни беркитиб, муҳрлаймиз», дейишди. Қалби муҳрланган банда уйни муҳрламоқчи бўлганларга нима ҳам дея оларди? Бошини ҳам қилиб уйдан чиқди. Қизининг ному-си сотилганда эгилиши лозим бўлган бош ажал тиги кўзғолгач, биратўла эгилди.

Тошболта уйига анчагина мол-дунё кўтариб келишни режа қилган эди. Бу сафар адоқсиз алам-ғам дунёсини елкасига ортмоқлаб кириб келди. Эрини ғамнок аҳволда кўрган Адолат аввалига ажабланиб қараб турди. Кейин уч-тўрт қадам қўйиб, пешвоз чиқди-да, «Саломалайкум», деб савол муҳрланган назарини эридан узмай қараб турди. Савол сўралмаган бўлса ҳам Тошболта бу қарашда «Ҳа, нима бўлди, юкларингиз қани?» деган маънони уқиб ғижинди-да, ичида «Ҳе, саломинг бошингни есин!» — деб қўйди.

...Тошболта қамоқдан чиқиб қишлоғида узоқ яшай олмаган эди. Худди биров атайин уюштираётгандай қайнонасига, қайноғасига, қайниларига дуч келаверди. Улар, айниқса қайнонаси, тилда қарғамасалар ҳам кўз қарашлари билан қарғардилар. Тракторчиликка бирга ўқиган ошнаси чўлдаги янги совхозда бригада бошлиғи экан, онасининг зиёратига келганда Тошболтани учратиб, ишга таклиф қилди. Тасодифни қаранг-ки, ўша йили Адолат ҳам «қалб даъвати» ва комсомол йўлланмаси билан «чўл қўвгани» келган экан. Унинг шаҳардаги қилиқларидан беҳабар Тошболта жилмайиб қўйишларига хуштор бўлиб, «ўқитувчи халқи яхши бўлади», деб одам кўяди. Адолат «қамалиб чиққан тракторчига тегаманми», деб нозланиб ўтирмади. Зеро, бу ерга келишдан мақсади чўл қувиш эмас, бирон лақмани топиб эр қилиб олиш эди. Унга номи учун эр бўлса бас эди. Шунга биноан шоирларнинг тили билан айтилса унинг мақсади «чўлқуварлик» эмас, «эрқуварлик» эди. Тошболта уйлангач, «хотинимнинг исми ўзига мос экан», деб қизини олиб келди. Дастлаб турмушидан рози эди. Адолат кўп жиҳатлари билан биринчи хотинидан аълороқ туюлди. Кейин, кейин асал ойлари тугаб, заҳар кунлари бошлангач, «Агар Адолат дегани шу бўлса, адолатига минг лаънат!» деб пешонасига шапати урди. «Қўшнинг ёмон бўлса, кўчиб қутулсан, хотининг ёмон

булса куйиб кутуласан», дейишади. Тошболта бу мақолни биринчи ким тўқиганини билмайди. Билганида эди, уша айтган одам ҳаёт бўлганида эди, унга тик боқиб: «Бекор айтибсан! — дерди. — Гапимга ишонмасанг, ана Адолат деган шайтоннинг урғочисига уйланиб кўр-чи, куйиб кутула олармикансан!»

Ёмон хотун шайтон қамчисидур,
Қулунг боғлағувчи аргамчисидур.
Ушал хотунки номаҳрам назардур,
Агар у шамсу қамардур мочахардур.
Агар чандики бузрукзодадур ул,
Яқин бил, тўрт оёқлик модадир ул...¹

Айни чилла пайтида бригадаларига бир мухбир келиб, қамиш чайлада ошхўрлик қилиб, «юзта-юзта отиб» ўтиришганда ёмон хотиндан гап чиқди-ю, меҳмон шу сатрларни ўқиб берди. Айрим сўзларига яхши тушунмаса ҳам шеър Тошболтага маъқул келиб уч марта қайта ўқиттирди. Мухбир йигит «хотин ойдек бўлса ҳам, кўёшдек бўлса ҳам, агар у ёмон бўлса урғочи эшакнинг ўзидур» деб изоҳ бергач, тўлқинланиб, кўзлари ёшланиб «акам бўласиз!» деб чўлпиллатиб ўпиб кетди. Сунг сатрларни бир парча қоғозга ёздириб ҳам олди. Кайфи тарқагач, шеърни ҳам, сатрлар ёзилган қоғозни ҳам унутди. Кўйлаги ювиладиган бўлганда Адолатнинг қулига тушиб, у лабини бурди. Шеърни уша мухбир ёзган деб уйлаб, эрига дашном берди-да «ўшанингиз бекорларни бештасини айтибди, шайтон урғочи бўлмайди, эркак бўлади, шеърда ҳам «ёмон хотун эмас, ёмон эркак дейилган», деб донолик қилди. Унинг ишонч билан айтган гапларини тинглаган киши «шайтонни шу туққанга ўхшайди, шайтоннинг эркаклигини аниқ билиптику», дейиши мумкин.

Эр-хотин орасида биринчи жанжал чиққанида Адолатнинг ўзи унга «овора бўлманг, мени қўя олмайсиз. Мендан фақат ўлибгина кутуласиз», деб дангал айтган эди. Тошболта нима қилсин, тақдирга тан бериб яшайверди. Фақат ичиб олган кезлари дўстига ҳасрат қилиб «э, ошнам, сен менинг дардимни билмайсан, пешонамнинг шўрини ўлчаш учун трактор тортадиган тарозининг ҳам кучи етмайди», деб нолирди. Адолат эса меҳрибонлик қилиб унга яна учта қиз туғиб берди. Қизлари туғилгунча бир нави эди. Ана ундан кейин Нафисанинг ҳам қора кунлари бошланди. Угай она қандай бўлмоғини билмоқ истаганлар Нафисадан сўрасалар эди, у айтиб беради. Угай оналарнинг зулми ҳақида ҳикоялар кўп. Адолат улардан ўтса ўтардики, кам эмас эди. Нафисани Турсуналига рўпара қилиш фикри дастлаб айнан шу хотиндан чиққани инobatга олинса, макр бобида тенгсиз эканини англамоқ мумкин.

...Тошболта ўликхонага олиб кетилган қизининг мурдасини қачон олиши мумкинлигини сўрашни ҳам унутиб, қишлоғи сари йўл олганида Адолатнинг уша фикрини эслади. Эслади-ю, бўғилди. Шунда ҳам «Аҳмоқ хотиннинг гапига кирган — мен аҳмоқ!» демади. Унинг ақлсиз ақлига бундай гапнинг келиши мумкин ҳам эмасди. Бунинг ўрнига «Нафисани директорга кўшингу кейин Турсуналини соғин сигирдай соғиб жураверинг», деган тилларини узиб олгиси келди. Қандай қилиб кўшишни ўргатган бу хотинни уша пайтда ўлдирмаганига ачинди. «Ўлдирганимда мени ҳам отишарди, бу азобларга дучор бўлмас эдим...»

Тошболта қизининг шу йўл билан бахтли бўлишига ишонган эди. Дастлаб бахт кўёши чарақлаган ҳам эди. Бу нурдан унинг хонадони баҳраманд эди. Уйлари гиламлар... рангли телевизорлар кирган эди. Сибирияга қатнай бошлагач, у эртақдаги балиқчи чолга, Адолат эса кампирга айланди-қолди: тешик тоғорага қаноат қилмади, саройга ҳам... Уйлари директорникидан кам эмасди... Навбат «Жигули»га етганда...

Бахт кўёши бирдан сўнди. Бахт кўёши деб уйлаб юрганлари алдамчи кўриши экан. Бу кўёш деб уйлаганлари нур эмас, қон сачратаётган экан.

Тошболтанинг назарида буларнинг барчасига Адолат айбдор эди. Уйига кела келгунча бу фикр қатъий қарор қувватини олди. Шу боис ҳам саломига алик олмай «саломинг бошингни есин», деб кўйган эди.

Тошболта айвонга тушалган кўрпачага омонат ўтирди. У аслида уйга кирмай қишлоқдаги ошналариникига бориб бошига тушган кулфатдан огоҳ қилмоқчи, «қаерга кўмганимиз маъқул, шу ергами ё қишлоққа? Тоғаларига хабар берайинми ё йўқми?» деб маслаҳатлашмоқчи эди. Кейин фикрини ўзгартириб, хабар бериб кўяй, деб йўлни уйга бурганди. Кўрпачага ўтиргач, бир хўплам чой умидида хотинига қаради. Хотин эса унинг рўпарасига ўтириб

¹ Ҳазрат Сүфий Оллоҳердан.

олди. Тошболта чой сўрашни ҳам, кулфат хабарини айтишни ҳам билмай гаранг, Адолат эса эрининг аҳволига тушунмай ҳайрон эди. Хотин кишининг сабр косаси эркакнига нисбатан саёзроқ бўлади. Шу боис ҳам биринчи бўлиб Адолат тилга кирди.

— Ҳа, мунча; мен еб сиз қуруқ қолгандай тумтайяпсиз? Нима бўлди, ёрила қолинг!

Тошболта учун бу гаплар янгилик эмасди. Авваллари эшитганда «э, учир!» — деб қўя қоларди. Ҳозиргиси гўё ўқ бўлди-ю, азоб исканжасидаги юрагига қадалди.

— Унингни учир, қанжиқ! — деб бақириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Кучли, айна дамда аламли ҳайқириқ билан отилиб чиққан бу ҳақорат Адолатнинг ҳушини олди. Унча-бунчага гап бермайдиган, бўйин эгмайдиган бу хотин чиндан ҳам «унини ўчиргани маъқул»роқ эканини англаб, чаққон ўрнидан турди-да, ошхонага қараб юрди. Бир оздан сўнг чойнак-пиёлани кўтариб келиб, эрига чой куйиб узатди:

— Дадаси, ичинг, ҳовурингиз босилади.

Илик лафз билан айтилган бу гап ҳам Тошболтага малол келди.

— Ҳовурим босилсинми? Ҳовурим босилишини истаб қолдингми? Ҳе, энангди... Ҳе, сени менга рўпара қилганди... — деб туриб туйқусдан пиёлани отиб қолди. Адолат чаққонлик қилиб бошини эгиб қолмаганида пиёла нақ пешонасига тегарди. Эрининг феълени яхши билган Адолат газаб утининг аланга олишига йўл қўймаслик мақсадида чаққон ўрнидан турди. Бундай ҳолатда кўп аёллар қочишга, беркинишга ҳаракат қилишади. Адолат эса ўзини танк остига ташлайдиган жасур аскар каби эрига яқин келиб, елкасидан кучиб олди.

— Вой, дадаси сизга нима бўлди? Сизни қайси уйинг куйгур хафа қилди? — деб овута бошлади.

Адолатнинг макри амал қилиб, Тошболта пича ҳовуридан тушди. Бўғзига йиғи келиб, кўзлари пирпиради.

— Айтинг, айта қолинг, енгил тортасиз, нима бўлди?

— Нафис... Нафисни ўлдириб кетишибди... — Шундай деб йиғлаши лозим эди, аммо бўғзига қадар келган йиғи зоҳирга чиқа олмади.

— Ўлдирибди? Қайси уйинг куйгур ўлдирибди? Нима қасди бор экан?

Тошболта «билмайман», деб бош чайқади.

Адолат бир зум жим қолди. Кейин паст овозда:

— Бир кунмас бир кун шундай бўлишини билардим. — деди.

— Нимани билардинг? — деди Тошболта сергак тортиб.

— Жаҳлингиз чикмасину, фар бўл, ўғри бўл, инсоф билан бўл, дейишади.

— Нима?! — Хотинининг бу гапини эшитиб, Тошболтанинг кузлари косасидан чиқар даражада олайди: — Нима дединг, қанжиқ?! Ҳали менинг қизим сенга фар бўлдимми?

Тошболта шундай деб хотинини тирсаги билан туртиб юборди. Адолат кутилмаган зарбдан йиқилди. Астойдил дўппослашга ҳезланиб ўрнидан тураётган эрининг вазоҳатини кўриб, кураш қуролини ўзгартириши лозимлигини англади. Ҳарбийларда «энг маъқул мудофаа усули — ҳужумдир», деган ҳақиқат бор. Адолат ҳарбий эмас, бу қоидани билмайди. Аммо халқда мавжуд «қурққан олдин мушт кўтарар», деган мақолдан хабардор бўлгани сабабли эридан аввалроқ ўрнидан туриб, унга чақчайди:

— Ҳа, фар бўлмай гўрмиди? Фарлигини билмасмидинг?!

Аввалги жанжалларда. Адолат бақириб, сенсирай бошлаганида Тошболта «Сен ит билан тенг келаманми», — деб чекиниб қўя қоларди. Адолат бу сафар ҳам шундай бўлишига умид қилиб янглишди: бу шунчаки «эр-хотиннинг уруши — дока румолнинг қуриши» эмас, ўртада фожиали ўлим топган фарзанднинг руҳи бор эди. Тошболта унинг сенсирашига ҳам, бақиршига ҳам парво қилмай Адолатни уриб қолди. Адолат «Вой-дод!» деганича ҳовлига қочди. Тошболта уни қувламоқчи бўлганида оёғи зинадан тўйиб кетди-ю, ёнбошига гурсиллаб йиқилди. Чаккаси айвон устунига урилди.

Адолат бу ҳолатни куриб, аввалига «Ажаб бўлсин, баттаргина бўл-а!» — деб ўйлади. Сўнг эрининг қимирламай қолганини куриб, «Вой улайин, вой дадаси!» — деб югурганича яқинлашди. Тошболта ҳадеганда ҳушига келавермагач «Вой-дод, эрим ўлиб қолди! Вой-дод, шунқоримдан айрилиб қолдим!» деб фарёд кутарди. Унинг овозини эшитган қўшнилари чиқиб, Тошболтани кўтариб айвонга ётқизишди, врач чақирди. Врач «Шу ерда қимирламай ётсинлар, қимирлатсанглар узилишлари мумкин», — деди.

— Тузалиб кетадиларми, ахир? — деб сўради Адолат.

— Умид қилаверинг.

Адолат бу жавобни эшитиб «Духтир бўлмай ўла-а, тузатиш қўлингдан келма-са, нимага умид қиламан», — деб мингирлади.

Эртасига Тошболтанинг хасталигидан хабар топган ошналари келишди. Енгил хуррак отиб, ҳаракатсиз ётган дўстларига ачиниби, қараб ўтиришди. «Йўлда уриниб қолгандир?» — деб хулоса чиқаришди. Шунда Адолат:

— Йўл ҳам бир гўр, қизларини ўлдириб кетишибди. Шундан куйиб кетдилар, — деди.

Ошналар бу кутилмаган фожиа хабаридан ажабланиб: «Қачон? Қаерда?» деб сўрашди. Адолат «айтишга ҳам улгурмай шунақа бўлиб қолдилар», — деб безрайиб утираверди. «Дафн этишибдимми?» деган савол ҳам жавобсиз қолди. Шунда улар «Дафн этадигон бўлса, ўша ердан телпон қилиб хабар берарди, уч кун ўтирарди», деган тўхтамага келишди.

Бир оз жимликдан сўнг ошналардан бири:

— Унда бориб майитни олиб келиш керак, дафн этиш керак, — деган таклифни айтди.

Айвоннинг бир четида ўтирган Адолатга бу таклиф маъқул келмади.

— Кўмадиган эри бор-ку? — деб танбех берди.

Ошналар бу хотин олдида маслаҳатлашиш ортиқчилигини билиб, уринларидан туришди. Бу хонадондан чиқиб тўғри самовархонага бордилар-да, маслаҳатларини давом эттирдилар. Орадан бир соат ўтмай уч киши шаҳарга йўл олди. Бир киши Тошболтанинг қишлоғига, Нафисанинг тоғаларига хабар бериш учун жўнади.

Майитни олиб кетамиз, деб келган уч киши кун бўйи овораи-сарсон бўлдилар. Маслаҳатни хом-хатала пишитиб йўлга чиқаверганлардан афсусландилар. Марҳуманинг уйини билишмаса, насабини билишмаса, эрининг кимлигини билишмаса бу катта шаҳарда улар сарсон бўлмай яна ким бўлсин? Улар йўлга чиқишганда — ўликхонасига борамизу «огайнимиз Тошболта касал бўлиб қолди, кизининг жасадини беринглар», деймизу жасадни мошинга юклаб шомгача етиб келамиз, бом-додга чиқарамиз», деб умид қилишган эди. Автобусдан тушишгач, бир таксини кира қилишиб, «бизларни ўликхонага бошлаб боринг, ука», дейишди.

— Қайси бирига? — деди таксичи.

— Ие, ўликхона кўпми бағда? — деб ажабланишди ошналар.

— Катта касалхоналарнинг ҳар бирида бор-да, — деди таксичи.

— Унда энг каттасига бошланг, — дейишди ошналар.

Касалхонада «қачон ўлган, фамилияси нима?» деган саволга елка қисиш билан жавоб беришди. Иккинчи жойга боришганида ҳам шу саволга дуч келишиб «эгасиз мурдалар бўлса, кўрсатинг», дейишди, Кўришди ҳам. Учинчи ерга боришганида «қачонлигини билмаймиз-у, аммо бир-икки кун ичида ўлдириб кетишган шекилли», — дейишди. Ана шунда масала сал ойдинлашиб «касалхоналардан ахтарманглар, ўлдирилгани аниқ бўлса бошқа ерга боринглар», деб қаерга бориш лозимлигини тушунтиришди. У ерда ҳам «фамилияси?» деган саволни эшитиб хуноб бўлишди.

— Ҳой, ука, тушунапсизми, жувонни ўлдириб кетишган, — дейишди.

— Акахонлар, йилда битта жувон ўлдириб кетишган бўлса, гапларингга тушунардим. Унтами-ун бештами эгасиз улик ётибди...

Ошналардан бири таранг қилаётган йигитнинг чўнтагига пул қистиргач, ичкари кириб Нафисани таниди.

— Шу жувон, ураб беринг, ука, олиб кетайлик, — деди.

— Сизлар кими бўласиз, рухсат олдиларингизми? — деган саволга жавоб булмагач, пул ҳам ёрдам бермади. Учовлари шомга яқин изларига қайтишди. Эртасига етиб келган Нафисанинг тоғаси билан яна шаҳарга тушиб, майитни олдилар. Нафисанинг тоғаси жаноза қишлоғида бўлажани айтгач, ноилож унга эргашдилар.

Дафн маросимида куйиб йўлгагувчи бўлмади.

Фақат ачиндилар.

«Ёш кетди, бечора...»

Отага фарзандининг қабрига бир сиқим тупроқ ташлаш насиб этмади. Худо хаттоки шуни ҳам кўп кўрди унга...

Омонullo Ҳали бу гаплардан беҳабар, майитнинг кечикиб олиб кетилишидан ажабланган эди. Ўликхонадагилар билан гаплашиб дастлаб уч нотаниш одамнинг, сўнг эртасига марҳумнинг тоғаси келганини билгач, Тошболтанинг қишлоғига бориш эҳтиёжи туғилди. Унинг назарида бу ҳолатда ҳам қандайдир сир яширин эди.

Омонуллони депара ички ишлар бўлимининг вакили Тошболта яшайдиган қишлоққа бошлаб олиб борди. Вакил ҳеч бир лутфсиз, манзиратсиз эшикни

очиб, ҳовлига кириб борди. Омонулло эса унга эргашди. Тошболта айвонда, бир неча кун аввал кўшилар ётқизиб қўйган жойдан жилдирилмаган эди. Беморнинг бош томонида ўтирган оқ дўппили қария қуръондан оятлар ўқиб, вақти-вақти билан дам солиб қўярди. Кир чаётган Адолат ҳовлига бостириб кирган нотаниш эркакларни куриб, қўлларини пешбандига артганича урнидан турди-да, уларга рўбарў бўлди.

— Биз милицияданмиз, — деди вакил, сўнг эътиборсизлик билан қўшиб қўйди: — сиз ишингизни қилаверинг. Домла ўқиб бўлгунча кута турамыз.

— Ўқиймай ўла қолсин, бу домла, бир фойдаси бўлса экан, — деди Адолат мингирлаб.

Бу гаплар мингирлаб айтилган бўлса-да, Омонулло эшитиб ажабланди. «Бу хотиннинг эси жойидами ўзи?» деб ўйлаб, айвонга яқинлашди. Оқ дўппили қария унга бир қараб олди-ю, ўқишини, дам солишини давом эттирди. Тошболтанинг очиқ кўзлари шифтга қадалган, фақат дам солинган пайтда беҳаловат тарзда, ниманидир излагандай аланг-жаланг бўлиб кетарди. Қария фақат ўзи эшитадиган тарзда пичирлаб дуо ўқиди-да, беморнинг елкалари, бошини ўқалаб урнидан турди. Омонулло билан ҳилмли ила сўрашди. Шунда Омонулло қария юзидан ажиб покизалик, ажиб нурни илғади.

Адолат айвонга яқинлашиб, шолчанинг бир четини кўтарди-да, пул олиб «манг, ота», деб узатди.

— Ҳожати йўқ, синглим, — деди оқ дўппили қария. — Мен Оллоҳнинг розилиги учун ҳолис хизмат қилдим. Яратгандан шифо тиланг, аммо сергак туринг. Умид — ёлғиз Оллоҳдан, — қария шундай деб бир-икки қадам босди-да, тўхтаб, орқасига қаради: — Ҳа, дарвоқе, синглим, Худо хайрингизни берсин. Зинҳор ба зинҳор «ўқимай ўла қолсин, бу домла», деманг. Гуноҳлардан узингизни асранг. Ажрни бергувчи ёлғиз Оллоҳдир.

Адолат бу танбеҳдан уялиб, қизариб ўтирмади, «шуни ҳам эшитибдимми-я?» дея қўя қолди. Омонулло эса «мингирлаб айтилган бу гап қандай маълум бўлди?» деб ажабланди.

Оқ дўппили қария чиқиб кетгач, Омонулло айвонга кўтарилиб бемор ёнига ўтирди-да, салом берди. Аҳволни кўриб турган бўлса-да, кўнгил учун:

— Саломатлигингиз яхшими энди? — деб сўради.

Тошболта уни кўриб, таниди, кўзлари бежо бўлди.

— Гапиролмайди, тил кетган. Оёқ-қўл ҳам кетган. Тирик ўликнинг ўзгинаси, — деди Адолат.

Бу куполлик Омонуллога малол келди.

— Кечирасиз опа, сиз бу кишига ким бўласиз? — деди дағалроқ оҳангда.

— Хотиниман, — деди Адолат айвон четига омонат ўтириб. Кейин изоҳ берди: — Иккинчи хотиниман. Узингиз кимсиз?

— Мен шаҳар милициясиданман. Нафиса Болтаеванинг иши билан шуғуллан-япман, — Омонулло шундай деб гувоҳномасини узатди. Адолат гувоҳномани олиб, қизиқиш билан тикилди.

— Ўзи нима бўлган? Қиз ўлгурни нимага ўлдиришибди? — деди у гувоҳномани эгасига узатар экан.

— Эрингиз айтмадиларми?

— Айтолмади. Шу зинадан йиқилди-ю, шунақа адо бўлди. Ўлиб ўлмайди, жонланиб жонланмайди. Бошимга битган бир бало бўлди. Тракторчилигида яғирини ювавериб қўлим қаварган эди, энди исқиртларини ювиш ҳам пешонамга ёзилган экан. Пешонам шур бўлмаса, шунга тегармидим. Шу савилга тегиб мен рўшнолик кўрмадим. Ётишини қаранг. Бу ёқда учта қизи етилиб турибди. Ҳали биттасининг ҳам орзу-ҳавасини кўрганим йўқ. Айтинг, айтинг, ўлиб қолмасин, ўлса бутун йиққан-терганларим соврулади. Ҳали ҳам дорилари ҳамённи ўпириб кетяпти. Арзонроқ дорилар бўлса ҳам гурга эди. Дўхтир ўлгур нуқул қимматини танлаб ёзиб берибди.

Омонулло хотинларнинг турли тоифасини кўрган, аммо бунақасини энди учратиши эди. «Қани, гапираверсинчи», — деб бир оз кўйиб берди. Лекин узоқ тоқат қила олмади. Адолат «шу айтаётганларим буларга керакми?» — деб фикр қилмай, тилига келганини қайтармай гапираверарди. Телба деса телбага ўхшамасди, соғ деса соғга. Гаши кела бошлаган Омонулло унинг гапини қоқ белида шарт бўлди:

— Эрингиз тракторчимидилар?

— Тракторчи бўлмай гур бўлармиди? Бошқа ҳунари йўқ.

— Новосибирскга нима учун борган эдилар? Трактор олиб келгани эмасми?

— Тракторга бало борми? Озгина мева-чева олиб кетувди.

— Тез-тез бориб турармидилар?

Адолатнинг аҳмоқ ҳам, телба ҳам эмаслиги шу саволдан кейин аниқ билинди. У милиция ходими бекорга савол бермаслигини англаб, тилини жиловледи. Бир оз ўйланиб бўлиб:

— Бу йил биринчи бориши, — деди.

— Ўтган йилларичи?

— Ўтган йили ҳам бир марта борган.

— Шериклари бормиди?

— Билмайман.

— Болтаеванинг уйида анча мол бор экан. «Шерикларимники» дедилар. Магадан олинган тоза матолар экан.

Адолат эрига газабли нигоҳини бир қадаб олди-ю, индамади.

— Бу молларни биз эгаларига қайтаришимиз керак. Эгаси чиқмаса давлат ҳисобига ўтади.

Омонулло мўлжални ниҳоятда аниқ олган эди. Адолат молдан айрилиши мумкинлигини ҳис қилиб бир сесканди-да, Омонуллога ёмон қараш қилди:

— Давлатга ўтади? Нимага ўтаркан? Эгаларига қайтараман, дейсизми, ким экан эгаси?

— Шериклари-да. Эрингизнинг ўзлари менга шундай деганлар.

— Бекор айтибди. Ҳеч қанақа шерик-периги йўқ. Мол ҳаппаи ҳалол бизники.

— Новосибирскка қачон кетиб, қачон келдилар?

— Кетганига анча бўлди, бир ойдан ошди. Келиши... шу, аввалги куни. Келдию шу балога йўлиқа қолди.

— Бизга маълум бўлишича, бир ҳафта олдин келганлар?

Омонулло «отаси ўлдирган бўлиши мумкин», деган гумондан узоқлашган бўлса-да, яна бир қармоқ ташлаб курмоқда эди.

— Бир ҳафта олдин келган эканми? Қайси гўрларда юрган экан?

— Бу ерга келмадиларми?

— Келса бир қадам силжитмас эдим.

— Нега?

— Уй-жойга ҳам қараш керакми? Эркак ўлгур қарамаса, ким қарайди? Мен хотин бошим билан югурайми?

— Сиз «иккинчи хотиниман», дедингиз, биринчиси қаерда?

— Гурда.

Омонулло бунни тўғри маънода айтяптими ё пичинг қияптими, фаҳмига етолмай, савол назари билан қаради.

— Ҳа, нимага қарайсиз? Гурда дедим-ку? Улган-да.

— Қачон?

— Билмайман. Қамоқдан чиқиб келганидан кейин текканман мен бу ер ютурга. Аниқ билмайман-у, аммо хотинини уриб ўлдирган экан. Шунақа жиннилиги бор, менга ҳам ташланиб қоларди.

— Уриб ўлдирган? Қамалиш сабаби бошқача-ку?

— Бошқа булса бошқадир, мен эшитганимни айтдим.

— Болтаева бу ерга тез-тез келиб турармиди?

— Келарди, лекин тез келармиди-йўқми, ҳисобламаганман.

Омонулло портфелидан Санжар Иброҳимовнинг суратини олиб кўрсатди:

— Шу одам билан келганми ҳеч?

Адолат суратга тикилиб туриб, бош чайқади:

— Танимадим. Тўғриси айтмайми, бир-икки марта сариқ-мошак эри билан келган эди. Кейин ўзи келиб-кетиб юрувди. Ўша савил қолгур эр билан бирга юришга уялган-да. У одамни кўргандирсиз? Қандай қилиб кўнгли тортиб эр қилди, ҳайронман. Ундан кўра, эрсиз ўтгани минг марта яхши. Шунақа дейман-у, лекигин бу «шилта»ни ўша тавиядан бошқаси олмас ҳам эди-да.

Адолат шу гапни айтганидан кейин Тошболта галати овоз чиқариб ингради. Омонулло овоз чиқиши билан унга қаради. Тошболта киприкларини пирпиратиб, илтижо ила боқарди. Сўнг кўзларида ёш пайдо бўлди. «Хотинининг гапи ёқмай бир нима демоқчи бўляпти», — деб ўйлади Омонулло. Кейин тинмай жавраётган хотиннинг гапини бўлиб, сўради:

— «Шилта» дейишга бирор асосингиз борми?

— Вой, асосми? Асос тикилиб ётибди. Бу қиз ўлгурнинг олдинги директорга ўйнаш бўлганини етти ёшдан етмиш ёшгача — ҳамма билади. Энди янги директорнинг тўшагини обод қиятувди.

Бу гапдан кейин ҳам Тошболта ингради.

— Нимага гингшийсиз? — деди Адолат овозини баландлатиб. — Боққа бориб келганларинг ёлғонми? Фар бўл, ўғри бўл, инсоф билан бўл-да! Бошингда эринг бўлганидан кейин ўтирмайсанми уйингда...

Адолатнинг оғзидан чиққан кейинги гапларни Омонулло бозор йўлида «фолингдан очайми, молингдан очайми», деб ўтиргувчи лўли хотинлардан эшитиб, булардан бошқа тузукроқ гап чиқмаслиги учун ҳам аччиқланмаган эди. Аммо эри бу аҳволда ётган аёлдан шу гапни эшитиб, газаби қўзгади.

— Сиз бирон ерда ишлайсизми? — деб сўради дагаллик билан.

— Ишламай нима, шунга боқиманда булиб утираманми? Мактабда ишлайман.

— Ким бўлиб, фаррошми?

— Вей, нима деяпсиз? Мен ўқитувчиман. Олий маълумотли ўқитувчиман!

— Ўқитувчи?... Мактабнинг ҳам, болаларнинг ҳам шури қуриган экан унда, — Омонулло шундай деб ўрнидан турди.

— Вой, вой, оғзингизга қараб гапиринг, нима деяпсиз?

— Оғзингиздан чиқаётган гапларни қаранг.

— Гапларимга нима бўпти? Вей, сен кимсан ўзинг, менга танбех берадиган? Сен бориб ўзингнинг хотинингга қил дағдагангни, билдингми? Сен йигирма йил шунақа тракторчи билан яша-чи, кўраман аҳволингни!

— Ҳов опа, тилингизни тийинг, бунақа дейишга ҳақингиз йўқ, — деди шу пайтгача жим турган депара вакили.

— Ўзинг тий тилингни. Қани, бир жунаб қолларинг-чи, хув, қораларинг ўчсин-а...

Омонулло ўзини хотиннинг шаллақилигига эътибор бермагандай тутиб, куча эшик томон юрди. Ҳовли уртасига етганда тўхтаб, вакилга топшириқ берди:

— Лейтенант, бу опангизни районга чақириб сўроқ қиласиз. Натижасини ёзма равишда етказасиз.

Вакил бу топшириқни пўписа учун берилганини англаб, баланд овозда:

— Хўп бўлади, ўртоқ капитан! — деб қўйди.

Бу пўписадан кейин сал попуги пасаяр деб ўйлашган эди, йўқ, акси булиб чиқди:

— Районингга десанг, районингга бораман. Керак бўлса Масковингга бораман. Мени кўрқитмай қўяқол. Сен ўғрини кўрқит, бандитни кўрқит. Менинг нимамни сўроқ қиласан? Ўғрилиқ қилибманми, фарлик қилибманми?

Омонулло бу хотинга ҳатто шайтон ҳам бас келолмаслигини англаб, қадамни тезлатган эди, қитилмаганда Адолат:

— Тўхтанг, ҳай тўхтанг, — деб қолди.

Ҳозиргина сенсираб, қарғиш даражасига етган аёлнинг сизсираши, овозининг мулоиймлашуви галати эди. Шунинг учун ҳам вакил беихтиёр:

— Ҳа, опа, тинчликми? — деб юборди.

— Сенда гапим йўқ, сен кетавер, — деди Адолат унга, кейин Омонуллога яқинлашиб сўради: — Мен молларни олгани қачон борай?

— Қайси молларни? — деди Омонулло худди тушунмагандай.

— Вой, қайси деганингиз нимаси? Эрим олиб келган моллар-чи?

— Моллар сизга берилмайди, эгасига берилади.

— Эгасини кўриб турибсиз-ку?

— Яхшилаб қаранг, тузатинг. Тузалганларида бориб оладилар.

— Вой савил, вой савил...

Адолат шундай деб қолаверди.

Кучага чиқиб машинага ўтиришгач, Омонулло «уф» тортди:

— Агар шу одам ўлса, тўғри жаннатга боради. Бу одам билан савол-жавоб бўлмайди, — деди у.

— Нега? — деб сўради вакил кулимсираб.

Омонулло бу хотиннинг шаллақилигидан безиб, Фотима ўқиб берган сатрларни эслаган эди. Мирзо Бобур Ҳусайн Бойқаронинг катта хотини Бека Султонбегимни ёза туриб, «кўп кажулқ эди», деб «яхши кишининг хонасидаги ёмон хотун шу дунёнинг ўзидаёқ унинг дўзахидир», деган мазмундаги байтни ёзган экан. Ҳозир шу байт мазмуни ёдига келиб айтворди шу гапни. Вакилнинг «нега?» деган саволига эса Бобурдан мисол келтиргиси келмай, соддагина қилиб: «Бу хотин билан яшаган эркак дўзах муддатини ўтаб бўлган ҳисобланади», деб қўяқолди.

Улар бу уйдан чиқиб тўғри совхоз идорасига бордилар. Янги директор «Нафиса Болтаева нима учун келган эди?» деган саволга «Мен раҳбар бўлганимдан бери уни кўрганим йўқ. Турсунали акамга келиб турарди», деб жавоб берди. Омонулло гапни ҳар қанча чалғитса ҳам «келмаган, кўрмаганман», деб туриб олди.

Омонулло хайрлашар маҳалида «яна келамиз, учрашамиз», деганида ҳам у «яна келсангиз ҳам гапим шу: кўрмадим», — деди.

Янги директор алдамади: Нафиса келганида у шаҳарда эди. Жувоннинг ке-

либ-кетганини боғ қоровулидан эшитиб, «эҳ аттанг!» деб афсусланганди. Омонуллонинг саволларидан кейин «якши ҳамки у фалокат келганида йўқ эканман», деб шукр қилди.

Лукма

Турсунали бойлигини қаерга яширганини аниқ айтган бўлса ҳам Тенгиз шошилмади. Қиш ўтиб баҳор келса-да, хазина ҳақида гап очмасдан юраверди. Бу орада Турсуналининг яраси тузалди. Лагер ҳузурдаги ҳибсхонада ётиб, терговчи сўроқларига жавоб берди. Турсуналининг бахтига терговчи уни урмади, қийнамади-ю, охир-оқибат «ўзини ҳимоя қилаётганида меъёрни ошириб юборгани учун» яна қўшиб беришди. Лагер ҳибсхонасидан чиққанида Тенгиз уни йўқлаб, далда берди:

— Умрим қамоқда чирир экан, деб афсусланма. Агар айтганинг рост чиқса, сени юртингдаги лагерга жўнаттираман. Муддатинг ярмидан ўтиши билан эркинликка чиқасан. Менинг гапим — гап!

Турсунали бу гапларга бир ишониб, бир ишонмай юрди. Ишонмагани — муддати яримлагунича ким бору ким йўқ. Айниқса, бу ўғрилар оламида бугун бор одамнинг эртага изсиз кетиши ҳеч гап эмас. Бу Тенгиз деганлари ҳам керилиб юргани билан зўроғига дуч келса, унига кириб кетиши аниқ. Тенгизнинг гапига ишонганининг сабаби эса, ундан булак ҳеч ким далда бермади. Ваъда ёлгон бўлган тақдирда ҳам ҳарҳолда далда эди.

Баҳор ёмғири эзиб ёғётган кунларнинг бирида Турсунали Тенгизга дуч келиб:

— Топдиларингми, алдамабманми? — деб сўради. Бу билан «Ваъдангни қачон бажарасан?» демоқчи эди. Тенгиз унинг мақсадини англаб, юзига энгил шапати уриб қўйди:

— Шошилма, ҳар ишнинг вақти-соати бор.

— Топдинларми ўзи? — деди Турсунали, Тенгизнинг жавобидан қониқмай.

— Шошилма, деяпман-ку. Чумичга айтган жойингга боришибди. У ерда чиндан ҳам йўқ экан.

— Болаларимга тегишмабдимми?

— Ҳа, ана, ақлинг жойида экан-ку! Болаларингни энди эсладингми? Чумичга ёлгон айтаётганингда ўйламовмидинг? Боришса, топишолмаса, болаларимни қийнашса... Хотинингни, қизларингни зўрлашлари ҳам мумкин эди, а? Сен биздан қарздорсан. Бизникилар бўлишмаганда қизларинг жувон ҳолида эрга тегарди. Номуссизлик сизларда ҳам азоб, а? Мен оилангни ҳимоя қиламан, деб ваъда берганманми, демак шундай бўлади! — Тенгиз шундай деб унинг юзига яна энгил шапати урди-да, йўлида давом этди.

Тенгизнинг «номуссизлик — сизларда азоб, а?» деб қўйиши Турсуналини ташвишга солди. «Хотинингни, қизларингни зўрлашлари мумкин эди», дегани эса баданини музлатиб юборди. Шу пайтгача «норасида қизларимни биров зўрлаши мумкин», деган гап ҳаёлига келмаган эди. Тенгизнинг гапидан сўнг эса, шу даҳшат содир бўлгандек, бир неча кунгача эзилиб юрди. Даврони келган пайтларда, айшини сурган кезларида «шулар ҳам бировнинг қизи-ку?» деб ўйламаган эди. Ҳатто Нафисанинг номусига эга чиққанида ҳам «бунинг тақдири нима бўлади?» деб фикр қилмаган эди. Алҳол, Тенгизнинг гапларидан кейин ҳам буларни ўйламади. У фақат ўз қизларининг тақдиридан ташвишда эди.

Тенгиз унинг юзига энгил шапати уриб, ўзини хотиржам курсатгани билан ташвиши ўзига етарли эди. У ким билан ўйнашаётганини биларди. Агар бир ит қоқсуякнинг ҳидини олиб, яқинлашса-ю, бу суякни биров босиб олса, нақ иликдан тишлаши тайин. Гобелян эса ит эмас, ҳид олгани ҳам қоқсуяк эмас. У итга ўхшаб иликдан ҳам олмайди, нақ бўғизга ёпишади. Лекин унинг навбатдаги одами қачон пайдо бўлади, қачон ва қанақасига ташланади — ана бу муаммо эди. Яна бир муаммо — бу сафар кимни юборди? Турсуналининг ёлгон маълумоти билан Муриқнинг ўлими орасида боғлиқлик борлигига уларнинг ақллари етади.

Тенгиз шу саволларга жавоб изларди. Унинг лагердаги шериклари ҳам бетоқат. Турсунали бесабрлик билан сўраган куннинг эртасига «Политбюро» йиғилишида Кошак ҳам хазина нима бўлганини сўради.

— Ҳозирча хазина йўқ экан, деб тураверайлик, — деди Тенгиз.

Бу гапни эшитиб, Қўтос унга ажабланиб қаради. Кошак эса, жойида бир қимирлаб олиб:

— Ёлгон гапирма, княз, — деди. — Сен бу хабарни телетайпга қўймагансан.

— Тўғри, қўймаганман, — деди Тенгиз хотиржам. — Ақлинг бўлса, ўйлаб кўрчи? Бу хабарни телетайпга қўйиш мумкинми? Ундан кўра Москва радиосига чиқиб, жар сола қолмайсанми?

— Телетайпга қўймаган бўлсанг, ким орқали чиқардинг хабарни?

— Ҳеч ким орқали чиқармадим. Чиқармайман ҳам.

— Княз, гапни бурмай, тўғри тушунтир. Бизга ёлгон гапирма, — деди Қўтос норози оҳангда. — Биласан, менга бойликнинг кераги йўқ. Уртага ўғрилиқ ному-си тикилган.

— Мен номусини сотадиган одамга ўхшайманми? — деди Тенгиз овозини бир парда баланд кўтариб. — Кошак, сен ҳам шундай ўйдамансан?

— Сенга биров бунақа дегани йўқ. Шунақа ўйласам Муриқнинг ёнида ётган бўлардинг. Сен «хазина йўқ», деяпсан. Биз «ёлгон гапирма», деяпмиз.

— Ёлгон гапирмадим. «Хазина йўқ», ҳам демадим. «Хазина йўқ экан, деб тураверайлик», дедим. Нима, русчага тушунмай қолдиларингми? Озгина пайт пойлашмиз керак. Чўмични юборганларни аҳмоқ деб ўйламаларинг. Тузоқларини тайёрлаб туришибди улар. Кошакка ўхшаган бир аҳмақ хабар чиқарар, яна бир аҳмақ хазинани олгани келар, деб пойлашмайдими? Майли, улар бизни аҳмақ деб кутишаверишсин. Кута-кута чарчашади. Шунда биз ишни бошлаймиз. Шунда ҳам лагер телетайпидан чиқармаймиз хабарни.

— Нима қилмоқчисан, айт, — деди Қўтос.

— Ҳозир айтмайман, вақти келганда биласиз.

— Яна бошқа одам юборишса-чи? Бу лақмани бошқа лагерга юборишса-чи? — деди Қўтос.

— Ҳа, шунақа бўлиши аниқ, — деди Кошак. — Вақт борида уни ҳам гум қилиш керак. Агар биров ҳиқилдоғидан олса, гуллаб кўяди.

— Ўлдиришга шошилма. Бойлик топишни билган одам сен билан менга ўхшаган юзта одамни лақиллата олмайдими? Чўмични алдади. Балки бизни ҳам алдагандир? Бойлиги бошқа ердадир? Бугун ўлдирсанг, эртага аттанг, деб юрасан.

— Княз, ҳамма гапларинг тўғри. Лекин чайнаётган луқмангни олдириб қўйма, — деди Қўтос маънодор оҳангда.

Тенгиз унга норози қиёфада бир қараб қўйди. «Политбюро» аҳли ундан узил-кесил қарор қутаётган эди. У биров ўйланган бўлди-да, ўрнидан туриб, аҳдини маълум қилди:

— Овқатни қандай чайнаб, қандай ютишни ўзимга қўйиб беринглар. Ҳали ҳеч бир кавказлик оғзидаги луқмасини бировга олдириб қўймаган. Дунё турғунича шундай бўлиб қолади!

«Политбюро» беркитилган бойлик ва бойлик эгасининг тақдирини ҳал қилаётганида Нуриддин билан Турсунали ўзаро муносабатларини ойдинлаштираётган эдилар. Аниқроғи, Нуриддин ойдинлаштираётган эди. Бу овлоқда бир-бирларини кўрганларида ҳали нотаниш бўлсалар ҳам суюниб кетишган эди. Ҳарҳолда бегоналар орасида ҳамюртларнинг бир-бирларига далда бўлиши яхши-да. Кунлар, ҳафталар ўтгани сайин феъли, табиати, дунёқараши турлича бўлган бу икки маҳбуснинг дастлабки суюнчлари сўна борди. Айниқса, Нуриддинда бу одамдан узоқлашиш истиаги туғилди. Турсуналининг ҳам бу мағрур йигитга даъвоси кўпайиб бораётган бўлса-да, лозим пайтда ҳимоя қила олиши мумкинлиги сабабли ундан нари кетишни хоҳламади. У «ўзбекнинг кичиги бўлғунича кучуги бўлгин», деган мақоли бу ерда ҳам амал қилишини истар эди. У аввалига Нуриддинни «туғишгандан аълороқ укамсан», деб иззат қилиб юрди. Кейинроқ «ака»лик мартабаси камлик қилиб, «хожалик»ни даъво қила бошлади. У ҳордиқ чиқариш пайтларида ўзининг мавқеи, шон-шўхрати ҳақида, шу шўхрати оқибатида кўп душман орттиргани ва тўхмат билан бу балога учрагани тўғрисида гапирарди. Шаҳарда ҳали ҳам баланд мартабали аяхонлари, оғайнилари борлиги, Нуриддин озодликка чиққач кучоқ очиб кутиб олажакларини тез-тез писанда қиларди. Бора-бора бу гаплар Нуриддиннинг меъдасига тегди. Писанда соясида «Сен менга ҳозир сидқидилдан хизмат қилавер, озодликка чиққанингдан кейин менинг валинеъматларим сенга хизмат қилишади», деган маъно яширинганини ҳам фаҳм этди. Шу боис Турсуналининг ҳасрат дафтари очилиши билан бир нарсани баҳона қилиб, туриб кетадиган бўлди. Турсунали буни сезди-ю, «билагида куч бор-у, бошида ақли йўқ бу боланинг» деган ҳукмга келди. Доруломон кунлари бўлганда-ку бу «бошида ақли йўқ бола»ни сариқ чақага ҳам олмас эди-я! Бу овлоқда сўянадиган бошқа одами бўлмагани учун чидади. Ҳатто бир кун Нуриддин «Ака, юкни ҳадеб менга юклайверманг, аравангизни ўзингиз ҳам тортинг-да, жудайла ўлигингизни ташлаб олдингиз», деб кўрслик қилганида ҳам тишини тишига қўйди. Бунга ўхшаган «манқа йигитлар» илгари остонасида сарғайиб ўтиришарди. Бу эса...

«Политбюро» иш бошлаганида қамоқ лагерининг тобелари кечкурунги овқат билан қоринларини алдаб, ётар жойларига тарқалаётган эдилар. «Қоринларини алдаб», дейилишининг боиси — ошхонада алюмин косаларга сузиб берилувчи суюқликнинг номигина «овқат» эди. Турсуналига ўхшаб умри маишатда ўтганларнинг ошқозонлари бундай алдовга чидай олмасдан қийналарди. Хуллас, навбатдаги алдовдан сўнг назоратчи дам олиш умидида чиқиб кетаётган Турсунали билан Нуриддинни тўхтатиб, «идиш-товоқ ювишга ўтларинг», деб буюрди. Агар «нима учун биз ювишимиз керак?» деб эътироз билдирилгудай бўлса, бу камлик қилиб, туни билан ишлаб чиқишлари мумкинлигини билганлари учун, мулла минган эшак ҳолида буюрилган ишни бажаришга киришдилар. Нуриддин учун бундай юмушнинг оғирлиги ҳам, малоллиги ҳам йўқ, у бундан баттар юмушларни бажаравериб ўрганиб кетган. Турсунали учун эса мазкур ҳолат хорликнинг бир қуриниши эди. Шу сабабли назоратчи сал нари кетиши билан дий-диёсини бошлади:

— Бу дунёда адолат деганининг ўзи йўқ, — деди у мингирлаб, — Кун бўйи ишлаб берганим камми бунга? Шунақа пайтда Худодан ҳам хафа бўлиб кетаман. Мен халқнинг нони бутун бўлсин, деб туну кун тиним билмас эдим. Терим пайтида ҳафталаб уйга келолмас эдим...

Турсунали шу тарзда яна эски ашуласини бошлади. Нуриддин унинг гапларини эшитмаслик учун косаларни атайин бир-бирига уриштириб, овоз чиқариб юварди. Турсунали эса бунинг фаҳмига етмай битта косани кўтариб олганича ликопча ушлаб, катта ашулани олаётган ҳофиз каби туриб, мингирлашини давом эттирди. Меъдага тегувчи бу «катта ашула» охири Нуриддиннинг сабр косасини тоширди:

— Жуда-а эз-зиб юбордиингиз-да, ака! — деди у зарда билан. — Нуқул адолат дейсиз, нуқул ҳалоллик дейсиз, бировлардан талаб қиласиз. Ўзингизда борминки шу адолат, шу ҳалоллик?

Нуриддин шу гапи билан Турсуналининг бетига шапалоқ тортгандай бўлди.

— Вой, ука, вей, Нуриддин, сиздан эшитяпманми шу гапларни, а? Биз киммиз ахир, адолатсизлик қурбонлари эмасмизми?

— Мени ўзингизга тенглаштирманг. Сизнинг йўригингиз бошқа. Адолат билан ҳалолликни ҳамма гапирганида ҳам сиз гапирманг.

— Вей, ука, сиз бу гапларни бир гапирдингиз, иккинчи айтманг. Мен сиз ўйлаган нопоклардан эмасман. Ҳаммани бир хил қарич билан ўлчаманг. Мен ҳалол яшаб келган одамман.

Нуриддин бу гапдан илжайди. Бу илжайиш замирида заҳар борлигини пайқанган Турсунали тутатди:

— Кулманг. Мен сиздақаларнинг қанчасини... — Турсунали «ўйнатганман» демуқчи бўлди-ю, мавриди эмаслигини билиб, гап маромини бурди: — Сиздақаларнинг қанчасига ёрдам берганман, ўқитганман, ҳунар ўргатганман.

— Ака, — деди Нуриддин қўлини кир сочиққа артиб, — бу гапларни бошқага айтсангиз ҳам менга айтиб, овора бўлманг. Мен қишлоқда ўсган боламан. Сизга ўхшаган «директор бува», «раис бува»ларнинг қилиқларини жуда яхши биламан. Агар шундай бўлмаса, калламни шарт узиб, қўлингизга тутқазайин.

«Каллангни пишириб е», деди ўзича Турсунали. Баҳс ўзининг фойдасига ҳал бўлмаслигини англаб, унга жавоб бермай, қўлидаги косани ювмоққа киришди. Шу оннинг ўзида ҳисоб-китобни рослаб олмоқ аҳдидаги Нуриддин эса, «хужум»ни давом эттирди:

— Ҳалоллик дейсиз. Қайси раис, қайси директор амалга бепул ўтиради? Сиз сарф-харажат қилмаганмисиз? Кейин райкомлару обкомларнинг томогини мойлаб турмаганмисиз? Қаердан олардингиз? Ҳалол одам топа оладими шунча пулни? «Терим пайтида ҳафталаб уйга бормас эдим», дейсиз. Тўғри, бормас эдинглар. Сизларнинг штабларингиз буларди, а? Тунлари пахта пунктларида қиладиган ишларингни қилиб олардиларинг. Мен кетмончининг ўғлиман. Эсимни таниганимдан бери қўлимда кетмон. Лекин биримиз икки бўлмаган сира. План юз элликдан пастга тушмаган, аммо чўнтак пул қўрмаган. Сиз айтган адолат шуми? Ҳалоллик шуми? Бу ердаги ўғрилар нима учун сизга ёпишиб қолишди? Тўхматга учраган одамга улар тегишмайди. Қайтага ҳимоя қилишади. Сизнинг «ҳалол»дан топганингиз кўпдирки, тинч қўйишмаяпти. Ўғрини қароқчи урса шунақа бўлади.

— Вей бола, сен ҳаддингни бил! Ўғриларингга қўшиб инингга киргизвормайин тагин! — Турсунали шундай деб косани отди. Нуриддин косани кафти билан бир уриб, нарига учуриб юборди. — Ана, ҳақиқат истайсиз-у, ҳақ гапга чидай олмайсиз.

— Шунақами? Мен ҳаромхурманми? Ўғриманми? Сен ўзинг-чи? Кимлигингни билмайманми?

— Кимлигимни яширмайман, қилган ишларим учун уялмайман. Мен бир аблаҳни ўлдирдим. Бу ерда яна биттасини ўлдирдим. Улар тирилиб, қайтиб рўпара бўлишса, барибир яна ўлдирардим. Бу йўлдан қайтмайман. Билиб қўйинг: мен сиз каби одамлардан нафратланаман. Сизга ухшаганлардан бу ердаги ўғрилар минг марта яхшироқ. Улар ўғирлайдилар, талайдилар, керак бўлса ўлдирардилар. Лекин сизларга ўхшаб «Покман!» деб мияни ачитмайдилар. Ўғриликларини тан оладилар. Ўғри эканликлари билан фахрланадилар. Сиз-чи? Ҳамма ёгингиз шалтоқ бўлиб ётибди-ку, яна покликдан, адолатдан гапириб, бошни қотирасиз. Агар очикликда дуч келиб шу афсоналарингизни айтсангиз, бетингизга тупурворардим, ака. Бу ерда ноиложликдан салом-алиқ қиляпман. Атрофдагилар икки ўзбек бир-бири билан чиқишмас экан, дейишларидан хижолатдаман. Бу ерда яна бир кун бирга бўламизми ё бир йилми, ака-укадек юраверайлик. Фақат менинг олдимда ўзингизни пок кўрсатишга тиришиб жигимга тегманг, ака. Мен тўғри ўсган боламан. Тилим заҳар бўлса ҳам тўғриси айтиб қўя қоламан. Энди косаларни мен ювай, сиз тоза сувда чая туринг. Ишламаётганингизни кўрса балога қоласиз.

Нуриддин шундай деб яна ишга киришди. Турсунали уни ғажиб ташлагиси келди-ю, ноиложликдан муштумини қаттиқ қисишдан узга чора топмади. Тенгизнинг гапларидан сўнг Турсунали учун қизларининг ташвиши етарли эди. Бегона бир йигитнинг тилидан ўзи ҳақидаги ҳақиқатни эшитиш оғир бўлди. Уша тун бир чимдимгина уйқусида Нуриддин билан олишиб чикди. Кейинги тўрт-беш тун ҳам шундай кечди. Бир ҳафтадан сўнг «совуб», бу тақдирига ҳам тан берди.

Душман

Самандар ҳушига келиб, қаерда ётганини англай олмади. Уйига киргани... Нафиса... Бегона эркак... булар нима, тушми эди? Сўнг Москвага келгани, Кремлдаги суҳбат... Меҳмонхона... Кимдир келди, нимадир деди. Ким эди? Нима деди? Кейин-чи?

Хонадаги анжомларга қараб, шифохонада ётганини англади. Шифохонанинг ёқимсиз ҳиди кўнглини айнитиб, ўқчий бошлади. Ўқчуқ овозини эшитган ҳамшира шошилиб кириб, унга идиш тутди. Сўнг остонада врач кўринди. Томирини ушлаб, мижжаларини қайириб кўргач, ҳамширага қисқа, аммо буйруқ оҳангида кўрсатмалар берди. Шундан сўнг Самандар ундан «қаердаман?» деб сўраб, ҳарбийларнинг марказий шифохонасида эканини билди. «Соппа-соғ эдим-ку, бу ерга қандай келиб қолдим?» деб ўйлаб, ажабланди. Саволига жавоб топа олмай врачдан «нега бу ердаман?» деб сўради. Врач унга қараб, бош чайқади-да: «Бекордан бекорга ўлиб кетмаслигингиз учун шу ердасиз», деди. «Ўлиб кетмаслик учун? — янада таажжубланди Самандар. — Нега ўлишим керак?» Бу саволига ўзи ҳам жавоб топа олмай яна врачдан сўради. Врач яна бош чайқади: «Баъзан шунақа бўлиб туради, — деди у. — Одам ўзи билмаган ҳолда ўлим жари ёқасига бориб қолиши мумкин. Сиз қарийб жарга қулаган эдингиз. Тортиб олдик.» «Тортиб олдик?.. Нега қулайман? Нега тортиб олади?..» Жавобсиз саволлар кўп эди. Бироқ врач у билан ҳамсуҳбат бўлишни истамай, ташқарига чикди. Унинг топшириғи билан чиққан ҳамшира яна уч ҳамкасби билан кириб келди-ю, Самандар учун азобли дақиқалар бошланди. «Агар жардан тортиб олиши шунақа азоб бўлса, ўлиб кетаверганим минг марта яхши эди», деб ўйлади. Унинг ичакларини ювавериб ҳолдан тойдириб юборишди. Бу жараён яна икки кун давом этиб, суроби тўғри булиб қолди. Учинчи куни Базаров йўқлаб келди.

— Ҳа, Горинич, аҳвол қалай? — деди у. Кейин Самандарнинг киртайган кўзларига қараб кулди: — Бўлаганинг булиб қолибди-ку? Эпплотмасанг нима қилардинг ичиб? Келиб-келиб Макаровга ҳамшира бўласанми? Сен «Волга» дарёсини симириб ташлаган змей Горинични эшитганмисан? Макаров ароқни худди уша дарёдай симириб тўймайдиган Гориничлардан.

— Макаров? Ким у? — деди Самандар унинг гапларини тушунмай.

— Ҳали ким билан ичганингни билмайсанми? Генерал Макаровни эшитганмисан? Қизик, у ҳам сени эслай олмади. Лекин айтиб қўяй: агар у билан теппа-тенг ичган бўлсанг — ёмон эмассан. Сени қахрамонликка тавсия этиш мумкин. Яна унга рўпара бўлиб ичишадиган бўлсанг, эҳтиётроқ бўлгин, яна қахрамонликни ўлганингдан сўнг олиб юрмагин. — Базаровнинг кейинги гапи пичинг аралаш ҳазил оҳангида айтилган бўлса-да, замирида озгина пўписа ҳам мавжуд эди. — Хўп, булар иш бўлибди. Қалайсан энди? Туриб, юра оласанми?

— Сиз мени ўлимтик одамга чиқариб қўйдингизми? — деди Самандар норози

оҳангда. — Ҳеч қаеримда огриқ йўқ, шикоятим ҳам йўқ, нимага ётибман бу ерда ўзи?

— Ичингни тозалашибди, энди қонингни ҳам тозалашлари керак экан. Яна уч-тўрт кун ётадиганга ўхшайсан.

— Ишларимиз нима бўлди?

— Ишларимизми? — Базаров муғамбирона жилмайди. — Ҳа, дуруст, эсинг жойида экан, ишларимизни унутмабсан. Ишларимиз — беш, оғайни, бундан баттар бўлиши мумкин эмас. Сен адашмаган экансан. Уша ерда чиндан ҳам ядро синови утказилган. Ҳозир ҳукуматнинг расмий баёноти тайёрланди. Бугун-эрта эълон қилиниши керак. Штатларнинг попуги сал пасаядиган бўлди. Индалмаса даъволари осмон барабар эди. Шунақа, ошна, сен энгдинг. Байгильдин сенга алоҳида салом айтди. Мосламати кучайтириш ҳақидаги таклифинг ҳам ўтадиганга ўхшаб турибди.

— Ҳиндиқушга ўрнатиш-чи?

— Бу таклиф утмаса керак. Афғонистондан аскарлар олиб чиқиб кетилса-ю, Ҳиндиқушга ҳарбий кузатув маркази қурилса, ақлсизликнинг ўзи-ку, бу? Кремлни ишонтирдик шекилли.

— Виктор Базарович, мен ун-ун беш кун Москвада қолишим мумкинми?

— Нима қилмоқчисан?

— Докторлик диссертациямга жавоб бўлмапти. Бир шуғулланиб курсамминкин, девдим. — Самандар шундай деб нигоҳини олиб қочди. Табиатан ёлғондан ҳазар қилувчи бу одам айна чоқда асл мақсадини — уйдаги фожиадан сал йироқроқда юриш истаги борлигини яширмоқчи эди.

— Бе, бошингни қотирмасангчи! — деди Базаров қул силтаб, — Сенга шу диплом зарурми ҳозир? Сен юзта фан докторининг ишини бир ўзинг қилиб ўтирибсан. Шунинг ўзи етарли эмасми?

— Ҳарҳолда...

— Ҳа, керак, диплом ҳам керак. Лекин сен шошилмай тур. Мен бу ишларнинг ҳаммасидан хабардорман. Сенинг бу ишларинг билан баъзилар қизиқиб турибди. Шунинг учун ҳам ҳимоянг масаласи ноаниқ муддатга сурилган. Шунинг учун ҳозирча уйингга қайтавер. Ҳа, айтмоқчи оила аъзоларинг тинчми?

Самандар бу саволни эшитиб энгил титради-ю, яна кузларини олиб қочди. «Нега сўраяпти? Хабар топганми?», деб ўйлаб доддиради.

— Сен бу ерга келишингда уйингга кирмаганмидинг? — деб сўради Базаров унга синовчан тикилиб.

— Йўқ, йўқ, — деди Самандар, — тўғри келаверганман.

— Яхши. Бизга хабар беришди: хотининг касал эмиш. Болаларинг борми?

— Йўқ...

— Яхши...

«Яхши? Нимаси яхши? Нега суриштиряпти? Хабар беришган... Хабар беришган...»

Самандарнинг руҳида саросима бошланганини Базаров сезди. У ҳали фожиадан беҳабар эди. Билгани: Самандарнинг хотини ўлдирилган. Базаров унга ачиниб, кўнглини кутарувчи гап излади. Табиатан қупол муомалали бўлган генералдан қалбни юмшата олувчи, таскин бера олувчи гапнинг чиқиши мушкул эди.

— Менга қара, у ерда душманларинг борлигини биласанми? — деди у худди томдан тараша тушгандай тарзда.

«Душман? Қанақа душман?» Рўх пўртанасидаги сарсари Самандарга бу савол галат туюлиб, Базаровга савол назари билан қаради.

— Нима, душманларинг йўқми? — деди Базаров.

— Қанақа душман? Мен бировга ёмонлик қилмаганман?

— Душман орттириш учун бировга ёмонлик қилиш шарт эмас. Ақлли бўлсанг кифоя, дарахтнинг тагидан ўтсанг ҳам тепангдан душман ёғилади. Агар билсанг, ақл ҳам бир бало, бошқаларда кучли рашк уйғотади. Рашк эса туппа-тузук дўст одамни душманга айлантиради. Мен синаганман: сенларда шунақа касаллик кучли. Бизларда ҳам бор-у, аммо унчалик эмас.

«Бу касал миллат танламайди, ҳаммада бор», — деб ўйлади Самандар. У ҳозир бу мавзуда баҳслашишни истамас эди. Шу сабабли фикрини очиқ баён қилиб, ҳамсуҳбатига эътироз билдирмади. «Гапни калта қилиб, чиқиб кета қолса эди», деб умид қилди. Базаров эса бу сукутни фикрининг тасдиғи сифатида қабул қилиб, хотиржам тарзда гапини давом эттирди:

— Биламан, сен «бошқалар ҳам худди шундай», дейишинг мумкин. Лекин янглишасан. Масалан, грузинлар, арманлар, латишлар бундай қилишмайди. Котиркадзени биласан, а? Тўғри, ёмон одам эмас. Лекин, тўғриси айтсам, иши Давлат мукофотига арзимамайди. Номзоди қўйиладиган бўлганда мен шахсан қар-

ши булганман. Лекин Грузия томондан шундай ҳимоя довули ёпирилдики, охири олди ўша мукофотни. Бултур сени мукофотга ўзимиз тавсия этдик. Ўзбекистондан шундай қаршилик довули ёпирилдики, охири ололмадинг. Ҳатто Василий Игнатъевич ҳам ажабланиб, ҳеч нима қилолмай қолди. Яна мукофотга номзодинг қўйилганини тор доирагина биларди. Нега шунақасанлар, а? — деди Базаров норози оҳангда бош чайқаб.

— Билмайман, — деди Самандар гудураниб. Ҳозир уни мукофот ҳам, душманлари ҳам қизиқтирмас эди. Гапнинг бу тарзда калта қилинганини Базаров яна бошқа тушунди:

— Сен билмасанг мен биламан, фақат тушунмайман, Очилов, битта хотинни қўйиб, иккинчисини олишнинг илмий ишга нима дахли бор? Сени «қолоқ феодал» деб ёзишди. Шахсан менга кашфиёт муҳим, илм муҳим. Кашфиётни феодал қиладими, буржуа қиладими — фарқи йўқ. Душманларинг учун эса бу муҳим, жуда муҳим: Бош конструкторнинг иккинчи хотинни олишга ҳаққи йўқ. Эсингдами, Шарифхўжаев деганнинг диссертацияси учун қўйиб юрган эдинг. «Дўстим», деб менга таништиргандинг. Сени хурматингни қилиб, унга ёрдам берувдим. Эсингда, а?

— Эсимда.

— Хўп, билиб қўй энди: ўша «дўстинг» ҳам ёзган эди. «Бу кашфиёт фақат Очиловники эмас», деб ёзибди. Менга эмас, тўғри ЦКга ёзган. Нима, мен аҳмоқманми ёки Байгильдин аҳмоқми? Кашфиётда илмий гуруҳнинг хизмати борлигини билмаймизми? Лекин бошсиз тана нима қила олиши мумкин? Ўша Шарифхўжаевинг бу танада ким? Бир бармоқми? Ёки бир тукми? Душманам йўқ, дейсан-а! Менга қара, балки Москвага кўчиб кела қоларсан, а?

— Москвага? Нима қиламан бу ерда?

— Нима қилардинг? Ишлайсан. Шароит яратиб бераман. Очигини айтсам, Байгильдин билан шу маслаҳатни пиширдим. Уйлаб кўр.

— Бу ерда ақллилик балоси йўқми?

— Бор, тўғри, аммо сенлардаги даражада эмас.

— Бу ерга келсам, у ердаги илмий гуруҳ тарқатиладими?

— Шубҳасиз. Аммо яхши одамларингни олиб келишинг мумкин.

— Йўқ, у ерда ҳозир кучли илмий гуруҳ тўпланган. Битта-иккита аҳмоқни деб тарқатиб юбора олмайман.

— Аҳмоқлик қиялпсан, билиб қўй. Сен бу ерда энг кучли гуруҳни ташкил этишинг мумкин. Истаган одамнинг, истаган республикадан чақиртираман. Москва марказидан жой берсак, ҳар қандай олим ҳам учиб келади. Йўқ, дейишга шовилма.

— Хўп, — деди Самандар суҳбатга яқун яшаш учун. Базаров эса буни ризолик аломати деб тушуниб, елкасига уриб қўйди:

— Мана бу бошқа масала. Сен уйингга бориб келавер. Қолган ишларни менга қўйиб бер.

Базаров шу гапларни айтгач, хотиржам равишда ўрнидан туриб хайрлашди. У кетгач, Самандар ўзини тамом йўқотди: хотини касал... Душманлари бор... Москвага кўчиб келиш... Генералнинг гаплари чироққа урилган парвоналар каби ҳаёлларини тўзитиб юборди. «Нима қилардим уйга кириб, тўғри келаверсам бўлмасмиди?» деб ўзини ўзи койиди. Уйдаги манзара куз олдида гавдаланиб, ҳайкал каби қотди. Кириб келган ҳамширага ҳам руҳсиз тарзда қараб қўйди. Билак томирига санчилган игнага ҳам парво қилмади. Уйлай-уйлай «генерал балки тўғри айтаётгандир. Москвага кўчиб келганим маъқулдир», деган фикрга келди. Бу фикр бора-бора қарорга айланди. «Оила, бола-чақа манга насиб этмаган экан, Худо менга фақат илм берган экан, оилам бўлмаганидан кейин шу ерда қолаверганим маъқул...» Яна икки кун шу қарор атрофида тараддулланиб, учинчи кун Базаровга телефон қилди-да, қарорини билдирди. Бу орада муолажа яқун топиб, уни ҳарбий аэродромга кузатиб қўйдилар.

Аниқ бир қарор билан қайтаётган Самандар Омонуллонинг интиқ кутаётганидан беҳабар эди.

Номус

Омонулло шаҳарга қайтмай, автобусга ўтириб Тошболтанинг қишлоғига йўл олди. Адолатнинг «хотинини уриб ўлдирган», деган гапи унга яна бир муаммо эшигини очиб берган эди. Депара марказига, сўнг ички ишлар вакили ҳамроҳлигида қишлоққа боргунича қош қорайди. Нафисанинг фожиали ўлими ҳақидаги миш-мишлар билан яшаётган қишлоқ милиция ходимларининг суриштириб ке-

лишганидан уша заҳотиёқ хабар топди. «Иккита милиса суриштириб келибди», деган хабар қишлоқнинг нариги бошига етгунча «икки мошин тўла милиса босибди», деган ваҳимага айланиб, Йигитали яшайдиган кўча жонланиб қолди. Ҳанго-маталаблар ҳовлига киришни истардилар-у, аммо дарвоза остонасида турган йигитга йўлиқиб изларига қайтдилар. Бироқ бу хонадондан узоқлашмадилар. Уларнинг назарида ҳозир бу уйда «бир нима» содир бўлиши керак эди. Улар ана шу «бир нима»дан қуруқ қолмаслик учун ҳам шикордаги овчи мисол сергак турардилар. Бу қилиқлари учун уларни айблаш ноўриндир. Қишлоқда ҳар ойдами, ҳар йилдами бир жувонни ўлдириб кетишса, суриштириб милиса келиб-кейтиб турса, бошқа гап эди.

«Бир нима содир бўлишини» кутганлар бекорга овора бўлишди. Ичкарида ҳеч қанақа галати воқеа юз бермади. Балки Омонулло билан Йигиталининг оддий савол-жавоблари бўлиб ўтди. Омонулло гапни узоқдан бошламади. Ўзини қизиқтираётган муаммоларни еча олишга хизмат қилувчи саволдан бошлаб кўя қолди:

— Жиянингиз... Болтаева бу ерга тез-тез келиб турармиди?

— Йўқ... — деди Йигитали шоп мўйловини силаб, — онам раҳматли ҳаётликлариди келиб-кейтиб тургувчи эди. Кейин оёғини торта қолди. Эрга текканидан кейин ҳечам келмади. Эри қўймади шекилли-да.

— Эрини танийсизми, кўрганмисиз?

— Йўқ, кўрмаганман. Тўйдан беҳабар қогонмиз. Тошболта қишлоқдан ҳеч кимни айтмаган. Азалдан феъли чатоқроқ шу боланинг.

— Синглингизни... — «уриб ўлдирганми?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, тилини эҳтиёт қилиб, Омонулло бошқача тарзда сўради: — ...ёки бирор касал бўлганмиди?

— Синглим касалмасиди. Шу Тошболта хунаса бир куни денг, келиб урибди-да. Мен йўгаканман. Бор бўганимда ўзининг жигини эзибла қўярдим-а. Бу хунаса ичишни эвлотмасиди. Ичдимми, тамом, ишқалнинг уяси эди. Қаттиқ урганидан синглим бечоранинг ичаги узилиб кетибди. Дўхтир шунақа деган.

— Қамалишининг сабаби бошқа-ку?

— Ҳа-да, биз даъво қилмадик-да. Ушанда бир нима деб қўйсақ умри қамоқда чирирди. Шу Нафисани деб-ла уни аядик. Аслида Тошболта ўшанда тўхмат билан кетди, Худонинг ургани шу, шунинг ўзи етарли, дедик. Аямасдан оттирворсак бўларкан. Йўқ бўлиб кетовурса Нафисанинг бошига бу балолар ҳам ёғилмасиди.

— Нега?

— Негга бўларди? Ўзим тарбия қилардим. Шу қишлоқлик қулинг ўргулсин йигитга эрга берардим. Шаҳарга юбормасидим. Э, энди гапирганнинг фойдаси йўқ. — Йигитали шундай деб қўл силтади.

— Тошболта акани тўхмат билан кетган дедингизми?

— Ҳа-да, у тракторини тўғри йўлдан ҳайдаб борган. «Жигули»даги хунасанинг ўзи келиб унга урилган. У ҳам маст буган-да. Омма-лекигин унинг пули бор эди. Ишни тесқари қиб юборди, қизталоқ. Буни кўрган гувоҳлар бор эди-ку, омма-лекигин бир нима дейишга қўрқишди. Менга айтишди. Мен нима, прокурормидимки, бир нима қила олсам. Пешонасида қамалиш бор экан кетворди. Яянам осон қутулди. Омма-лекигин орада қизига жавр бўлди. Синглим ҳам кетди, жияним ҳам кетди, ҳеч ким қолмади... — Йигитали шундай деб уф тортди-да, кафтига бир чимдим нос тукиб, сўнг тилининг тагига ташлаб, бош чайқаб қўйди.

— Жиянингизнинг... душманлари бормиди?

— Ия, гапингиз қизиқ, хотин кишида ҳам душман бўлами?

— Бўлмайди, деб ўйлайсизми?

— Бўлар-ку, омма-лекигин ўлдириб кетадигон душмани бўлмасов.

— Унда ким ўлдириши мумкин?

— Шунисини билмайман, ука, — Йигитали гудираниб носни тупурди-да, мўйловини силаб қўйди. — Мен бунақа гапларни биладигон прокурор эмасман. Менинг билганим — куни битган экан, шунақа ўлим топибди. Ҳаммамиз бирин-сирин улиб-кетоврамиз, дунё эса орқамизда қолавради.

— Жиянингиз аввалги совхоз директори билан яқин бўлган экан, шуни сиз билармидингиз?

— Ким айтди? Тошболтаникига борувдингизми? Ҳа... унда аши шайтоннинг ўрғочисидан эшитгансиз. Бекорларни айтибди у шилта! Бизди уруғдан бунақаси чиқмаган! — Йигитали шундай деб шарт ўрнидан турди-да, худди тўнининг этагини қоқаётгандек сонига уриб қўйди. Омонулло унинг бу ҳолатидан ажабланмади. Жиянининг ахлоқи хусусида бундай нохуш гап эшитган ҳар қандай тоғанинг газабланиши табиий. Тагин ҳам Омонулло «яқин бўлган экан», деб пардалаб айтди, агар «ўйнаши экан», дегандами, бу чапанисифат одам қай ҳолга тушардийкин? Ён-атрофидагиларга сўз бермай юрувчи эркак номуссизлик кўланкасида қолгудек

бўлса, чидаши ниҳоятда қийин. Жиянининг, ҳатто ўз фарзандининг улимига чи- дар, «тақдир экан», деб ўзини юпатар, аммо номуссизлик тамғасини кўтаришга ҳар қандай бақувват бел ҳам чидамас! Йигитали жиянининг қадам олишини бил- масди эмас, билар эди. Улар яшаётган совхоз дунёнинг нариги чеккасида бўлса эканки, гап-сўзлар етиб келмаса. Унда биров аксириб юборса, ёнидаги «соғ булинг», дейишга улгурмай акс-садоси қишлоққа етиб келади. Йигитали бир эшитганида индамади — «ғийбат гап», деб ўзини тийди, иккинчисига чидади. Учтинчисига бориб жиянига индамади-ку, аммо Тошболтани ёқасидан олди. Туп- роғи купчиб ётган кўчада озги-бурнини қора қонга белаб ўрди ҳам, юмалатиб тепди ҳам. Хумордан-ку чиқмади-я, лекин «энди тийилар», деб умид қилди. Семи- риб кетган кўчқорни ҳомиладор гумон қилиб туғиб беришини кутган одам қанча- лар лақма бўлса, Йигитали ҳам бу соҳада нодон эди: ширага ўрганган пашшани яхшилик билан қайтариш мумкин эмаслигини фаҳхламади. Бора-бора ғиштнинг қолипдан кўчганини англағач, жиянига «қишлоққа камроқ кел», деб қўйди. Нафиса бувисининг жанозасига келиб, еттиси ўтганча турмоқчи бўлганида Йигитали хо- тинларнинг висир-висирларидан безиб, жиянига «Энди қизим, бу ерда турганинг билан бувинг тирилиб қайтиб келмайдила. Яқинда эр қилган одамсан, уйингдан узоқма. Энди қишлоққа келиб овора ҳам бўловурма. Соғинганимда ўзим бориб хабар оламан», деб кузатиб қўйди. Шундан сўнг у жиянини соғинмади, жиян ҳам «тоғам йўқламаяптилар», деб хавотирланмади. Йигитали жиянининг яшаш жойини ҳам билмасди, билишга қизиқмади ҳам. Нафиса билан бирга ўсган қизининг борди-келди қилиш ҳақидаги гапини ҳам шарт бўлиб қўя қолди. Отасининг феъли- ни билган қизи истагини бир айтди-ю, бошқа тилга олмади.

Омонуллонинг «аввалги совхоз директори билан яқин бўлган эканми», деган саволи Йигиталининг ярасини тирнаб қўйди. У саволдан норози бўлиб эмас, ана шу тирналган яра азобига чидолмаганидан ўрнидан туриб кетган эди. Йигитали шу савол-жавобдан сўнг тумтайиб олди. Буни сезган Омонулло эзмаланиб ўтир- мади. Соатига қараб олди-да, кечки поездга улгуриш мақсадида ўрнидан туриб, хайрлашди.

Тонгда поезддан тушиб, ювиниб, кийимларини алмаштириш ниятида уйига борди. Қайнонаси ювиб-дазмолланган кўйлақларни жавондаги илгичларга илиб, уйни йиғиштириб, стол устидаги кафтдек қоғозга қисқагина мактуб ёзиб қолдир- ган экан: «Фотимангиз телпон қилиб, салом айтди. Ишлари тезлашяптийкон. Дадангиз икки-уч келиб кетибдилар. Хавотир оляптилар». Кейинги сўзларни ўқиб, Омонулло жилмайиб қўйди. Қайнона «дадангиз» деганда Омонуллонинг тутинган отасини назарда тутган, «хавотир оляптилар», деб бориб кўришга даъват қилган эди. Тутинган отаси улардан тўрт эшик нарида туради. Уни бориб курадиган бўлса, қайнота-қайнонани йўқлаши ҳам табиий. Қайнонаси «бизникига кириб ўтинг», демай, чиройли тарзда мақсадни баён қилиб кетган эди. Она меҳрига зор ўсган Омонулло юмшоққўнгил, ширинмуомала қайнонасини куёв эмас, чин ўғил муҳаббати билан иззат қиларди. Омонулло билан Фотима орасида жиддий тўқнашув бўлмаса-да, икир-чикир масалаларда ҳам доимий равишда куёвининг ёнини олиб, қизига қарши турарди. Шунақа пайтларда Фотима «Ойи, мен қизин- гизманми ё келинингизманми?» деб куларди. Қайнотасининг эзмалиги ёқмасли- гини ҳисобга олмаганда Омонулло уни ҳам яхши кўрарди. Вақти бемалол бўлса, гапларини индамай эшитарди. Баъзан ўтирган ерида мизғиб ҳам оларди. Қайно- тасининг энг яхши одати — «мен шунча гапирдим-ку, ҳамсуҳбатим индамади-я», ёки «гапимни ёқтирмай ухлади-я», деб сира ранжимасди. Омонулло салом бе- риб, «Қалай ада, яхши юрибсизми?» дейишга улгурса улгурди, улгурмаса жим ўтиришга ҳукм бўларди. Қайнотаси гапира-гапира хумордан чиқарди-ю, меҳмон кетгач, хотинининг дашном ўқларига учраб яна камгап, «мўъмин»га айланарди. Фотима баъзан гапга тушиб кетса Омонулло «Ҳа, ота қизи!» деб тегажоглик қилиб, унинг жиғига тегишни яхши кўрарди.

Омонулло бугун ишдан барвақтроқ чиқиб, уларни йўқлашни кўнглига тугиб, чой қўйиб ичди-да, хизматга йўл олди. Йўл-йўлакай прокуратурага кириб, Мэлс Хўжаевга учради. Сафарга кетишдан аввал кўришганида бу кибор йигит уни лол қолдирган эди.

— Ака, сиз ҳақингизда мен кўп яхши гапларни эшитиб, хурсанд бўлдим, — деди. — Мен бу соҳада янгиман. Тажрибам йўқ, билимим ҳам етарли эмас. Лекин шу ишни ёқтираман. Ўзим хоҳлаб танлаганман. Менга иш ургатинг, илти- мос, иш буюраверинг.

— Ишни прокуратура буюради бизга, — деди Омонулло пичинг оҳангида.

— Шунақа деманг-да. Одамлар «фалончининг ўғли» деб менга ҳавас қилиша- ди. Ака, билсангиз шу нарса мени кўп қийнайди, менга кўп зарар беради. Ўқиш- да ҳам учиб юриб ўқидим. Баъзи домлалар кўнгил учун ҳам сўраб қўйишмасди.

Бу ерда ҳам қийнагилари келмайди. «Фалончининг ўгли» бўлганим учун мен айбдор эмасман-ку? Қачонгача учиб юраман. Бир кунмас бир кун қўнганимда нима деган одам бўламан?

Омонулло таажжубини яширмай унга тикилиб қолди. Мэлс Хўжаев ҳам «гапим — гап!» дегандай ундан нигоҳини узмади. Шунда Омонулло Самандар Очиловга тегишли фикрларини айтиб, экспертиза хулосаларини баён қилди. Ҳарбий прокурор орқали битадиган ишларни билдирди. Мэлс Хўжаев бу масала билан шуғулланишга ваъда берган эди. Омонулло сафар хулосаларини баён қилгач, у «биз ҳам бекор ўтирмадик, ака», деган оҳангда ҳисобот бера бошлади:

— Оқруғ ҳарбий прокурори билан шахсан гаплашдим, — Мэлс Хўжаев бу гапни болаларча завқ, болаларча гурур билан айтиб, худди олқиш кутгандай Омонуллога қараб қўйди. «Чакки эмассан», деб ўйлади Омонулло, бироқ бу гапни тилига кўчирмади. Мэлс Хўжаев яна шу завқ билан гапини давом эттирди. — Очиловни кузатиб борган полковник билан суҳбатлашганингиздан оқруғ ҳарбий прокурорининг хабари бор экан. У «шундан бошқа ёрдам беришга ожизмиз», деб айтди. Очилов ҳарбий соҳага оид илмий иш билан шуғуллангани билан ўзи ҳарбий ҳисобланмас экан. Унинг қаердалигини суриштиришга ёки бизга тутиб беришга уларнинг ҳақлари йўқ экан.

«Шунга ақлинг етибди, боқса одам бўласан. Қани, давом этавер-чи», деб ўйлади Омонулло. Унинг жимгина тинглаши Мэлс Хўжаевда шубҳа уйғотиб, бир нафас тин олди. «Бирон нима дермикин», деб кутди. Омонуллодан садо чиқмагач, давом этди:

— Менинг амаким шунга яқин бошқа идорада ишлайдилар. Амаким орқали Очиловнинг Москвада эканини аниқладим. У ҳозир ҳарбий госпиталда экан. Яқин кунларда қайтар экан.

Яхши, қайтаверсин, кутиб оламиз», деб ўйлади Омонулло.

— Лекин биз уни кутиб ололмаймиз, — деди Мэлс Хўжаев, унинг фикрини ўқигандай, — уни ҳарбийлар самолётида олиб келишади. Самолёт ҳарбий аэродромга қўнади.

— Биз уни ўзининг уйида кутамиз, — деди Омонулло қатъий оҳангда.

— Мен ҳам шунақа деб ўйловдим, — деди Мэлс Хўжаев. — Агар хоҳласангиз шахсини аниқлаштириш учун бир одам билан учраштиришим мумкин.

— Ким билан?

— Очилов билан бирга ишлайдиган одам. У амаким билан махфий ҳамкорлик қилар экан. У билан учрашасиз-у, аммо ўзининг кимлигини суриштирмайсиз.

— Ўзингиз кўришмадингизми?

— Тўғриси айтсам... кўрдим. Амаким гаплашдилар, ўзим индамадим. Унинг қотилликдан хабари йўқ экан. Гапларига қараганда Очиловни ёқтирмайдиганга ўхшайди. «Жамият учун зарарли шахс» деб очиқ айтди.

— Нимаси зарарли экан?

— Иккита хотини бормиш.

— Иккита хотинли одам жамиятга зарар келтира олмайди, — деди Омонулло кулимсираб.

— Нега? — деб ажабланди Мэлс Хўжаев бу гапнинг чинми ё ҳазил эканини фарқлай олмай.

— Нега бўларди? — Омонулло «шуни ҳам билмайсизми?» дегандай кулди. — Бунақа одам иккита хотинни эплаш билан овора бўлиб дунёда совет жамияти борлигини ҳам унутиб юборади. Ҳайрон бўлманг, ҳазиллашдим. Агар у одамингизнинг гапи рост бўлса, иккита хотинли одам жамиятга зарар келтирса, учтами тўртта хотин олганлар жамиятга ўт қўяр экан-да. Сиз тўғри фахмлагансиз: ичи қора одамга ўхшайди Шарифхўжаевингиз. Яна нима дейди?

— Бошқаларнинг илмий ишларини ўзлаштириб олар экан. Ўзини Ленин мукофотига қўйиб, ололмабди.

— Бўлди, тушунарли. У билан ҳозир гаплашмасак ҳам бўлади. Зарурат бўлса, кейинроқ учрашамиз.

— Сиз... Очиловнинг биринчи хотини билан кўришдингизми?

Омонуллонинг шундай режаси бор эди. Бироқ, прокуратура ходимининг жиғига теккиси келиб атай:

— Шартми? — деб сўради.

Мэлс Хўжаев Омонуллонинг қувлик қилаётганини сезиб, елка қисиб қўйди-да, ранжигансимон тарзда деди:

— Ўзингиз биласиз, мен сизга буюра олмайман.

Омонулло «фикрларингиз дуруст, мен шунчаки ҳазиллашдим», деб овутомқчи бўлди-ю, «паст-баландга кўниксин», деган хаёлда индамади. Хайрлашиш учун қўл узатганда Мэлс Хўжаев унга бир парча қоғоз узатди:

— Нима бу? — деди Омонулло ажабланиб.

— Очиловнинг биринчи хотини шу манзилда туради, — деди Мэлс Хўжаев, бу сафар киборларча боқиб. Омонулло унинг қарашидаги «бунисига нима дейсиз?» деган маънони ўқиб, жилмайганча жавоб қилди:

— Қойилман, гап йўқ!

Омонулло ишхонасига кираверишдаги навбатчи уйчаси ёнида турган Адолатни кўриб, ажабланди. Бу аёлнинг келишига амин эдику-я, бироқ бу қадар тез йўқлар деб кутмаганди. Адолат уни кўрди-ю, куёвига пешвоз чиққан қайнонадай жилмайиб қарши олди. У ялтироқ ипли сариқ кўйлак кийиб олган, оёғида ёшларга расм бўлган пошнапи қора туфли, қошу кўзларига қалам тортган, лабига оч қизил бўёқ суртиб олган эди. Қилиги ўзига ярашмаган бўлса-да, ҳарҳолда аввалги кўринишига қараганда сал одамбашарароқ эди.

— Вой Худойимга шукр-ей, — деди у саломлашгач, — келмай қолармикинсиз деб юрагим така-пука эди-я.

— Келинг, опа, тинчликми? Хўжайин тузукмилар?

— Ҳа, ётибди, гўлдир-гўлдир қилиб. Нафисанинг уйидаги молларни олиб кел, деб юбордилар.

— Ие, шунақами, гапиряптиларми?

— Қаёқда? Тил ўша-ўша — кетган.

— Тил кетган бўлса қанақасига «молларни олиб кел», дедилар?

— Вой... — Адолат тилидан илинганини билиб, сал саросималанди-ю, лекин сир бой бермай, ўзини қўлга олди: — Тил ўлгур бўлмаса ҳам кўзлари очиқ-ку? Имо-ишора билан гапиряптилар. Шунча йил бирга яшагандан кейин кўзларига қараб туриб, нима демоқчи бўлаётганларини билиб оламан.

— Овора бўлиб келибсиз, опа, мол эгасига берилади.

— Вой, шошманг, началник ука. Мен сизга бир муҳим гап айтаман.

— Хўп, айтинг.

— Бу ерда идорангиз борми? Кўчада айтадиган гап эмас.

Омонулло уни хонасига бошлаб кирди. Адолат стулга утираётиб тор хонага бир разм солди-да:

— Ўлдирган одамни қидиряпсиз-а? — деб сўради.

— Қидиряпмиз, — деди Омонулло.

— Ҳали топмадингиз-а?

— Зеҳнингизга қойилман: топмадим.

— Топа оласизми?

— Билмадим. Ҳарҳолда бурун бўлса, рўмолча топилади, деган гап бор.

— Мен сизга бир гапни айтсам, осонгина топасиз.

— Шунақами? Менга айтиб утирмай ўзингиз топа қолмайсизми?

— Опоси, сиз менга бунақа пичинг қилманг. Мен сизга қишлоқда таппи чангаллаб юрган саводсиз хотин эмасман. Билмасангиз билиб олинг: икки марта райсоветга депутат бўлганман. Бир нарсани билмасам шундан шунга аҳмоқ бўлиб келмасийдим. Ер юткурнинг сирини мен билмай, яна ким билсин?

— Ер юткур... ким? Отасими ё қизими?

— Икковиям бир гўр.

— Қанақа сир экан, айтинг-чи?

— Тўхтанг, олдин келишиб олайлик. Мен сизга билганларимни айтаман. Сиз эса менга молларни олиб кетишимга рухсат берасиз.

— Айтганларингиз шунчаки гийбат бўлса-чи?

— Вой савил, мен гийбатчига ўхшайманми?

— Нафиса Болтаева аввалги директор билан дон олишарди, девдингиз. Тоғаси «бўлмаган гап», деб рад этди.

— Тоғасими? Анави мўйлов жинними? У қаёқдан биларкан? Жиянини аборт қилдиргани ким олиб борган экан, сўрамабсиз-да. Бир марта бўлса ҳам гўрга эди. Уч марта олиб борганман. Мен гийбатчи бўлсам Матлубадан сўранг. Жувонмарг бўлгурни курдингизми ўзи?

— Собиқ директорнинг хотинини айтяпсизми? Борсам уйида йўқ экан, шаҳарда дейишди.

— Вой савил қолсин, шаҳарда бало бор эканми? Уйдан атай чиқмаган. Ўлгудай кўрқади.

— Нимадан кўрқади?

— Эри қамалганидан бери роса обиска¹ қилишяпти. Анавинда ҳам келиб-кетишган экан.

— Қачон?

¹ Тинтув демоқчи.

- Тўхтанг, аввал келишиб олайлик, кейин сўранг саволингизни.
- Болтаева!
- Мен Болтаева эмасман, Худога шукр. Низомбековаман! У ергина юткурнинг фамилиясига утмаганман.
- Низомбекова, бу ер сизга бозор эмас, савдолашманг. Агар билганларингизни яширсангиз ё чалгитмоқчи бўлсангиз, қонун бўйича жазоланасиз.
- Вой улайин, ҳолвани ҳоким еб, калтакни етим ейдими энди? Биров келиб қизимни ўлдириб кетсин-да, сиз ўлдирганни топманг-да, мен жазо олайнми? Ўлмай ўла қолсин, бу қиз ўлгур, бошгинамга битган бало бўлди. У ёқда отаси ётбди «ана ўламан, мана ўламан», деб. Бу ёқда бу кишим ўтирибдилар «айтмасангиз қамайман», деб. Ҳой, менга қаранг, қамашга мендан бошқа одамингиз йўқми?
- Мен қамайман, демадим, жазо оласиз, деб огоҳлантирдим.
- Қамайман, дейсизми ё жазо оласан, дейсизми — бир гўр эмасми? Ҳеч нима билмайман, деб туриб олсам-чи? Ичимдаги гапни ёриб оласизми? Ундан кўра молимизни бериб юборинг, мен сизга керакли гапларни айтмай.
- Омонулло бу шайтон қамчиси билан савдо пишиши қийинлигини англаб, телефон гўшагини кўтарди-да, кўшни бўлимга қўнғироқ қилди:
- Ҳафизхон ака, Болтаеванинг уйда рўйхатга олинган молларни ҳозир бериб юбориш мумкинми? — Омонулло шундай деб Адолатга қараб олди. Адолат масала ўзининг фойдасига ҳал бўлаётганидан мамнун ҳолда бир қимирлаб олди. Омонулло эса суҳбатини давом этди: — Ҳа, одам келди. Болтаеванинг ўғай онаси, — Омонулло «бу кўпол гап таъсир қилармикин?» деб Адолатга тикилди. Адолатда норозилик аломати сезилмади. — Мумкин эмасми? — Шу саволдан сўнг Адолат бир чайқалиб олди. — Иложини қилиш керак. Эридан тилхат олиб келса-чи? Ҳа, албатта, гувоҳлар иштирокида. — Омонулло шундай деб гўшакни жойига илди. — Тушундингизми? Бир ҳафтадан сўнг тилхат билан келасиз. Қани, энди айтинг гапингизни.
- Кеча сиз кетганингиздан кейин эсимга тушди. Хотирам ўлгур сал ўтмаслашиб қолибди, — деб гап бошлади Адолат. Омонулло эса, ўзича «ўтмаслашган ақлда ўтқир хотира бўларканми?» деб хаёлидан ўтказди.
- Уч ойми, тўрт ойми аввал Валижонни кўрувдим.
- Ким у? — Омонулло шу саволни бериб қоғозга «Валижон» деб ёзди.
- Валижонми? Турсуналининг ишонган шўпири. Турсуналини биларсиз, қамалиб кетган директор. Қоранг ўчгур Матлуба эри қамалса ҳам кўчиб кетмади.
- Кўчиши керакмиди?
- Эри қамалганидан кейин кетмайдими келган жойига. Бир нимадан илнжи бор у мегажиннинг. Ҳозирги директор эрининг яқин одами эди. Уйига ҳам тегмади. Нега тегмади, биласизми? Ер ютгур Турсунали Нафисани суриб юрганида, Матлуба бу одамнинг кўнгилчасини овлаб юрган.
- Кўрганмисиз?
- Нимани?
- Кўнгилчасини овлаганини?
- Кўриб нима, мен унинг лозимига қоровулманми ёки пойлаб юрибманми?
- Хўп, бу гапларни қўйинг, сиз Валижонни кўрувдингиз?
- Ҳа, кўрдим, — Адолат шундай деб гаши келганини билдириш мақсадида бир чимирилиб олди: — Бир куни Матлуба чақириб, тўппа-тўсатдан «шаҳарга борамиз», дебди. Валижон «эртага бораёйлик, кеч бўлди», деса ҳам кўнмабди. Кейин Валижон уни ер ютгур Нафисаникига бошлаб борибди. Боришганидан кейин Матлуба Валижонга «сен чиқиб тур», дебди. Нафис ўлгур, эса «Ўтиринг, Валижон ака, чой ичинг, ош пишяпти», деса ҳам кўнмабди. Хуллас, Валижонни чиқариб юбориб, жанжалнинг уясини қўзғабди.
- Нега?
- Унисини билмадим. Эри қамалмасдан илгари жимгина писиб юрарди.
- Эрининг уйнаши борлигини билмасмиди?
- Балони биларди, у ергина юткур. Устидан чиқиб қолганида ҳам даммини чиқармаган.
- Унда нима учун жанжал қилади?
- Билмадим-у, аммо бир нима талашган.
- Эрини талашмаган хотин энди нимани талашини мумкин?
- Нимани талашарди? Бойликни-да. Жувонмарг бўлгур Турсунали топганларини яшириб кетганга ўхшайди. Ер юткур Нафис охириги келганида отаси билан

пичирлашиб қолди. Секин қулоқ солдим. Қулогимга киргани Нафис ўлгур нима-нидир «топиш керак», деди. Кейин «ўша кечаси ошхона томонга қараб юрувди», деди. Кейин икковиям кетди, билсам ўшанда боққа боришибди. Жувонмарг ўлгур боққа нимага боради? Эркасираб боради-да. Уйнаши қамоқда бўлса, эр жонивор ҳафталаб йўқ бўлиб кетса... Майшатни соғинади-да. Директор ўлгур ҳам буларга лаққа туша қолди. Қайтишганида қарасам, қулогиди янги зирак, бармоғида қўш узук. Нақ тилла! Кузлари нақ жавҳар! Курдим-у, индамадим.

Омонулло бу гапни эшитиб экспертиза хулосаларини эслади: қулоқларидан зирак оғлиб олинган, бармоқларида тўртта узук излари бор...

— Бармоқларидаги узуклар иккитамиди?

— Ўзи азалдан иккита бор эди. Биттаси никоҳ узуги, яна биттаси ёқут кўзли тилла узук эди. Боғдан қайтишганда яна иккитаси пайдо бўлди, деяпман-ку, тушунмадингизми? Эркак зоти ҳам гирт аҳмоқ бўлади. Нафис ўлгур ким эди? Ит гажиб ташлаган бир суяк эди. Шу сарқитнинг бармоғига иккита узук тақасанми? Шунақа сарф қилар экансан, свежийларидан топмайсанми?

Адолат янги директорнинг лақмалиқда айблаб, яна бир-икки гап айтди. Омонулло эса янги директор билан бўлган учрашувини кўз олдига келтирди. «Нафиса Болтаевани кўрганим йўқ», деб тонганини эслади. Совхозда ишни хом бажарганини англаб, яна боришни дилига тугди-да:

— Хўш, энди Валижоннинг гапи чала қолди-ку? — деди.

— Ҳа-я, Валижон ўлгур ҳам лақма-да, «чиқ» деса чиқиб кетаверибди. Кундошларнинг қир-пичоқ бўлишларини мазза қилиб кўрмайсанми! Матлуба шумшукки-на бўлиб юргани билан бало-да. Нафис ўлгур-ку тоғасига ўхшаган жинни. Юлиб ташлашдан ҳам тоймайди. Бир марта юлган у қўлинг синггур. Омма мен ҳам ҳаққимни қўймаганман.

— Хўп, қойилман, опа, Валижон нима деди?

— У жувонмарг айтдики, Матлуба чиққанида важоҳати жуда ҳам ёмон экан. «Шу жувонмаргни ўлдиртириб юбормасам юрган эканман», дебди.

— Валижонга шундай дебдими?

— Йўқ, Валижонга айтармиди шунақа гапни. Уйдан чиқиб келаётганда ўзига ўзи гапириб келаётган экан, ер юткур шўпир қулогини динг қилиб эшитиб қолибди. Кейин менга айтди. «Шунақа, шунақа гаплар бўлди, қизингизни эҳтиёт қилинг», деб қўйди. Энди тушундингизми?

— Тушундим, Айтадиган гапларингиз шумиди?

— Ҳа, шунча гапим камми сизга! Бўпти, агар камлик қилган бўлса, яна эшитсам ё эсласам келиб айтаман, — Адолат шундай деб ўрнидан туриб хайрлашди. Лекин дарров чиқиб кетмади. Остонада турганича «ер юткур» ва «ўлгур»лар ҳақида яна аллақанча гапларни айтиб ташлади. Омонулло уни билагидан ушлаб, йўлга бошламас, кечгача гапиришдан ҳам тоймайдиган эди.

Адолатни кузатгач, Омонулло бошлиқ хузурига кириб қотиллик юз берган ўйни назорат остига олиш масаласида келишиб олди.

Азобларнинг муқаддимаси

«Ҳа-ҳа! Барибир урди-ку, Худо! Ҳали бу ҳам кам сенга, бир томчи сувга зор бўлиб ўласан. Ҳа, сен қийналиб ўласан, мен эсам роҳатланиб томоша қиламан!»

Бу овоз... қайнонасининг овози... Ўзи қани? Қаерда туриб гапиряпти?

Ҳаракатсиз ётган Тошболтанинг кўзлари жавдиради. «Ухлаяпманми, туш кўряпманми? — деб ўйлади Тошболта. — Йўқ, уйғоқман. Ҳаммаёқ ёп-ёруғ. Аввал домла ўқиятувди, кейин милиса келди. Бу ҳам тушми? Йў-ўқ...» Адол билан гаплашди-ку у милиса? Адол... ҳаром ўлгур Адол, мендан олдин сен ўлсанг яхши эди. Бир кун бўлса ҳам сендан кейинроқ ўлишни орзу қилардим-а, бир кун бўлса ҳам одамга ўхшаб яшаб қолардим-а... Милисага нималар деб сасидинг-а, аблаҳ! Менга теккунингча нима қилган бўлсанг қилгансан. Ҳаммасини эшитган эдим, лекин сенга раҳим келиб индамовдим. Ушанда сени ўлдирворсам бўларкан. Сен... илон... ҳаммамизни чақиб ўлдирдинг... Бир соатга бўлса ҳам тузалсам эди, ўрнимдан туриб бўғиб ўлдирардим сен аблаҳни. Йў-ўқ... аввал тилингни кесар эдим, сўнг бўғардим. Нафиснинг олдига юзим ёруғ бўлиб борардим...»

«Ҳа-ҳа! Сени Худо урди-ку!»

Яна ўша овоз. Тошболтанинг кўзлари яна жавдиради. Сўнг нигоҳи қотди: ёнгинасида қайнонасини кўрди. Қайнонаси ўтириб олганича эски кўрпачани сўт-япти.

«Нима қиялсиз?» — деб сўради Тошболта.

«Сенга кафан бичмоқчиман» — деб жавоб берди қайнонаси.

«Эски кўрпачанинг астаридан ҳам кафан бўларканми?» — деди Тошболта.

«Сенга шу ҳам ҳайф. Итдай ўлиб, итдай кўмилишинг керак», — деди қайнона-си.

«Мени бунча ёмон кўрасиз-а? Қизингизни урган бўлсам жазосини тортдим-ку? Худо бир алвастига рўпара қилиб қўйди-ку?» — деди Тошболта.

«Нафисанинг ҳаётини булғаб ташладинг. Менда ҳам айб бор: уни сенга бериб юбормаслигим керак эди», — деди қайнонаси.

«Мен қизимнинг бахтли бўлишини истаган эдим. Бахтини топган эди», — деди Тошболта.

«Номи бузуқ бўлиб топилган бахт бахт эканми? Айт, ўзинг, жон қизим, бахтли эдингми?»

Шу пайт қайнонасининг орқасида Нафиса кўринди: эски, кир кўйлақда, кўзларида ёш, маъюс қараб турибди. Тошболтанинг ҳеч эсидан чиқмайди: қамокдан қайтиб, қайнонасиникига келганида Нафисани шу ҳолатда кўрган эди. Кўриб, юрак-бағри эзилиб кетган эди.

«Қизим, бувингга айтгин, мен сенга ҳеч ёмонликни тилаганманми?»

Нафиса индамай, шу ҳолатида қараб тураверди.

«Қизим, мени қийнама, ўладиган бўлсам ҳам қийналмай ўлай, айт, бахтли эдинг-ку, ахир?»

«Нафиса сенга гапирмайди» — деди қайнонаси.

«Нега гапирмас экан?» — деди Тошболта.

«Ўликларнинг гапирганини қайда кўргансан?» — деди қайнонаси.

«Сиз гапирялсиз-ку?» — деди Тошболта.

«Мен сенга кафан бичиш учун атайин келганман», — қайнонаси шундай деб қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади. Узини тўхтатолмай тўхтовсиз кулди, сонларига шапати уриб кулди. Тошболтанинг нақ тепасига туриб олганича, кинолардаги ялмоғиз кампир каби хунук кулди. Кулги жарангидан Тошболтанинг кулоқлари шангиллаб кетди.

— Хе, турқинг курсин сенларнинг, жигарларингни қурт кемириб қуритсин!..

Бу кимнинг овози? Тошболта сергак тортди: қайнонаси эмас, Адолатнинг шангиллаши. Кимни қаргаяпти?

— Молни эгасининг ўзига берармиш. Ким эгаси? Онангнинг махрига тушган мол эканми?

Шангиш овози тобора яқинлашиб, рўпарасида Адолатнинг қаҳрли чехраси кўринди.

— Қанақа эркасан ўзинг?! Гирт аҳмоқ одам ҳам шунча молни ўша ерга ташлаб келавермайди. Милисанинг гапларини эшитдингми? Э, эр бўлмади-я! Энди сени битимга боқаманми? Битта уқолинг неча пул, биялпсанми? Тузаладиган бўлсанг, тузал, бўлмаса ўзим бўғиб ўлдириб қўя қолай. Боқишга арзийдиган эркак бўлсанг экан, сен!..

«Ношукур бўлма, шунча топиб келганим камми сенга? Учта эмас, ўттиз қиз узатишга етадиган мол йигдинг-ку? Тилла тақинчоқларни сотсанг иккита машина беради-ку? Бунча нолийсан, қорашақшақ?!» Шундай демоқчи эди, тил айланмади. Ғўлдираган овоз чиқди.

— Нима деяпсан, қайтарчи? — деди Адолат ёнига тиз чўкканича кулоғини динг қилиб.

«Ҳадеб вой-войлаб ўпкангни кўрсатавермай битта қўй олиб сўйдириб, худойи қилиб юбор. Бизга бало ёғиляпти. Худойи қилмасанг бўлмайди. Боя домла ўқиётганида шу кўнглимга келди».

Тошболта шу сўзларни айтмоқчи бўлганида кўзлари қассобга қараётган кўзи-чоқ кўзлари каби жавдиради.

Адолат бу нигоҳга зуҳр бўлган маънони ўз ақли етганича ўқиди:

— Молларни бориб олиб келайми?

«Қаллангни ишлатсанг-чи: бало ёғиляпти, деяпман сенга. Қўй олиб сўйдир, худойи қил, деяпман. Балого мен учрадим, майли, энди қизларга урмасин. Сен алвастига ҳам Худонинг атагани бордир, эсингни йигсанг-чи!..»

Уларнинг бу таҳлитда гаплашиши соқов билан сўқирнинг сўхбатини эслатарди.

— Ҳа, бўпти, нима демоқчи бўлганингни тушундим, — деди Адолат. — Эртага ё индин бориб олиб келаман. Милиса бўлса ўзига, мен индамай қўйиб бераркан-

манми? Ношуд бўлмай қора ерга киргин сен. Шунча молни уйга қўймай, хари-дорга топшириб келсанг ўлармидинг? Бу ёққа ҳовлиқиб югурганинг билан қизинг тирилиб қолармиди? Мана, югурганинг билан кўмиш барибир сенга насиб қилмади-ку? Худо бизга меҳрибон-да, сени шу куйга солмаганда мўйлов жиннинг ўла қолса жиянини кўммасди. Бутун харажат бизнинг гарданзимизга тушарди. Эри ўлгур қайси гўрларда экан? Хотин олмай ўла қолсин, у сўтак. Қиз билан жувоннинг фарқига бормаса...

Тошболтанинг юраги санчиб, оғриққа чидолмай инграб юборди. Анча босилиб қолган курагидаги оғриқ ҳам уйғонди. Оёқлари юзлаб чаёнлар ҳукмига топширилгандай азоб чека бошлади. Инграш ўкирикка айланди. Ёноғига ёш томчилари думалади.

«Бўғиб ўлдирсанг ўлдира қол», деган илтижо билан хотинига боқди.

— Ҳа, шунақа, — деди Адолат ўрнидан туриб, — тўғри гап тўққанингга ёқмайди. Соғ пайтингда ҳам қутурган туяга ўхшаб ўкириб қолардинг. Ҳозир ҳам шунинг хумори тутдими, ҳе ўкирмайгина ўлгин сен...

«Тўхта, ҳеч бўлмаса оёқларимни уқалаб қуй, бу азоб билан ўлмай. Жоним чиқмасидан олдин сен ҳам менга бир яхшилик қил». — Тил бу гапга ҳам айланмади. Алҳол, бу илтижо тиш ҳатлаб айтилган тақдирда ҳам хотин томонидан ижобатга олинмоғи маҳол эди. Жавоб тариқасида унинг тилидан, «Энди сенинг исқирт оёқларингни қашилаш қолувди», деган гапнинг учмоғи эҳтимолдан холи эмасди.

Тошболта азоблар исканжасида ётганида Нафиса кўринди.

«Қизим, жон қизим, кел, сен қутқар бу азоблардан».

«Қандай қутқарай? Бу азобларни мен бермадим сизга, мен қутқара олмайман».

«Бувинг мени бетўхтов қарғаяптилар. «Сени Худо урди», деб кубоняптилар. Мен Худога нима ёмонлик қилдим. Мендан бешбаттарлари ҳам юрибдилар-ку, ялло қилишиб? Биттагина айбим — онангни урганим. Ундан кейин мен ҳам одамга ўхшаб яшайин деб ҳаракат қилдим, холос. Бошқалар еб-ичиб, маишат қилиб қорнини силаб ётганида, мен оч-наҳор яшашим керакмиди? Нима, нафс битта менда бормиди? Нафси улқонлар-чи? Қани, гапир, нега жим турибсан?»

«Дада, мен нафсни ўлчайдиган тарозибон эмасман. Менинг билганим — бизларни шу нафс шарманда қилди».

«Шарманда қилди? Тириклигингда ҳам шунақа девдинг. Шармандалик нима ўзи? Кўзга кўринмаса, қўлга ушлаб бўлмаса, еб бўлмаса, кийиб бўлмаса... Одамларнинг гапими? Ушанда ҳам айтувдим, ҳозир ҳам айтаман: тупурдим, ўша одамларнинг ўзларига ҳам, гапларига ҳам!»

«Дада, ундай деманг, шу одамлар эрта-индин сизни кўтариб жойингизга олиб боришади».

«Барибир тупурдим! Ўлганимдан сўнг кўтариб олиб боришадими ё ҳожатхонага ташлаб юборишадими — менга барибир. Сен қизим, бувингга тайинлаб қуй: ҳадеб мени қарғайвермасинлар. Уч-тўрт кун бўлса ҳам тинч яшай. Келсанг ўзинг кел, бувинг келмасин. Тўхта, бувингга кўшилиб сен ҳам мени қарғайганинг йўқми?»

«Нимага қарғайман, дада?»

«Турсуналига рўпара қилганим учун-да. Лекин, сен билиб қуй: бу менинг калламдан чиққан ақл эмас эди. Алвасти ўгай онанг айтувди, мен лақмага маъкул келувди. Қарғасанг ўшани қарғайин. Лекин... ўзинг ҳам Турсуналини яхши кўрардинг-ку, а?»

«Яхши кўрардим, дада».

«Яхши курсанг бахтсиз эмас экансан-да? Буни бувингга айтгин. Оғзимиз энди ошга етганида, бошимиз тошга етди. Охирги марта боққа борганимиз эсингдами? Учоқ тагидан топган тақинчоқларимиз эсингдами? «Қорашақшақ» буни бошқача тушунибди. Янги директор билан ўйнашиб, шунинг ҳаққига олган, деб ўйлабди у ҳароми. Сени ўшанақа деб ҳисоблайди. Сенга авваллари айтмовдим, дардим ичимда эди. Менга тегмасидан аввал ўзи шунақа бўлган. Шунинг учун бошқаларни ҳам ўзига ухшатади, у ҳароми. Қарғасанг ўшани қарға. Учоқ тагидан топган тақинчоқларни тақиб олувдинг. Ўлиб ётганинда қарасам, зирақларинг ҳам, узукларинг ҳам йўқ. Ўзинг олиб қўйганмидинг ё... эринг олиб қўювдими?»

Нафиса бу саволга жавоб бермай маъюс тикилиб тураверди.

«Билмайсанми? Унда сени ўлдирган одам олиб қўйган. Нафис, қизим, айт, сени ким ўлдирди? Ёнингдаги йигит ким эди? Фақат «ўйнашим эди», демагин. Мен ишонмайман. Сен унақа эмас эдинг, қизим. Сени эринг ўлдирмаган, ундан

гумоним йўқ. Агар у ўлдирадиган бўлса, Турсуналини ўлдирарди. У Турсуналини яхши кўришингни биларди. Бир марта маст бўлволиб менга йиғлаган, сенга айтувдим. «Турсунали билан учрашмасин», деб ялинган. Ўлдирадиган одам бунақа бўлмайди. Унда ким ўлдирди сени? Карвон бормаганмиди уйингга? Учоқни бузаётганимда бир мўралаб ис олгандай бўлувди. Мени кўролмайди у нокас. Боғ қоровуллигини мендан олгунча атрофимда итпашшадек айланди. Кейин-кейин қилиқ чиқарди. Менинг гумоним ўшандан. Сайфини танирдинг, а? Еттинчи бўлимнинг бошқарувчиси. Сенга совчи кўйдирганида унамаганман, эсингдами? Уша Турсунали билан гап таллашиб қолганида Карвон «Сен ҳали хўжайинга гап қайтарадигон бўп қолдингми?» деб итдай пўпалаб ташловди. Мен ўртага тушмасам ўлиб кетарди, бола бечора. Ҳе, аттанг... шу гапларни милисага айтсам бўларкан...»

Нафиса отасининг гапларига эътибор бермай тисарила бошлади.

«Қизим, кетма, сен келиб, азобларим сал нари бўлятувди. Мени кутқар, қизим...»

«Ўзимнинг азобларим ўзимга етади, дада».

«Азоб? Қанақа азоб? Ўлган одамда қанақа азоб бўлади? Ўлим ҳамма азоблардан кутқаради-ку?»

«Йўқ, дада, улим сиз билан мен учун азобларнинг бошланиши...»

«Ундай дема...»

«Яқинда ўзингиз кўрасиз...»

Шундай деб кўздан йўқолди. Тошболтанинг қулоғига азобли фарёд овози эшитилиб, атрофига аланг-жалаң қаради. Ис босган айвон шипи, бўёғи кучган устундан бошқа ҳеч нима кўринмади.

Кимдир ингради... Кимдир оҳ урди...

Поклик

— Кўлингни кўтар! Гиринг десанг, отаман!

Гарданига совуқ бигиз учи тиралгандай бўлиб, Омонуллонинг эти бир сесканди. Лекин таниш овоз уни жилмайган тарзда орқага ўгирилишга мажбур этди. Синфдош дўсти Сафарнинг қилиғи унга маълум: пойлаб туриб, орқадан писиб келиб, шунақа дейишни яхши кўради.

— Отадиган одам тўппончани биқинга тирайди, қаламни гарданга санчмайди, ҳариф! — деди дўстининг қўлини эҳтиётлик билан қайирган бўлиб. Кейин уларнинг ҳаракатини кулимсираб кузатаётган навбатчига қаради: — Мени «шошилиш тарзда йўқлаётган хотин» шуми? Сержант, бу ёлғон учун нима қиламан, биласанми?

— Ўзимизнинг акахонимиз-ку?

— Бўлди, укахонга сасима. Сен капитан бўлсанг, мен — Нишоновман! Нишонов деганда ҳозир капитан тугул генералларингнинг ҳам ичи ўтиб кетади. Бўлди, юр, кетдик.

— Қаёққа?

— Бугун қанақа кун? Иккинчи пайшанбами? Икки марта штрафга тушиб турибсан ўзинг.

— Йўғ-е?

— Ҳа-е! Энди сени ҳимоя қилмайман. Болалар пўстагингни қоқиб олишади.

— Аввалги гап куни касал эдим.

— Касал-пасалинг билан ишимиз йўқ. Аҳмаджон нима деган? Касал тугул ўлиб қолсанг ҳам ўлигингни гап бўлаётган уй ёнидан олиб ўтишлари керак. Кетдик.

— Ишим бор.

— Иш-пишинг билан ишим йўқ. Сержант укахон, хўжайинга айтиб қўйинг: ўртоқ Сафар Нишонов шахсан келиб, муҳим бир иш билан олиб кетдилар денг. Нишоновга қарши бир нима дейдиган одам ҳали туғилмаган.

Омонулло Сафарнинг одатини билади. Танага ёпишган канани ёки зулукни олиб ташлаш мумкин-ку, аммо Сафар бир нима деб ёпишдими, ундан ўлиб ҳам кутулиб бўлмайди.

— Хўп, машинадамисан?

— Машинадаман, хизмат борми?

— Бор. Ҳозир дадамникига кириб ўтамиз.

— Тушунарли. Қайнонангни соғинибсан, у ерга кириб ўтишимиз ҳам тайин, а?

Уялмай айтавер, мен атай бир ярим соат олдин келдим. Сенинг қилигингни биламан.

— Эртага бушмисан?

— Гирт бушман, ўгри овига олиб борасанми? Бензин олиб берсанг бўлди, дунёнинг нариги четига ҳам кетавераман.

Омонулло хонасига кириб стол устидаги қоғозларни тартибга келтириб, торт-масига солгач, тезгина изига қайтди.

Табиатан сергайрат бўлган Сафар машинани ҳам беҳаловат тарзда ҳайдарди. Яшил чироқнинг ўчганига парво қилмай чорраҳадан ўтиши билан йўл ҳаракати назоратчиси ола таёғини кўтариб, тўхташга ишора қилди.

— Қизилга ўтмадим шекилли? — деди Сафар тўнгиллаб. — Машинада милиса олиб юришнинг ҳеч хосияти йўқ, шунақа ишқалга рўпара бўлавераман.

— Нақ қизилнинг ўзида ўтдинг. Мен гувоҳман. Хўжжат кетди, деявер, — деди Омонулло тегажоглик қилиб, — овора бўлма, ёнингни олмайман.

— Сенга аҳмоқ одам ялинади. Қараб тур, ҳозир тўхтатганига пушаймон қил-дирвораман.

Сафар шундай деб машинани тўхтатди-ю, аммо пастга тушмай, ўтираверди. Ҳайдовчиларнинг югуриб келиб, қўшқўллаб кўришишига кўниккан назоратчи бир оз кутди, сўнг машинага яқинлашди. Сафар ойнакни тушириб бош чиқарди.

— Ҳа, укаҳон, тинчликми?

— Тинчлик, ҳужжатларингизни кўрсатинг?

— Ўзинг кимсан, нега танитмайсан?

— Инспектор Нуриев. Хўжжатингиз?

— Мени танимадингми?

— Танимадим, ака. Хўжжатингиз? Илтимос, машинадан тушинг, — Нуриев шундай деб Омонулло томонга қараган эди, у «бопла, қўймайсан!» дегандай имлаб кўйди. Сафар эса, сумкасидан хўжжатини олиб, машинадан тушди. Назоратчи хўжжатларни кўриб чиққач:

— Сафар ака, нега қизилга ўтдингиз? — деб сўради.

— Нима дединг? — Сафар шундай деб худди беморни кўраётган табиб каби унга тикилди. — Мен кўк билан қизилни фарқига бормайдиган аҳмоққа ўхшайманми? Менга қара, мабодо ўзинг далтоник эмасмисан?

— Ҳақорат қилманг, ака.

— Вей, мен сени ҳақорат қилдимми? Гувоҳинг борми? Ўзинг менга икки марта тўхмат қиляпсан. Мен сени далтоник дедим. Бу сўкиш эмас, маъносини хўжайинингдан сўраб ол.

— Ака, нима десангиз денг, қизилга ўтдингиз. Протокол ёзаман.

— Ука, сен хўжжатни кўрдингми?

— Кўрдим.

— Фамилияни кўрдингми? Фамилияни?

— Кўрдим.

— Нима деб ёзибди?

— Нишонов.

— Нима дегани бу?

— Билмайман. Нишонбой аканинг ё ўгли, ё набираси деганидир-да.

Сафарнинг доимий қуроли иш бермай, Омонуллога қараб кўйди.

— Машинадаги акагни танийсанми?

— Танитайман. Протокол тузаман, — Нуриев шундай деб қоғозларини чиқарди.

— Тўхта, ҳовлиқма, анави аканг ўзларингдан, подполковник. Менинг қиз ўртоғим бўлади. Вей, Омон, туш бу ёққа.

Омонулло кулимсираганича тушиб, назоратчи билан кўришди.

— Старшина, сигаретдан олинг, — деди бир кўзини қисиб қўйиб. Чекмайдиган Сафар ҳам назоратчи узатган сигаретдан олиб лабига қистирди. Омонулло старшинага ўт тутиб, сўнг ўзи ҳам тутатди-да, Сафарга қарамади. — Старшина сиз ҳақсиз: бу ўртоқ чиндан ҳам қизилга ўтди. Агар протокол ёзмасангиз, ўзингиздан кўраверинг. Бу ўртоқ икки марта алдаяпти: мен подполковник эмасман.

Омонулло кўз қисиб қўйгани билан бу гапларнинг ҳазил ё чин эканини англай олмайётган назоратчи Сафарга ажабланиб қаради.

— Омон, қўй, бу гапларни. Подполковник бўлмасанг майордирсан, майор бўлмасанг капитансан. Лекин менинг назарим тушган боласан. Подшозода-ларнинг назари тушган милиса эрта-индин генерал бўлиб кетади. Сен бу болаларга ҳазиллашма, булар ҳазилни тушунмайди.

— Нимаси ҳазил экан? Қонун ҳамма учун бир. Қоидани бузганингдан кейин жазосини ол-да.

— Шунақами? Додам раҳматли «милисадан ошнанг булса, ёнингда ойболтанг бўлсин», деганларида ишонмаган эканман, — деди Сафар пичинг оҳангида.

— Иккита ошна ўзларинг келишиб олаверинглар. Мен протокол ёзаман, — деди назоратчи.

— Ҳа, ёзинг, — деди Омонулло атай қистаб.

— Ёзсинми? — деди Сафар пўписа оҳангида.

— Ёзаман, ака, ошначилик ўз йўлига, иш ўз йўлига.

— Бўлмаса, ма! — Сафар шундай деб унга машина калитини узатди. — Хўжайинингга бериб қўй. Машинани шахсан ўзи олиб бориб беради.

Назоратчи калитни олди-ю, савол назари билан Омонуллога қаради. Омонулло яна кўз қисиб қўйиб, сигаретини тутатаверди. Сафар эса «қўйинг, ака ҳазиллашдим», деган лутфни бир оз кутиб, лабига қистириглик тутатилмаган сигаретни четга улоқтирди-да, қўл силтаганича нари кета бошлади. Шундан сўнг Омонулло ўзининг гувоҳномасини кўрсатиб, узр сўрагач, машина ҳужжатлари билан калитни олиб, ҳайдовчи уриндигига ўтирди. Сафар ун беш-йигирма қадамча юриб тўхтаб, ўтаётган машиналарга қўл кўтара бошлади. Омонулло ундан уч-тўрт қадам ўтиб, машинани тўхтатди-да, пастга тушиб сўради:

— Аяхон, қайси томонга кетяпсиз? Йўл-йўлакай булса олиб кетай, ҳарна бензин пули чиқсин.

— Укажон, катта холангизникига кетятувдим, нақ йўлимнинг ўзи. — Сафар шундай деб тунгиллади-да, ҳайдовчи ёнидаги уриндиққа ўтирди.

— Сарикмассан-ку, бунча тутаб кетдинг? — деди Омонулло машинани юргизгач.

— Ҳазил деб гапираверасанми? ГАИ ҳазилни тушунадими?

— Унақада ўзинг ҳам катта кетма.

— Катта кетиб нима дебман?

— «Сенга ялинган — аҳмоқ», деган ким эди? Энди аҳмоқлигингни тан олдингми?

— Сени ошнам деб юрган одам аҳмоқ бўлмай нима бўларди?

— Бўпти, мингиллама. Бир жойда зўр пиво бор, олиб борайми?

— Пивонинг додаҳужасини ҳозир бориб ичасан. Баварияникидан топиб қўйган.

Пиво баҳонасида чалгиган Сафар аразни унутди. Омонуллонинг тутинган отасиникига боришгач, у «ўзинг кириб чиқавер», деб машинадан тушмади.

Икки табақали эшик қия очиқ эди. Омонулло кўнгироқ чалиб утирмай ичкари кирди. Уч оёқли калта нарвон устига чиқиб олиб, гилос тераётган Бобомурод Омонулло овоз бермаганига қадар унинг кириб келганини сезмади. Омонулло ана шундан ажабланди. Табиатан сезгир бўлган Бобомурод ичкари уйда ўтирса ҳам кўча эшиги очилганини биларди.

Тутинган ўглининг овозини эшитиши билан гилосга узатган кўлини тушириб, пастга қаради. Омонулло унинг қарашида ҳам суствик сезиб «қарияптилар», деб кўнглидан ўтказди. Отасининг ҳолатидаги ўзгариш сабабини кейинроқ билди, Омонулло сўрамаса ҳам Бобомуроднинг ўзи айтди:

— Опангнинг мазаси қочиб қолди, эрталаб касалхонага ташлаб келганман. Ҳозир яна кетаман. Кечаси ёнида бўлишим керак. Ҳарна далда-да.

— Сафар оғайнимнинг машинасидамиз. Кузатиб қўямиз, — деди Омонулло.

— Э, йўқ, ҳали овқат қилишим керак. Вақтинг булса, эрталаб хабар ол.

Бобомурод «опанг» деб атаган аёл Омонуллога етти ёт бегона эди. Охири марта қамолдан чиқиб қайтаётган Бобомурод Пенза бекатида ғарибгина кийинган, сочлари тўзиб, кўзлари киртайган аёлни кўриб, эътиборсиз ўтиб кета олмади. «Русларга ўхшамайди-ку бу аёл», деб қараганида вагонларга тикилиб, киприк қоқмай турган аёл бехосдан гапириб қолди:

— Биз уч киши эдик: Валя Наманганская, Гуля ва мен. Тўғри, ўғирлик қилмаслик керак эди...

Аёлнинг ўзбекчалаб тоза гапиришидан Бобомурод тўхтади.

— Синглим, сизга нима бўлди? — деб сўради.

Аёл уни эшитмади, ҳолатини ўзгартирмай, киприк қоқмаган ҳолда яна ўша гапини такрорлади:

— Биз уч киши эдик...

Бобомурод яна қайта сўради. Аёл қилт этмади.

«Ўтириб чиққанга ўхшайди, — деб ўйлади Бобомурод. — Бошига уришган бўлса, эси оғиб қолганми...»

Бобомурод нима қилишини билмай турганида милиция майори унга яқинлашиб ҳужжатларини сўради. Ҳужжатларни синчиклаб текширгач, қайтаришга шонилмай, Бобомуродга синовчан боқди-да:

— Ҳамюртинг шекилли? — деб сўради.

— Шунақага ўхшайди, — деди Бобомурод.

— Ҳамкасбинг бўлиши ҳам мумкин, — деди майор.

— Ҳа, шунақага ўхшайди.

— Бу ҳам қамоқдан чиққан. Икки-уч кундан бери шу ерда. Жиннихонага бериб юборсаммикин, деб турувдим. Агар одамгарчилик қилиш кўлингдан келса, ўзинг билан олиб кет. Юртида қариндошлари бордир. Жиннининг миллати бўлмайди-ку-я, аммо хор бўлиб ўлиши яхши эмас.

Бобомурод милиция ходимларини ёқтирмас эди, дейилса жуда юмшоқ қилиб айтилган бўлади. Ўн тўрт ёшидан бери тўрт марта қамоқ лагерларининг тузини тотган одамнинг нафратини ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди. Шундай бўлса-да, майорнинг ҳозирги гаплари кўнглига ёқди. «Наҳот сендан шу гап чиқди?» деган маънода унга қараб олди-да:

— Бир амаллаб олиб кетаман, — деди.

— Сен бу ўтиришига қарама, салдан кейин ўзига келади, — майор шундай деб ҳужжатларни қайтариб берди-да, нари кетди.

Аёл киприklarини пирпирата бошлагач, Бобомурод:

— Синглим, Тошкентга кетяпман, бирга кетайлик, — деди.

Аёл унга ялт этиб қаради-да, яқин меҳрибонини курган одамдай суюниб, жилмайди:

— Мен уйимга кетаман! — деб кафти билан бурнини артди.

Бобомурод ёши ўттизга етмаган, кўринишидан эса эллиklarни қоралаган Аёлнинг феъли, табиати қандай эканини йўл-йўлакай билиб олди. Аёл милиционерни кўрса қалқиб кетарди, жиноятдан ёки қамоқдан сўз очилса, лаблари ошкора титрарди. Бобомурод шу сабабли манзилга келгунича ҳам бу мавзуда сўз очмади. Аёл турар жойини унутган эди. Бобомурод ҳужжатига қараб, уни қишлоғига бошлаб борди. Аёл тўғилиб ўсган уй остонасига етишганда ҳали шом намозига азон чақирилмаган эди. Бобомурод эшикни тақиллатгач, қирқ ёшлардаги одам чиқиб Аёлни кўрди-ю, остона ҳатлаган ерида туриб қолди. Аёл ҳам унга қараб киприklarини пирпиратганича тек қотди.

— Сен кимсан, эримисан ё шеригимисан? — деди уй эгаси дабдурустан.

— Эри ҳам эмасман, шериги ҳам. Йўлда учратиб, қоғозларига қараб бошлаб келяпман. Ўзинг кимсан?

— Ҳеч кими.

— Ҳеч кими? Танимайсанми бу аёлни?

— Танийман... — деди уй эгаси мужмал оҳангда, — мен... акаси эдим.

— Акаси эдим? Энди-чи, акаси эмасмисан?

— Ота-онам оқ қилишган, мен ҳам оқ қилганман.

— Нега оқ қиласан?

— Ишинг бўлмасин, бу исқиртни олу жўна бу ердан. Иснодга қолдирма бизларни. — У шундай деб ўғирилмоқчи бўлганида Бобомурод гирибонидан олди-да, қорнига мушт урди:

— Менга қара, ҳей ҳаром! Синглингни Пензада кўриб қолиб, етаклаб келдим. Уша ерда бир ўрис, ўрис бўлганда ҳам бир мент синглиннга раҳм қилди. Бу ерларда хор бўлиб ўлиб кетмасин, деди. Сен нима деяпсан? Мен тўрт марта ўтириб чиққан одамман. Бешинчисида нима учун ўтираркинман, деб юрувдим. Сенинг қонингни ичиб ўтираман шекилли? Қани, жонингни суғуриб олмасимдан айт-чи, нима учун оқ қилгансан?

— Шаҳарда уқияпман, деб ўғриларга кўшилиб кетибди. Бизларни номусга кўйди.

— Сенда ҳали номус ҳам борми! Касал синглингни оқ қилдим деб, кўчага ҳайдаб кўйиб, яна номусдан гапирасанми! Ота-онанг қани?

— Ўлиб кетишди.

— Қовурганнинг орасига панжамни тиқиб юрагингни суғуриб олгим келяпти. Лекин шу синглиннинг хурмати учун ҳозирча тирик қоласан. Сени йўқлаб алоҳида келаман. Номус нима, инсоф нима, виждон нима — гаплашиб оламиз! Ҳозир эса, ҳамма кўшнилариингни чақир.

Ака аввалига кўнмади, бироқ юмшоқ ерига уч-тўрт тепки тушгач, буйруқни

бажарди. Айрим қўшни аёллар тошдек қотиб турган Аёл билан кўришмоқчи бўлишди. Баъзилари эса, остоналаридан узоқлашмай чўчиган ҳолда қараб тураверишди.

— Қўшнилари, билиб олинглар: мана бу ҳаром одам ака экан. Бу ифлос одам синглисини оқ қилганмиш. Қамалган қизлар оқ қилинсин, кучаларда хор бўлиб улсин, деган қонун борми ўзи? Қаранглар, синглисини касал. Шу аёлга бир ўриснинг раҳми келди, акасининг эса раҳми келмайди. Энди мен шу аёлнинг номидан гапираман: у акасини оқ қилди, билиб қўйинглар! Энди мен унга ака, у менга сингил! Омин! Фотиҳа беринглар!

Биров фотиҳа қилган бўлди, биров қимир этмади.

— Биз уч киши эдик: Валя Наманганская, Гуля ва мен. Тўғри. Уғрилик қилмаслик керак эди...

Аёл бу гапни аввал секинроқ айтди, сўнг баланд овозда қайтарди-да, қаҳ-қаҳ отиб кулди, кулаверди...

Бобомурод ҳайрон бўлди: шу пайтгача Аёл кулмаган эди.

Қўшнилари бирин-сирин уйларига даф бўлдилар. Аканинг ҳам қораси учди. Бир пиёла чойга таклиф этувчи инсоф эгаси топилмади.

Қишлоқдан чиқишганда қош қорайган эди. Бобомурод бирон хонадон эшигини тақиллатиб бошпана сурашни истамади. Уз майлига кўйиб берилган кекса тулпор каби йўлнинг ўртасидан аста юриб бораверди. Аёл икки қадам орқада, унга мутелик билан эргашган эди. Бобомурод кўп зулм кўрган — зулм ҳам қилган, оқибатсизлик тузини тотган — ўзи ҳам оқибатсизлик захрини бошқаларга ялатган, оз бўлса-да, меҳр шаробидан лаззат олган — оз бўлса-да, бошқаларга ҳам илинган, инсоннинг ҳайвондан ҳам тубанроқ тарзда хорланиши мумкинлигини кўрган, вақти келса, бошқаларга ҳам кўрсатиб қўйган одам эди. Аммо бугунгидай ҳолатни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди.

У ҳам, изидан келаётган маъсума ҳам, Бобомуродга фотиҳа берганлар ҳам, бермаганлар ҳам Оллоҳни танишмас эди. Бунинг учун уларга айб жандасини кийдирмоқ ноинсофлик булар. Тугилганларидан то айна дамга қадар бирон бир имон эгаси Яратган Тангрини танишга даъват этмади. Яхшилик билан яшаганларга жаннат эшиклари очилажагию, ёмонлик қилганларга бу дунёдаги қамқондан ташқари дўзах азоблари борлигини ҳеч ким айтмади, тунтирмади. Уларнинг ҳар бирлари инсоф, виждон, иймон, меҳр-оқибат тунчаларини ўзларича англашарди. Бу дунё синовли дунё эканини, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сўз имтиҳон тарозусида тортилажагини уйлаб кўришмаган эди. Айна дамда ҳам зўр бир имтиҳон содир бўлаётганидан ҳам бу гофил бандалар беҳабар эдилар.

Қўшнилари уй-уйларига киргач, содир булган воқеани ўзларича муҳокама этиб, ўзларича баҳолаб эдилар:

— Худо ёмон урибди, бечорани. Ота-онанинг қарғиши ёмон-да.

— Худо жазолабди...

— Жазосини берибди...

Алҳол, Тангрининг жазосига учраган ким? Аёлми, акасини ё шу қўшниларми? Валлоҳи аълам, биссабов...

Йўлда бораётган Бобомурод буларни ўйламайди. Руҳоний масалалар, руҳоний ҳукмлардан узоқ бўлган бу одамнинг ўз дунёси, ўз ўлчамлари, ўз ҳукми, ниҳоят... ҳукмнинг ижроси бор. У «Худога солдим», «Бир кунмас бир кун уларни Худо уради» ёки «Худойим, ўзинг жазоларини бер», деб ўтирмайди. Масалани ўзича осонгина ҳал этади: ўзи ҳукм чиқариб, ўзи ижро этиб қўя қолади. Ҳозир ҳам шарт изига қайтгиси, Аканинг юрагини суғуриб олгиси, бу бемехр юракни итларга ташлагиси келди. Жуда-жуда истади шундай қилишни. Бироқ, оғир-оғир қадам ташлаб келаётган чорасиз Аёлнинг қисматини уйлаб, ўзини босди. Ҳозир қайтиб Акани чертса ҳам қамалиб қолиши оқибатида Аёл кўчада хорланиши ёки жиннихонада азоб чекиб ётиши мумкинлигини у биларди.

Туни билан юриш фойдасизлигини англаб, ташландиқ шийпон яқинида тўхтади. Бир оз ўйланиб тургач, шийпонга қараб юрди. Хас-хашакларни оёғи билан сидириб тозаллаган бўлди-да, ўтирди. Аёл Бобомуродга яқин келишдан кўрққандек шийпон ёнида тураверди. Бобомурод аввалига индамади. Сўнг:

— Ўтир, — деб қўйди.

Аёл таклифни эшитмагандек тек тураверди.

— Ўтир, синглим, — деди Бобомурод юмшоқроқ оҳангда. — Эрталабгача дам оламиз шу ерда.

Аёл гўё шийпонни қимирлатиб юбормай дебми, эҳтиётлик билан қадам босиб чиқди-да, нарироққа бориб чунқайди.

— Энди мен акангман. Энди сен хор бўлмайсан. Сен улардан ранжима. Улар ўғрини одам ўрнида кўришмайди. Мен эсам, уларни одам қаторига қўшмайман.

— Мен ўғри эмасман!

Секингина айтилган бу сўз аслида қалбнинг портлашидан ҳосил бўлган нидо эди. Бу учтагина сўз кўп йиллик ғам-андуҳлар занжирини узиб тилга чиққан эди. Бу гапни уйи олдида акасига айтмоқчи эди. «Барибир ишонмайди», деб айтмади. Янги акасига айтди. Қонсиз лаблардан учган бу сўзларни Бобомурод эшитди.

— Ўғри эмаслигини бир қарашимдаёқ билганман, — деди у. — Ўғри бўлганинда сени етаклаб юрмас эдим, ўзинг эплардинг. Сендан яширмайман: мен ўғриман. Тўғрироғи, ўғри эдим. Қамокда онт ичдим: бу хунарни ташлайман. Менинг бир ўғлим бор, шу юришим бўлса, уни бахтсиз қилиб қўяман. У яхши бола... энди у сенинг жиянинг. Сен ҳали ёшсан, синглим, ҳадеб сиқилаверма. Сиқилган билан биров сенга раҳм қилмайди. Ундан кўра мазза қилиб яшайвергину одамларнинг гапларига ҳам, қилиқларига ҳам эътибор берма. Уйлаб кўр-чи, сени ўғри деганларнинг ўзлари тозамикин? Агар тозаси шунақа бўлса, наҳс босгани қанақа бўларкин? Биз энди бир-бировимизга суяниб яшаймиз. Бу ҳам катта бир бахт. Дунёда суянчиғи йўқ, якка махов одамлар тикилиб ётибди.

Бобомурод шу гапларни айтиб, анча енгил тортди. Аёл эса унга жавоб қайтармади.

Қоронғи осмонга юлдузлар тошиб, само ҳуснини беади. Бобомурод жағини тиззасига тираб бу мўъжизага боқди. Юлдузлар — сайёраларми ё катта-кичик самовий жисмларми — у билмайди. Унга маълуми — юлдуз учгани кимнингдир жони узилганидан нишона. Ҳали ўзини тутолмай Акани ўлдириб қўйса ҳозир битта юлдуз учган бўлармиди. «Наҳотки ҳамманинг жони шу юлдузларда бўлса, — деб ўйлади у. — Наҳотки ифлос одамларнинг ҳам жони шундай беғубор, шундай покиза осмонда бўлса. Бунақа одамларнинг жони ҳожатхонага ташланса, ҳожатхона ҳам булганани... Йў-ўқ, юлдузлар одамларнинг жони эмасдир. Балки... шу аёлга ўхшаб ҳурланганларнинг кўзларидаги ёш осмонга учиб, юлдузларга айлангандир... Қизиқ... бу нима учун йиғламайди? Шунча гапдан кейин ҳам йиғламади. Йиғласа бўларди, енгил тортарди...»

— Синглим, сен мендан тортинма, йиғлагинг келаётган бўлса йиғлайвер. Эрак бўлсам ҳам баъзан йиғлагим келади...

Аёл жавоб бермади.

Тун яримлаганда Бобомуроднинг уйқуси келди. Тиззасига бош қўйганича мизгиди. Беш-ўн дақиқадан сўнг чўчиб уйгонди-да, «кешиб қолмадимикин?» деган хавотирда Аёл томон қаради. Аёл тошдек қотиб ўтирарди. Бобомурод бир неча марта мизгиди. Ҳар сафар чўчиб уйғониб, хавотирланган тарзда Аёл томон қарарди.

Тонгни шу зайлда қарши олдилар...

Ўшандан бери Аёл шу уйда яшайди. Омонулло уни дастлаб кўрганида «Отам у ёқларда уйланибди-да», деб ўйлади. Сўнг бошқа-бошқа хоналарда ётишларини билиб, муомалаларида эр-хотинлик меҳри йўқлигини сезиб, ажабланди. Отасидан «Ким бу!» деб сўрамади. Бобомурод эса «Синглим», деб гапни қисқа қилиб қўя қолди. Аёлнинг «Биз уч киши эдик...» деган гапларини эшитгач, қанақа сингил эканини ўзича тахмин этди. Тахмин нотўғри эканини кейинроқ билди. Бир куни Бобомурод унинг тилига чиқаролмай юрган барча саволларига бира тўла жавоб берди:

— Мен ҳаммасини аниқладим: бу қиз бир номарднинг қўлига тушиб қолган. Бир ўғирликни шу бечоранинг бўйнига қўйиб юборишган. Тўхмат билан кетган. Ҳаммасини аниқладим, ҳаммаси ҳал бўлди.

Омонулло:

— Нима ҳал бўлди? — деб сўради.

— Тўхмат қилганлар жазоларини олдилар. Бу пок аёл, истасанг «амма» дегин, истасанг «опа», — деди Бобомурод.

Омонулло отасининг кўнглига қараб «опа» деди. Аёлни ҳар кўрганида унга ачинарди. Кейинчалик Аёлнинг ранг-рўйи яхши томонга ўзгарди. Чехрасида ёқимли нур ҳам пайдо бўлди. Лекин «биз уч киши эдик...» бошланганида бетлари бирдан қорайиб, кўзларидан нур қочиби, хунук ҳолатга келиб қолар эди.

Бу Аёлнинг келганига ўн икки-ўн уч йил бўлдими ё ундан ошдими, Омонулло

аниқ эслолмайди. Қамокдалигида «ўғлим, бундан бу ёғига фақат сен билан бирга бўламан», деб хатлар йўллаган одам Аёлнинг атрофида парвона бўлишдан ортмай қолди. Аёл кўп гапирмасди, овоз чиқариб кулмасди. Бир нарсадан хурсанд бўлса, салгина жилмайиб кўярди, халос. У жилмайганида Бобомуроднинг назарида бутун олам чарогонлашиб кетарди. Тундлашса эса, унинг юраги сиқилиб кетарди. Шундай пайтларда баъзан «Ҳой, гапирсанг-чи, соқов эмассан-ку, ахир!» деб койиб ҳам берарди. Шунда Аёл заифгина жилмайиш ҳадя этиб, унинг кўнглини равшанлаштирмоқчи бўларди.

Омонулло отасининг бугунги кайфиятидан сездики, Аёлнинг касали шунчаки ўткинчи эмас. Шу боис Омонулло «Отамга далда бўлар», деб бир оз гаплашиб ўтирмоқчи бўлди, Бобомурод унамади. «Ўртоғи билан келган бўлса, ҳойнаҳой бирон ёққа кетишаётгандир», деган хаёлда «менга халақит берасан», деб кузатди.

Қайнонасиникига Сафар ҳам кириб, бир-икки пиёла чой ичишгач, изларига қайтишди.

— Хафа бўлмагин-у, оғайни, опангни кўрсам юрагим сиқилиб кетади, — деди Сафар машинага ўтиргач.

Омонулло унга бир қаради-ю, индамади. Сафарнинг бу аёлга ачинганидан эмас, иргангани учун кирмаганини биларди.

Аёл бу уйда пайдо бўлганида шу атрофда яшовчиларнинг айримлари ундан ҳайиқишди, баъзилари эса ирганишди. Шу кучада, шу уйда туғилиб-ўсган Бобомуроддан барча ҳайиқарди. Қамокдан қутулиб келиб, кейин яна қамалиб кетгунига қадар биров унга юрак ютиб тик қарай олмасди. Бобомурод бу маҳаллада бировнинг чўпини олмади, бировни чертмаган, бировни сўкмаган бўлса-да, «ўғри» деган ном билан юргани учуноқ ҳамма ҳайиқарди. Аёлдан ҳайиқишларига сабаб ҳам айнан шу эди. Аёл кўчага кам чиқарди. Чиққан маҳаллада ўзига хавотир билан қараб туришганини сезса, жилмайишга ҳаракат қиларди. Ирганаётганларини сезса, юзини тескари буриб оларди. Бир йили Омонулло Сафар билан кирганида опаси касаллик хуружидан энди холи бўлиб турган пайти экан. Эси ўзига қайтгани билан рангидаги тундлик тарқамаган, паришон сочларини тарашга ҳали улгурмаган экан. Ушанда Аёл Сафарнинг қарашиданоқ унинг ирганаётганини сезди. Улар уйга кириб ўтиришгач, хонасига ўтиб ўзига оро берди. Сўнг дастурхон тузади. Чой қуйиб аввал Бобомуродга, кейин Омонуллога узатди-да, «ўртоғингизга» деб пичирлаб қўйди. Омонулло шундан сўнг Сафарнинг ирганганини ҳам фаҳмлади, опасининг одатини ҳам билди.

Ушандан бери анча йиллар ўтди. Сафар билан яна бир неча марта келди. Ушандан бери Сафар останага қадар келади-ю, ичкари қирмайди. Ҳар гал «юраги сиқилиб кетишини» айтади. Сафар қанчалик яхши дўст ҳисобланмасин, мана шу каби одатлари, кибрга бандалиги Омонуллога ёқмайди. Баъзилар дўст танлаш имкониятига эга бўладилар. Баъзилар эса, бориға шукр қилиб юрадилар. Омонулло ана шу иккинчи тоифага мансуб. Болалар уйда орттирган дўстлари турли томонларга тарқаб кетишди. Иккитаси хасталик туфайли, учтаси эса жиноятчиларга қўшилиб қолиб, бу дунёни тарк этди. Институтдагилар ҳам турли шаҳарларда ишлашади. Бирининг бўш вақти иккинчисига туғри келмагани учун ҳам кам учрашилади. Ойда бир учрашиб турадигани — шу синфдошлари. Худо унга синфдошларни танлаб-танлаб берган. Кибрли, худбин, дарди мол-дунё бўлган болаларнинг бир синфга қандай жамланиб қолганини Яратган билмаса, бандаси билолмайди. Буларнинг ичида хокисори ана шу Омонулло эди. Синфдошлар уни ошқора менсишмасди. Булар орасида фақат Сафаргина меҳрибон эди унга. Ота-онаси ҳам Омонулло кирғудай бўлса, ўғлининг суюмли меҳмони сифатида иззат қилишарди. Мактабни битиргач, беш-олти йилмикин, синфдошлари билан деярли кўришмади. Милицияда ишлай бошлагач, улардан бирининг иши тушди-ю, «гап» деб аталмиш зиёфатга чорланадиган бўлди. Ушандан бери ҳар ойнинг иккинчи пайшанбасида улар билан «гап» ейди. Гарчи улар билан мактабда бирга ўқиган бўлса-да, ўзининг бу даврага бегоналигини ҳис қилиб туради. Уларнинг яшаш тарзлари, дунёқарашлари, фикрларини ҳазм қила олмайди. Айниқса, кейинги пайтларда ўзини тортишга баҳона қидирадиган бўлиб қолган. Даврада ҳол-аҳвол сўрашаётганда «бола-чақалар омонми?» дейилганида унинг юраги увишадиган одат чиқарган. Ўртоқлари унга «хотининг нега туғмаяпти?» деб дашном беришмаса ҳам шу савол кўндаланг тургандай ўнғайсизланаверади. Айримлар беихтиёр равишда, саволни кимга бераётганини, нима бўлишини уйлаб қурмаган тарзда «бола-чақалар қалай?» дейишганда Омонуллонинг юрагидан бир томир узилгандай бўлаверади.

Хозир Омонулло руҳини темир исканжага олувчи давра сари борарди. Сафар узи келмай телефонда эслатганида бормасликнинг чорасини топарди. Отасиникига келгунича дўстига қитмирлик қилиб, кўнглини хушламоқчи бўлди. Сафарнинг «юраги қисилганини» эшитиб, ўзининг ҳам кўнгли хуфтон пардасига ўрала бошлади. Тумтайиб олмаса-да, гапиргиси келмади. Сафар унга қараб-қараб кўйиб:

— Мендан хафа бўлдингми? — деди узрли оҳангда.

— Сен хафа бўлишга арзийдиган одаммасан, — деди Омонулло зардали пичинг билан.

— Хуп, ҳисоб — биру бир. Аразлаган — ўғри, — Сафар шундай деб кўлини узатди. Омонулло руҳсиз ҳолда шапати уриб кўйди-да:

— Опам касал эканлар, — деди. — Эрталаб кириб ўтамиз.

— Бўпти, — деди Сафар жонланиб. — Кабобнинг ўғил боласи мендан.

— Кабоб емасалар керак. Реанимацияда эканлар.

— Узлари емасалар дўхтирлар ейишади. Дўхтирларнинг томоғини ёғлаб турсанг, яхшироқ қарашади. — Айтган гапи Сафарнинг ўзига хуш ёқиб, хузурланиб кулди. — Гапим ёқмаса ҳам кўнгил учун тиржайиб кўй, ҳей «кайфитанг».

Иўлнинг қолган қисми Сафарнинг мазали-мазасиз, ёқимли-ёқимсиз ҳазиллари билан босиб ўтилди. «Гап» деб аталмиш зиёфатга барвақтроқ бориб қолишган экан, Сафар мақтаган пивонинг «додахўжаси»ни ичиб роҳатланиб ўтиришди. Уй эгаси пайтдан фойдаланиб, ўзини қизиқтирган масалаларни ойдинлаштириш мақсадида Омонуллони гапга солди:

— «Время»ни кўрдингми, Берлин деворларини йиқитишибди-я! — деди ажаблангансимон. — Мен бултур борувдим ўша ерга. Зўр дўконлари бор эди. Улар ҳам кетганмикан-а?

Омонулло дарров жавоб бермади. Пивони симириб, унга қараб олди. Берлин деворининг йиқилишидан, ярим асрдан зиёдроқ айри-айри яшаган халқнинг қушилишидан дунё нима ташвишда-ю нима қувончда? Бунинг гами эса, деворга яқин ердаги дўкончаларда.

— Деворни нимага бузишяпти, биласанми ўзинг? — деди Омонулло.

— Гишт-пишт керак бўлиб қолгандир ё пахса эканми? — деди Сафар қитмирлик билан.

— Сен жим тур, — деди уй эгаси уни жеркиб, кейин Омонуллога қараб елка қисди: — шунга ҳайронман, туппа-тузук баланд деворлар эди.

— Қаллани ишлат: ўша ерда кўрган дўконларинг кичиклик қилиб қолибди. Деворни бузиб ўрнига катта дўконлар қуришади. Иккита эшиги бўлади. Бир томондан гарбий берлинликлар киради, иккинчисидан шарқликлар.

— Гапни ҳам эшворасан-да, а? Вей, милиса бўлмасам ҳам у-буга ақлим етади. Гарбий берлинни узоқдан бўлса ҳам кўрганман. У ёқда зўр «импортний» моллар бўларкан. Ана энди борадиган бўпти Берлинга.

Улфатлар бирин-сирин келишиб, «Берлин девори» масаласи сурилди. Ўрнига «беш юз кун» деб ном олган иқтисодий режа муҳокама қилиниб, бу режа эски шаҳардаги гушт бозори талабларига жавоб беролмагани учун инкор этилгач, сомсаларни еб, шўрваларни ичишди-ю:


— Қани, «кўмирхона»га ўтдик, — деган таклиф билан дастурхондан сурилиб, уй бурчагида давра қуришди.

«Кўмирхона» — қимор ўйналадиган жой. Бир-бирига аҳил, бири-биридан жонини аямайдиган дўстлар беш-ўн тийиндан сўмларга ўтадилар. «Кўмирхонадан» нарида бир-бирларининг неча юз сўмлик қарзларидан кечиб юборадиган мард, меҳрибонлар қиморда ўн-йигирма тийин устида ёқа бўғишиб кетадилар. «Гап»га кечикиброқ келган дўстларига «қалай, яхшимисан?» деб, ўтирган ерларида қўл узатиб қўяқоладилар. Бола-чақани сўрашга-ку фурсатлари ҳам, фаросатлари ҳам етмайди. Омонулло қартага уста бўлгани учун «кўмирхона»дан умрбод бадарга қетилган. Қайсидир йили Москвага борганида тўртта бир хил куринишдаги қарта олиб келиб, ҳаммасининг тузларини аралаштириб ташлади. Ўттиз олтита қартадаги тўртта ўрнига ўн олтита «туз» мавжудлигини «кўмирхона»дагилар кейинроқ билиб қолишди. Мана шу ҳазил баҳона бўлиб, Омонулло жазоланди — уйиндан четлаштирилди. У ҳатто бировга маслаҳат бериш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эди.

Омонулло ўйин қизмай туриб Сафар билан эрталаб учрашишни келишиб олиб эди. Уйин «сен гирром қилиб ютяпсан», дейдиган даражага етганда секингина туриб, чиқиб кетди.



Фарход Ҳамрожонов



Инсонпарварлик ва мардликни
Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуглайди.

Амир ТЕМУР

Кўҳак тарафлардан эсаётган саррин шабада нафармон гулларнинг анвойи ҳидини таратади. Боғлар, далалар, чор-атроф жаннатмисол гўзалликка бурканган. Қушлар вижир-вижири кўнгилларни қитиқлайди, ним табассум ила юз очаётган гиёҳлар қуёшга юз буради. Кўҳак тошдан-тошга урилиб, жаҳд билан олдинга интилади.

Мовароуннаҳр кўзи — Самарқандда осойишталик. Соҳибқирон Амир Темур Кўрагоннинг Рум ва Шом сафари охирлаганини эшитган раёият қалбига қувонч оралаган.

Кўҳна замин тун огушида жим. Бодроқдек сочилган юлдузлар маъюсдек. Кўчаларда миршаблар изғийди, арк дарвозасида тик қотган посбонлар сергак.

Арк ёнидаги кўчаларнинг бири. Қаср монанд қурилган муҳташам иморатнинг турли нақшлар билан безатилган чоғроққина меҳмонхонасида икки биродар ўтирибди. Безатиглик дастурхон шунчалар шоҳонаки, гоҳида чой, гоҳида шароб келтираётган мулозимнинг кўзи ўйнайди.

— Қуй, тўлатиб қуй, — буйруқ берди ширакайф Муҳаммад Жалд, — беш кунлик дунё, яйраб қолмоқ керак.

Хужа Довуд бош қимирлатиб, «ҳа» ишорасини қилди-ю, қўлидаги май тўла косага тикилди, коса ичида кўзига қандайдир ожизанинг акси курунгандай бўлди. Ўнгими, туши? Кузларини ишқалади. Хужа уҳ тортиб, лиммо-лим косани бир кўтаришда бўшатди. Иккинчи, учинчи косадан сўнг кўзлари қизарди, озгина вақт ўтиб, ўзи билмаган ҳолда уй тўрига қаради-ю, шамдек қотди. Калима келтирди.

— Ё, субҳоноллоҳ!..

Боя коса ичида курунган ожиза энди қандилларда ёниб турган шамнинг хира ёғдуси аро Довудга таънали боқар, гоҳ йўқ булиб кетарди.

Довуд бошини чангаллади. Яна оғир уф торгди.

— Энди шўримга шўрва тўкилади, — маъюс пичирлади у.

Муҳаммад Жалд Довудга қараб ишшайди.

— Сизга не бўлди Довудбек? Тобингиз қочдимми?

— Мени анов ожизанинг руҳи таъқиб этадур, ҳа таъқиб.... Нечун шу ишларга қўл урдим, нечун аларни бевақт хазон қилдим? Бу кўргиликлар учун Тангри таоло жазо юбормоқда, жазо!

Жалд хахолаб кўлди.

— Мунча хотинмижозсиз! Қанақа жазо, қандай гуноҳ! Ҳали ҳам анови ожизани

уйлаб юрибсизми? Ҳе! Эсингиздан чиқаринг, мана бугун мен гулзордан саралаб-саралаб бир гул уздим, таърифига сўз йўқ. Ишрат қуриб, бода кайфини сурмоқ керак. Қўрқманг! Мен борман-ку! Кимсан — Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Темур Қўрагоннинг Самарқанддаги жомеъ масжиди қурилишининг мубошири...

У кўзини сузганча яна ўзига май қўйди. Аммо Довуднинг ичини ит тирнар, «Соҳибқироннинг сафари охирлабди», деган гапни эшитгандан буён кўраётган тушлари эсига тушиб, бадани музлар, кеча булиб ўтган воқеалар уни яна ваҳимага солар эди.

Кеча туш курибди. Самарқанд осмонида кезаётган тулин ой кичрая-кичрая қоп-қора булултар қавагида йўқ булиб кетибди. Бунинг таъбирини мунажжим чақиртириб сўрагани, у шундай жавоб берди:

— Тақсир, аввало, ҳамма иш Оллоҳдан. Бироқ сиз кўрган, кичраяётган ой катта хавфнинг яқинлашаётгани белгиси. Бошингизга бирор мусибат тушиши эҳтимоли бор. Яна Оллоҳнинг ўзи билгай.

Уша кунни уйига сигмади. Кунгил ёзиб келгани шаҳарга чиқди. Босиб-босиб чоғир ичди. Бозорга бирров кириб, кейин кетмоқчи бўлди. Шундоқ бурилудики, олдидан кийимлари қирқ ямоқ, жулдир, сочлари тўзиган девона аёл чиқди. Хужа юзини тескари буриб, йўлини бошқа ёққа солди. Эндигина атторлик растасини айланиб бўлиб, уйига кетишга чоғланувди, уша таъвия яна олдидан тўсиб чиқди. Олайган кўзларга қараб юраги орқасига тортиб кетди. Сесканди. Девонани таниди. Бир пайтлар у Зулайҳо исми бир бокира малакни оиласидан мосуво қилиб, бевақт умид чечакларини сўлдирганиди. Девона аёл дилпоранинг онаизори эди. Довуд илкис тўхтади. Кўзлар тўқнашди.

— Сенга не керак, девона?

— Менгами? — изтироб муҳрланган кўзлар бирдан оловланди. — Менинг айтганимни топиб бера оласанми?

Мени танимаяпти, пул сўрамоқчи, деб уйлади ва чўнтагини пайпаслаб, пул чиқарди.

Девона пулни Довуднинг устига сочди.

— Бор-йўти, оиласи, гулдек фарзандидан жудо бўлган бечорага пулнинг нима кераги бор? Пул сенга керак.

У бирдан Довуднинг ёқасига чанг солди.

— Менга Зулайҳом керак, мунис қизалогим. Уни сен уддирдинг, сен!

Довуд ёқасини аранг бушагиб, бурилла қочди. Орқасидан девонанинг маҳзун овози то бозордан чиққунча эшитилиб турди.

— Зулайҳом, қўзичогим. Қайлардасан?!

Яқиндагина қўллари кўкка етгудек бўлиб юрган Довуднинг кўзига дунё зулмат бўлиб қолди. У Ҳазрати шоҳ мазорига қараб йўл олди. Бу мазор шаҳар ташқарисида. Афросиёб қўргонининг ичида эди. Қўсам пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг амакиси ҳазрат Аббоснинг утиллари бўлган. Амир Темур фармони билан мазор узра мақбара солинган. Баъзи амирлар, Соҳибқироннинг хотинлари ва сингиллари бу ерда ўзларига даҳмалар бино қилдиришган. Ва ушбу таъриф машҳур: «Ложувард тусли фалак дунё юзига тамошо кўзини очгандан бери бунга ўхшаган гўзал ва безакли иморат кўрмаган. Фирузаранглик, қўбтурма нақшлик фалак гилдирак ой билан қуёшдан ўзига кўз ясагандан буён бу каби бинокорлик кошинларини томоша қилмаган».

Хужа Довуд мазорда узоқ қолиб кетди. Қуръон тиловат қилди. Тангридан гуноҳлари учун кечиришини сўради. Пушаймонлар чеқди. Уйламасликка қанча тиришмасин, яна ўша — девона аёл кўз олдига сувратдек тураверди. Қўсам ибн Аббос мазорида у биринчи марта қилган гуноҳини буйнига олди, бу ерда энди биринчи марта ўтган умрига назар солди. Қилган ишларини адолат тарозусида ўлчади. Қанча уринмасин, гуноҳлари тарозининг яхшилиқ, поклик, эзгулик деган палласини босар, ҳаётида илк бора бу дунё фоний эканлигини эътироф этар эди.

Э, дариг чиндан ҳам Зулайҳонинг, унинг девона бўлиб қолган онаси, дарвеш ҳирқасини кийган отасининг қарғишлари урди уни.

... Эндигина ўн еттига қадам қўйган Зулайҳо кулол Пулат билан Манзуранинг олти ўтил-қиз ўлиmidан кейин Оллоҳдан тилаб олган фарзанди — аржумандлари эди. Бу малакваш ўсган гулзорни Мастура қўшмачи айтгач, Довуднинг хаёли Зулайҳода

булиб қолди. Ниҳоят, разил ниятини амалга оширди. Йигитлари тунда кулолни улу-
дек уриб, қизини отга ўнгариб олиб келишди. Бечора қиз қанча кўзёш тўқди, ялинди-
ёлборди, оёқларига йиқилди.

— Мени ўлдилинг, розиман. Лекин хазон этманг, раҳм қилинг, раҳм...

Йўқ, Довуднинг тошдек қаттиқ қалби юшмади. Ифлос нияти амалга ошгач,
эшикни тамбалаб, масжид қурилишидан хабар олгани кетди. Зулайҳо узоқ йиглади.
Ҳаёти тугаганини, бошқа яшай олмаслигини англади. Онаси, отасини ўйлаб, аччиқ-
аччиқ йиглади, ифлос Довудни қарғади. Лекин унинг фиғонларини ҳеч ким эшитмас,
узи ёниб, ўзи ўртанарди.

Зулайҳо бир амаллаб ташқарига чиқиб олди. Зурлаб кийгизилган зардўзи кавуши-
ни, нимча, тиллақош, исиргаарни улоқтирди. Яланг оёқ Кўҳак тарафга ошиқди.
Оёқларини кесаётган чағир тошларни сезмасди. У ўзи кўзлаган манзилга келгач, дарё
ёқасидаги жарда узоқ ўтирди, ўтган масъуд, саодатли кунларини эслади. Чорбоғдан
олиб чиққан арқоннинг бир учини жар ёқасидаги тошга, бир учини сиртмоқ қилиб ўз
бўйнига боғлади. Чор-атрофга армонли кўзлари билан узоқ тикилиб, пичирлади:

— Хайр, отажон, онажон! Хайр, бевафо дунё!

Кейин тошни забт билан олдинга сурди. Тош бир силтанди-ю, Зулайҳони тортиб,
дарёга шалолаб тушди...

Орадан уч кун ўтиб, жасадини топишди. Арқон ивиб тошдан чиқиб кетган, сув
Зулайҳони четга улоқтириб ташлаганди. Танаси буткул шишиб, кўкариб кетган, қоп-
қора кўзларига қум тўлганди. Қизларини узлатга тошширишгач, она девона бўлиб
қолди. Нури-дийдасининг доғи уни телба қилиб қўйганди. Кулол Пулат қизининг
маъракаси ўтгач, уйини, бор мол-мулкни қўни-қўшниларга бўлиб берди. Дунё ишла-
рига қўл силтаб, бошига кулоҳ, эғнига жанда кийиб, гадо бўлди. Бу аччиқ қисматлар-
нинг бош сабабчиси Хужа Довуд эди...

Нимадир тарақлаб кетди. Довуд сесканди. Муҳаммад Жалд ёнбоши билан май
солинган идиш устига йиқилиб, шу кўйи хуррак отарди. У ўрнидан туриб ташқарига
чиқди. Тонг бўзариб келар, бири-бирига овоз бериб хўрозлар қичқирмоққа тушган
эди...

* * *

Соҳибқирон Амир Темур Ҳиндистон муҳорабасида қозонилган галаба шарафига
ҳижрий 801 йил, рамазон ойининг тўртинчи якшанбасида бошланган жомеъ масжиди
қурилиши 806 йил ниҳоясига етди.

Жомеънинг равоқи устида ёзилгандирким: «Амир Тарагай угли буюк хоқон Амир
Темур Кўрагон 801 йилда ушбу жомеънинг соленишига амр қилди». Жомеъ дарвоза-
сининг узорида ёзилгандирким: «Ушбу жомеънинг битказилишига 806 йилда муваф-
фақ бўлинди».

Бино қурилишида маҳаллий уста, муҳандислардан ташқари Халаф, Басра, Бағдод,
Озарбойжон, Форс, Ҳиндистон меъмор-наққошлари, сангтарошлари ҳам тер тўқди-
лар. Таъриф қилишларича, моҳир усталар масжиднинг дарвоза, эшикларини, урин-
диқларини толеъ ва шон-шавкат маскани қилдилар, ҳар жойнинг ўлчамига қараб
шойи ва гиламлар тортдилар, гумбаз ичкарасида тункарилган осмондаги юлдузларга
монанд тилларанг қандилларни ёқдилар...

Масжид тўрт улугвор иморатдан: катта масжид, икки кичик масжид ва ҳайбатли
пештоқдан иборат бўлиб, улар тўрт бурчакли ҳовлида жойлашган, бурчларида тўртта
минора қад кўтарган. Ҳовли 470 устунга ўрнатилган гумбаз билан ёпилган. Ҳар бир
устун узунлиги етти газдан иборат эди.

Ҳижрий 807 йил, муҳаррам ойининг ўни. Карнай-сурнай садолари остида музаф-
фар Темур рўйи замин сайқали — Самарқанд тупроғига қадам қўйди. Рум ва Шом
сафари ниҳоясига етган, бу муҳорабада ҳам хоқон галаба тунини кийиш шарафига
муяссар бўлган эди. Уша куни жуда катта тантаналар бўлиб ўтди. Шаҳзодалар ўйлан-
ди, кураш, улоқ уюштирилди, юртга ош тортилди.

Жомеъ масжидини қуришга Амир Темур аркони давлат: вазиру вузаро, мансаб-
дорлар билан ташриф буюрди. Аввал Соҳибқирон сафарда эканлигида катта хоти-
ни — Сароймулкхоним томонидан қурдирилган Мадрасаи хонимни тамошо қилди.
Хоқон Самарқандда икки фусункор бино қад кўтарганидан беҳад қувонди. Мадрасаи

хоним ҳужраларига зарб қилинган турли-туман нақшлар ҳайратига ҳайрат қўшди. Ташқарига чиқиб, қўш иморат — гоҳ ўзи қурдирган жомеъ масжиди, гоҳ Мадрасаи хонимга тикилаётган хоқоннинг юзидаги табассум бирдан қаҳрга айланди. Арзбеги — раъият вазирининг сўзларини эслади: «Олампаҳо, жомеъ масжидининг айвони Мадрасаи хоним айвонидан паст бўлиб қолган, сабаби Муҳаммад Жалд, саркор Хўжа Довуд қурилишга ажратилган ақчанинг кўпини жигилдонларига уриб юбориб, пишиқ гишт, сиркор кошларни етказиб беролмабди. Иш ҳақи берилмаганидан кўпгина усталар ишни ташлаб кетишибди. Муҳандис Мансур Нодир сирли тарзда йўқ бўлиб қолди, кейин билсак, Жалд билан ораларида гап қочган. Жалд ул бечорани чамаси йўқ қилдириб юборган. Бу нобакор бир неча бор тавба қилди, лекин барибир қора ишларидан қайтмади...»

Чиндан ҳам Мадрасаи хоним жомеъ масжидига қараганда улутвор, маҳобатли эди. Амир Темур ёнидаги вазирга қаради:

— Жомеъ мубоширини, саркорларни чорланг.

Шу атрофда юрак ҳовучлаб юрган икки мартабадор Соҳибқироннинг оёқлари остига ўзларини ташлади. Султон заҳарханда қилди.

— Иллоти бор одамнинг оёғи қалтирармиш, иккинги ҳам ўз гуноҳингни биласан.

— Султоним, фақирни кечиринг, — йиғлаб хоқоннинг тиззаларини қучоқлади Жалд. — Кечиринг...

Амир Темур оёқларини тортди.

— Масжид айвонининг Сароймулкхоним мадрасасидан паст бўлиб қолгани бир гуноҳинг, кечирилмас гуноҳинг эса жамғармани елга совуриб иморат қурганинг, уста, наққош, муҳандисларни қийноққа солганинг. Сен нобакор ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолади, деб ўйладингми? Қингир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Мен ҳукмронлик қилаётган мамлакатда сендай ҳаромхўрлар кўзини ўйиб, қўллари, оёқларини кесмоққа рухсат берганман! Гуноҳларинг сени олий жазога мустаҳиқ этади.

Хоқон қалт-қалт титраётган Довудга тикилди. У кўзларини олиб қочди.

— Ожизалар — ҳаёт чечаклари, сен эса аларни хурлабсан! Ноинсоф! Сенинг ҳам мисинг чиқди. Сен хўрлаган бокира қиз кимнингдир оиласини гуллатувчи келин бўларди. Эсиз... Сендан дор ҳам ҳазар қилса керак...

Ўша куни Кониғилда дор тикилди. Самарқанд аҳли дарёдай оқиб келди. Жарчи бор овозда жар солди:

— Одамлару одамлар, боғда пишган бодомлар, эшитмадим деманглар. Жалд деган бир казоб...

Амирлар, вазирлар ва бошқа амалдорлар жамулжам бўлгач, ҳукм ўқиб эшиттирилди:

— Аҳли Самарқанд! Жомеъ масжидига ажратилган жамғармани беҳуда совуриб, кайфу сафо, ишрат билан машгул бўлиб, бир неча бечоранинг умрини хазон қилганлари ва қурилишда йўл қўйган қусурлари учун жомеъ мубошири Муҳаммад Жалд ва саркор Хўжа Довуд дорга осилсин. Мол-мулклари мусодара этилсин...

Оломон бир гувранди. Ўзаро пичир-пичир бошланди.

— Жазосини олсин-да, егандан кейин қусмоқ ҳам керак!

— Ие, — иккинчиси қўшилди — сизникини ебдими, бола-чақаси бордир бояқишнинг!

— Ўчир-е, бола-чақаси бор эмиш! Бурининг боласи бури булади. Ҳазрат Мансур Нодирнинг қотиллари мана шу казоблар-ку!

Жаллодлар айбдорларни дор остига етаклашди.

Дор...

Ҳаёт ва ўлим шарпаси.

Умрнинг энг сўнгги дақиқалари...

Бўйнига бир неча дақиқалардан сўнг арқон солиниши, умр шами сўнишига оз қолганини сезган Жалднинг кўзларига муҳандис Мансур Нодирнинг танасидан узилган қонли боши кўриниб, ингради...

Масжиди жомеъининг асосий ишлари тутагач, бир кун Жалд бош муҳандис Мансур Нодирни ҳузурига чорлагтирди. Бош муҳандис ўз ишининг устаси, моҳир, эл ичидан чиққан хокисор инсон эди. У Жалднинг: «Масжиднинг ҳеч қаерида носоз жойи, камчилиғи йўқми?» — деган саволига бироз сукут сақлаб, соқолини тутамлаб жавоб қайтарди.

— Камчилиги бор, Жалд жаноблари.
— Нима?! — сапчиб урнидан турди Жалд.
— Жомеъ масжидининг айвони Сароймулкхоним мадрасаси айвонидан бир оз паст бўлиб қолган.

Жалднинг юзларига қон тепди. Ҳиздан бир неча ёш катта бош муҳандиснинг ёқасидан олди.

— Сенинг кўзларинг қаёқда эди, кўрмидинг?! Сени нега бош муҳандис қилиб тайин этганмиз, кўрнамак?

Мансур Нодир ёқасини бушатди. Кўзлари пирпираб, титраб кетди.

— Аввало мен кўрнамак эмасман. Қаерда бўлмасин тузимни ҳалоллаб еганман. Кўрнамак деб сенга ўхшаганларни айтадилар. Нега эмиш? Соҳибқирон топширган ақчаларни ойлаб сангтарош, наққошларга бермаган, пишиқ гишт, сиркор кошинларни етказолмаган ким, менми? Бир ой усталарни мажбурлаб ўз уйингда ишлатдинг, масжидда тайинли иш бўлмади. Олтину жавоҳир сенинг илкингда эди, менда эмас! Мен ҳар бир қадамим учун жавоб бераман! Қолганига сен бошинг билан жавоб берасан!

Муҳандис Жалдга қараб бош чайқади ва шахд бурилиб чиқиб кетди. Унинг орқасидан Жалд тишларини гичирлатди:

— Демак, ҳамма бало менинг бўйнимда экан-да. Йўқ, бунақаси кетмайди, ҳисоб-китоб дафтарини, унга қўшиб барча сир биладиган кимсани асфаласофинга жўнатаман.

Эртаси куниёқ Жалднинг одамлари шаҳар четига овлоқ жойда муҳандисни ушлаб, қўл-оёғини боғлаб олиб боришди. Унинг қўйнидан чиққан ҳисоб-китоб дафтарини Жалд қўлига олди. Заҳархандали кулди. Қамчи билан муҳандисни туртди.

— Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Сен, гадобачча, Соҳибқирон келгач, бор айбни менга тункамоқчимидинг? Йўқ, йўқ! Энди ҳамма гуноҳ сенинг бўйинингда дорулбақога кетажак.

Бош муҳандиснинг бирорта мўйи қимирламади ҳам.

— Мен дорулбақога кетишдан қўрқмайман. Илло, эртами-кечми бир кун ҳамма-мизнинг борар жойимиз ўшал манзил. Афсуски, жонимни сендек ифлос олаётганига ачинаман. Шуни унутма! Хоқон қадами бу ерга етгач, албатта бошинг кетади. Зор қақшаган усталар хуни тутади сени. Мен эса борар манзилимга пок бўлиб, покиза бўлиб борурман, иншооллоҳ!

Жалднинг кўз олди қоронгулашди. Бир зумдан сўнг ўзига келиб, бўкирди:

— Йўқот, кўзимдан йўқот!

Исфаҳоний қилич бир кўтарилди. Муҳандис бир нафаслик муддатда Оллоҳга муножот қилди:

— Халлоқи олам, ўзинг бандам дегайсан!

Жалднинг йигитлари калла билан танани қопга солиб, ўша атрофда кўмиб юборишди.

Тунлари танасидан узилган калла Муҳаммад Жалдни таъқиб қиларди, гоҳида у ўзича гапириниб қоларди:

— Устаю наққош хуни тутади сени, хуни!..

Дор остида турган Жалднинг назарида бўйнига арқонни жаллод эмас, бош муҳандис Мансур Нодир солди.

Шу ондаёқ арқон тортилади, Жалд жон аччигида бўкирди...

Сўнг, навбат Хужа Довудга етди...


Ўша куни то тонггача эзиб ёмғир ёғди. Субҳидамда, қуёш эндигина мўралаганда Кониғилга қизини сўроқлаб келиб қолган Зулайҳонинг онаси Довудни таниди. Пажмурда тана шамолда тебранарди. Она қаҳ-қаҳ уриб кулди. Бирдан кулгудан тўхтаб, ўкириб-ўкириб йиғлади. Жонсиз танани силкитди:

— Зулайҳомни топиб бе-е-е-ер!..

Кейин у чор-атрофга маъносиз кўзлари билан тикилди. Тиз чўкиб кўкка нола қилди:

— Жонимни ол, Танграм!..

Кўкда эса қўшлар вижир-вижири янада авжига чиқар, анвойи чечаклар бўйини насим қайларгадир учириб кетар, Кўҳак ҳамишагидек олдинга интилар, ҳаёт чархпа-лаги ҳеч нарса бўлмагандай бир маромда айланар, айланар эди...



Раъно Муллахужаева

ШАВКАТ РАҲМОН ШЕЪРИЯТИНИНГ ҶОЯВИЙ- БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



«Энг қайгули шодлик — шоирликдир. Қолган ҳаммаси бекор. Ҳатто ўлим ҳам», деб ёзган эди машҳур испан шоири Федерико Гарсиа Лорка. Шавкат Раҳмон шеърятини ўрганиб, унинг қисматини англаб, бу гапларнинг ҳақлигига қаттиқ ишонасан киши. Инсон руҳиятининг энг юксак интилишларини англаб етишга уриниш жараёнида яратилган Шавкат Раҳмон шеърлари шоирнинг бахтию бахтсизлиги эди. У жуда қисқа умри давомида XX аср ўзбек шеърятини хазинасидан муҳим ўрин эгаллаган асарлар қолдиришга улгурди. Дунёнинг, яшашнинг моҳиятини чуқур англади, кўнглининг ҳеч ким етолмас сарҳадларига назар

ташладан чўчимас ва, муҳими, буларнинг ҳаммасини ўзгаларга англатиш илинжида яшади, ижод қилди. У илк шеърларидаёқ яшамоқлик заруратини фақат ўзигагина хос тарзда теран англаб етган эди:

Яшамоғим зарур
ҳар дақиқани
газаб билан, севги билан тўлдириб,
дунёдаги барча қора нарсани
ёруғ лаҳзаларда ўлдириб.
Тоқим бош кўтариб қарай кўёшга,

токим кўзларимда ёнсин ҳақиқат
токим тош мисоли тегмасин бошга
мен яшай олмаган
ҳар бир дақиқа.

Шавкат Раҳмон шеърларининг тасаввур сарҳадлари жуда кенг эди. Рух манзараларини тасвиру талқин этган шеър изтиробнинг меваси, согинчу армоннинг маҳсули, севги ва нафратнинг намоиши сифатида дунё юзини кўради. Шоирнинг ўз сўзлари билан айтганда, «тобора вужудини парчалаб, тобора ўсаётган руҳи, тобора катта очилаётган кўзлари» уйғоқ дарёларни, гуллаётган тошларни кўради... Ватан, севги нафасига айланар экан, овози бағрини куйдириб учади. Шоир ҳар бир нарсага, дунёга ишқ орқали назар ташлай билади. Зеро, унинг бу сергалва, фоний дунёда топган ягона таянчи Ишқ. Ундан бошқа нарсаларнинг ҳаммаси бекор:

*Фақат ишқ...
Фақат ишқ...
Бошқаси сароб,
Бошқаси шамолнинг оний сурони...*

Агар биз нафақат Шавкат Раҳмон шеърлари, балки унғача бўлган бир неча юз йиллик шеърятимизга теран назар ташласак, чинакам шоирларни бу дунёда ушлаб турган, улар ижодининг мағзини ташкил этган нарса ишқ эканига амин бўламиз. Зеро, улар тирикликнинг моҳиятини ишқ орқали англай биладилар. Айнан ишқ уларни ҳақиқат сари бошловчи, комилликка элтувчи туйғу эканини ҳис қиладилар. Ҳазрат Алишер Навоий ишқ ҳақида сўзлаб туриб, шундай дейдилар:

*Кимки бу куймак анга одат дурур,
Дунйаю уқбода саодат дурур.*

Ишқ орқали англаган дунёни комилликсиз тасаввур этиб бўлмайди. Дунёнинг ўзи ҳам мукамал уйғунликдан ташкил топган. Инсон унинг бир бўлаги сифатида камолотга етишмоғи лозим. Шавкат Раҳмон ижодида ҳам ана шу комилликка интилиш хусусияти ўзига хос тарзда намоён бўлади:

*«Камолот — абадий,
Камолот — чексиз...»
Аммо Камолотнинг йўли равонмас —
соддадил йўловчи арчалар, мана,
таажжубда юрардилар агар роҳ бўлса,
сира турмасдилар юксақда эпсиз...*

Шу шеър воситасида шоир шеърятининг яна бир қиррасига назар ташлашимиз мумкин. Бу қирра шоирнинг табиат лирикасидир. Маълумки, бадий тафаккур тараққиётининг барча босқичларида ижодкорнинг турмуш воқеа-ҳодисаларига ва жамиятга муносабати билан бир қаторда, табиатга муносабати ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Айниқса, озод руҳ, эркин туйғулар эгаси бўлган шоир учун сирлар макони, имконлар макони бўлган табиат, энг аввало, «эрк салтанати, ҳурлик таянчи» (И. Ҳаққул)дир!

Шавкат Раҳмоннинг табиатга мурожаат қилишида, ундаги ҳар бир ҳодисани шоирона нигоҳ билан кузатишида ва уларни руҳияти билан омухта бир тарзда шеърларига кўчиришида жуда чуқур рамзийлик бор. Бу қайсидир маънода ўзликни англаш, руҳни камол топтириш йўлидаги изтироблар билан уйғунлашиб кетади:

Гўё кўёш парчалангандай...
Ғарқ қилади одамни фараҳ
Ҳар баҳорда менга эринмай
Яшамокни ўргатар дарахт.

Шоирга яшашни жамият, атрофидаги одамлар эмас, балки дарахт ўргатади. Ҳа, фақат жуда тоза, соф, бокира қалбгина табиатнинг фарзанди бўла олади. Табиатнинг кўплар кўра олмайдиган қирраларига нигоҳ ташлайди. Ундаги ҳар бир ҳодиса, ҳар бир ўзгариш қалбини ларзага солади, гоҳ фараҳ бағишлайди, дардига малҳам бўлади. У бемалол ўзини дарахт қиёфасида кўради, унга аҳволини мослаб туриб, ниятини ошкор этади:

*Ўсаётган
Кучли дарахтман,
шохларимда пишар сўзларим,
уйчан кузак келгувчи йўлга
икки тоғдай боқар кўзларим.*

Шеър — кайфиятнинг бир зарбдаги ифодаси. Шоир қалби ўзининг яшаш тарзидан қониқиб-қониқмай яшайди. Эҳтимол, шунинг учундир, «ўсаётган кучли дарахт»га дўнган қалб энди «узумнинг йиғлаши»га ҳавас қилади, мукамалликни унда кўргандай бўлади:

*Поёни йўқ куз оғушида
Қандай гўзал йиғлайди узум!
Шундай бўлар ҳақиқий йиғи,
кўриб қўйгин,
эй ношуд кўзим!*

Бу тасвирлар шунчаки манзаралар қизиш ниятида битилмагани аён. Улар руҳнинг орзу-истаги, дарди-армони билан омухта бир кайфиятнинг маҳсули. Зеро, Шавкат Раҳмон кўнгил шоири эди. Ижодкорнинг руҳи, туйғулари қанчалар чуқур ва теран бўлса, у яратган асарлар ҳам китобхонга шу қадар чуқур ва теран ҳолда етиб боради. Баҳору куз билан безанган, уларнинг дунёси билан тўлиб-тошган, гоҳ қувониб, гоҳ ўртаниб шоир шеърини учун табиатдан танлаб олган қиёсларнинг, ташбеҳларнинг жами бадий замин эди, холос. Бу ташбеҳлар замирида муҳим мақсад, асосий гоё ётарди. Эҳтимол, айнан шунинг учун ҳам Шавкат Раҳмон шеърини гўзал шеърини дидир.

*Куйлолмадим
япроқлар каби,
куруқ шохдай титрар овозим —
сўлиб қолди баҳорим тагин,
сўвга чўқди яна бир ёзим.*

Инсон, айниқса, ижодкор халқи ҳеч қачон ўзидан қониқмайди. Умрнинг елдек шошиб ўтиши, инсоннинг эса катта ишлар қилиш имконининг чегараланганлиги ушбу «Армон» шеърида акс этар экан, шоир баҳор, ёз, куз, қиш фасллари манзараси воситасида гўзал асар яратади. Бу шеър қайсидир жиҳатлари билан Алишер Навоийнинг «Ўтди умрим нақди гафлат бирла нодонликда ҳайф» деган мисраларини ёдга солади.

*Кузак келди
бағримни доғлаб,
қўлин чўзди гиёҳга, гулга
сайрадилар сўнг бора, боғлар
тўлиб қолди улик булбулга...*

Куз ҳақида шеър ёзмаган шоир зоти бўлмаса керак. Ҳижроннинг, армоннинг, бахту бахтсизликнинг ташбеҳлари бўлиш билан бир қаторда, камолотнинг тимсолини ўзида яширган куз Шавкат Раҳмонни ҳам бефарқ қолдирмади:

*Ҳувиллаган сариқ водийда
қариган куз ётади беҳол —
кўзларига осмонни жойлаб,
улса бўлар энди бемалол...*

Кузнинг келиб қолиши кимнидир чўчитади, кимнидир ўзгача кайфиятга солади. Шоирнинг ҳеч кимда учрамайдиган, ўзигагина хос тасаввурларининг бундай манзараси қуйидаги шеърда ифодасини топади:

*Бобочинор сергак мудради
кар, вайсақи шериги билан.
Аллақайдан келди судралиб,
кузак — худди уч сариқ илон...*

*Гижирлайди безовта чинор,
огоҳ этиб шовиллайди: ку-у-з,
аммо учта сап-сариқ илон
оғочларга ўрларди, афсус.*

Шавкат Раҳмон шеърларида табиат бағридан танлаб олинган яна бир гўзал тимсол — тоғ. Тоғ шоирнинг жуда юксалиб кетган қалби, руҳининг изтиробу қувончларини ифодалашга восита бўлиши билан бирга, томирида гупуриб оқаётган Ватани эди. Шунинг учун бўлса керак, шоирнинг илк шеърларидан то энг сўнггисигача тоғлар у билан бирга яшади. «Ўшкент лаҳзалари»даги «Оқ чўққилар...» ўзга дамда хўрсиниб яшадилар:

*Тоғ хўрсиниб юборди оғир —
водийларга югурди шамол,
юзларини яширди ҳилол.*

*Тоғ хўрсиниб юборди оғир,
теран хобдан уйғонди юрак,
тоғлар каби хўрсинмоқ керак.*

Шоир энг сунгги нафасигача тоғларга талпиниб яшади, огир дамларида тоғлар берадиган кайфиятдан мадад кутди:

*Нодиражон, Шоиражон,
танам қимир этмайди,
олис-олис воҳалардан
тоғларимни чақиринг...
... боринг, қорли тоғларга:
бир шоир ётибди, денг,
Худонинг ҳовлисида...
Осмон тўла ҳаволар
фақат менга етмайди...*

Буларнинг ҳаммаси Ватанга, туғилган заминга боғланганлик, ундан узиллолмаслик, бир сўз билан айтганда, муҳаббат эди. Шоир ватанини юракнинг энг чуқур тубларига жойлаб сева билди:

*Жойлашгансан шунчалар чуқур
Ўз тубига яширган юрак
Сенга етиб боргунча, менинг
Ўзун умрим етмаса керак.*

Инсоннинг қалби ҳақидаги ҳар қандай китоб ўқилишга муҳтождир. Шубҳасиз, у инсон ҳақидаги билимдир. Бу билимдан бебаҳра яшаш Инсон ўз исми билмай яшаши билан баробар. Бу билимдан бебаҳра яшаш — ёвузлик билан ёнма-ён яшашдир. Бу фикрларни Шавкат Раҳмон шеърларига нисбат бериб айтиш ҳам мумкин. Шоир Усмон Азим таъбири билан айтганда, у инсон яшаши мумкин бўлган энг баланд пардаларда яшади. У дунёни юксак ўлчовлар билан ўлчади.


Шоир бир шеърда шундай ёзган эди:

*Мендан нима қолур
Абадий нурлар
Барқ уриб яшаган дунё томонда?
Уриниб-суриниб, сира тўлмаган
Бир кўнгил қолади
қолса ҳам мендан.*

Ҳа, Шавкат Раҳмон бу дунёга ўзининг энг азииз нарсасини – кўнглини қолдирди. Шоир гўё ўзининг фожиали қисматини аввалроқ англагандай ва унга ўзининг исёнини тушунтиргандай эди:

*Энг бахтиёр лаҳзаларда ҳам
Унинг сокин исёни сўнмас
Туғилмаган шунчаки асло,
У ҳеч қачон шунчаки ўлмас.*

Шавкат Раҳмон шунчаки яшамади, ўртанган кўнгилларни, титраган юракларни, нурга талпинган руҳларни тўлдириб, ёритиб яшади.



Бу куннинг гами

Жамила Сайфиддинова

ХАЛҚ ИРОДАСИ ЕНГИЛТМАСДИР

Мустақиллик ҳар қандай халқ, элат ва миллатнинг табиий қонуний эҳтиёжи, олий мақсади демақдир. Зеро мустақиллик иймон, эътиқод, миллий қадрият, маънавият ва маданият, маърифат, дин-диёнат озодлиги, давлатнинг миллий чегараси, иқтисодий, сиёсий ва маънавий дахлсизлигидир.

Мустақиллик — муайян давлатнинг ички ишларига ҳеч кимнинг аралашмаслиги, миллий тилнинг давлат мавқеига эга бўлиши; миллий армиянинг ягона бўлиб бошқаларга бўйсунмаслиги; ҳудудидаги барча — ер ости ва усти бойликлари, шунингдек унга тегишли чегара осмоннинг дахлсизлиги; ташқи дунё билан ҳар қандай алоқа ва муносабатлар эркинлиги, миллий валютага эга бўлиши каби муайян халқ ва давлат манфаати учун хизмат қилувчи бошқа омиллардан иборатдир. Халқ ва давлат мустақиллигининг туб моҳияти, маъноси, мазмуни ва фалсафий мантиқи шуни тақозо этади.

Озодлик, мустақиллик ўзбек халқининг азалий орзуси эди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов тарихчи олимларимиз диққат-эътиборини: «Чор Россияси юртимизни босиб олиб то биз давлат мустақиллигимизни қайта тиклагунимизга қадар ўтган давр ичида... айниқса Шўролар ҳукмронлиги йилларида халқимиз ташқи дунёдан бутунлай узиб» қўйилгани, «етмиш йилдан ортиқ даврда бошимиздан қандай маънавий, маданий тазйиқ, хўрликлар кечганлигига қарамасдан... миллатимиз ўзлигини сақлаб қола олганлиги»¹га тортиб, буни алоҳида таъкидлаб кўрсатди.

Мустамлакачилик ва миллий зулм, қиргинбарот ва йўқчилик, таъқиб исканжасида ҳаёт кечириб келган халқ учун мустақилликка ва озодликка эришишдан ортиқ бахт бўлмаслиги табиий. Чунки мустамлака шароитида қолган мамлакатда маҳаллий аҳоли кадр-қиймати топталиши билан бирга, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тараққиёт сустланади, ривожланиш бир томонлама бўлади. Маънавият ҳукмрон мафкура талабларига мажбуран бўйсундирилади. Ижтимоий адолат талаблари қўпол равишда бузилади.

Лекин, алоҳида айтиш лозимки, мустақиллик йўли ҳеч бир мамлакатда равон, тептекис бўлган эмас. У ниҳоятда мураккаб, оғир, зиддиятли тарихий жараён бўлиб, кураш ва қон билан қўлга киритилади.

Халқимизнинг мустақиллик, эрк учун кураши узоқ қадимиятга бориб тақалади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги халқимиз олиб борган узоқ ва сермашаққат курашларнинг қонуний натижасидир. Тарихдан маълумки, халқимиз эркинликни ва мустақилликни, қарам бўлиб яшашдан кўра жон беришни афзал билган. Шу боис, юртимизга қилинган ҳар бир тажовузга ажодларимиз ўзининг муносиб жавобини берган, жумладан Эрон Ахмонийлари, Юнон-Македонияликлар, ундан кейин араблар ва мўғул-татарларнинг истилочилик ҳаракатларини ёдга олиш kifойадир. Бундай босқинчиларга қарши Тўмарис, Широқ, Фрада, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий ва бошқа фидойи инсонларнинг Ватани-

¹ И. Каримов «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», Т., «Шарқ» 1999, 28-б.

миз, миллатимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида кўрсатган мислсиз жасоратлари миллий истиқлол гоёсининг вужудга келишига даъват этади.

Мустақиллик гоёси миллатнинг эътиқод ва иймонига айланмоғи зарур. Чунки, гоёвий-сиёсий дунёқараши уйғоқ, иймону эътиқоди басаломат халқни миллий зулм асоратида сақлаш мумкин эмас. Шу боисдан ҳам Россия мустамлакачилари қарийб 135 йиллик ҳукмронликлари давомида улкамиз халқлари ўртасида руслаштириш сиёсатини олиб бордилар, халқимизни тарихидан, тилидан жудо қилиш йўлини тутдилар, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият байроғи остида миллий урф-одатларимиз, ахлоқ-одоб ва маданиятимизга хуруж қилдилар.

Таниқли турк адиби Зиё Кукалп: «Тарих ва ҳозирги куннинг бу шаҳодатлари бизга шуни кўрсатадики, бугун Европада миллий виждонга эга бўлмаган ҳеч бир қавм қолмади. Шунга кўра Европанинг ҳеч бир ўлкасида мустамлака таъсис этишга имконият йўқдир.

Ислол дунёсида ҳам эндиликда мустамлака ҳаётга чек қўймоқ учун мусулмон қавмларида миллий виждонни қаноатлантирмоқдан бошқа чора йўқдир... Чунки, ҳар қандай тараққиётнинг манбаи миллий виждон бўлгани каби миллий мустақилликнинг туғиладиган жойи ҳам, таянчи ҳам ана шудир», — деган эди.¹

Миллий мустақиллик учун кураш айниқса Чор Россияси Туркистонни маҳв этгандан кейин авж олди. Туркистонга қизиқиш Рус давлатида Пётр I ҳукмронлиги давридаёқ бошланган эди. Тарихдан маълумки, Пётр I даврида ўзбек хонлиқларини босиб олиш учун қилинган юришларнинг бари муваффақиятсиз якунланган. Аммо Пётр I ҳукумати ўз ниятидан қайтмади. Чор ҳукуматининг Туркистонга қарши босқинчилик юришлари Пётр I сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.

Россия босқинчиларининг чексиз ёвузликларига жавобан халқ оммасининг озодлик, миллий мустақиллик учун кураши кучайиб борди. Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ҳам халқимизнинг мустақиллик учун доимий ва тинимсиз интилиб, курашиб келганидан гувоҳлик беради. XIX аср охири ва XX асрнинг 30-йилларигача бўлиб ўтган қўзғолонлар бунинг яққол далилидир.

Улар қандай аниқ тарихий сабаблар ва баҳоналар асосида келиб чиққан бўлмасин, қандай шиорлар остида ўтказилмасин, халқнинг барча ҳаракатлари замирида мустақиллик ва эркинликка интилиш этади. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви бутун халқлар ва замонларнинг объектив тарихий қонуниятларига мос келади. Маълумки, қадимги асрлардаёқ Европа ва Осиёда ҳам буюк империялар жуда катта куч-қудратга эришдилар (масалан, Рим империяси). Бироқ уларнинг бари халқларнинг миллий-озодлик ва мустақиллик учун доимий олиб борган курашлари натижасида қулади. Бу тарихий жараён XX асрда, айниқса тезкор ва кенг қамровли хусусият касб этди. Миллий-озодлик ҳаракатлари зарблари остида ўтмишдан қолган империялар парчаланди. Осиё, Африка, Лотин Америкасининг кўпчилик халқлари эса ўз давлати мустақиллигига, истиқлол ва эркинликка эришдилар.

Шу маънода, ер шарида сўнгги кўп миллатли империя ҳисобланган СССРнинг парчаланиши тарихий тараққиётнинг муқаррар ва қонуний натижаси бўлди. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ҳам худди шундай, унинг бутун тарихий тараққиёти натижаларидан келиб чиқадиган объектив ва қонуний ҳодисадир. Турли мамлакатларнинг тарихи халқларнинг ўз мустақилликлари учун курашини акс эттирувчи фожиали саҳифаларга бой, улкан жасорат, қаҳрамонлик, Ватан озодлиги учун ҳаётини қурбон қилишдек астойдил ватанпарварлик ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам Ўзбекистоннинг ҳақиқий фарзандларига хос хусусиятдир.

Янги мустақилликка эришган давлатимиз ўша ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган тажрибаларга, аждодларимиз анъаналарига, урф-одатларимизга, маданий-маърифий ёдгорликларга суянган ҳолда иш олиб бормоқда. Аждодларимиз биринчи навбатда халқ фаровонлиги, мамлакат ободлиги ва озодлиги, салтанат раўнақига эътиборни қаратганлар.

Мустақил мамлакатимиз ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, уларни, ижтимоий аҳволи ва миллатлараро тотувлик, қонунга оғишмай амал қилиш, ишончли таъминланадиган демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил ва олға қараб бормоқда.

¹ Зиё Кукалп. «Туркчилик асослари». Т. 1994., 60-бет.



Отабек Рустам

ЎМЛАҒАН
ЧЕЧАКМИ,
ЎМИДМИ
БИЛМАМ...

Кеча ярми...
дилдираб қақшаган
вужудлар кезар...
Одам борми...
оғриниб қарашган
туйнуқлар безар...

Гичирлаб гоҳида очилса эшик,
Совуқнинг димоғи ичкари учар.
«Биз йулга ҳозирмиз. Қани бўл, кетдик!»
Дегандай, изгирин жуссани қучар.

Недир кетмоқ? Кунми? Қувган армонми?
Илиқ хоналарда, ахир, ошналар.
Эзилган ҳордиқдир, остонададир
Аламин йулакдан олган пошналар...

Пайдо бўлмас сурат — шаклимиз бирдан,
Ирмоқлар инади чўққидан аста.
Ой тулишар — кунмас ун бешта тундан,
Лек, ҳамон соғаймоқ истади хаста.
Пайдо бўлмас сурат — шаклимиз бирдан...

Гуллаган чечакми, умидми билмам,
Сенинг ҳам, менинг ҳам, ҳасратларим бор.
Фируза осмоннинг сарҳадин курмам,
Учмоқ бор-ку, учмоқ, само нега тор?..
Гуллаган чечакми, умидми билмам?!..

Ҳамма нарса эски, кўҳна, абадий,
Шеърим ҳам янгилик эмасдир, асло.
Туғилмоқ дунёвий, улмоқ уқбовий,
Билган кашфиётим ҳозир шу, аммо...
Ҳамма нарса эски, кўҳна, абадий...

Шаҳар. Қиш

Кечиккан қаҳратон гафлатда қолди,
Илиққан кунларга илиқди шаҳар,
Араз қилдию чарх, тескари солди,
Энди шомлар узра туғмоқда саҳар.

Тушмаган совуқлар йулдан адашди,
Қор тутган дарахтлар қолди яланғоч.
Амалсизлар буни кўклам аташди,
Чечаклар очилмагай, оғочлар оч.

Изғимас шамоллар сочини юлди,
Сабрдош маъсумадай кутар дераза.
Не исм берилар ёр? Ким кимдан кулди?
Чарх билар... Лек, ҳамон само фируза!..

Шаҳар. Баҳор

Куклам буй курсатар шаҳарга аста,
Яшилликка буркар дов-дарахтларни.
Зангори тилаклар йиғилган пайтда,
Четлаб ўтаверар, гунг-карахтларни.

Жоним... Ёмғир эса ёғади тинмай,
Мен кеча дардимни тўккан шаҳарга.
Изларинг йиғлайди, йўлакка сигмай,
Кўчалар изиллаб чиқар саҳарга.

Оқшомлар чўқади, сабоҳлар отар,
Бехос шовқинлардан ҳорган шаҳарда.
Кимлардир бешак кимнидир сотар,
Баҳори зорланиб келган шаҳарда.

Муҳаббат ҳақида икки шеър

I

Зулумот қаърига синган бу дунё,
Ошиқ умрин юлиб кетарлар кунлар.
Ўзингни суйдирган ҳуснингмиди ё,
Ёруғ бўлолмаган карбало тунлар.

Мажнун-ку маъшугин қабрида йиғлаб,
Қовушдим, дедию, жон қилди таслим.
Қучиб йиғлай десам, бағримни тиглаб,
Қабринг билмаганим ўзи бир тилсим.

Қайси бир гушада гул тутган жаҳон,
Бусани муҳаббат рамзи дер, эй воҳ!
Бўстон булолса ҳам, бу севги шу он,
Лек, кунгулга асло бўлолмас паноҳ.

II

Кўчалар сокиндир, кўчалар гавжум,
Кўнгуллар савдодир, кўнгуллар гижим,
Хаёллар ниҳони, хаёллар оҳи —
Севишмоқ...
Айрилиқ субҳи сабоҳи!..

Кузатган илинждир, кутган ҳам илинж,
Кулгичлар орзиққан заъфарон севинч,
Йиғлаган соғинчдир, ўртанган соғинч —
Севилмоқ...
Ошиқнинг сунгги даргоҳи!..

Кўкон.

*Отабек Руқиям — кўконлик. Ўша ерда яшайди, ўша ерда
иждо қилади. Ўш шоир шеърлар ёзиш билан бирликда, Кўкон
адабий муҳитига дахлдор илмий кўзатувлар ҳам олиб бормоқда.
Кўнгида шоирлик тўғриси бағанд. Ўшбу биттиклар — еш
шоирини журналда илк бор тўқатган шеърларидир.*

Мундарижа

БУ КУННИНГ ГАПИ

Баходир Абдурахимов. Санъат ва бу куннинг талаби	3
Жамила Сайфиддинова. Халқ иродаси енгилмасдир	156

НАЗМ

Минҳожиддин Мирзо. Юлдузлар энтикди кўкда мўлтираб	7
Курбон Муҳаммадризо. Ишқдан нишон бўлди бугун	9
Султон Жаббор. Соғинчдан дил ўртаниб	11
Ойгул Суяндиқова. Умид дунёсида туғилди ҳайрат	39
Шамсия. Хаёлдай хур яшасин жисминг	41
Хусниддин Шарипов. Қалтис юриш. <i>Достон</i>	58
Энахон Сиддиқова. Аҳли аёлингни асрагил, элим	81
Мухтарама Туркой. Рухим япроқ каби тушар титроққа	83

НАСР

Жўра Фозил. Бухоро элчиси. <i>Хужжатли қисса</i>	13
Тоҳир Малик. Мурдалар гапирмайдилар. <i>Қисса</i>	104
Фарҳод Ҳамрожонов. Қатл. <i>Ҳикоя</i>	146

ДРАМАТУРГИЯ

Ўткир Ҳошимов. Қатағон. <i>Икки пардали фожа</i>	44
---	----

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ ЮБИЛЕЙИГА

Усмон Азим. Алпомиш. <i>Кинодостон</i>	64
---	----

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР

Дилором Абзалова. Бағрингиз энг нафис гулларга тўлсин	85
--	----

МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ

Абдурауф Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари	87
---	----

АДАБИЙ ТАНҚИД

Раъно Муллахўжаева. Шавкат Раҳмон шеърятининг ғоявий-бадиий хусусиятлари	151
---	-----

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Отабек Рустам. Гуллаган чечакми, умидми билмам	158
---	-----

Безовчи расом **Р. Кўнгинова**

Мусахҳиҳ **М. Йўлдошев**

● Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. ● Таҳририят ўз тавсиясига кура амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 29, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. ● Обунага монъелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 28.04.99 й. Босишга рухсат этилди 14.05.99 й. Қоғоз формати 70x108 1/16. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 5010 нусха. Буюртма № 3966

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,
700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41